

ЎЗБЕКИСТОН ССР ЁЗУВЧИЛАР СОЮЗИНИНГ ОРГАНИ

ОЙЛИК
АДАБИЙ-
БАДИИЙ,
ИЖТИМОИЙ-
СИЕСИЙ
ЖУРНАЛ

Бош редактор:
Эркин ВОҲИДОВ

Редакцион коллегия:

Саид АҲМАД,
Эркин АЪЗАМОВ,
Баҳодир ЖАЛОЛОВ,
Гулчеҳра ЖҲРАЕВА,
Андрей ДЕМЕНТЬЕВ,
Олимжон ИСМОИЛОВ,
Фёдор КАМОЛОВ,
Муроджон МАНСУРОВ
(бош редактор ўринбосари),
Омон МАТЖОН,
Хайриддин СУЛТОНОВ
(масъул секретарь),
Худойберди ТҲХТАБОЕВ,
Шароф УБАЙДУЛЛАЕВ,
Улмамбет ХҲЖАНАЗАРОВ,
Урие ЭДЕМОВА,
Ўткир ҲОШИМОВ.

(23)

1983

ЙИЛ

НОЯБРЬ



ТОШКЕНТ
Ўзбекистон ЛКСМ
Марказий Комитетининг
«Ёш гвардия» нашриёти

МУНДАРИЖА

Саъдулла **КАРОМАТОВ**. Езувчи сўзи — давр
виждони 3

НАСР

Саъдулла **СИЕЕВ**. Бир чора замон истаб. Қисса 6
Маматкул **ҲАЗРАТҚУЛОВ**. Қуёш мен томонда.
Ҳужжатли асардан лавҳалар 35
Мухтор **ХУДОЙҚУЛОВ**. Воқеий ҳикоялар 53

НАЗМ

Юсуф **ЖУМАЕВ** 32
Тошпўлат **АҲМАД** 52
Қамчибек **КЕНЖА** 61
Нафас **ДУСАНОВ** 62
Мухлис **ЖУРАБОВЕВ** 62

АДАБИЙ ТАНКИД

Усмон **АЗИМОВ**, Иброҳим **ҲАҚҚУЛОВ**. Истеъ-
дод — истиқбол демак 63

НАФОСАТ ЧАМАНИ

М. МЮНЦ. Уйғунлик 33

ПУБЛИЦИСТИКА

Ҳожиакбар **ШАЙХОВ**. Равшанлик 57

ОИЛА — ЖАМИЯТ КЎРКИ

Назиржон **РАҲИМОВ**. Бу — умр савдоси 69

СПОРТ

Мамажон **МУҲИДДИНОВ**. Тафаккур мўъжиза-
си 73

ЕШЛИКНИНГ АҚЛ ТИШИ

Ҳабиб **СИДДИҚОВ**. Қайта ишлаш. Ҳ а ж в и й
ҳ и к о я 78

Иўлдош **СУЛТОНОВ**. Акса уришларинг. Шеър 79

Яҳё **ТОҒАЕВ**. Оҳ, сен хаёл! Шеър 79

ТАБРИК ТЕЛЕГРАММАСИ

Тошкент,
Ўзбекистон ССР Езувчилар союзи
правлениесининг биринчи
секретари
ўртоқ Сарвар **АЗИМОВ**га

Ҳурматли САРВАР ОЛИМЖОНОВИЧ!

«Ешлик» журнали редколлегияси
ва ижодий коллективи ўзининг юз
минг сонли журналхонлари номидан
Сизни халқаро «Нилуфар» мукофо-
тига сазовор бўлган эгингиз ила му-
боракбод этади.

Нилуфар — яшариб келаётган
оламнинг энг кўркем, зебо, теран ил-
дизли бир гулидир. Зеро биз бу номда-
ги мукофот Сизга тиниқ ва беғубор
ёшлик нафаси келиб турувчи, ёшлик-
нинг ўзидек ёниқ асарларингиз учун
берилган, деб биламиз.

Нилуфар — гўзаллик рамзидир.
Зеро Сиз ёзган ва ёзаётган асарлар
ёшларимизни шу гўзалликни ҳис қи-
лиш руҳида тарбия қилмоғига имони-
миз комилдир.

Сизга Янги йилда янги ижодий му-
ваффақиятлар тилаб,

«ЕШЛИК» журнали ижодий коллективи

МУҚОВАДА:

Биринчи ва тўртинчи
бетлар: О. БОБОЖОНОВ. «Ленин
дахоси билан...»



Саъдулла
Кароматов,

Ўзбекистон ССР Ёзувчилар союзи
правлениесининг секретари

Ёзувчи сўзи — давр виждони

Африка мамлакатлари ёзувчилари уюшмасининг VII юбилей конференцияси бунини жаҳон халқларига яна бир бор намоён этди. Бу мамлакатларнинг сўз усталари чорак аср муқаддам Тошкентда йиғилган эдилар. Ушанда икки буюк қитъа халқлари мустамлакачиликка қарши эрк ва инсоний ҳақ-ҳуқуқлари учун курашга бел боғлаган эдилар. 1958 йилда бўлиб ўтган Тошкент конференцияси Осиё ва Африка мамлакатлари ёзувчиларини ягона фронтга бирлаштирди. Икки қитъа ёзувчилари уюшмаси вужудга келди.

Бугун, орадан чорак аср ўтгач, бу уюшма олиб борган катта ишларга назар ташласангиз, қалбингиз фахр ва ғурур билан тўлиб тошади. Империализмнинг мустамлакачилик сиёсатига қарши кураш алангаси машғалдек ловуллаб, енгилмас кучга айланди.

— Ўтган чорак аср мобайнида, — деб ёзади КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ Юрий Владимирович Андропов, Осиё ва Африка мамлакатлари ёзувчилари уюшмаси VII конференциясининг қатнашчиларига йўллаган табрик мактубида, — Осиё ва Африкада катта ижобий ўзгаришлар содир бўлди. Империалистик мустамлакачилик системасининг харобаларида мустақил давлатлар вужудга келди, бу давлатлар жаҳон сиёсатида тобора сезиларли роль ўйнамоқдалар.

Осиё ва Африка ёзувчилари ўзларининг конференцияларида бу ҳақда ифтихор билан гапирдилар ва жаҳон халқларига қарата қабул қилган мурожаатномаларида ҳаёт ва у билан боғлиқ бўлган ҳамма нарса: замон ва макон, қуёш ва ой, баҳор ва гуллар, адабиёт ва санъат — биз қадрлайдиган ва азиз билган нарсаларнинг ҳаммаси сизларни, жаҳон ёзувчиларини ер планетаси узра пайдо бўлган ҳалокат хавфини тугатишни баралла талаб қилишга ва бу йўлда бутун куч-ғайратни сарфлашга даъват этади, — дея хитоб этдилар.

Бу — адабиётнинг таъсир кучи нақадар монолит қудратга айланганининг яна бир ифодасидир.

Ниҳоят, рус адабиётининг улкан намояндаси Михаил Шолоховнинг жаҳон ёзувчиларига қилган мурожаати ҳам ана шундан далолат бериб турибди.

— Урушга қарши ёзувчининг қўлида, — деб ёзади Михаил Шолохов — жаҳонда энг қудратли, елғиз қурол — ҳақиқат бор. Умидсизликка тушмай кураш олиб бормоқ учун шунинг ўзи етарли. Бунинг устига барча тинчликсевар кишилар ва шулар қаторида қудратли сўз соҳиблари мана шу бош масалага ўзларининг бутун ақлу идроклари, виждон ва истеъодларини бахшида этсалар, кураш муваффақият қозонади... Ҳали кеч бўлмасдан тирикликни ҳимоя қилайлик!

Адабиётнинг обрў-мавқеи юксак даражага кўтарилган ва халқаро вазият тобора оғирлашиб бораётган ҳозирги пайтда биз — ўзбек ёзувчилари ҳам зиммамизда гоё катта ва масъулиятли вазифа турганини чуқур ҳис этмоғимиз керак.



Бугун бадий адабиёт куч-қудратга тўлиб, мавқеи шу қадар юксакликка кўтарилдики, эндиликда ер юзидаги бирон халқ ҳаётини адабиётсиз тасаввур этиш қийин. У халқлар орзу-истаклари, қувончу ташвишлари, дилидаги жамики ўйларининг чинакам мусаффо ойнасига, акс-садосига айланиб бормоқда.

Адабиёт инсонни эзгуликка бошламоқда, уни гўзаллик оламига олиб кириб, нозик туйғуларига таъсир кўрсатмоқда. Бадий сўз қалбларга кучли таъсир кўрсатиб, инсониятнинг эътиқод-муҳаббат рамзига айланиб бораётганининг сабаби ҳам шунда.

Яқинда Тошкентда зўр таътанга билан ўтган Осиё ва

Бугун адабиётнинг халқ ва Ватан, ер юзида тинчликни сақлаб қолиш, инсониятни ядро уруши хавфидан халос этишга кўмаклашишдан кўра муҳимроқ вазифаси бўлиши мумкин эмас. Биз ана шу оламшумул вазифаларни кўзда тутиб ҳолда қалам тебратишимиз, куч-гайратимизни, юрак кўри билан битилажак сатрларимизни ер юзидаги барча ёзувчилар билан баҳамжиҳат бўлиб, шу эзгу мақсадлар йўлида сафарбар этмоғимиз керак.

Ўзбек совет адабиёти қўлга киритаётган ютуқларга ана шу талаблар нукта назаридан қараганимизда ҳали олдимизда талай масъулиятли ишлар тургани аён бўлади.

80-йиллар умумсовет адабиётнинг ҳозирги йўналиши ҳам бизни ижодимизга бошқача ёндашишга даъват этмоқда. Бугун совет адабиёти мавзу жиҳатидан жаҳон халқлари олдида турган катта проблемаларни кенг кўламада қамраб олаётган ва истеъдодли ёзувчиларнинг гоёвий ва бадий етук асарлари дунё китобхонларини ҳайратга солаётган экан, ўзбек адиблари ҳам адабий жараённинг давр талаб қилаётган бу оқимидан четда қолмайдилар. Зеро ўзбек совет адабиёти умумсовет адабиётининг ажралмас қисмидир. Бугун қардош халқлар адабиёти тараққиётини рус адабиётисиз тасаввур этиб бўлмаганидек, рус совет адабиётига ҳам қардош халқлар адабиёти кўрсатаётган таъсирдан асло кўз юмиб бўлмайди.

Ҳозирги замон ўзбек адабиётининг қўлга киритаётган ютуқларини ҳеч ким инкор этолмайди. Буни Иттифоқ миқёсига чиққан китобларимизгина эмас, жаҳон халқлари тилларига таржима қилиниб, обрў-этибор қозонаётган асарларимиз ҳам яққол кўрсатиб турибди. Бу жиҳатдан атоқли адибларимизнинг кенг қамровли етук асарлари биз учун намуна. Шунингдек ҳозирги замон мавзуи адабиётимиздан муҳим ўрин олиб бораётгани ҳам қувонарли ҳолдир.

Кекса ва ўрта авлод изидан собит қадамлик билан келаётган ёшлар ижоди ранг-баранглиги, ўзига хос оригинал услуби, дадиллиги билан китобхон қалбидан мустаҳкам ўрин олмоқда. Яна бир диққатга сазовор томони шундаки, ёш ижодкорлар адабиётининг барча тур ҳамда жанрларида баравар қадам тебратмоқдалар, ҳозирги замон адабиётининг шакл ва услубининг сара жиҳатларини ижодий ўзлаштириб, асарларига сайқал бермоқдалар.

Бироқ айни вақтда баъзи ёш ижодкорларнинг асарлари китобхон қалбига етиб бормаётган, уни тўлқинлантирмаётганини ҳам тан олмоқ керак. Шошма-шошарлик билан ёзилаётган айрим асарларда фикр қашшоқлиги сезилмоқда. Баъзи асарлар саяз ва ҳеч кимга бирон янгилик бермайдиган сўзлар йиғиндисидан иборат бўлиб қолмоқда. Бу ҳол айниқса ёшлар поэзиясидан кўпроқ ўрин олиб бораётгани ташвишлидир. Айрим шоирларнинг шеърларида йиғлоқлик, тушқунлик оҳанглари ҳам пайдо бўлмоқдаки, биз бунга лоқайд қарай олмаимиз.

Назм — қалб ҳайқириги. Мазнавий бир зарурат билан ёзилган шеъргина баркамоллик кашф этади. Фикр ва мазмун теранлиги, кучли эҳтирос шеърининг асосий шартларидир. Қуруқ риторика, бирон маъно асangatмайдиган баландпарвоз сўзлар — шеърят кушандасидир. Қўлига қалам олиб, назм майдонига кирган ҳар бир ёш ижодкор буни дилига жо қилиб олиши, шеърятда ўзидан жилла бўлмаса бир-икки қадам олдида бораётган тенгдошлари ижодига синчковлик билан разм солиб, уларга ибрат кўзи билан боқиши лозим.

Ҳаммамизни бирдай қувонтириб келаётган ёш носирларнинг айрим асарларида ҳам қусурлар кўзга ташланиб қолмоқда. Баъзан ҳаётни чуқур билмаслик, баъзан мавзу танлашга эътиборсизлик оқибатида ҳиссиз, китобхон қалбига етиб бормайдиган, уни ўйлашга ундамайдиган хом-хатала асарлар ҳам пайдо бўлмоқда. Афеуски, бундай асарлар гоҳо вақтли матбуот, гоҳо адабий журналларимиз саҳифаларидан ҳам ўрин олмоқда. Бу асарлардаги қаҳрамонлар халқ хўжалигининг турли соҳаларида ишлаётган меҳнат кишилари. Бироқ уларнинг фаолиятида актив ҳаётий позиция, курашчанлик етишмайди. Кўпинча бу қаҳрамонлар муаллифнинг олдиндан белгиланган схемаси асосида ҳаракат қиладилар, бинобарин асарда яратилган образлар жонсиз, тирик одамнинг китобхонни ишонтирмайдиган модели бўлиб қолмоқда. Табиийки, бундай образлар чуқур фикрлашдан, муҳим муаммоларни ҳал этишдан, кучли ички кечинмалардан маҳрумдирлар. Бинобарин, уларнинг ҳаёти ва фаолияти китобхонга намуна бўлолмайди, дунёқарашларига таъсир кўрсатолмайди.

Қўлидан иш келиб, асарлари билан кўпчиликка манзур бўлаётган айрим ёш носирларимиз эса, катта ижтимоий масалаларни кўтариб чиқишдан чўчиқмоқдалар, турмушдаги майда-чуйда иқир-чиқирларни, одамлар орасидаги тор интим муносабатларни, қаҳрамоннинг ҳеч кимга ибрат бўлолмайдиган узундан-узоқ биографик тафсилотларини ёзишга зўр бермоқдалар. Шуниси ажабланарлики, айрим мунаққидлар бундай асарларни самимий ва ҳаққоний деб юқори баҳолаб, ёшларимизни чалғитиб қўймоқдалар.

Партиямиз Марказий Комитетининг июнь Пленумида айрим муаллифларнинг қалами ёрдамида омади келмаган кишиларнинг тақдири, турмушдаги ишқаликлари, қандайдир қаланги-қасанги, оҳ-воҳ чекувчи кимсалар биринчи ўринга чиқиб қолаётгани жуда одилонга таъжидлаб кўрсатилди.

Бундай асарлар ёзувчи актив позицияда туролмаслиги, унинг олдиндан белгилаб олган концепцияси йўқлиги оқибатида пайдо бўлиши мумкин.

Шу ўринда Константин Симоновнинг яқинда эълон қилинган мактубидаги фикрни келтириш жоиздир. Адиб Георгий Караваевнинг унга юборган ҳикояларидан бирини таҳлил қила туриб, бундай деб ёзади: «... унда ҳам яхши, ҳам заиф ёзилган сатрлар бор, ҳикоя бир зайлда эмас... аммо ҳаммадан ҳам автор шахсининг, тўғрироғи ҳикоя қилувчининг аниқ шахси кўринмайди: у нима демоқчи, ўзи ким?..»

Ҳа, бу — бадий асар учун муҳим. Авторнинг актив позицияси, дунёқараш, фикри бутун асардан қизил ип бўлиб ўтиши керак. Лоқайд позицияда туриб битилган асар, у қанчалик маҳорат билан ёзилган бўлмасин, китобхон қалбидан ўрин ололмайди, унга таъсир кўрсата олмайди. Ваҳоланки, бугун партия олдимизга ҳар жиҳатдан ибрат бўла оладиган қаҳрамонларнинг образларини яратиши вазифа қилиб қўймоқда.

Бу катта вазифани амалга ошириш учун ёшлар, нафақат ёшлар, қўлига қалам олган ҳар бир ижодкор ҳаётни бўйб-бежамай, унинг бутун зиддиятлари, мураккабликлари билан аке эттириши лозим.

Ёзувчи фантазияси ҳаёт ҳақиқатига асосланиши керак. Иш кабинетда биқиниб олиб, иш столдан бош кўтармай асар яратадиган ёзувчининг китоби ҳиссиз ва санъатнинг халқ манфаатларига хизмат

техника тараққиёти гуркираб ўсиб, одамлар фазони забт этаётган даврда шу куннинг жўшқин ҳаётидан узилиб, ўз қобигига ўралган, истеъдодига маҳлиё бўлиб, тинмай меҳнат қилмайдиган ижодкордан бундан бошқа асар кутиш ҳам мумкин эмас. Ёшларимиз буни ҳамиша хотирада тутишлари зарур.

Ёшлар сўзи ўз тенгдошларига тушунарли ва уларнинг қалбларига яқиндир. Бинобарин, халқ хўжалигининг турли соҳаларида фидойилик билан меҳнат қилаётган, мўъжизалар кўрсатаётган ёшларимизнинг жўшқин ҳаётини қамраб оладиган йирик бадийй полотнолар яратиш ижодкор ёшларнинг асосий вазифасидир. Бунда ҳаёт разведкачиси деб таърифланган очерк жанридан, жўшқин публицистикадан фойдаланиш ҳам мақбул натижалар келтириши мумкин. Афсуски ижодкор ёшларимиз бу жанрга аҳён-аҳёндагина мурожаат қилмоқдалар.

Асарларининг кўлами ва бадийй пишиқлиги билан ёшларимизнинг қалбига йўл тополган Зоҳир Аълам, Мурод Муҳаммад Дўст, Усмон Азим, Тоғай

Мурод, Муҳаммад Солих, Хуршид Даврон ва яна ўнлаб номларни санаб ўтиш мумкин, улар бу хайрли ишга кўл урадилар, деган ниятдамиз.

Империализм халқлар хавфсизлигига тобора кўпроқ хуруж қилаётган, тараққийпарвар инсониятга тухмат ва бўҳтонлар ёғдириб, дунёга ҳоким бўлиш сиёсатини юргизаётган ҳозирги хатарли дамларда бу офатга қарши курашнинг олдинги сафларида бўлиш ҳар бир ёш қаламкашнинг ўз виждони олдидаги бурчидир.

Қалб амри билан ёзиладиган ҳар бир асаримиз, китобхонларга айтадиган сўзимиз киндик қонимиз тўкилган она-юртимиз, бизни авайлаб вояга етказган халқимиз манфаатларига хизмат қилсин.

Бугун партия бизни шунга даъват этмоқда.

Езувчи — замонасининг кўз-қулоғи, унинг барометридир. У айтган сўз — давр виждони. Шунинг назарда тутиб, ижод қилиш — ҳар биримизнинг муқаддас вазифамиздир.

Нодира Рашидова

Комсомол

Мен дунёга комсомолнинг
Кўзи билан қарайман.
Комсомолнинг орзусидек
Менинг орзуларим пок.
Мен бугун комсомолдек
Курашларга ярайман,
Бугун унинг гоясини
Мен сурарман илдамроқ
Бир кун сочим қорасини
Фарзандларга улашсам,
Юрагимнинг эҳтиросин —
Ҳам бўлишсам аямай.
Партиянинг номи абад
Юрагимга туташган.
Демак, ҳамон менинг қалбим
Яшнартолмай, қаримай
Бу қалбимнинг энг тўрида
Комсомолнинг чехраси.
Унинг пўлат қанотлардан
Мустаҳкамроқ қаноти.

Унинг шиддат, мардлигининг
Асло йўқ чегараси,
Кафтларига қўнар замин
Қўл узатган заҳоти.
Бир вақт сочим оқин кўриб
Бир хўрсиниб қўярман,
Зиналарга салмоқланиб
Чиқа бошларман аста.
Шунда қизим ёшлигида
Ёшлигимни кўрарман
Ва тугарман қўлларига
Ҳаёт номли гулдаста.
Бир завқ билан, бир шавқ билан
Мен ёшларга боқарман.
Мен қиларман ҳавас олов
Дилларига эҳтимол,
Бугун жўшган бу юракни
Оташ қилиб ёқарман,
Бугун ёшлар сафидаман,
Сен билан мен, Комсомол!



Журналнинг келгуси сонида «ЗАМОНДОШ БИЛАН МУЛОҚОТ» рубрикаси остида Тошкент тўқимачилик комбинатининг донгдор тўқувчиси, СССР Олий Советининг депутати Дилбар Қулматова билан учрашасиз.



Саъдулла
Сиёев

Бир чора замон истаб...

Тилла қафасдан қутулиш



ҚИССА

озабог ортида қолди. Саройнинг фисқу фужурга, фаҳшга тўла рутубатли ҳавосию мармар ҳовузлардаги фавворалар салқини, бир-бирини ражиб ташлашга тайёр сипоҳиларнинг қонталаш кўзларию шоҳона базмлар олдидан бўладиган мушоиралар, бегуноҳ бечораларнинг оҳу ноласи, бир қўлида қалам, бир қўлида қилич тутган «зилл-ус-субҳон»¹ — Муҳаммад Раҳимхони сонийнинг тунд башараси — барча-барчаси ўтмишга чекинди. Аваз қибла дарвозадан чиқиб, юз қадамча юрди. Хавотирланиб ортига ўгирилди. Дарвозада тиззаларига мис қалқон қопланган қурол-яроғли икки соқчи турар, найзаларини хиёл букчайтириб бир-бирига гап уқтирарди. Изидан хос навкар қувиб келмаётганига шукрона айтиб, Аваз қадамини тезлатди. Саройдан узоқлашган сари гумони болалаб, шубҳаси ортар, мажҳул кўнглида умид билан таҳлика жой талашарди. «Худайчи гапимни хонга етказиб улгурмабди шекилли, — дея хаёлланди у, — йўқса, ҳозир мени ҳам элтиб, бошимга Шариф тарронинг кунини солардилар».

Бир соатча бурун хон ҳузурида рўй берган фожиани эслаб, Авазнинг юраги баттар сиқилди. Феруз ҳар ҳафта сарой шоирла-

¹ Зилл-ус-субҳон — тангрининг ердаги сояси.

МУАЛЛИФДАН

Ҳазрати Навоийнинг машҳур бир байғи бор. Эл негиб топкай мениким, мен ўзимни топмасам, дейди улуг зот. Бу сатрларни эслаганимда Аваз ёдимга тушаверади. Аваз ўзлигини топиш учун кўп сарсон бўлди. Ичан қалға билан Дишан қалға орасида қуюндай чарх уриб, шоҳдан, шоир дўстларидан, косиблардан, отасию устозидан, китобларда, ва ниҳоят, рус муҳожирларидан ўзини қийнаган сўроқларга жавоб излади. Унинг руҳида минг-минг йиллик мудроқ ҳаёт тарзига, истибдод низомларига, ислом тамалларию шариат ақидаларига қарши исён гунпурарди. Исёнкорлар қисмати не бўлишини у биларди. Лекин Аваз йигит жонини тикиб, қалтис йўлни, Ҳақ йўлини танлади. Негаки, унинг кўксига Халқ виждони уйғонган эди.

Мағлумки, тарихий шахсларнинг мағнавий шаклланишини кузатиш — ҳамиша жозибали. Мен саксон йил беридан туриб, саддадил назмгўйдан инқилоб куйчисига айланган оташнафас шоир умрининг муҳим бир палласини кузатгим келди.

Ниҳоят, юрак югиб, ҳукмингизга ушбу қиссани ҳавола этмоқдаман. Менинг ҳаяжоним сизга тушунарлидир деб ўйлайман: феодал фанатизми давридаги шарт-шароитни тўғри ёритолдимми? Тарихни «оқлаб» ёинки «қоралаб» кўрсатмадимми? Хоразм элининг ўзига хос такрорланмас турмуш тарзи, этнографияси, манзаралари, миллий тароватига шикаст етказмадимми? Авазнинг ўз тили билан айтганда, унинг «дарди дили»ни тўғри шарҳлай олдимми? — ҳакам ўзингиз. Қисса ҳақидаги фикрларингиз, таклифларингиз хусусан, танқидий фикрларингизни ёзиб юборсангиз, миннатдор бўлардим.

Яна бир оғиз сўз. Мазкур асарнинг дунёга келишида жон куйдириб кўмак берганлари учун хоразмлик шоир дўстларим Дўстжон Матжон, Рўзимат Отаев, Эркин Мадраҳимовга, тарихимиз билимдонлари Собир Юсупов ва Абдулла Юсуповга самимий ташаккур айтаман.

рини тўплаб шеърхонлик қиларди. Одатда, у бир ғазал айтар, келаси анжуманда шоири замонлар мазкур ғазалга назира боғлар эдилар. Бугун ҳам ана шундай мушоира эди. Султоннинг дуоғўйи Отамурод қори «Сулаймон макон, Искандар нишон, ҳазрати халифат ул-раҳмон, боиси бисоти ал-амин вал-омон»¹ Муҳаммад Раҳимхон шаънига айтилган узундан-узоқ ҳамду санодан сўнг мушоира бошланди. Отамурод қори ҳам дарқатори ёрон дегандай, Камолий тахаллуси билан ғазал битарди. Аввал заифона товушда ўзи ўқиди. Сўнг малик уш-шуаро Аҳмаджон Табибий ғазал айтди. Пайравни Мутриб, Чокар, Ғозий, Ниёзмухаммад охунд давом эттирдилар. Аваз Ферузга иқтибос мақомида ёзган «пайдо» ғазалини ўқиб, қуллуқ қилди.

Мушоира ниҳоясига етди. Шоҳона дастурхон ёзилди. Қўшни хонадан танбур ноласи эшитилди. Машшоқлар ним пардада хоразм халқ мақомларини чалишарди. Барча дастурхонга энгашган. Гангир-гунгур, хуррам товушлар, товоқчиларнинг елиб-югуриши, олқиш, дуо, хўрандаларнинг пишиллагани эшитилади. Табибий, Аваз, Чокар битта товоқдан овқатланмоқда. Табибий товоқдаги ғоз оёғини Аваз томонга суриб, кулимсиради:

— Ол, Аваз гўшти ғозий...

Табибий хоннинг Ғозий тахаллуси билан тутуриқсиз шеърлар битадиган жияни Саид Ғозий тўрага шаъма қилаётган эди. Тўрани Аваз жинидан ёмон кўрар, ит ҳовузни булғар, Саид Ғозий тилимизни, деб сўкиниб юрарди. Табибий ҳозир атай Авазнинг ғашига тегаётган эди. Авазнинг

¹Боиси бисоти ал-амин вал-омон — ер юзидаги ёруғлик ва омонлик сабабкори.

таъби тирриқ эди, индамади. Муҳаммад Юсуф Чокар чидамади, Ферузнинг шажарасию ғоз гўш-тига пайрав қилди:

— Таоми соний — ғозий, денг, уста!

Аваз, одатича зардаси қайнаб гап ташлади:

— Бир куни «Тамоми соний» деб қолмасанг, мен кафил, Маматюсуф!

Аваз қўлини артди.

Зиёфат охирлади. Одатда Феруз мушоира сўнгидан шоирларга жавоб бериб юборар, ҳузурда аркони давлату яқин маҳрамлари қоларди. Бу сафар тарки одат қилди. Унинг кайфи чоғ эди. Табибий, Аваз, Мутриб каби пешқадам шоирларга бир тангадан кумуш ақча улаштирди, Ниёзмухаммад охунд билан Отамурод қорига адрас тўн ёпди. Сўнг саломхона тўридаги заррин тахтига бориб ўтирди. Фуқароларидан ҳол сўраган бўлди. Охунд билан қори бошлари ерга теккудек бўлиб таъзимда қотган эдилар. Хон Табибийга қаради.

— Мавлоно Аҳмаджон Табибий на дерлар?

Табибий яктагининг барини боса-моса иргиб турди. Икки қадам олға юриб, қуллуқ бажо келтирди.

— Лутфу карамингиз нуридан кўнгилларимиз чароғон ўлиб, лайлу наҳор дуои жонингизни қилмоқ ила хурраму шодмиз, давлатпаноҳ! Илоё, умрингиз фузун...

Хон шоирнинг гапини охиригача эшитмади, девор тагида муруқаблага берилиб ўтирган Мутрибга ўгирилди:

— Хонахаробий...

Мутриб чўчиб кўз очди. Саждага юкингандай ерга бош уриб олиб, қўзғалди. Табибийнинг қаторига бориб икки букилди:

— Сизнинг хисравона иноятларингиздан кейин арз айтмоққа шайланган тилимни кесиб ташлагайман, хоним...

У ортига тисарилиб, Авазнинг ёнига келиб чўқаркан, «Хайрият, қутулдим қиззигардан», деб шивирлади.

Ферузнинг имоси билан тагин уч-тўрт сипоҳи унга шукрона келтирди. Кекса хаттот Машариф тарро бир чеккада ёшгина жияни Бобожон котиб билан маросимни китобат қилиб ўтирган эди. Хон «Машарип!» деб унга бет бурганда юраги шиг этиб аранг ўрнидан турди. Инқиллаб ўртароққа чиқди. Юпун усти-бошидан ор қилгандек оёқларига қаради. У индамас, одамлар лол, ҳайҳотдай кўри-нишхонада хонга оқпошшо ҳадя этган улкан соатнинг такиллашидан бўлак товуш эшитилмасди.

— Забонингни еб қўйдингму, Машарип?! — деди хон шўхчан, қаҳрли товушда, Шариф тарро ух тортиб тилга кирди:

— Хоним, бу осий бандангизни авф этгайсиз... Уйда емакка бир сиқим жўғари қолмади. Ҳолимиз хароб... Оқтигим¹ шишиб ўлди. Сиздан от-улов сўрамайман, амр этсангиз, хазинадан ўн қадоқ ошлиқ берсалар. Илоҳо, бегуноҳ гўдакларнинг дуои хайри ила умрлари узун, давлатлари зиёда бўлгай...

— Имонсиз! — деб бақирди тўсатдан хон. — Алингда² нон ушлаб туриб очман дейсан-а, итдан тувгон! Сени ҳам оқтигинг билан қўшмозор этажакман!

Муҳаммад Раҳимхон ўнг ёнида саф тортган сипоҳиларга қараб бош чайқади:

— Кўрдингларми? Оч эмиш! Менинг салтанатимда курсоғи бўш мусулмон фарзанди борми? Қани, айтинглар!

Ҳар ер-ҳар ердан «Шукри оллоким, зилл-ул илоҳининг паноҳларида шоён масрурдирмиз», «Шиква-шикоят нонкўрга ярашур» деган бўғиқ овозлар эшитилди. Шариф тарро дағ-дағ титраб узра сўради:

— Бир қошиқ қонимдан кечинг, хоним, тавба қилдим...

Феруз пишиллаб унга шаҳодат бармоғини ўқталди:

— Юз дарра урилсин!

Саломхонадагилар бир гувраниб олди. Қутлуғ-мурод ясовулбоши лўкиллаб ташқарига йўналди. Зум ўтмай, қора каллапўш кийган, занжидай бадбашара барзангини етаклаб кирди. Шариф таррони ўртага судраб келиб юзтубан ётқиздилар. Унинг тўнини ҳимарганларида қоқсуяк баданига ёпишиб қолган қирқямоқ қўйлаги кўринди. Жаллод билагини шимариб даррасини қўлга олди. Ясовулбошига қаради. У фармон кутиб хонга юзланди. Муҳаммад Раҳимхон бош ирғади. Ясовулбоши «Ур!» деди жаллодга. Барзанги «Бисмилло», дея даррасини боши узра кўтарди. Бор кучи билан Шариф тарронинг белига туширди. Тарро биринчи зарбаёқ ёнбошига ағдарилди. Жаллод уни оёғи билан босиб юзтубан қилдию иккинчи даррани урди.

Ен хонада машшоқларнинг ҳазин нағмаси эшитилади. Деворда осма соат такиллади. Жаллод ихраниб дарра уради. Шариф тарро оҳ чекади,

¹ Оқтиқ — неварра.

² Алингда — қўлингда.

дод солади, «Тавба қилдим, хоним», деб илтижо қилади. Ёшгина Бобожон бунақа ваҳшийликни илк дафъа кўраётганидан кўзлари ола-кула бўлиб кетган. Аваз лабини тишлаб ерга қараб ўтирибди. Ясовулбоши «Ўн саккиз, ўн тўққиз...», деб санаб турибди. У гоҳо «Хон шафқат айлаб жазони тўхтатармикан», дегандек тахт томонга умидвор қараб қўяди. Хоннинг бир туки ҳам қимирламайди, гўё азалдан шундоқ бир томошани соғингандек, қип-қизил гилам устида фарёд чекиб ётган Шариф тарронинг моматалоқ баданига бефарқ тикилиб ўтирибди.

Эллигинчи даррада саломхонада ёввойи чинқирик қўпди. Шариф тарро аввалига бор овозда бақирди, сўнг оҳ тортиб қарғишга ўтди:

— Илоё... гулғунага йўлиққайсан, Мадрайимхон... Тўнғиз қавмида кетмасанг, рози эмасман... Э худоё, борлигинг рост бўлса... мана шу қонхўрни шол қилиб, мачал қилиб ўлдир... Вой, жоним-эй... ол... олло-о...

Муҳаммад Раҳимхон пинак бузмади.

— Икки юз! — деди паст, амирона товушда. Жаллод «Бунинг нимасини икки юз дарра ураман, юзга чидаса ҳам гўрга» деган каби бир нафас қўлини муаллақ тутиб, тўхтаб қолди. Сўнг жаҳл билан калтаклашга ўтди.

Мирза йигит бетини чангаллади. Кўнгилчан, ювош Мутриб гужанак бўлиб деворга қапишиб қолди. Аваз ўтирган ерида бир силтанди. Табибий унинг ниятини пайқаб, этагидан тортди. Аваз ҳушини йиғиб жойига чўкди.

Созандалар Шариф таррога алвидо айтаётгандек, бир маромда ғам-андух тўла мусиқа чаладилар. Деворсоат тарронинг қолган умрини ўлчаётган сингари бир алпозда такиллади. Дарра зувиллайди. Ясовулбоши ҳисобидан янглишмай ўлим калтагини санайди. У «етмиш етти» деганда Шариф тарронинг оғзи-бурнидан дараклаб қон келди. Жаллод парво қилмади.

Саксон олтинчи даррадан сўнг тарронинг нафаси чиқмай қолди. Жаллод бир муддат кутиб турди, кейин секингина, номига уч марта уриб қўйди. Энгашиб Шариф тарронинг кўзларига разм солди. Унинг жон таслим қилганига имон келтиргач, хонга қаради:

— Оллонинг раҳматиға борди.

— Ур! — деб буюрди хон. — Бундийин нонкўрлар охиратда ҳам тилларини тиймас! Ур!

Жаллод иккиланди.

— Майитни урмоқ гуноҳи азимдур, ҳазратим. Атрофдан илтижолар ёғилди. Жаллод биринчи бўлиб фотиҳага қўл очди. Охунд калима келтирди.

— Алҳамдулиллоху вал-минна. Ҳамма нарса қодир эгамдандур. Бир мўминни қандай иморат қилган бўлсанг, уни шундайин чаппа этурсан, парвардигори олам. Шариф тарронинг гуноҳларини кечиргин, ё тангрим, даргоҳинг кенг, ўзингга сиғиндик. Омин!

Шариф тарронинг жасадини ҳовлига чиқариб айвонга қўйдилар. Барчага руҳсати олий бўлди. Бир соатча бурун тиллақори қандилларга боқиб ашъор айтган шод-хуррам одамларнинг бошлари ҳам, ҳеч ким миқ этиб оғиз очмайди. Улар жанозадан қайтаётгандек шошилмай эшик томон юрдилар.

Авазнинг қалби вайрон, қалби фарёд қилар, у шеърият деб аталмиш гўзал бир маъбуда ҳузурида қонига беланган Шариф таррони ўйлар,

унинг қотилини лаънатлар эди. Ҳализамон мумтоз газаллар айтиб, анжуманга рағбат бағишлаган Ферузнинг қалами бир неча лаҳзада ханжарга айланиб бир фақирнинг юрагига санчилганини сира ҳазм қилолмас эди. У дарвоза томон шаҳдам юрди. Бирдан тўхтаб, изига қайтди. Айвон олдида марҳумнинг жасадига ёпқич торттираётган хомсемиз, бети япалоқ, биткўз ҳудайчига рўпара бўлди. Енидан хоннинг махсус ёрлиғи — ҳамойилни чиқариб узатди.

— Омонатларини олсинлар, тақсир. Минбаъд каминага ортиқча юк бўлиб турмағай.

Ҳудайчи ҳамойилни қафтига олдию Авазга ажабланиб боқди. Ҳамойилни қайтиб топшириш саройни тарк этиш маъносини билдирарди. Ҳудайчи яқин ўн беш йилдирки, Муҳаммад Раҳимхон ҳазратларининг хизматида камарбаста, илло, юрак ютиб ўз ихтиёри ила хон ёрлиғини иргитиб кетган бути айри касни кўргани йўқ. Туз ичиб тузликка тупириш эмасму бу?

Ҳудайчи сариқ тишларини иржайтириб кулди: — Иби, Аваз! Жаноблари сассиқ кекирдак бўлдиларми? Ёинки раҳматли Шариф тарронинг қисматини соғиниб қолдингми, шаккок?!

Аваз гапни чўзиб ўтирмади:

— Ҳар иккиси ҳам рост, тақсир! — деди ва чўрт бурилиб қибла дарвоза томон кетди.

...Аваз ёмон туш кўриб уйғонгандек сергакланди. Қулоқлари чувиллади. Шариф тарронинг ёввойи чинқиргини эшитгандек бўлди. Даррани марҳум котиб эмас, ўзи егандек бир сесканди. У шилдираб оқаётган сув бўйига ўлтириб бир замон нафас ростлашни истади. Аммо ҳали димоғидан саломхонадаги қон иси аримаган, бир кўнгли, тезроқ саройдан узоқлаш, бу атрофи жавонибда вужудинг изтиробдан халос бўлмас, дегандек олға ундарди. Аваз оёқларини судраб босганча сўқмоқ йўлдан шаҳар томон анча юрди. Охири, мадори кетаётганини сезди, тиззалари қалтиради. Тагин Шариф тарронинг юракни пораловчи чинқирғи, мирза йигитнинг бетини чангаллаб унсиз йиғлагани, устоз Табибийнинг аламдан буришган думалоқ чўтир юзи, чўгдай туркман гиламида ярқираб турган қўнғир қон кўз олдига келди.

Сайхонлик тугаб, туташ боғлар кўринди. Зилол ариқ Авазни имлагандай ўша қалин боғлар қўйнига шўнғиди. Аваз дарахтзор ичига кирди. Қалами тўнини ечиб бир четга буклаб қўйди. Муздек сувда бет-қўлини чайди. Мадали белбогини олиб артинди. Сўнг бир тул гужум ортида ялтираб турган осмон парчасига боқиб ўйга толди.

Бугун у саройдан мутлақо бош олиб кетди. Энди унга хоннинг зар попукли дастурхони ҳам, ислимий нақшли саккиз газлик баланд қопқаси ҳам ёпиқ. Бу қопқани Аваз ўзи ёпди. Қайтиб кирмайдиган бўлиб маҳкам ёпди. Билади, унинг шаккок-лигини хон кечирмайди. Аммо, на чора, кўнгил хонга фуқаро эмас экан, кўнгилга амру фармон бекор экан.

Кичкина ариқча кумуш қўнғироқ чалиб илгари чопқиллайди. Аваз сувга хаёлчан тикилди. Гўё ариқда унинг бахтиёр ҳам азиятли хотиралари оқиб кетаётгандек эди. Аваз саройда кечган йигит йилларини эслади. Уни саройга газал деб аталмиш бир соҳира етаклаб келган эди. Хива хонлигидаги минг-минг қорачопонлик қашшоқларнинг бири — сартарош ва табиб Полвонниёз Гадоиниёз ўғли

Утар бобонинг тўнғич фарзанди, ёш муллавачча Аваз таъби назми туфайли саройдаги аҳли фузалого қўшилди, Муҳаммад Раҳимхони сонийнинг аржумунд дастурхонига етишди, унинг шоҳона суҳбатларидан баҳраманд бўлди. Сарой шоирларининг сардори Аҳмаджон Табибий азалдан Утар бобо хонадонига яқин, келиб-кетиб, машҳур табибдан муолажа илмини ўрганиб турарди. Табибий ёш Аваздаги иқтидорни дарҳол пайқайди. Унинг шеърларидаги фасоҳат, топқирлик, ўзга назмгўйларда кўринмайдиган ички бир руҳий қудрат, бу йигитнинг қувваи ҳофизаси донгдор шоирни мафтун этди. У Авазни шогирдликка тилади. Утар бобо ўғлининг чўрткесар, ҳақ деган еридан қайтмаслигини, ўжар феълени биларди, шунинг учун аввалига «Ола-оғизлик қилиб, хоннинг қаҳрига учрамаса кошқийди», деб хавотирланди. Сўнг, «Мадрайимхоннинг қамчисини кўрса, ҳурпайган жуни силлиқ тортиб, шаштидан тушиб қолар», дея умид қилди. Кекса отанинг умри заволга қараб борар, Аваз энди оталик нашъасини сура бошлаган эди. Утар бобо набирларининг насибасини ўйлади, хоннинг хайри эҳсонига кўз тутиб, Авазни Табибийга топширди.

Аваз хон ҳузурида тикка туриб илк дафъа шеър ўқиган кунни яхши эслайди. Аввал устод Табибий ёш шоирнинг нуқтадонлигини обдон мақтади, истиқболдан башорат қилди, «ҳазрати олийларининг шуаро ила музайян бўлмиш муборак саройларига Аваз отлиғ бир ёруғ юлдуз бош уриб» келганини сўзлади. Сўнгра хон имоси билан Аваз газал айтди. Таомилга кўра, хон ҳузурида ерга қараб сўзланар, хон кўзига тик боқмоқлик гумроҳлик саналарди. Аваз бундан беҳабармиди ёки одатий қайсарлиги кўзидими, Муҳаммад Раҳимхоннинг сийрак, қўнғирга мойил соқол-мурти, салласидаги ёқутранг жигаси, сокин қўйқўзларига дадил боқиб, газал ўқишга тушди. Табибий бир қадамча ортда турибди. Ҳар байтдан сўнг у, «Хоним, абёти сизга мақбулми, биз ҳам одам танлашни биламиз», дегандек ялтоқланиб кулимсирайди. Феруз газалга диққат билан қулоқ солади. Авазнинг эгни-бошига, текис кузалган мўйлови, барра соқолига, дўланадай кичкина, ўтли, қоп-қора кўзларига синовчан тикилади.

Газал битди. Аваз енгил қуллук қилди. Табибий хушомадона нимадир деди. Хоннинг лаблари кимирлагандай бўлди.

— Дийдаси қаттиқ экан. Бундай кимсаларда садоқат рамзи бўлмағай. Илло абёти тузук. Биз саройга қабул этдик.

Кейин хон Авазнинг бир байтини ёдаки айтди, бир сакталиқка ишора қилиб, уни ўзи тузатиб ўқиди. Аваз Муҳаммад Раҳимхоннинг хотирасига, шеърятни нозик тушунишига лол қолди. Узича мулоҳаза қилиб, хоннинг таҳририга қўшилди. «Феруз деганларича бор экан. Олло насиб этса, минбаъд мана шу Феруз даргоҳида мушоира қилажаксан, Аваз!»

У саройда беш йил қолиб кетди. Беш йилда неларни кўрмади бу боши! Дуруст, аввалда у муштоқона бир кайфиятда саройга шошиларди. У ердаги илми адаб, илми ҳикмат хусусидаги гурунглар, қизгин мушоиралар, баҳсу мунозаралар мадраса таълимий устодлар баёзидан бўлак нарсани кўрмаган ёш шоир учун тамомила янгилик эди. Аваз бир нимага ҳайрон бўлади. Саройда барча — шариат пешволаридан тортиб, то кичкина

амалдоргача шоирлик даъво қиларди. Дастлаб Аваз бу «назмгўйлик» Ферузга хушомад тарзида бўлаётганини англамади. У бир умр маъшуқасига интилиб, ниҳоят унинг васлига етган бахтиёр ошиқдай, шеърият бўстонига қулоч ёйиб кирди. Устоз Табибийнинг ташбехларига разм солди, Баёнийга эргашди, Муҳаммад Ҳасан Мутрибни оға тутинди, эски дўсти, олашовур-шўх табиатли Чокарнинг ёнидан жилмайдиған бўлди. Эл қатори хонга бағишлаб қасидалар тўқиди...

Аваз Феруз шаънига айтган бир байтини эслаб муртида кулди.

Илоҳо, шаҳаншоҳга бўлсин муте
Амиркону Руму Ефуну Фаранг...

Ҳолбуки, ўша пайтлар мазкур байтни у оғиз тўлдириб, ифтихор ила ўқиган эди. Шоҳдан инъом олган эди. Аваз хайру эҳсон илинжида озмунча байтлар битмади. У гижиниб, номуси келиб тагин бир шеърини хотирлади:

Тонг йўқ, Табибийдек Аваз дилкаш ғазал машқ айласа
Ким, шоҳ инъоми била таъби бўлубдир асру чоғ...

«Вундай кимсаларда садоқат рамзи бўлмас, деган эдилар, шоҳим. Садоқат бундан ортиқ бўлурми?» — Ўзини ўзи мазаҳ қилиб кулди Аваз.

Сарой улкан томошахонани эслатарди. Муҳаммад Раҳимхон бош кўғирчоқбоз, теварагидагилар тил-забонлик кўғирчоқларга ўхшарди. Хоннинг сирли имоси билан кўғирчоқлар ҳаракатга келар, турфа мақомда чулдираб сарой хўжасига чўқинар, лозим бўлса юз ўмбалоқ ошиб кетишга тайёр эди. Бу ерда орият, адлу инсоф, имон, ҳамият деган нарсалар оёқости. Ҳамма бир-бирини итариб, йиқитиб, фақат олға, тахт томонга интилар, кўғирчоқбоз назарига илинмоқ умидида ҳар қандай разолатдан тап тортмасди. Бошда бундай саъй-ҳаракатлар Авазга табибийдек туюлди. Ахир, балик ҳам сувга интилади, кўкат ёруғлик сари бўй чўзади. Тирикчилик ғами, ҳаёт кўйи шу ахир, деб ўзига таскин берди. Бора-бора бировнинг мурдасидан ҳатлаб ўтиб нонга, шон-шухратга, амалга талпинаётган кимсаларнинг қилмиши кўнглини оздирди, ғазабини қайнатди. «Инсон боласини шу қадар бешарм, шу қадар паст қилиб яратдингми, тангрим? — деб тўлғонарди гоҳо. — Ахир у тўрт оёқли ҳайвондан ҳам баттарин-ку!»

Авазнинг овозаси таралиб, ғазаллари қўлма-қўл бўла борган сари сарой унга торлик қила бошлади. У анчадан бери саройни тарк этишни кўнглига тугиб қўйган, аммо нимадир монелик қиларди. Журъатсизликми? Ҳамфиқр дўстларининг тасаллисими, онла ғамими? Ехуд қари отасининг сабрбардошга ундовчи насиҳатларими — нимадир йўлига гов эди. У икки ўт орасида қоврилар, ғарибона озодлик ила шоҳона тилла қафас ўртасидаги муаллақ бир маконда сарсону саргардон эди. Ниҳоят, бугунги мудҳиш воқеа сабаб бўлдию саройдан этак силкиди. Вегуноҳ, бечора Шариф тарро... Яхшиям, фаросатли Табибий вақтида этагини тортиб қолди, йўкса, Аваз ириб турар, «Бас!» деб қичқирарди. Унда ёмон бўларди. Унда Аваз ҳам Тозабогдан ўз оёғи билан чиқмасди...

Аваз ўрнидан турди. Елғизоёқ йўлдан сув ёқалаб йўлга тушди. Ҳамалнинг охирлари. Сув бўйида ям-яшил барра кўкатлар. Осмонда озод қушлар ўйнаб-ўйнаб парвоз қилади. Машҳур

Рафаник боғлари қўйнидан эркин шамоллар келади. Улар шоирнинг маҳзун хаёлларини тарқатмоқчидек юз-кўзини сийпалайди.

У кетиб боряпти. Олдинда қандай тақдир кутиб турганини билмайди. Ибтидо бошланган, интиҳога ҳали узок, ўртада умр деб аталмиш чигал, баҳор ҳавосидек гоҳ серқуёш, гоҳо булутли кунлардан иборат бир бўшлиқ...

У шохмай кетиб боряпти. Руҳида энгил бир сокинлик ва қаноат билан шоир аста қадам ташлайди. Дишан қалъа томон кетмоқда. Кўкси чайқалади. Ўйлари, ҳислари сўзларга, сўзлар сатрларга айланади. Шоир беихтиёр пичирлайди, Муҳаммад Раҳимхон ҳазратларининг тишига тегадиган илк шеърини тўқийди.

Э Аваз, бўлсанг ғарибу нотавон,
Хону бойга ошнолиқ айлама.

Аваз ҳали бундан бешбаттар аччиқ шеърлар битишини, бу шеърлари хонни, хон валиаҳдини, аркони давлатни беҳаловат этиб, итдек қутуртириб қўйишини билмайди. Аваз ҳали ёзажак шеърларининг ҳар битта сатри бошига синмас калтак бўлиб тушишини ҳам ҳаёлига келтирмайди.

Номози шом вақти у ўзи туғилиб ўсган кадрдон маҳалласи — Меҳтаробод томон бурилди. Ич-ичидан тўлқин уриб бир ҳайқириқ келди: «Тилла қафасдан қутулган фарзандингга кўзойдин айт, Меҳтарободим!»

Аза

Эртасига Аваз саҳар туриб Шариф тарроникига йўл олди. Марҳум девоннинг¹ уйи Ҳазорасп дарвоза атрофида, Полвонёнинг ўнг соҳилида эди. Муаззинларнинг хирқироқ товуши тинган, тонг ёришиб келарди. Аваз жинкўчаларни айланиб ёп бўйига чиқди. Полвонёпда кечаю кундуз ҳаракат тўхтамас, юк ортилган кемалар бу кенг, сунъий анҳор орқали Амударёга борар, ундан Орол денгизига тушиб, Ғаззолига кетарди. Русия савдогарларидан олинадиган моллар ҳам шу ёп орқали қайтиб келарди. Шунинг учун бу ерда дарғалар бедор, туну кун бақириқ-чақириқ, узун эшакларнинг бетиним шалоплагани, кемачиларнинг сўкингани эшитилиб турарди. Ҳозир эса, кемалар йўғон устунларга, гужумларга боғлаб қўйилган, кемачилар кўринмас, Полвонёп бетини муздек баҳор эпкинни силаб жимирлатарди.

Кемачиларнинг жанозага кетганини ҳаёлига ҳам келтирмай, Аваз аста илгарилайверди. Атрофида тобора одам кўпайиб борар, биров унга узокдан таъзим қилар, биров қуюққина кўришар, нотаниш кишилар секин калла силкиб қўярди. Жанозахонада одам кўп, оёқ босгани жой етмайди. Аваз тор ҳовлига мўралаб қўйиб, эшик олдида қўл қовуштириб турган кишилар тўдасига қўшилди. Белини боғлаган азадорлар уч-тўрттагина эди. Уларнинг орасида марҳумнинг жиғини — кечаги Бобожон девонни кўриб юраги зил кетди. «Бечора, дойи²нгни изидан бормоқчи бўлиб қўлингга қалам тутибсан-да? Илоё, дойингнинг қисмати сени қувмағай, ўғлон!»

Аваз астагина Бобожоннинг кифтидан олди.

¹Девон — сарой котиби.

²Дойи — тоға.

Сўнг бир чеккадаги узун ёғоч харракка бориб ўтирди. Бомдод номози тугаган шекилли, тўп-тўп одам кела бошлади. Ана, бошларига кўкиш салла ўраган мадраса талабалари кўринди. Улардан кейин устоз Табибий билан кекса Муҳаммад Юсуф ҳожи — шоир Доғий келишди. Доғий Хиванинг атоқли уламоларидан, ўзи Араб Муҳаммад мадрасида мударрис, бироқ эғни-бошига қарамас, аксар девонавор кийимда юрарди. Тили аччиқ эди унинг. Кўнглига келган гапни хоннинг олдида ҳам, ортида ҳам бемалол айтаверар, гўё билиб туриб ўзини ўтга ураётган парвонага ўхшарди. Таажжубланидиган ери шундаки, хон негадир Доғийнинг гуноҳларини муттасил кечираверар, бу «боши бузуқ»нинг гапини тинглагани қулоғи қар, йиртиқ-ямоқ жандасини кўргани кўзи кўр эди.

Доғий бу сафар ҳам тилини тиймади:

— Бўри қутурса, ўз қавмига чопармиш, — деди ҳаммага эшиттириб, — саройдаги дуоғўйларда ҳам имон қолмади. Бир тишлам нонга мусҳаб¹ни сотиб ейди булар! Хон ҳазратлари бечора Шарифбойни ўлимга ҳукм этганда Нуржон бола²нинг баччасидай қийшанглаб турган бўлуви керак ҳезалаклар.

Эҳтиёткор Табибий кулимсираб гап қўшди:

— Таксир, шамолга тупурманг, муборак чехралари...

— Менинг шамолим ортимда қолган! — деб бақирди Доғий. — Мучалинг товушқонми, мунча дилдирайсан? — У энди Табибийни қўйиб, бир четда хириглаб турган букри йигитга юзланди: — Оғзингни юм, аблаҳ! Виламан, сен гўяндасан!³ Эгам билиб сени хўкки⁴ қилиб қўйибди.

Ҳамма ялт этиб букри йигитга қаради. Унинг кўзлари бежо бўлди, қўрқиб ортига тисарилди.

Ҳасасини тўқиллатиб Отамурод қори кела бошлади. Доғий уни кўриб тескари қараб олди. Ўтирганлар даст туриб, хон дуоғўйига қуллуқ қилдилар. Қори шогирдларини эргаштириб ичкари кириб кетди.

Ҳамон ён-ёқдан оломон тўпланар, бир умр хон саройида котиблик қилган ва бир умр қашшоқ ўтган шўрлик Шариф тарронинг маърақасига бутун Хева кўчиб келаётгандек эди. Аваз ўзича ўйланди: «Бир улуг одамнинг, бир ғарибнинг жанозасига одам кўп келади, деганлари рост эканда». У бир нарсани назардан қочирган эди: одамлар хонга қулдай хизмат қилиб, охири хон хузурда итдек хор бўлиб ўлган Шариф тарронинг жанозасига, ёлғиз йўқ-юқа бўлгани учунгина эмас, ажалидан бурун бегуноҳ ўлдирилгани учун, тўғрироғи, шафқат ва мурувват юзасидан келаётган эдилар. Кўчаларни тўлдирган савобталаблар бу ташрифлари билан Муҳаммад Раҳимхонга лавнат ўқигандай жимгина бош эгиб турардилар. Бу сукунат даҳшатли эди, чунки бу — жонидан тўйган, боши меҳнатдан чиқмайдиган, бир бурда нонга зор, сабр косаси тўлган халқ сукунати, халқ нафрати, унинг ошқора исёни эди.

Оғир-оғир қадам ташлаб хаста Қурбон созчи келди. Енида Хоразмнинг тўнғич ношири Отажон босма. Уч-тўртта қария қуршовида келаётган

муъжазбаён сураткаш Худойберган девон, унинг кетида новча, қоқчакка Чоқару ҳар дамгидек ўйчан, қадди дол Мутриб кўринди. Мутриб тўғри келиб Авазнинг биқинига чўкди. Қалла лиқиллатиб саломлашган бўлди. Сўнг кўзларини юмиб сукутга чўмди.

Бирор соат ўтди. Халойиқ йиғилиб бўлган, аммо майитни чиқариш кечикаётган эди. Бир замон «Кафан топилмаётган эмиш» деган гап тарқалди. Чекарқодаги бир кундада тумтайиб ўтирган Доғий ирғиб турди. Бошидан йиртиқ дасторини юлиб олиб қаради-ю, «Йўқ, бундан ўлик ҳам ҳазар қилажак!» деб яна тақясига қўндирди. Сўнг кўзлари ола-кула бўлиб оломон оралади.

— Сен! Сен! Сен ҳам бер! — деди ўзи мударрис бўлган мадраса талабаларига ўшқириб. Мулла-ваччалар мударриснинг совуқ нигоҳидан чўчиб, дарҳол бошларига қўл чўздилар.

Талабалар бир-бирларига довдираб қарашди-ю, саллаларини олиб беришди. Доғий беш-олти дасторни дасталаб, эшик олдида дағ-дағ қалтираб турган бели боғлиқ кишига тутқазди. Бобожон тарро кечагидек, кафтлари билан юзини бекитиб йиғлаб юборди.

Ниҳоят, марҳумни ерга топшириб қайтишди.

Ҳануз эшикдан одам оёғи узилмайди. Ешу қари, ўткинчи, таниш-нотаниш кириб-чиқиб турибди. Ҳовлида ўтирган Отамурод қори чиройли товушда қурьон тиловат қилади. Ташқарида, харракда ўтирганлар ҳар сафарги «Омин»дан сўнг юзларига фотиҳа тортиб, тагин сукутга чўмадилар.

Бошида улкан чўғирма, почапўстинининг этагини ҳилпирашиб Ўтар бобо келди. Уни Хеванинг катта-кичиги танир, хон табиби бўлгани учун эмас, ўзи йўқсилдан чиққан, кабағалпарвар, етим-есирларни бепул даволагани туфайли обрўйи баланд эди. Ўтар бобо ичкари кириб бир мазгил ўтирди, сўнг эшикка чиқиб, Авазни бир четга имлаб чақирди.

— Бу на қилиқ, бола? — деди қовоғини солиб. У жаҳли чиққанда ўғлини сизларди. — Ҳе йўқ, бе йўқ, хайр-хўшни нася қилиб жуфтакни ростлаб-сиз, шоир?

Ота ён киссасидан ҳамойилни чиқарди.

— Мана, ҳудайчи берди. Азбарои ўзини яқин тутиб ҳиммат қилди. Авазга айтинг, у ҳамойил топширмади, мен олмадим, деди. Ма, киссага ур. Эртага саройга етиб бор.

— Иложи йўқ, ака¹, — деди Аваз отасининг кўзига тик боқиб, — агар сиз падари бузрукворим бўлмаганингизда буни сувга отиб юборажак эдим. Эгасина топширинг.

Ўтар бобо ўғлининг бирсўзлигини билади. У «йўқ» дедими, калласини ўн еридан чопсанг-да, айтганидан қайтмайди.

— Бекор қиласан. Ҳали пушаймон бўласан, бола!

— Қул ўлмас, нисибаси узилмас, ака, — деди Аваз. У изига қайтиб яна харракка, Мутрибнинг ёнбошига келиб ўтирди.

Одамлар пешин тадоригини кўриб тарқала бошлади. Аваз ҳам ўрнидан турди. Табибий Ўтар бобога эргашиб Тозабоққа жўнаган эди. Елдишим Чоқар билан хаёлчан Мутриб Авазга шерик бўлди. Улар йўл-йўлакай бирор чойхонага кириб чой ичиб ўтмоқчи бўлдилар. Лекин пешин номози яқинлаб

¹ Ака — Хоразмда отани гоҳо «ака» ҳам дейдилар.

¹ Мусҳаб — қуръон.

² Нуржон бола — Хевада бузуқлиги билан ном чикарган хон ясовули.

³ Гўянда — бу ерда айғоқчи, чақимчи маъносиди.

⁴ Хўкки — букри.

қолган, бунақа пайтда кўча-кўйда саламглаб юрган беномозлар мухтасибнинг ғазабига учрарди. Уч дўст пешин қазоси ўтгунча Инокий мадрасасининг бир кунжагида бекиниб ўтирдилар. Аваз бир вақтлар мана шу мадрасада таҳсил кўрган, ота-онаси йўқ, сағир ҳамхужралари то ҳануз бу ерда халифами, мутаваллига ёрдамчими бўлиб юришарди.

Мезаналардан, пакана минорлардан янграётган ингичка-йўғон азон товушлари тиниб, аҳли мусулмон ўзини номозга урди. Кўчалар ҳувиллаб қолди. Уч дўст мадрасанинг холи бир ҳужрасида бир муддат гурунглашиб ўтирдилар. Жойномоз қўлтиқлаб ён эшиклардан чиқаётган кишилар кўринганда яна йўлга тушдилар. Узун-қисқа бўлиб Авазнинг Кўҳна Арк ўнгидаги ота дўконига кириб бордилар.

Огаҳийнинг бир байти

Муҳаммад Раҳимхон Тозабоққа сиғмай қолди. Ҳамма нарса унинг асабига тегар, ҳайҳотдай сарой ҳам, ўн беш таноб ерни эгаллаган улкан боғ ҳам торлик қилиб, нафасини бўғаётгандек эди. Хон сарой созандаларининг пири комили Муҳаммад Екуб позачини¹ чақиртирди. У, қаторига шогирдларини олиб, Феруз ўзи басталаган мақомлардан чалди. Хон дарҳол қарс уриб мусиқани тўхтатди. Бу наволар унга кечаги, Шариф тарро жасади устида саросар мингиллаган мусиқани эслатди. Созандалар Хоразмнинг «Чипродалли-далли» туркумидаги ўйноқи термаларига ўтишди. Хонга бу ҳам ёқмади. Гўё унинг кўксига жезтирноқли бир ёвуз махлуқ яширингандай, бу шўх мусиқа уни безовта этар, махлуқ қийшанглаб хон вужудини аёвсиз тимдалаётгандек эди.

Машшоқларга жавоб бериб, Ҳасан қайғичини йўқлаттирди. Ҳасан қайғичи — хоннинг хос қизқчиси, бўйи икки газча келар, ориқ, кўса, узун қўллари тиззасигача етар, товуши ҳам расида бўлмаган ўспиринларникидек чийиллаб чиқар эди. Феруз гоҳо ҳазилашиб уни «Жимит полвон» дерди.

Навкарлар қалъа томонга от чоптириб кетишди. Бозорни, гузару чойхоналарни айланиб чиқишди. Аксига олиб «Жимит полвон» ҳеч қайси кавакда кўринмасди. Излаб-излаб, уни ёпиқ бир фойтуннинг орқасига қапишиб кетаётган ерида топшиди. Фойтун Ферузнинг жиани Ҳусайн Муродбекники эди. Навкар от солиб бордию, Ҳасан қайғичини улоқдай азод кўтариб эгарга ўнгариб олди. Қизиқчи ёлғондан фарёд қилди:

— Войдод, мусулмонлар! Кўмак этинглар! Мени Ҳусайнимдан айирдилар! Гавда кетди у ёна, калла қолди бу ёна! Тўрам билан бир ҳаз² этиб мурид овламоқчи эдим...

Ҳасан қайғичини Хеванинг каттаю кичига, олис овуллардан келувчилар ҳам танийди. У номига хон қизиқчиси бўлгани билан, жами фақирлар каби аслан сарой душмани эди. Ҳозир кўчадагилар Ҳасан қайғичининг атайлаб бақириб-чақираётга-

нини, баҳонада фойтун эгасининг кимлигини ошкор этаётганини фаҳмлаб, кулиб қўйишарди. Навкарлар отларининг бошини чўрт буриб, Тозабоққа олиб кетишди.

«Жимит полвон» кўринишхона эшигидан ҳатла-дию чийиллаб бақирди:

— Арслон келбат, Юсуф талъат, пиёдалар суворийси елдим қайғичингиз хизматингизга тайёр, ҳазратим!

Хон одатда Ҳасанни кўрганда: «Ҳм, Жимит, ҳалиям ўлмайд юрибсанми?» деб кулиб қўярди. Бу сафар бир туки ҳам қимирламади. Нақшнигорли катта эшикка руҳсиз термилиб ўтираверди. Ҳасан қайғичи жилпанглаб бачкана қилиқлар қилди, аркони давлат сафига яқинда қўшилган амалдорларнинг қилигини қилиб кўрсатди, айнима лати-фалар айтди, қўлларида тикка туриб, оёқларини қайчига ўхшатиб наридан-бери юрди — Феруз ҳатто кўнгили учун илжайиб ҳам қўймади. Ҳасан қайғичининг жулдурвоқи кўйлаги хонга Шариф тарронинг баданига ёпишиб ётган чиркин либосни эслатди. Кўнгли озурда бўлди. Беихтиёр бетини терс бурди.

Қизиқчи бугун хонни қитиқлаб ҳам кулдира олмаслигига ақли етдими, ҳафсаласи пир бўлиб ерга ўтирди. Сўнг аста эмаклаб бориб Ферузнинг этагини ўпди.

— Бугун сизни хурсанд эта билмадим. Сиздан қон иси келаётир, хоним...

Муҳаммад Раҳимхон сесканди. Биров бошидан муздек сув қуйиб юборгандек бўлди. Сергакланиб сўради:

— На дединг, итдан тувғон?!

— Сиздан хон иси келаётир, хоним, — деди кўрққанидан Ҳасан қайғичи, — хон иси — райхон иси!

Феруз «Жимит полвон»га ҳам кет, дегандек ишора қилди. Димоғига гуркираб қон ҳиди урилгандек бўлди. Кўзлари жимирлашди. Оқпошнинг яшил дурлар билан безалган осма соати, ердаги гулдор туркман гиламлари, шифтдаги биллур қандил, ҳатто тахтнинг қирмизи тутқичигача — ҳамма-ҳаммаси қип-қизил қонга бўялгандек эди гўё! Қарс уриб мулозимни чақирди. Шароб келтиришни буюрди. Мулозим тилла патнисда бир коса шароб келтирди. Феруз косани оғзига олиб борди-ю, ўқчиб юборай деди. Назарида гулоб ҳам қондай иссиқ ва шилимшиқ эди. У косани мулозимнинг башарасига қараб отди.

— Сарпоёқлар!¹ Кўрнамаклар! Мен гулоб сўрадим, қон сўраганим йўқ! Қорангни ўчир, аблах!

Мулозим башарасидаги гулоб юқига тиқилиб, патнис билан косани олдию таъзим қила-қила тисарилиб чиқиб кетди.

Шариф тарронинг бурнидан тирқираб оққан қон Ферузнинг кўз ўнгидан кетмай қолди. Қулоғида қариянинг таслими жон олдидаги қарғиши янгради: «Илоё, шол бўлиб, мачал бўлиб ўл!» Хон беихтиёр тиззаларини силади. Таажжубки, унинг чап оёғи увишгандек, ўнг қўлининг бармоқлари ҳам дир-дир титрарди. Юрагини ҳадик, гумон чертиб ўтди.

Хон Тозабоққа сиғмай қолди. У шошилич тарзда Ичан қалъадаги Кўҳна аркка жўнашни ихтиёр этди. Соқчиларни одатдагидан кўра икки

¹Поза — омоч.

²Ҳаз этиб — маза қилиб.

¹Сарпоёқ — безорилар.

баробар кучайтирди. Пешин номозини адо этиб, йўлга чиқди.

Мана, у ҳозир Кўҳна Аркнинг мўъжаз ҳовлисидаги баланд айвонда хаёлчан ўтирибди. Эғнида хитойи шойидан тикилган кенг, мовий чакмон, бошида тожсиз оппоқ одми салла, кўзларини рўпарасидаги гужумнинг яшил бутуқларига тикиб, чуқур, қизил ёпқичли курсида тош қотган. Бобоқайрағочнинг ўзаро чапишиб кетган шохларига боқиб, «Ислимий мўъжиза», деб ўйлади ва нигоҳини беихтиёр қаршидаги устунга ўгирди. Чорбурчак мрамартошга ўрнатилган сарвдек, қўнғиртоб устунларга ҳам нозик ислимиий нақшлар ўйилган, бу нақшлар печак гулдай бир-бирига чирмашиб, шифтдаги заррин шарафаларга бориб уланарди. Ферузнинг нигоҳи битта устун бўйлаб пастга сирғалди. Устун остидаги кулранг мрамартошга ўйиб ёзилган бир фард ярқираб кўзга ташланди:

«Ғариблар кўз ёшини дарё каби оқизмагил, шоҳим, Сени ҳам зўр этиб қўймас, аларни хор этиб даврон»

Бу байт устоз Огаҳийники эди. Уни Муҳаммад Раҳимхоннинг ўзи тошга ўйиб ёздирган. У пайтлар хон ёш эди, салтанат жиловни энди қўлига ўтган эди. Фуқароларнинг арзи ҳолини атай мана шу устун қаршисида ўтириб тинглар, мрамартошдаги шеърий битик уни гўё адлу инсофга, мурувват ва шафқатга ундагандек бўлиб турарди. Бора-бора хон арз жойини ўзгартирди. Энди у арзгўйларни ҳовлининг кун чиқиш тарафида, юмалоқ кўшқида ўтириб қабул қилар, мрамартошдаги битик орқа томонида қолган эди. Огаҳийнинг сатрлари содда эди, аёвсиз эди. Улар фазлу камолда бетимсол бир рутбага етишдим, дея хомхаёл уммонида сузиб бораётган Муҳаммад Раҳимхоннинг саъй-ҳаракатларини жиловлаб тургандек эди.

Хон кўзларини юмди. «Сени ҳам зўр этиб қўймас...» Андак мулоҳазага бориб, эътироз билдирди: Қодир эгамки, бир қимсанинг дастин узун, насибасин зиёда қилиб яратмиш, бас, ул кимса икки дунёда хорлик ва муҳтожлик захрин нўш этмас. Умри форигболлик ила кечур. Вильакс, кимки бу жаҳонга кемтик бахт ила келмиш, ҳар не зўр қилса, захмату ранж чекса-да, иқбол гулшанидан гул узолмас. Ул кас бамисоли пиёда сифатким, суворийга югуриб етолмас. Азал котиблари ҳар мўминнинг манглайна номаи аъмолин ёзмишлар. Менинг манглаймга боқий бир саодатпешалиқ ила умргузаронлиқ ёзгон бўлса не ажаб, устод? Бул боис, шукриллодин ўзга арзим йўқдир...»

Шу пайт эчкининг йўталидай нимжон товуш эшитилди. Хон кўзларини очди. Ҳудайчи ҳўкки жосусни енгидан ушлаб пешайвон олдида турарди.

— Муни қурбонлиққа келтурдингму? — деди кулиб хон. Ҳўкки йигит ошқолдоқдан ўрмалаб чиқиб, ўзини хон оёғига ташлади.

— Қурбонингиз бўлай, хоним! Ҳозир тўғри Шариф тарронинг эшигидан келаётirman. Одам тумонат. Кемачилар иш ташлаб, фотиҳада ўтирибдилар. Аваз тарсо, Хонахаробий, Худерган пўта, Отамурод қори... анави, боши бузуқ мударрингиз Муҳаммад Юсуф ҳожи ҳам бор... Ҳожи шаккоклик этиб, шаънингизни ерга урмоқчи бўлди, ҳазратим. Бир қошиқ қонимдан кечсангиз, айтажакман...

— Айтмасанг, тилингни кесиб олурман, айт! — деди хон. Гўянда ҳиқиллади:

— Илоё, ўзинг раҳм эт... Мударрис айтдики, бўри кутурса қавмига чопармиш, деди. Биллоҳи азим, шундй деди, хоним. Ана, дуогўйингиз қори оғам гуноҳ...

Ҳўкки йигит хонга зимдан разм солди. Унинг рангидан қаҳри келганини ҳам, бепарволигини ҳам билиб бўлмасди. Жосус сал дадилланиб давом этди:

— Шоирларингизни уллиси Табибий мударриснинг гапина кулди. Марҳумнинг кафанлиги йўқ экан, ҳожи бова муллаваҷчаларнинг салласини олиб мурдашўйга юборди...

— Бас! — деб бақирди Феруз ва оёғини силтади. Жосус турган ерида кирпидек ағдарилиб тушди. Бир четда турган ҳудайчи лапанглаб келиб йигитни енгидан судраб олиб кетди. Хон кетма-кет қарс урди. Бирйўла икки мулозим этиб келди.

— Капча, чопқи, қирғич! — деди тишларини гижирлатиб хон. Мулозимлар гапга тушунмай донг қотиб тураверишди.

— Ўлган ўжакдай нега анграйиб турибсанлар?! — Ферузнинг кўзларида ўт чақнади, қўлини қиличдай сермаб устунни кўрсатди. — Анави битикни ўчириб ташланглар! Қайтиб кўрмай! Йўқ, ўрани олиб, ўзгасини қўйинглар!

Хон оғир қўзғалиб ўрнидан турди. Хосхонасига кирди. Бир муддат ёнбошламоқчи бўлди. Яна ўнг қўли увишиб, оёқлари зирқиради. Қулоқларида уч калима сўз ўрин талашиб акс садо берди: «Илоё, шол бўлиб, мачал бўлиб ўл...» «Сени ҳам зўр этиб қўймас...» «Бўри қариса, қавмига чопармиш...»

У беҳузур бўлиб бўксасини кўтарди. Яна асабийлашиб қарс урди. Чопиб келган мулозимларга амр қилди:

— Саманимни эгарласинлар, Мўхримжона боражакман!

Арқда тўс-тўполон қўпди. Муҳаммад Раҳимхонни соний Баҳодир ҳазратларининг шаҳристон сайрига отланганини маълум қилиб, икки жарчи икки тарафга от солиб кетди. Машшоқлар дарҳол «Хон чиқар» дейиладиган тантанавор мусиқани бошладилар. Карнайчилар карнайларини, ногорачилар ногораларини созлаб, дарвоза ёнига келиб турдилар.

Хосхона эшигида салтанат соҳиби кўринди. Икки ёнда аркони давлат қуллуқ мақомида турибди. Шеърий битик ёзилган мрамартош олдида чопқи, қирғич ушлаган уч-тўрт уста куймаланар, мазмунан, битикни қай йўсинда қириб ташлашни маслаҳат қилишарди. Улар хонни кўриб лому алиф сингари қуллуқда қотишди; зора хон ҳазратлари мурувват этиб, битикни ўрнида қолдирармикан, деган умид учқуни бор эди кўзларида. Феруз усталар ёнидан ўтаётиб бир сония тўхтади, «Майли, битикка тегманглар», демоқчи бўлди. Кейин индамай ўтиб кетди.

Қуролли сарбозлар дарвозадан отилиб чиқишди. Уларнинг ортидан карнайларини осмонга ўқталган карнайчилар, вазиру уламо, тўралар, оталиқлар, ясовуллар, девонбегию мироҳўрлар гурасгурас бўлиб кўчаларни тўлдирдилар. Ўртада Муҳаммад Раҳимхон. У одмироқ кийимда. Белида

¹Ошқолдоқ — зина, пиллапоя.

²Ужак — бузуқ
³Ура — устун.

заркамари ҳам, рамзий ханжари ҳам йўқ. Бошда тожи яркирайди, холос. Хон Моҳирўйжаҳонга ҳар сафар мана шундай оддий кийимда боради.

Феруз Дишан қалъада, Чодирли эшон мазорининг қибла тарафида ўз номига атаб мадраса бино қилдирган эди. Мадраса чорбурчак, бежиримгина. Ҳовли ўртасида бир туп азамат тут ўсади. Ана шу мадраса тўрида неча замондирки, усталар шохона даҳма қуриш билан овора. Гумбазлар битган, ёнлама хужралардаги хилхоналар ҳам тайёр. Феруз ўқтин-ўқтин бориб хабар олади. Даҳманинг гоҳо тарҳи ёқмайди унга, гоҳ қабр тошига битилган оятлар. Аслида у турли баҳоналар билан усталарни қасдан шонилтирмаётган эди. Ахир, кийим битса, уни киймоқ керак. Даҳма тайёр бўлса, унга кириб ётмоқ лозим. Ҳозирча Феруз бу ёруғ жаҳондан, бу тожу тахтдан кўнгил узишни ўйлагани ҳам йўқ.

Сарбозлар йўл четига қочолмай қолган одамларнинг бошига қамчи ёғдирадилар, карнайчилар карнайларини чор тарафга буриб вот-вотлатадилар, буломонлар чийиллайди, ногора гумбурлайди, баҳмал ёпинчиқли аргумоқлар кўкка сапчийди. Ферузнинг оппоқ самани тилла сувлигини чайнаб пишқириб бормоқда. Хоннинг хаёлидан Огаҳийнинг байти кетмай қолди. «Усталар на қилдилар экан битикни? Чопиб ташладиларму ё ҳамон сустилик қилмоқдаларму? Сездим, қиртишламоққа қўллари бормади турибди аларнинг».

Моҳирўйжаҳонга ёвуқлашган сари хоннинг кўнгли алағда бўлаверди. «Сени ҳам зўр этиб қўймас...» Охири у чидамади. Хос навкарини чақириб, амр қилди:

— Саройга чоп! Айт, битикка тегмасунлар. Имиллама, манглайи қора!

Феруз ғайри ихтиёрий равишда отининг бошини тортиб Моҳирўйжаҳонга яқинлашар экан, хаёлидан хунук бир фикр кечди: атрофидигилар уни карнай-сурнай билан сўнгги бор хилхонасига узатиб бораётгандек, у даҳмада энди абадий макон қуриб қоладигандек эди.

Интиқом уруғи

Кўҳна Аркдан шундоқ чиқаверишда, ўнг қўлда зиндон. Рўпарада Мадрайимхон мадрасаси. Зиндон ёнидан бир арава сигадиган тор кўча ўтган. Элик қадамча юрсангиз, Муҳаммад Аминхон Мадрасасига борасиз. Ундан ўтиб дарвоза орқали Дишан қалъага чиқиш мумкин. Мана шу кўчанинг ўртароғида, Калта минор тумшугида Утар бобонинг сартарошлик дўкони бор. Уни Утар бобо кўп йиллар илгари, Хевани рус аскарлари забт этмасдан бурун сотиб олган. Аваз гоҳо отасидан, бошқа ер қуриб қолганмиди, нега бу ердан олдингиз, дея сўраб қўярди. «Мен эмас, хон олдиғон дўконни, — дейди ота қовоқ солиб, — ихтиёр менда бўлса, илоннинг ўрдасига яқин келармидим? Подшоларнинг кўзидан нарироқ турган яхши, болам». Бу гап ҳақ. Утар бобонинг отаси Гадоиниёз бобо ҳам хон табиби эди, сарой одамларидан ҳисобланарди. У оламдан ўтгач, хунари ўрлига қолди. Тахтга шаҳзода Муҳаммад Раҳимхон ўтир-

ди. Полвонниёзни саройда табиб қилиб олиб қолди. Еш табиб ёш хондан бир дўкон қурмоққа изн сўраганда ҳазрат рози бўлдию Аркнинг рўпарасидан жой кўрсатди. Эҳтимол, хон табибни истаган пайтда топиш осон бўлсин, деб шундай қилгандир. Хуллас, қўшалоқ бўйрадек келадиган ерда Полвонниёз табиб сартарошлик дўкони очди.

Еш табиб хонга садоқат билан хизмат қилди. Ўзи мадраса кўрмаган чаламулла бўлса-да, зийрак ва абжир эди. У Хевада «Қўли энгил сартарош» деб ном чиқарди. Хонзодалар, тўралар, умуман, саройдаги эътиборли сипоҳиларнинг фарзандларини суннат қилиб, аҳли мусулмон қаторига киритиш Полвонниёзнинг бўйнида эди. Йиллар ўтиб, Полвонниёз деган ном аста-секин унутилди, унинг лақаби азбарои ҳурмат Утар¹ бобога айлан-ди. Хон табобат, муолажа масалаларида Утар бобога тез-тез маслаҳат солар, унинг гапини инобатсиз қолдирмас эди. Саройда хоннинг кўзига тик боқиб, кўнглига келган гапни тап тортмай айта оладиган жасур ва нуфузли кишилардан бири ҳам мана шу Утар бобо эди.

Беш-олти йилдирки, дўкон Авазга қолган. У гоҳо, сабаби тирикчилик дегандек, дўконни очиб ўтиради. Шох хизматида киргандан бери эса деярли қўли тегмай қолди. Онда-сонда бўлмаса, Аваз дўконга қадам босмас, ёзда Пишканик қишлоғидаги боғ ҳовлига чиқиб кетар, кўлларга бориб балиқ овлар, аксар вақт ижод билан банд бўларди. Мана, энди саройдан бутунлай этак силкиди-ю, Мутриб билан Чокарни олиб, унут бўлаёзган эски дўконига келди. Икки ёрмали ўймакор эшик нола қилиб базўр очилди. Бўсагани тўрт энлик тупроқ қоплаган. Дўкон икки бўлмали эди: кичкина айвончадан ўтиб кириладиган даҳлиз ва соч-соқол олинадиган ичкари хона. Даҳлиз ифлос, супурилмаган, вассажуфтли пастак шифтда қора ипдай бўлиб ялтироқ қурум осилиб ётарди. Кўча тарафга қараган дарчага мойқоғоз ёпиштирилган. У кирлаб, ташқари кўринмайдиган бўлиб қолибди. Бир четда эски манғал, синиқ курси. Кираверишда, ўнг томон деворга катта кўзгу осилган. Уни бир энлик чанг босибди. Чокар кўзгуга бармоғи билан «айн» деб ёзди. Ажи-бужи, ялтироқ чизиклар пайдо бўлди.

— Матасан оға, бу ёна галинг, — деди у Мутрибга. Ўзини ойнага солиб кулди, — Шу туришда кимга менгазайман, тошинг-чи!

Мутриб кўзгуга бир қараб, деди:

— Шохинг йўқ бошингда, бўлмаса, шайтоннинг эркагина менгазайсан.

Аваз ичкари бўлмага ўтди. Бу ер ҳам қаровсиз эди. Аваз бир вақтлар асбоб-анжомини қандай ташлаб кетган бўлса, шундайлигича ётарди. Пичоқ солинадиган қўшбоғлар, пиёла-коса сақлаш учун мўлжалланган қовда. Рўпарада чархқайиш. Отаси Афғонистондан олиб келган дандон сопли устара ярим очиклигича чормихга илиниб турибди. Аваз бир дақиқа атрофига паришон боқиб туриб қолди: «Вечора ғарибу вафодор нонхонам!.. Ўзингга қайтиб келдим яна. Энди сени тарк этмагайман. Қадим замонларни тиклагаймиз. Тагин ўқишмалар қилажакмиз, жўралар жам бўлиб мусиқа янгратаймиз. Амирнинг ошидан фақирнинг мушти авло, дейдилар, дўконим!» Аваз бурчакда осифлиқ танбурнинг якка симини чертиб қўйди. Нимқоронги хонада жаранг товуш эшитилди. Бу товуш унга йигитлик чоғларини, мана шу дўконда

¹ Утар — сартарош дегани.

Ўтказган хуррам кунларини эслатди. Бир пайтлар бу дўкон гавжум эди, бу ерда қизгин мушоиралар бўлар, бир ёнда Мутриб кўзларини юмиб танбурни сайратар, ҳазил-мутоиба авжига чиқар, Авазининг эски қадрдони, асли-зотини ҳам, ёшини ҳам аниқлаб бўлмайдиган Ҳасан қайғичи хон амалдорлари ҳақида ичакузди қангомалар айттарди. Одамлар кўпинча соч-соқол олдиргани эмас, «Утар бобонинг дўқонида бир муддат истироҳат қилгани» тўпланардилар. Аваз ўша шўх-шан дамларни қайта тиклашни қўмсаб хаёлчан турарди. Чокарнинг товуши эшитилди:

— Ҳўв, бегим, номозни қазосини ўқиётирсанми, на бўлди?

Аваз биродарларининг олдига чиқди. Ен чўнтагидан кумуш танга олиб Чокарга берди:

— Хоннинг ақчаси бу. Киссамни ҳаром этиб ётиб эди. Тўртта гўмма¹ ол, қолганини қаландарга бер. Биз Рўзимбой оғанинг чойхонасида бўламиз.

— Қаландарга бериб нетаман? — деди Чокар ҳазилнамо. — Неча кундирки, киссам касал. Ке, бугунча сенга ўзим қаландар бўлай. — Чокар кумуш тангани кафтида иргитиб ўйнади. Кўзлари чақнаб шеър айтди:

Васлини истаб жаҳон бозорида
Олам аҳли бошида савдосидур.
Ҳам фақирю ҳам гани девонаси,
Ҳам қарию ҳам йигит шайдосидур.
Топмаса гар илтифотин ҳар киши,
Хордир, гарчи жаҳон доносидур!..

Бу Огаҳийнинг пул ҳақида айтилган чистони эди.

— Бор, бор! — деди Аваз Чокарни аста елкасида туртиб. — Огаҳий бўлишингга ҳали қирқ қовун пишиғи керак.

Чокар йўрғалаб чиқиб кетди. Аваз билан Мутриб эшик зулфинига михчўп тикиб, Муҳаммад Аминхон мадрасаси томон бурилдилар. Аваз, Сайфий деган ўзига яқинроқ муллаваҷчани топди, унга дўқонни супуриб-сидириб қўйишни тайинлади.

Йўлга тушдилар. Мутриб чопонига ўраниб жимгина бормоқда. Унинг феъли қизик. Ранжини ҳам, шодлигини ҳам сездирмайди. Суюнса, хоҳолаб кулмайди, дард чекса, оҳ-воҳ қилмайди. Жуда кўнгли тўлиб кетса, қўлига танбурми, дуторми олади-да, бошини эгиб, кўзларини юмиб макомлардан чалаверади, чалаверади. Сўнг — дарвешмисол, этагини қоқиб туриб кетади. Мутриб Аваздан бир мучал катта. Аваз ибтидоий мактабга қатнаб юрганида Мутриб саройга таклиф этилган, салкам йигирма йилдан бери Феруз хизматида эди. Унинг Хонахаробий тахаллусига сазовор бўлиши ҳам тасодиф меваси эди. Бир сафар хон иттифоқо Мутрибнинг ғариб кулбаси ёнидан ўтиб қолади. Шоир ярим ҳазил йўсинида «Фақирнинг кулбаи аҳзанига марҳамат этгайсиз», деди хонга. Феруз тўкилай деб турган пастқам уйга имо қилиб кулади: «Кунжагинг хароба-ку, Матасан! Вас, бугундан эътиборан сенинг лақабинг Хонахаробий бўлсин». Шундай қилиб, шохдан бир илтифот кутган Мутриб қуруқ тахаллус эгаси бўлиб қолаверди. Бир томондан янги тахаллуси ўзига ҳам ёқди. Хевада номи чиққан Ҳожи табибнинг ўғли, мадрасани офарин ила битказган зукко шоир, чертимда беназир созанда-ю... Хонахаробий! Хон ноўрин лутфи билан гўё ўз фуқароларининг

тақдири тоабат чор-ночор кечмоғини ваъда қилгандек эди.

Аваз Мутрибни пинҳоний, ифодасиз бир меҳр билан суяди, унга ҳамиша қалбан талпинади. Аваз ўз феълини билади, у инжиқ, юраги тор, қўрс. У гоҳо Чокарга, Нодимга, ҳатто устоуди аввал Табибийга дағаллик қилиши, қаттиқ гап айтиши мумкин, амо негадир Мутрибни кўрганда ювош тортади, шаштидан тушади. Унга қўрслик қилолмайди. Мутрибнинг туриш-турмушидаги хокисорликми, ҳалимлик ё сокинликми, нимадир Авазга тез ва кучли таъсир қилади. Шунинг учунми, кўкс зардобга тўлиб, дардини кимга айтишни билмай қолган кезларида Аваз Мутрибни соғинади, унга кўнгил ёради. Энди қирқни қоралаган бўлса-да, қариядай сипо, ўйчан, камсухан ва доништабиат оғасининг сўзларига жон қулогини тикади.

Рўзимбойнинг чойхонасига йўл солишаркан, Аваз гап очди:

— Ога, мен саройдан кетдим, — деди Мутрибнинг бетига боқиб, — азондан буён айтай дейман, сира ўрни бўлмади.

— Ажаб! — деди Мутриб, жунжиккандай елкасини қисиб. — Кетажагингни сезиб юраддим. Шариф таррога қараб турган экансан-да? Хоннинг иши жон олмоқ бўлиб қолди. Бу ўйин қачон поёнига етади, бир худо билади.

— Моҳирўйжаҳон ҳам тезроқ битмади, — дея ух тортди Аваз.

— Ҳов, битганда-чи? Бисмилло деб даҳмасида узун тушиб ётиб олармиди хонинг? Оқсоқол даҳмага кирса, қорасоқол тахтга минади. Мадрайимхоннинг изинда юрган кучуклари кўп. Саид Абдулла бангиси бор, Исфандиёр деган даллиси бор. Акам қачон ўлар экан, деб кўз олайтириб ўтиришибди. Э, Аваз-эй! Шоҳлар мисли тегирмонтош, халқ бугдой. Токи бугдой бор экан, тегирмон айланаверади.

— Ога, — деди Аваз, — ўша тегирмонтошни бир уриб парчалаб ташлайдиган куч дунёга келармикан? На дейсиз? Ахир, тошнинг ҳам умри боқий эмасдир? Бир кунмас, бир кун заволга етар? Уни айлантирадиган шовва абадул-абад оқмас, бир кун тўхтар?

Мутриб, «Хаблпарастсан, иним», дегандек, Авазга таънаомуз разм солди.

— Инсон фарзандининг кўнглида муз бор экан, шовва тўхтамайди. Тегирмонтош айланиб, бугдойни янчаверади. Инсон мукаррам, инсон улуг. Унинг олдига етти иқлим саждага келади. Илло, биз нафсимизнинг қулимиз. Шоҳу гадо — барча баравар қул. Вошимизга тушган неки қулфат бўлса, фалокат, бадбахтлик, зулм, хорлик бўлса, бари шундан, нафсимиздан. Қаноат йўқ ерда мурувват йўқ, мурувват йўқ ерда имон йўқ. Имон бўлмагач, олқиш ҳам ўлади. Олқиш бўлмагач...

— Тегирмонтош айланаверади, — дея Мутрибнинг гапини илиб кетди Аваз.

— ...бугдойни эзаверади. Замонлар шундай кечган, бундан кейин ҳам дигиржакдай кечаверади. Ҳар замоннинг ўз сангтароши бор, соҳиби давронига тош йўниб бераверади, Авазбек!

Аваз дилида Мутриб билан келишмади. Дунёда нимадир ўзгариши керак-ку? Лекин — нима? Буни билмайди. Наҳотки, бировнинг бармоғидан

¹ Гўмма — сомсанинг бир хили.

¹ Дигиржак — гилдирак, чиғирик.

паловнинг мойи томчилаб тураверса-ю, биров Шариф тарронинг неварасидай шишиб ўлаверса? Йўқ, Аваз бунга қарши, бунга кўнмайди. Дунёда адолат, яхшилик, бахт деган нарсалар ҳам бор-ку? Улар ҳам кимгадир насиб этмоғи керак-ку?

Аваз индамади. Мутриб ҳам жим. Улар илгарилайвердилар. Боғча-дарвозага яқинлашдилар. Дарвоза ёнида бўйнига қора кашкул осиб, бошига учлик қалпоқ кийган давангидай қаландар турарди. Кўзларининг чакнаб ёниши, тиниқ, жарангдор товушига қараганда ҳали ўттизга ҳам кирмаган ёш йигитга ўхшарди. У овозини баланд қўйиб, охират кунидан ваъз айтарди:

Юборса номани раҳмат йўлидин,
Келур нома у қулниинг ўнг қўлидин.
Агар нома келур бўлса ғазабдин,
Келур орқасидин ё даста чапдин.

Аваз дарвеш йигитнинг ёнида тўхтади.

— Э, худонинг суйган бандаси! Ғазалнинг тозасидан йўқми? Билсанг, ўқи, ҳаз этайлик! Йигит форсча бир байт ўқиди.

— Бобо Урёний бу, биламан! — деди Аваз, — Бошқа ўқи!

Дарвеш энса қашиб, ўзга ғазал бошлади:

Илоё, барчани кулукқа хос эт,
Мени мендин олиб, бир йўл халос эт...

— Э, бу ҳам кўҳна! Хожа Аҳмади Яссавийнинг ҳикматларини ким билмайди!

Қаландарнинг ғаши келиб, «Бобо Равшан»дан сайрай кетди.

— Кўҳна! — деб бақирди Аваз, — Сен тозасини топиб айтки, мен сенинг сулукингга бош урай!

Ваъзхон йигит овозини баланд қўйиб. Боқирғонийдан, Иброҳим Адҳамдан, Румийдан кетма-кет байтлар ўқиб ташлади. Аваз: «Йўқ-а, шу тозами? Мадрайимхондан ҳам кўна-ку?» деб қовоқ осди. Охири йигитнинг жазаваси тутди.

— Ўт, ўт-а, тарсобачча! — деб бақирди. — Мен сенга авлиёманми? Шоирни замондай лоф уради-я!

— Тўғри тоқдинг, худонинг суюкли бандаси, — деди кулиб Аваз, — мен шоир Авазман. Энди мендан тингла, йигит!

Аваз дарвешнинг ҳайратдан катта-катта очилган кўзларига қараб қироат қилди:

Чарх уриб бошинг ура, бил, ким зараиғ тош айланур,

Тоша боқсанг кўзларинг тингай сенинг, бош айланур!

Мана бу тоза шеър! — деди Аваз жўшиб ва қаландар йигитнинг кашкулига жиринглатиб танага ташладию Мутрибни энгидан тортиб йўлга тушди. Дарвеш лол-караҳт бир аҳволда қолди. Сўнг «Аваз ога!» деганча унинг изидан бир неча қадам эргашди. Бироқ Аваз оломон ичида ғойиб бўлган эди.

Рўзимбойнинг чойхонаси созандалар, умуман, ринд кишилар йиғиладиган ер эди. Рўзимбой элликларни қоралаган, басавлат, ҳар билагини келисопдай полвон киши. Бир замонлар бу ёғи Бухоро, бу ёғи Қўнғироту Марвгача бориб кураш тушган. Бир олишувда оёғи синиб оқсоқ бўлиб қолган. Шундан бери чойхона очиб тирикчилик қилади. Ўзи шоиртабиат, чертим, айтим деса жонини беради. Чойхона тўрида доим дутор-сетор осиглиқ. Қишу ёз чилдирма қиздиргани манғалда саксовул

¹Тозасидан — бу ерда янгисидан, деган маънода.

чўғи яшнаб туради. Аваз ҳамфирклари билан тез-тез шу ерга келади. Хонликдаги ишлардан гаплашадилар. Қаландар дўнмас, Хўжашукур каби устоз созандаларнинг завқиёб мусиқаларини тинглайдилар, ғазалхонлик қиладилар. Нўғай мулла Рамазон Русияда чиқадиған газеталарни ўқийди. Бу ерга хон айғоқчилари оёқ босишга ҳайқидади. Рўзимбойнинг қаҳри ёмон. Урмайди, сўкмайди, ўтинхонага олиб кириб чўғ солинган манғалга ўтқазади. «Рўзимбойнинг манғали»дан кейин не-не ғўяндою айғоқчи бир ерда ўтиролмайдиган бўлиб қолган.

Чойхонада одам сийрак эди. Рўзимбой катта омонат ўтирибди. Чокарнинг қўлида танбур. Патнисда устига товоқ тўнкарилган гўмма.

— Иби, Авазхон! — деди Рўзимбой катдан иргиб тушиб. — Сариқ сувимиз ёқмай қолдимми, на гап? Бугун саккиз кун бўлди қадам босмайсиз-а?

У Мутриб билан ҳам қучоқлашиб кўришди.

— Келинг, уста. Мана бу Матюсуф танбурни қулогини бурайвериб, қулогимни еяжак бўлди. Ўзингиз олинг асбобни.

Мутриб лутф қилди:

— Сиз Матюсуфнинг қулогини бурамайсизми, Рўзимбой!

Қулишдилар. Чойхоначи қовурилган балиқ, зогора нон, кумуш кумғонда чой келтирди. Мутриб танбурни қўлга олди. Даромадни ташлаб ўтиб, бир йўла авж пардадан — фарёддан бошлади. Чокар чилдирмада аста-секин усул бериб ўтирди. Мусиқани эшитган йўловчилар чойхонага бош суқиб кирар, бекорчиқоқлари таъзим қилиб келиб, бир чеккароққа боғдош қуради.

Бир пайт олисдан жарчининг хирилдоқ, жонсарак товуши эшитилди. У Моҳирўйжаҳонни кўргани Савид Муҳаммад Раҳимхон Баҳодирхон жаноби олийлари ташриф буюражагини хабарларди. Мутрибнинг бармоқлари парда устида тўхтаб қолди. Аваз унга маъноли қараб қўйди ва:

— Ҳазрати олийлари Мўҳримжонга серқатнов бўлиб қолдилар, — деди. Ҳозиржавоб чокар луқма ташлади:

— Охири... ҳазратимга хайрли бўлғай.

Хоннинг бу кўчадан ўтиши даргумон эди. Шундай бўлса-да, Рўзимбой тери челақ — қова кўтариб сув сепгани ташқарига чиқди. Жарчининг товуши тобора яқинлашиб келарди. Одамлар ваҳима ичида тарқала бошладилар. Хон ўтарда ҳеч кимсанинг дўконда, чойхона ё мадрасада ўтиришга ҳаққи йўқ, барча кўчага чиқиб, хонни дуо қилиб туриши, қариялар фотиҳа бериши даркор эди.

Ҳадемай саройдан чопар келди. У Мутриб билан Чокарнинг бу ёққа кетганини дўкондаги мулла-ваччадан эшитибди. Чўғирмасига чопарлик нишони — сочбоғдай кўк латта боғлаб олган отлиқ навкар хон ҳазратлари Мутриб билан Чокарни сўраётганини айтди.

— Авазни йўқламадими ҳазрат? — деди ажабланиб Чокар. У ҳали дўстининг ҳамойил топширганидан беҳабар эди.

Навкар ўрнига Мутриб жавоб берди:

— Эшитмадингми, дунёбеҳабар? Аваз оқшом биз каби маддоҳ шоирлар тўдасини тарк этибди. Энди у — бир ён, биз — бир ён. Саройга борсин, оёғини уриб синдираман.

Навкар Мутрибнинг «пўписаси»ни маъқуллаб бош ирғаб қўйди.

— Хон ҳазратлари бизни фаромуш этган бўлсалар, ўзимиз марҳамат айлаб боражакмиз, — деди Аваз ва шитоб билан ўрнидан турди. Навкар от чоптириб кетди. Чокар Авазга кучоқлаб йўлини тўсди:

— Жинни бўлма, жўра. Сен энди саройга бегонасан. Йўнмаган таёқ сингари ўз бошингга калтак бўлиб тушма. Бу шахдинг турса, хон олдида ҳам ўйин кўрсатажаксан.

Аваз гапга кўнадиган аҳволда эмас эди. Гарчи у шоҳ хизматидан ихтиёран кетган бўлса-да, шу чоғда ўзини камситилгандек ҳис этди.

— Кетдик! — деди йўл бошлаб. — Хон ҳазратлари маҳтал бўлиб қолмасинлар!

Моҳирўйжаҳонга Аваз яшайдиган Меҳтаробод маҳалласи орқали ўтса ҳам бўларди. Авазнинг кўчасига етганда Чокар дўстининг енгидан тортди:

— Жўра, шу сафарги зиёратингни менга бағишлай қол. Ўзим сен учун Чодирли авлиёга фотиҳа ўқиб қўяй. Нотавон кўнглим бир балони сезиб турибди.

— Овора бўласан, Матюсуф, — деди Аваз қовоқ солиб, — бораман. Оқшомдан бери назмгўй қассобнинг рафторини соғиндим.

Улар Алакчи маҳалласига етганларида карнайчиларнинг саси ўчди. Моҳирўйжаҳон гумбазлари кўринди. Атрофдаги кўчаларда одам қалин. Ҳамма хон ўтишини кутиб, қўл қовуштириб турибди. Олдинда отлик соқчилар. Аҳли уламо қуршовида Муҳаммад Раҳимхон кўринди. Қозикалон фотиҳага қўл очди. Оломон унга тақлидан калима ўғирди. Пиёдалар сирасида кекса муаррих ва шоир Мирзо, Табибий, Баёний кўринди. Улар хон ортидан ҳовлига кириб кетдилар. Аваз шериклари билан даҳма эшигидан четроқда турибди. Бир замон Мутриб ила Чокарни ҳам чақириб олишди. Аваз сиртда, бегоналар ичида якка ўзи сўппайиб қолди.

Бир қумғон қайнайидиган фурсат ўтди. Хон хилхонасини кўриб бўлган шекилли, ташқарига ҳаллослаб қўриқчилар чиқа бошлашди. Даҳма биқинидаги икки газ баландликда тахтиравон қилинган эди. Хон бошлиқ аркони давлат, дин пешволари тахтиравонни эгалашди. Ниёзмухаммад охунд олдинга чиқиб, хон ҳақида дуо қилди, дорулфанода узун умр, дорулбақода саккиз беҳишнинг роҳат-фарогатини тилади. Шу пайт Мадрайимхоннинг кўзи Авазга тушиб қолди. У Авазнинг саройни тарк этганини эшитган эди.

— Ҳм, Аваз, бу ерда нима еб юрибсан? — дея сўради хон. У гўё «Сен менинг фуқаром эмассан-ку, салтанатимга адашиб келдингми?» деяётгандек эди. Бу Авазга алам қилди.

— Жаноби... ҳазрати олийларининг бўлгуси маконларини соғиниб келдим, — деб жавоб қилди Аваз Ферузнинг кўзига тик боқиб.

— Кўрдингми? На қусури бор?

— Зоҳиран мукамал, хоним, — деди Аваз, овозини баралла қўйиб, — боғинан... андак етишмовчилиги бордек. Жонимни ўзимга раво кўрсангиз айтурман.

— Жонинг ўзингники, айт! — деб амр қилди хон.

Аваз жилмайди.

— Подшолар сўзи — сўзлар подшоси. Айтажакман. Даҳмангиз маҳобатли, хоним. Илоё буюрсин. Менга у олтин бешикни эслатмоқда.

Маълумки, бешикнинг армони — чақалоқ. Бу даҳмага чақалоқ етишмай турибди, холос!

Оломон бир гувранди. Авазнинг ёнида кимдир ҳиринглаб кулди, кимдир «Астафурилло!» деди. Табибий бошини чайқади. Хон ёнида турган хос навар қиличини ушлаб беҳишёр бир қадам олга босди. Лекин Муҳаммад Раҳимхон пинак бузмади. У эл олдида сўз бериб қўйган, ҳозир чидамоғи лозим эди. Хон Авазнинг гапини эшитмагандек, бетини буриб қаватидаги наққошга ниманидир тайинлаган бўлди.

Аваз ҳамойил топширганда хоннинг бетига бир шаппати ургандек бўлган эди. Энди раият олдида унинг шармадасини чиқариб бу бетига ҳам шапалоқ тортди гўё. Соҳиби давронлар эса, шаппати еб эмас, шаппати улашиб ўрганган. Буни Аваз биларди. Аммо ўз насибаси уни қачон, қаерда кутиб турганини хаёлига келтирмас эди.

Шумоёқ жарчи

Бир неча кундирки, сартарошхона очиқ. Аваз азонлаб туриб дўконига шошилади. Пақирни олиб Жинкаминор ёнига боради, қудуқдан сув келтириб айвонга, дўкон ичига қалин қилиб сепеди. Сўнг қумғон-самоварга ўт ташлайди. Кейин ичкари хонага ўтади. Устараларини қайраб, жомойна олдида тахт қилиб қўяди. Олдига пешматини боғлайди. Бир муддат кутади. Одам кирса — кирди, бўлмаса, ҳазрати Навоий ё устод Фузулийнинг девонини олиб, айвонга чиқади. Тоза ҳавода ўтириб газалхонлик қилади. Бугун қизиқ бўлди. Аваз қўлтиғида бир ўрам саксовул билан (самовар учун) Боғча дарвозадан ўтаётган эди, тунов кунги қаландар йигитни кўриб қолди. Унинг қадди расо бўлиб қолгандек эди. Товушини баралла қўйганча, негадир осмонга боқиб Авазнинг шеърини ўқирди:

Чарх уриб бошинг уза, бил, заранг тош айланур,
Тоша боқсанг кўзларинг тингай сенинг, бош айланур...

Авазнинг юраги қалқиб тушди. Дарвешнинг ҳофизасига қойил қолди. Кашкулга майда пул ташламоқчи бўлиб киссасига қўл солди-ю, таниб қолиб ёпишмасин деб, одамлар панасида ўтиб кетди.

Дўконга келиб бир озгача ўйланиб ўтирди. Қаландар йигитнинг охират нағмаларига қарама-қарши ўлароқ айтган бадиҳаси унинг хотиридан чиқаёзган эди. Ички бир қаноат, ҳаяжон, гурур ила пичирлади: «Тоша боқсанг, кўзларинг тингай сенинг, бош айланур...» Емон айтмабди чоғи. Матҳасан оғанинг шарофати бу Дарвоқе, оға кўринмай қолди. Тинчликмикан? Уксириб¹ юриб эди, ётиб қолмаган бўлсин-да.

Самовар жиғиллади. Аваз ўтхонага ёғоч қошиқдай иккита саксовул ташлаб, ичкари кирди. Бурчакдаги хонтахта ёнига бориб ўтирди. Жузвдонда ўрам-ўрам қоғозлар ётарди. Улар Авазнинг кўҳна, янги газаллари. Анчадан бери газалларини тартибга солиб, бир девон тузмқчи бўлади. Девоннинг номи ҳам тайин: «Саодат-ул иқбол». Аммо сира қўли тегмайди. Неча йилдирки, шоҳ хизматидан бўшмади. Нимагадир кейинги кезларда Феруз мушоираларни, базмлару турли

¹ Уксириб — йўталиб.

хил йиғинларни, шикорни кўпайтириб юборган эди. Табиий бошлиқ шоир замонлар баъзи кунлари тўрт маротабагача Тозабоққа қатнардди. Авазнинг ҳам товони тешилаёзди, кавушида бутун қолмади. Мана, энди шоҳона хизматлардан дархон бўлди. Энди газаллари, мана бу ота дўкони билан дардлашгани фурсат етарли. У кўҳна газалларидан айримларини олиб ўқиб кўрди. Кўнгли тўлмади. «Каломи мавзун, — деди ичида, — чиройли сўзлар мажмуасидан иборат бўлибди. «Жоду кўзлар», «ўймоқсифат дудоқлар», «зулфи паришонлар»... Хуллас, сурат бору, сийрат йўқ. Сийратсиз тана ўлик эмасми? Қуруқ маддоқликдан на ҳожат? Асл шоирга маноқиб¹ муносибму? Шеърки, ўз сохибининг юрак қонидан пайдо бўлар экан, ул ўшал қон каби ҳаётбахш бўлмоғи лозим эмасми? Шеър битмоқдин муддао ёлғиз кўнглидаги ғам-андухни тўкиб олмоқ холосми? Шоир юрагида элнинг дарди, раъитнинг эртаққа солиб қўмсаган тилаклари, мунглири, кўзёшлари, армонлари акс садо бермағайми, Аваз? Йўқ, мен минбаъд бўлакча шеърлар ёзажакман! Мен энди не битишни билурмен».

Аваз яна аллақанчагача қоғоз титкилаб ўтирди. Қўлига йирик, жали ёзувда битилган қоғоз илинди. Ўқиди:

Бечора чора истар,
Бир чора замон борму?

Мамнун бўлди. Қоралама байти экан. Қачон ёзилган — ёдига келмади. «Ҳали чала бу. Оёғи бору, боши йўқ экан. Калла топиш керак бунга».

Бир ўрам қоғоз олди яна. Бу майда қора сиёҳда кўчирилган газаллар. Чокарнинг хушхатини Аваз дарров таниди. «Икки кун бўлди далли кўрнимайди», — дея дўстидан ўпкалаган бўлди. Сўнг унинг узрини эслади. «Мадраймхоннинг икки қадоқ жўғарисига кун кўриб бўлмаётир, жўра, — деган эди Чокар, Ферузнинг «Қалам учи»га имо қилиб, — Гандимиёнга чиқиб бир йўниб келай». Чокар яхшигина дурадгор — йўнувчи уста эди. У тирикчилик деб, Хева биқинидаги Гандимиён қишлоғига кетган.

Эшикда оёқ товуши эшитилди.

— Ўтар бобонинг дўғмаси², бормисан?

— Ҳовва.

Аваз Юсуф ҳожи — шоир Доғийни овозидан таниди. Шаҳдам туриб унга пешвоз чиқди. Доғий ичкари кириб, пастак курсига ўтирди. Фотиҳа қилди:

— Дераверсин³ Нечиксан?

— Қуллук, тақсир, — деди Аваз ва ташқарига ишора этиб кулди: — Мана, зиндонга қоровул бўлиб... ўтирибмиз.

Доғий хон билан Авазнинг Моҳирўйжаҳондаги савол-жавобини эслатиб ҳазил қилди:

— Хон инсофли экан. Мен Мадраймхон бўлсам, Моҳирўйжаҳондаги гапинг учун итнинг олдига боғлардим сени, шаккок!

— Ўзим ҳам улли итнинг ўнгинда ўтирибман, ахир. Бундан ортиқ на қилай, тақсир?

Аваз Аркни, тахт эгасини кўзда тутаётган эди. Буни фаҳмлаган Доғийнинг юзига кулги югурди.

¹ Маноқиб — мақтов, мадҳу сано.

² Дўғмаси — боласи, фарзанди.

³ Дераверсин — дуо. Оллонинг марҳамати тегаверсин, дегани.

— Келинг, тақсир, — дея Аваз қўл қовуштириб ҳожининг соч-соқолига қаради.

— Саргарош соқолга, дўзанда оёққа қарайди, деганлари рост экан. Усталлик ишим йўқ. Самўр чой ичгани келдим. Пой, маззали-да ўзи. Қайнади-ми?

— Товушини эшитмадиларми, тақсир? — деб илжайди Аваз. — Бир замон бўлди, меҳмон чақиради. Мен лип этиб, баққолга чиқиб келай.

У пешматини ечиб, чиқиб кетди. Салдан кейин бир ҳовучдан майиз, новвот кўтариб келди. Чой дамлади. Доғийнинг ёнига чордана қурди.

— Саройда на гап, ҳожи ота? — деб сўради Аваз сопол пиёлада чой узатиб. — Мушоира авжидами?

— Иби, жилли бўлибманми? — деди Доғий, — Хонинг аввал бўғзини тозаласин, кейин шеър айтсин! Ҳозир қалам тутажак қўлини ювиб ўтирган бўлуви керак. Шариф тарронинг арвоҳи Ферузни тиригида тинч қўймас!

— Қон юқини қон билан кетказиб бўлмас, — дея ўйчан лўкма ташлади Аваз. Андақ туриб давом этди: — Моҳирўйжаҳонда бекор гапладимми, деб ўйлаб турибман. Чўчиб турганим йўқ, шундай булса-да...

Доғий Авазга зимдан қараб қўйди.

— Чўчимайсан-а, — деди киноямуз, — мад-раймхоннинг вазоҳатидан ўлик қўрқади, тирик чўчимас эканми? Сўзинг оғзингдаги куш эди, учди-кетди. Қайтиб келмас. Илло, ёш жонингга жабр қилдингми деб мен ҳам хавотирдаман. Мен гаплашсам — йўриги бўлак. Ешим саксонга етди. Бешигим белгисиз, эшигим илгисиз. Мадраймхон Юсуф ҳожини ўлдирса, обрўси тўкилади. Сен ёшсан, уйда болаларинг, забонингда газалларинг етим қолажак. Пиёда одам қилич-қалқонли суворий билан тенг бўладими? Сен пиёдасан ахир... Яна бир коса чойдан сол, маззали экан. Уриснинг шу самўри билан лампачироғига борман-да! Кўзингни равшан этажак, қиззиғар!

Доғий чой ичиб бўлиб пиёласини тўнкарди. Қўйиндан ўроғлик қоғоз чиқарди. Аваз унга кўз қирини ташлаб газал эканини пайқади.

— Шунга бир кўр, ўғлим, — деб Доғий қоғозни узатди, — қариганда на деб ўтлабман. Биқинимга келганим дим яхши бўлди. Энди на чизмаласам, кўтариб ёнингга чиқавераман.

— Ажаб, ҳожи ота, ажаб! — дея Аваз шеърга кўз югуртирди. Бу «Рафиқ» радифли газал эди. Одатдаги ошиқ ва маъшуқа тимсоли, ошиқ йиғитнинг шиква-шиқояти, маъшуқа жафоси, ёр ҳажри. Сўнг байтда — ағёрдан нола, ёр марҳаматига умид... Аваз газални ўз қолипига солиб кўрди. Таъбига мос тушмади. «Саксон ёшли қариядан не талаб қилиб бўлур? — деб ўйлади. — Олтмишингда буломон чалишни ўргансанг, ўлганинда чаласанми, дебди бир бечора. Аммо... Не ажабким, шул ёшинда ҳам кўкси чайқалиб, шеър айтмоққа эҳтиёж сезиб турибди экан. Шунинг ўзи инсон учун ажиб бир руҳий неъмат эмасми?»

Аваз Доғийнинг кўнгли учун бир-икки байтни мактаган бўлди:

— Ҳожи ота, абётингизда хотирга ўрнашиб қоладиғанлари бор. «Фахр этиб фалакка бош уришга тайёрман», дебсиз. Маъқул. Аммо кўҳна қўшиқлардан воз кечмоқ даркор. Филжумла: «Қошлари тигин чекиб, мужгон ўқин ҳар дам отиб...» Бу, ахир, Одам Ато замониндан бўён

судралиб келаётирган ташбех. Вировнинг оғзиндаги сақични олиб қайта чайнамоқ шоир кимсага нолойиқ бир юмушдир.

Аваз қизишиб кетаётганини сезиб кулимсиради.

— Инжимайсиз, ҳожи ота, — деди мулойим товушда, — мен тўғриси айтдим.

Басавлат, чўрткесар Доғий Авазнинг ёнида хиёл бош эгиб таҳлилга қулоқ солиб ўтирарди.

— Гапинг тиканли, илло ҳаққи рост, — деди у уҳ тортиб, — Менга нима қил дейсан? Мурувват этсанг, тузат. Мен саксонга борган курра шоирман. Куррага аргумоқнинг юкини орт-чи, на бўлади? Бели синиб ўлади. Сен аргумоқсан, худо умр берса, бир куни туянинг юкини-да кўтаражаксан.

Юсуф ҳожининг гапи Авазга наъза қилди. «Майли, булар менда турсин, қалам уриб кўрарман», деб ғазалларни олиб қолди.

Улар энди назмгўйликни тамомлаб, «дунёнинг ишлари»дан гаплашаётганда бир муллавачча келиб, мударрисни қақриб кетди. Юсуф ҳожини муҳтасиб¹ раис сўроқлаётган эмиш. Доғий «Иши йўқ ит сугорар. Бу нодон муҳтасибнинг на иши бор экан?» деб тўнғилладию этагини қоқди.

Аваз яна ичкари хонага ўтди. Кичкина сандиқча ёнига ўтириб шеърларини саралай бошлади. Хатчўп солинган бир куллийёт орасидан эски ғазали чиқди. Бир-икки йил бурун ёзилган шекилли, қоғоз сарғайиб кетибди. Аваз ғазалнинг мақтасини ўқиб ўйга толди.

Эй Аваз, қил жаҳд, девонингни қилмоқ истасанг
Гар Навоию Табибий дафтарига ҳамрадиғ.

Табибийни эслади. Қирқ йил қадрдон дўст бўлиб ажралиб кетган одамдай, ҳам соғинч, ҳам араз аралаш мавҳум бир туйғу ичра чулғаниб эслади. Хаёлан унга мурожаат қилди: «Аҳмаджон оға... Устоз... Мавлоно Табибий... Ҳов, сизга на бўлди, пухта тиллодай кўринмайсиз? Тозабоғнинг қописи бизга ёниқ, аммо бизнинг эшик ҳамиша сизга очик турибди, оға. Ехуд долонимиздан илон чиқдимиз? Миннатингиз бўйнимга, шеър илмида устози аввалдирсиз. Қўлимдан тутдингиз, дастингизни маҳкам ушладим. Бу фақирингизнинг қалами равон-равон йўргалаб, назм гавҳарин сочгон экан, азбарои жанобларининг хизматлари туфайлидир. Недан инжидингиз, лолдирмен, устоз? Ахир, сиздан илгари ўтиб бўсага ҳатламадим, сиз туриб дастурхонга қўл урмадим, оғзингиздаги каломга чанг солмадим. Не абётки битдим, баҳоли қудрат абётимга исми шарифингизни пайванд этдим. Аммо сизга сажда қилмадим, зеро саждани тубанлик ва нотавонлик белгиси деб билурмен. Хай, ихтиёри башумо, мавлоно. Хева мўъжаз қалъадур, соғ бўлсак бир кун юзма-юз келурмиз. Шунда иккаламининг уялганимиз қолажак, оға...»

Ташқарида калта йўтал эшитилди. Авазнинг юраги шиг этди. Бунақа калта йўтал Табибийга хос эди. У кўп йилдан бери зотилжам билан оғриб юрар, отаси, ўзи табиб бўлатуриб, дарддан бутунлай фориг бўлиб кетмаган эди. Аваз қоғозларини очик-сочик ташлаб йўлакка отилди. Ажабо, остонада Табибий кулимсираб турарди! Аваз шошганидан «Мошоллоҳ!» деб юборди.

Устозу шогирд бир-бирига тикилиб қолдилар. Табибийнинг юмалоқ рангпар юзи бир оз сўлгин

¹Муҳтасиб — бозорда тош-тарозини, диний расм-русумларнинг адо этилишини текширувчи нозир.

кўринар, қийиқ кўзларида малоллик, хижолатга ўхшаш ифода зуҳур эди. У қадди расо, тетик, бўйчан Авазнинг бежирим кузалган соқолига, янги ойнинг ўроғидай хиёл чимирилган қора қошлари, чехрасига қандайдир жангариликми, қайсарликми бағишлаб турган ингичка бурама мўйловига кўз узмай тикилди. Табибий учун Аваз ўқилавериб ёд бўлиб кетган рисоладек эди. Устоз унинг ўткир қўйкўзларига боқиб, уларда гина, соғинч, эҳтимол, жиндак араз пайқади.

— Дийдорима тўйган бўлсанг, энди кўришайлик, — деди устоз шўхчан товушда. Аваз шошиб иккала кўлини чўзди. Табибий қучоқ очди.

Аваз қумғон-самоварга сув қуйди, ўт ташлади. Хонтахта ёнига келиб чўккалади.

— Худо шоҳид, ҳализамон кўнглимдан ўтиб туриб эдингиз, оға. Меҳримми, сеҳримми сизни йўлдан уриб... дўконга судрабди-да. Қуллук.

Авазнинг гапида енгил киноя билан самимий бир эҳтиромнозик бир усулда чатишиб кетган эди. Бу Табибийнинг завқини келтирди. У бекор Авазга умид боғламаган. «Бир куни камолга етса, беқиёс шоир бўлажак. Гарчандки, камолотнинг сарҳади йўқдир, аммо бу йигит ҳозирнинг ўзида шеър-ияти тизгинлаб, ўз ихтиёрина бўйсундириб олган эмасми?» деб қўйди ичида.

— Кўнглимдан ўтанимда кўнглимда не кечганин биламан, — деди устоз томоқ қириб, — Аҳмаджон оғам қуёшламадаги дўстга менгзайди, офтоб чарақлаб турса соясини солур, осмонни булут чулғаса, ўзи ҳам, кўланкаси ҳам гум бўлур, деб ўйлагансан. Тўғримми?

Аваз рост, дегандек бош силкиди.

— Сўнг... хон — тобоғи мойли, Табибий бу тобоққа қасида бағишлаб ўтирган бўлса ажабмас, деган хаёл ҳам кечган каллангдан. Лаббай?

— Буниси ёлғон, — деди Аваз, устознинг киноямуз кулиб турган кўзларига боқиб, — башорат қилолмадилар. Упкалаганим рост, бироқ ўпкам ичимда қолди, устоз. Сизга лой сачратмадим.

Табибий ўрнидан турди. Аваз «У кетмоқчимми?» деб хайрон бўлди.

— Ичкарида сўллашайлик, — деди Табибий кафшини кийиб, — ўзингга айтадиган махфий гапим бор. Сен эшикка сардўз тортиб қўй.

Табибий ичкари хонага ўтиб, дарпардани туширди. Курсига бориб ўтирди. Аваз унинг рўпарасига, пўстакка чордана қурди. Табибий икки марта ўқчиб йўталди, туфдонга тупурди. Кейин аста деди:

— Аваз, менинг ёшим улуғ. Сендин бурун беш-олти кавуш тўздирганман. Рост бўлса, устозман деб фахр этиб юраман. Енмай гапимга қулоқ сол. Мен саройдан элчи бўлиб келдим. Хон ҳазратлари гуноҳингдан ўтибди. Сени анжуманга чорлаб турибди.

Авазнинг кўнглига ғашлик кирди. У неча йил ёмон туш кўргандай яшади. Ниҳоят, энди уйғонди — ёруғ бир боргоҳга етгандек эди. Уни яна ўша зимистон маъвога таклиф этиб келибдилар. Чорловчи — энг муҳтарам зотлардан бири, оға, устоз Табибий эканлиги Авазга айниқса оғир ботди. Не дейди? Ерга тушган тупурикни қайтиб олмоқ... қандай бўлур?

Аваз расмийроқ оҳангда сўради:

— Жанобларининг муборак фикрларини билмоқчиман?

— Сенинг ўрнингда бўлсам мен бош тортмас

эдим, — деди Табибий, — Вазиятни тарозуга солиб кўрмоқ лозим. Борсанг, не зиён кўрасану, бормансанг не наф топажаксан.

— Гуноҳим на экан, оға, тушунолмайти турибман.

— Ҳазингни дали-гули этиб кўрсатма, Аваз! — Табибийнинг овози кескинлашди. — Бир замонлар сарой эшигини қўл билан очиб кириб эдинг. Оқибат на қилдинг? Рухсатсиз тепиб чиқиб кетдинг. Моҳирўйжаҳондаги гапинг-чи? Мен ҳануз ҳайронман, хон нега сени дарҳол жаллодга топширмади экан?

— Унда Мадрайимхонни қасам урарди. Ахир, жамоат олдида сўзини олиб, сўнг гапларим.

— Бари бир. Салтанат соҳибининг башарасига қараб туриб, мавту қабла анта мавту... ўлма-сингиздан бурун ўлинг, демоқ... донолик белгиси эмасдур.

Аваз, «Қўлга тушдингиз, оға, ўз арқоғингиз оёғингизни боғлаб берди», дегандек мўйловини бураб кулимсиради.

— Ўлманг! Ана энди мантиқни ўртага қўйиб бир мушоҳада қилайлик, устоз. Вузруқлар шапата захрини то қиёматгача унутмайдилар. Винобарин, эмоқнинг қусмоғи бор. Хўп, шохнинг лутфу карамига учиб, Аваз тагин саройга бош эгиб боради. Хон уни кўриб кўрмаганга олади. Сўнг, манави сабқачани ким қақирди, оғзига суяк тишлатиб таёқлаб қувинглар, токи дастурхонимни булғамасин, дейди. Хон таклифида бундан ўзга мақсад кўрмаётирман. Узр, ҳазратингизга аддоимизни етказгайсиз, саройга мени кишанда олиб боришлари мумкинди, илло ихтиёрим ила бормасмен. Қурсоғим гўлдираса, «зилл ус-субхон» олдида тўрт оёқлаб эмаклаш, бетига термилиб мунофиқлик қилиш, олий ҳазратнинг ҳаром тупругини дуру гавҳарга қиёслаб оғиз кўпиртириш жонимга тегди!

— Илгари оринг келмас эди, булбулигўё эдинг, — деди аста Табибий. Авазнинг кўзлари чақнаб, жаҳлдан мурти лип-лип учди.

— Тўғри, илгари ориятим йўқ экан! — деди у пишиллаб. — Йўқотиб, тополмай юриб эдим! Шукрим, топдим! Йигирма беш ёшимда топдим Таассуфки, йигирма беш йилдан бери имонини майда пулга алмашиб юрганлар ҳам бор саройда. Уларнинг олдида мениг гумроҳлигим беҳроқ!

Бу гап Табибийга нашгардек ботди. Унинг шох хизматига кирганига салкам йигирма беш йил бўлаётган эди. Табибий Аваздан ҳар не хунук гап кутган. Аммо имонига шак келтиради деб ўйламаган эди. Устознинг синиқ ранги баттар ўчди, юпқа лаблари пирпиради. Кўзларига ёш қалқди. У юзани силаш баҳонасида дастурмоли билан кўзини артиб олди. Енидан хапдори олиб тилининг тагига ташлади. Ювош, кўнгилчан Табибийнинг қалби шу тонда унсиз вола қиларди.

— Биров терингни шилиб, кейин сўяди, биров сўйиб бўлиб, сўнг терингни шилади. Табибийнинг териси юпқа, сен сўйишга қийналмадинг, Аваз! Қўлинг покига дим яхши ўрганган. Энди гапга қулоқ сол. Хўп, сен ориятингни топибсан. Муборак бўлсин! Ориятинг — кўксингдаги чироғинг. Илоё, у тоабат пориллаб ёниб турсин! Унга қараб «пуф» деган касни кўрсам, бетига тупураман. Хўш, имон масаласига келсак... имон ҳам виждон сингари нисбий нарса. Имон, Аваз, билсанг, сувдай гап. Сув юмшоқ ерни, текис ерни ахтариб, ўзига йўл очади. Қирларни, тошларни айланиб ўтиб манзилга

шошади. Тирик жонга ҳаёт ато этмоқчи бўлади. Мен сувнинг бу йўриғида инсон фарзанди ўрганса бўладиган бир ҳикмат кўраман. Мен имонимни сариқ чақага майдаламадим. Илло, тоғ-тошларга бошимни уриб мажнунлик ҳам қилмадим... Сени илк дафъа саройга етаклаб бориб Ферузга рўпара қилганимда имонимдан чекиндимми? Ҳа, бир баҳа чекиндим. Сендаги йўқ фазилатларни бор деб мақтадим, шох карамига ноил ўлса, бир куни шеърият кўкида тўлин ойдай тўлишиб камолга етар, деб орзу қилдим. Шукрим, ниятим холис экан, ҳозир тилим дароз. «Мажмуат уш-шуаро» тарихи ҳам ёдингда. Мавлоно Оғаҳий, Комил девон, уламолар, тўралар тазмини бор эди, холос. Не азиятлар, илтижолар оқибатида сен, Мутриб, Чокар китобат этилди. Яна имоним дарз кетди. Илло афсус емадим. Негаки, бул дарз кетган ёриқдан савоб гулшани кўринди кўзимга... Хушмад, тилёғламалик, мунофиқлик... Таассуфки, бу унсурлар Одам Ато замонидан буён аҳли дониш бўйнидаги тавқи лаънатдир. Токи бир кимсанинг қисмати ўзга шахсга боғлиқ экан, имоним қомилки, замонлар ўтиб мазкур унсурлар йўқолиб битмас.

Аваз боядан бери қобил муллаваччадай калла осилтириб ўтирган эди, илкис бош кўтарди.

— Узр, Аҳмаджон оға, — деди сиполик билан, — бу фикрингизга шерик бўлолмадим. Сиз мени мутеликка ундаётисиз. Мен норозиман. Наҳот пешонамга тоабат тобелик, қуллуқ мақоми битилган бўлса? Наҳот даврлар, давронлар шундоқ кечаверса? Фасл ўзгарса, иқлим, ҳаво, сув... ўзгарса-ю, инсон боласининг кўксига дарёдай тўлқин уриб, қайнаб-тошиб, кўкрагини ёриб юбораман дейдиган тугёнлар чириб, оёқости бўлиб қолаверса?! Рухимиздаги жиловсиз исёнларни нетасиз? Уларни Қуръони шарифининг оятлари билан парчалаб сувга оқизасизми?

Табибий ўйчан жавоб берди:

— Йўқ, исёнлар руҳ билан бирга кетажак. Исёнкорларни эса дор кутади. Мансур Халлож, Саид Насимий, Собир Термизий, Шох Машраб... Менга таъна тошин отма, Аваз. Мен оятлардан ўрма қамчи тузиб келмадим ёнингга. Саройдаги ишларни мен ҳам кўриб турибман. Зўрлик, нола, фақш, ришвахўрлик... Илло, начора? Ўрганиб қолдик чоғи. Отнинг борур ери оқибат — охур. Мен саройдан кетсам, Мадрайимхон тахтдан тушиб, ўрнига Хорун-ар Рашидни қўярмиди? Аваз, бўтам, лақма Аҳмаджон оғаннинг гапини қулоғингга қўйиб ол. Неча йиллигим бор, худо билади. Бу ёқда лаънати зотилжам бўғзимга панжа уриб турибди. Бир куни омонатини топширарман. Сенинг йўлинг олис. Тоғ билан олишиб кучингни кетказма. Сендайлар оз, Мадрайимхоннинг одамлари кўп. Сувдай бўл, тоғ-тошни айланиб ўтавер. Ана шунда ташнаком бир кимсанинг дардига малҳам бўлғайсан. Илоё, манзилингга саломат етқайсан, Аваз!

Табибий фотиҳа қилиб, оғир қўзғалди. Нимқоронғида йўл топмай қийналди. Аваз дарпардани кўтарди.

— Оға, чой ичайлик? — деди устознинг ёшли кўзларига боқиб. Табибий ҳазил қилди:

— Бермаснинг оши пишмас. Борай. Табибийсиз хон ҳазратларининг томоғидан сув ўтмай ўтирган бўлуви керак.

Ташқарига чикдилар. Шу пайт узоқдан жарчининг «Ҳе-ей, одам-ла-ар!» деган хирқироқ товуши

эшитилди. Устоу шогирд сергакланиб, беихтиёр айвонда тўхтаб қолдилар. Товуш Жоме масжиди томондан келарди. Ҳадемай қирчанги от минган жарчининг ўзи ҳам кўринди. У отининг бошини бўш қўйиб, иккала қўлини оғзига карнай қилиб бақирарди:

— Ҳо-ҳо-ой, одамла-ар! Саид Муҳаммад Раҳимхон Ваҳодирхон ҳазратлари фармони олий қилдилар! Кимда-ким худонинг осий бандаси... бетавфиқ Аваз Утар ўглининг дўконига оёқ босса... соч-сокол олдирса, имони куйга-ай! Бундай гумроҳлар юз қамчи ила жазоланга-ай! Ҳо-ҳой, мусулмони комиллар, эшитмадим деманглар, Аваз Утар ўглининг дўкони боши бузуқлар жойи деб эълон қилинур!...

Жарчи Қалта минор ёнидан ўнгга бурилди. Арк ёнидан бақириб-чақириб Муҳаммад Раҳимхон мадрасаси томон ўтиб кетди.

— Падарингга лаънат! — деди Табибий пажмурда бир ҳолатда. У жарчини сўқдим, фармони олий берган зотини — билиб бўлмасди. Табибий гўё ушбу фармонни билатуриб, атай Авазни саройга чорлаб келгандек хижолат чекди.

— Ана, зоти покларининг лутфу карами! — деди Аваз ғамгин қулиб.

— Ичкари кириб лошларингни йиғна! Энди бу ерда туриб бўлмас. Ҳар замон Юсуф ясовулбошининг одамлари келиб қолиши бор.

Аваз дўконга кириб, асбоб-анжомини йиғиштирди. Қўлёзмаларини бўйинсочиққа тугди. Самоварни ўчириб, кулини мўрконга тўқди. Сўнг дўконини қайтиб кўрмайдигандек, тўрт деворга аланглаб боқдию ташқари чиқди. Эшикка бош бармоқдай қулфча солди. Йўлга тушдилар. Иккаласидан сас чиқмайдди. Табибий ўйлайди: «Номард Мадрайимхон-а! Ўзинг-ку сулҳ тақлиф этиб мени Авазга юбординг. Энди нечун туями-жозлик қилиб... тескари таҳорат ушатиб ўтирибсан? Юрт отаси оғзиолалик қилса, раиятнинг қарғишига йўлиқмасми? Э, тангрим, марҳаматинг улуг, бу қари чолнинг сийнасига ясмиқдай адлу инсоф уруғин ташлагайсан».

Аваз ўйларди: «Бу дунёни кўзингга тангу тор қилиб юборди лаънати хон! Бир қошиқ гўжангни ичиб тинч яшай десанг қўймайди аблах! Амударёнинг у бетина¹ ўтиб кетмасанг қутулмайсан шекилли. — У Табибийдан ҳам ранжиди: — Отам, кўсадан ёруғлик чиқмас, дерди. Кўсада дўстлик шеваси бўлса, бетига сокол битарди. Тозабонда аталани қайнатиб қўйиб, гап олмоққа келган эканлар-да, мавлоно? Вориб аталангизни булайверинг! Бундан сўнг жаноблари ила йўлимиз айри тушгай. Мен қўли қадоқ, ялангоёқ биродарларимдан паноҳ тилагани кетурман. Сизни билмадим. Сизни, шубҳасиз, Мадрайимхоннинг шоҳона дастурхонлари кутажак».

Улар совуққина бош силкиб ажралдилар. Табибий Тозабонқа, Рафинак йўлига бурилди. Аваз уйига кетди. Бироқ уйда ҳам тинчимади. У хоннинг одатини билади. Бунақа жардан сўнг бир бечоранинг шўри қурийдди. Бир сафар жар чақирилиб Дишан қалъада халойиқни тўпладилар. Машҳур машшоқ Исмоил созчини ўриссози² чалдинг, деб тошбўронга ҳукм этди. Хунармандлар

ўртага тушди, созчининг дўстлари, қариндош-уруғлари эллик тилло жамлаб, унинг «гуноҳи»ни тилаб олдилар. Яна бир марта беҳол, касалманд гилкор уста Еқуббой тириклайин девор тагига қўйилди.

...Аваз отаси билан маслаҳатлашиб, Пишканикка кетадиган бўлди. «Қўлингга хунаринг бор, соч-сокол олиб одамларни қарз қилиб кел, — деди Утар бобо, — кузақда ақча бўлмаса, ошлиқ берар. Ҳозир хон илондек тўлганиб, захрини кимга сочишни билмай турибди. Вир-икки ҳафта кўзидан узоқроқ тур. Кейин ё раззоқ».

Сахар туриб, у йўл тадоригини кўрди. Қоралама шеърларини олди, бўғчасига бир даста қоғоз, икки девон тугди. Ухлаб ётган ўғли Жуманиёз билан қизи Бибижонни манглайдан ўпиб, хайрлашди.

Долонга чиқди. Хотини Розия ортидан эргашди. У кичкина ҳулла рўмолининг бир четини тишлаб, юзини чала бекитиб турарди.

— Қачон қайтасиз, отаси? — деб сўради Розия хавотир аралаш энтикиб.

— Номим оқланган куни бир нафас турмай етиб келажакман.

Розия кўзда ёш билан мунғайиб қолди.

Тонгда, қалъа дарвозалари очилган ҳамон Аваз йўлга тушди. У Шўрқишлоқда ишлаётган дўсти Чокарни олиб тўғри Пишканикка ўтишни мўлжаллаб қўйди.

Наврўз ҳадяси

Қаландар йигит Авазни йўқотиб қўйиб, оромдан айрилди. Боғча дарвоза ёнида тиккама-тикка тўрт оғиз гаплашдию шерозий телпакли, адлқомат, кўзлари юлдуздай чақнаган бу йигитга меҳри тушиб қолди. Авазнинг ғазалларини у илгари ҳам эшитган. Ҳофизлар ижросида, тўй-хашамларда «Э, Аваз!» дея оёқлайдиган қўшиқлар қулоғига кирган. Аваз деса, у соқоли кўкрагини босган, қош-киприги ундай оппоқ, бошига улкан дастор ўраган бир мўйсафидни тасаввур этар эди. Бу кишнаб турган дўнандай навжувон йигит экан. Иккаласи тенгқур бўлса ажабмас. Дарвеш йигитнинг хаёлидан Авазнинг бир лаҳза чимирилиб туриб ўқиган байти кетмай қолди. Рост, байтнинг маъносига у ҳали тузукроқ тушунганича йўқ. Аммо шеърнинг нимасидир дарвешга ёқиб қолди. Сувдай равон оқишими ёки «Э, йигит!» дея ўзига қарата айтилганими, ё бўлмаса, унинг чуғз-топишмоқ эканлигимми... Қаландарнинг хотираси балодек эди, бир эшитишда шеърни ёдлаб олди. Байтдаги ёпиқ мазмунни очмоқчидай, уни қайта-қайта такрорлади, Хожа Аҳмад Яссавий, Боқирғоний каби сўфий шоирлар назми қаторида тилдан қўймай айта бошлади.

У Авазни тагин бир кўриб, имкони бўлса тўрт оғиз гаплашмоқчи, янги ғазаларидан тингламоқчи. Лекин, мана икки ҳафтадирки, Авазнинг дараги йўқ. Дарвозадан ўтмайди. Қаландар йигит дийдор умидида Ичанқалъа дарвозаларида сабр билан туриб Авазнинг йўлини пойлади, бозорларни, расталарни кезиб чиқди. Бироқ тоза шеър айтиб, унинг кўнглига мужмал савол ташлаб кетган калта соқолли, кичкина бурама мўйловли йигит ҳеч қаерда кўринмасди. Ниҳоят, дарвеш йигит Аваздан умидини уздим деганда жарчининг

¹ Амударёнинг ўнг қирғоғи руслар тасарруфида эди. У ерда хоннинг ҳукми юрмасди.

² Урриссози — гармон.

овозини эшитиб қолдию, гўё совий бошлаган танасига қайта жон киргандай бўлди. «Бу оламда бор экансан-ку, шоирим!» деб эртасига азонлаб Авазининг дўконини суриштириб келди. Эшикда бош бармоқдай қулфни кўриб, ҳафсаласи пир бўлди. Кашкулини бутига осилтириб айвонда анча ўтирди. Кейин ух тортиб кўзгалди. Оёғини судраб яна Боғчадарвоза томон борар экан, «Шоир замон қаерда бўлди экан-а?» деб хаёлланди.

...Қаландар йигит, кўнглини аёвсиз тимдаловчи зардобли ўйларданми, куннинг иссиғиданми қарахт бўлиб, дарвоза панасида кўланкалаб ўтирибди. Офтоб Қалта минор ортига ўтди. Йўловчилар сийраклашди. Тол туш вақти бўлган, одамлар уй-уйларига бекиниб олишган эди. Қаландар кашкулини салмоқлаб кўрди. Уандак оғирлашган, бугунги хўракка етарли танга тушган эди. Йигит негадир хўрсиниб, кўзғолди. Бозори шабга қараб кетди. Бўғзига қовурилган балиқ ҳиди урилди. Ўзи кунда-кунора келиб ўрганган тим остига бориб чордона кўрди. Балиқпаз икки бўлак чала пишган балиқ думини келтириб чипта устига қўйиб кетди. Қаландар бир чимдимгина эти бор балиққа қараб ўксинди. Қопчиғидан яримта зогора нон олди. Бемордек бемажол синдириб, истамай чайнади. Ёнидаги сопол кўзадан илиқ сув ҳўплади.

Қалла осилтирганча муруқабага берилиб бир мазил ўтирди. Дўнбни тамоом унутган, атрофидаги олам билан иши йўқ, жағи қимирлагани ҳисобга олинмаса, у одам нусха қилиб ясалган ҳайкалнинг худди ўзгинаси эди.

Хўрақдан кейин андак мизгимоқчи бўлди. Жун чакмонини ечиб яланг ерга ёйди. Кулоҳини бошига қўйди. Ёнбошлади. Кўзларини юмди. Аммо уйқу келавермади. Бамисоли таносухга йўлиқиб, жон кўчаётгандай безовта бўлаверди. Кирпидек гужанак бўлиб алламаҳалгача қилт этмай ётди. Юраги пўкиллади. Оғзи қуруқшаб, сим-сим терлади. Тезроқ туриб кетмаса, гўё оёқ чўзиб қоладигандек эди. Илкис бошини кўтарди. Кулоҳи билан юз-кўзини артди. Кашкулидан икки мири олиб чиптага ташлади. Оёқларига кишан урилган банди сингари бир-бир одим ташлаб йироқлашди. Унинг борар ери нотайин, оёқлари чалкашиб, қаён бошласа кетаверади. Хевада бир маъбуда бор. Матпано ҳар оқшом ўша маъбуда ила гойибона саломлашади, сўнг яна гойибона хўшлашади, кейин ўзидек бенаво, дарбадар қаландарлар тўдасига қўшилиб, бирор хилватдами, масжид ё мадраса ҳовлисидами уйқуга шўнғийди. Ҳозирча оқшомгача олис эди, ҳали номозидигар ҳам бўлгани йўқ. Йигит Жоме масжиди ёнидан ўтаётиб буткул ҳолдан тойди. «Бисмилло» деб ичкари кирди. Ичкари салқин эди. Ҳайҳотдек танобий хонада ўзидек кулоҳлик кишилар мук тушиб, ёнбошлаб ётишарди. Йигит пойгакка ўтириб оёқ узатди. Муздек ҳаво, ғир-ғир шабада, нимқоронғи хонадаги оҳиста хуррак товушлари уни ҳам элитди, ҳадемай кўзи илдинди. Узала тушиб ухлаб қолди...

Қанча ётганини билмайди. Бошини кўтарганда ташқарида мешкобчининг шалоқлатиб сув сепатгани, «Хов, қоч-а, манглайи қора!» деб бақиргани эшитилди. Шериклари йўқ эди. У апил-тапил ўрнидан турди, ёнини пайпаслади. Тумори жойида эди. Юзига енгилгина фотиҳа тортиб, ташқари чиқди. Муздек сувда ювинди. Кулоҳини ҳам сувга ботириб олди. Сўнг офтобга бир қараб қўйиб, Тошдарвоза томон юрди. Кун ботиб борар, кўча-

ларга салқин тушган, маъбуда билан мулоқот оналари яқинлашиб келарди.

У жинкўча муюлишидаги кўҳна қудуқ тепасига келди. Ўша машғум воқеадан кейин бу қудуқдан ҳеч ким сув ичмас, оғзига қопқоқ урилиб, тахта-качлаб ташланган эди. Йигит чирик оғочлар тирқишидан пастга қаради. Қуйида сув симобдай милдирайди. Бу унга тирик маъбуданинг қуралай кўзларини эслатди. Юраги ҳаприқиб қопқоқ четига ўтирди. Бир йилдирки, кунига аҳвол шу. Ҳар кун у қўноғига кетишдан олдин шу ерга келади. Қудуқ ёнида бош эгиб узоқ ўтиради, ўзича нималарнидир пичирлайди. Эҳтимол, телбадек хаёлан Марҳамат билан сўзлашади, унга айтолмаган дардларини айтади, ундан сўрай олмай қолган сўзларини сўрайди...

Дарвеш йигитнинг кўксидан ўтли бир нафас отилиб чиқди. Бу нафас қанотида бир калима сўз аранг қулоққа чалинарди: «Раҳмат сенга, наврўзи олам! Лаънат сенга, наврўзи бадбахт! Сен бўлмаганинда менга бу кўргиликлар йўқмиди...»

Матпанонинг хаёлида қизил-яшил рангларга бурканиб, ола-говурга, шўх рақсларга, одамларнинг хандон кулгисига тўлиб-тошиб ўша наврўз байрами жонланди.

Хевада Наврўз, Хевада байрам... Кимки уни кўрмабди, бу дунёнинг жаннатидан бебаҳра қолибди. Қадим-қадимдан, эҳтимол, Хоразмшоҳлар давридан ё ундан ҳам илгари замонлардан қолган бир удум бор. Ҳар йили ҳамалнинг ўнинчи кун шаҳардаги нуфузли баққоллардан бири етти хил кўкат, етти хил тармева солинган бада кўтариб саройга боради. Хондан наврўзи оламни байрам қилишга ижозат сўрайди. Рухсати олий бўлгач, қалъа ҳокимининг амри билан жар чақиртирилади. Ичанқалъаю Дешан қалъага отлиқ жарчилар учади, халойиққа хоннинг адлу мурувватини еткази. Айниқса, болаларга худо беради. Улар жарчиларга эргашиб кўчама-кўча чопадилар, чувиллаб, растама-раста, бозору масжидларни, мадрасаю қадамжоларни айланадилар, бақириб-чақириб, наврўзи олам бошланганини хабар қиладилар, аҳли мусулмондан суюнчи оладилар.

Саҳар мардондан Хева кўчлари ясан-тусан, шўхшан одамларга тўлиб кетади. Ҳамма қалъа кунчиқаридаги Қўйдарвоза томон оқиб кела бошлайди. Шаҳарнинг энг улкан бозори ана шу Қўйдарвоза ёнида. Тонг қоронғисидан бу ерда ҳаёт қайнади. Унлаб фаррошлар ҳафсала билан ер супурган, мешкобчилар этаklarини белбоққа қистириб сув сепган, ола-говур, ошпазларнинг оёғи олти, қўли етти, баққоллар, базозлар молини ёйган, атторлар мушки анбар, сурма сулаймон, хитойи совун, исли сув, яна аллақандай хушбўй матоҳларини кўз-кўзлаб қутиларини очадилар. Бир томонда дорбозлар дор тикади, қўғирчоқбозлар чодирхаёл пардасини тортадилар, созандалар гулхан гуриллатиб чилдирмаю ногораларини қиздирадилар. Бу ишларнинг барчасига жаноби муҳтасибнинг ўзи бош-қош, у мулозимларини эргаштириб гоҳ баковулларга кўрсатма беради, гоҳо дорпечни текшириб кўради, гоҳдай лапанглаб, у растадан-бу растага такаббурона қадам ташлайди.

Бозор ўртасидаги очиқ майдонда карнай-сурнайнинг ўйноқи садоси янгради. Така-тумлаб ногора жўр бўлди. Одамларнинг кўнглига гулгула тушди. Гўё наврўз томошаларига кеч қоладигандек ил-

дамлаб бозор сари шошдилар. Симобий салла ўраб, гарч кавуш кийган оппоқ соқоли отахонлар сипо қадам ташлайди, кемшик тишларини кўрсатиб илжаёди. Бошларига касава кўндириб, шолрўмол ўраган кадхудо онахонларнинг елкасида кумуш чўлпи жиринглайди, атроф-теваракни тахи энди бузилган амиркони маҳси-кавушларнинг талх хиди тутиб кетган. Хон фармойишига кўра, аёллар йилига бир марта, наврўз кунигина юзларини очиб, номаҳрамдан қочмай юришлари мумкин. Бугун Хева кўчалари гўзаллар сайлига, дилрабо-лар кўргазмасига айлангандек. Ҳаммаёқда тўп-тўп гулчехралар, барнолар, санамлар, малоҳату ойхуморлар, гулпошшо гулойимлар! Қуралай-кўз, бодомқовоқ, сарвқомат, шахлокўз, кулчаюз, қирққокил қизлар, қизлар, қизлар... Пушти, яшил, сафсар, нуқра, нопармон, аксари қизил-қирмизи либослар куёшда ял-ял ёнади, сабодек энгил халилий рўмоллар, чор гулли фарангий дурралар баҳор эпкинида ҳилпираб, расида бўлган йигитлар сийнасига ўт ташлайди, текис йўлда қоқилтириб қўяди. Ўша кунни ён қишлоқлардан Хевага минг-лаб одам йигилади. Хусусан, деҳқонлар мириқиб сайр этади. Улар гўё бир йил чеккан заҳматларини унутмоқчидек, энди бошланажак машаққатлари олдидан ўйнаб, хумордан чиқмоқчидек, тонг-отардан рўзи шабгача бозор майдонидан жилмай-дилар.

Матпано шаҳар яқинидаги Гандимиён қишлоғи-дан эди. У саҳар уйғонди. Отаси бомдод номозини ўқиб бўлгунча кутиб ўтирди. Сўнг отасининг қўлини олиб тавоф қилди. Кейин девор қўшниси, биродари Розикни чақирди. Иккаласи, эскироқ бўлса-да, ювиб, тахтакачда текисланган оппоқ яктақларини кийдилар, бошларига чорбурчак, ним-яшил тақани кўндириб, белга чорси боғлаб Хева томон йўлга тушдилар. Улар шаҳарга яқинлашганда кун чиққан, Қўйдарвоза ортида дор ўйнаётган шогирд боланинг дўпписисидаги тақин-чоқлар, белидаги кумуш камар офтобда ярақлаб кўзни оларди.

Икки дўст ҳаллослаб томошахонага кириб келишди. Дошқозонлардаги жажжи гумбаздай сап-сариқ паловнинг, кўкиш тутун чиқиб турган қўралардаги сижкабобнинг ҳиди ҳаммаёқни тутиб кетган, қий-чув, кулги, чапак, осмонга ўқталган қўша-қўша карнайлар, чийилдоқ буломонлар овози кулоқни қоматга келтирарди. Майдонда оёқ босгани жой йўқ. Бола етаклаган аёллар, кайвони хотинларнинг ёнида ерга қараб ибо билан қадам ташлаётган янги келинлар, жамалаксоч қиза-лоқлар, кўкраклар очик, кўкраклар мис бар-кашдай ягриндор йигитлар орасидан ўтиб дорбоз ёнига етиб олиш учун Матпано билан Розик анча юришди. Дорбоз бола дорчўпини тиззасига кўндаланг қўйиб тепада, қизил матодан соябон қилинган ерда дам олиб ўтирарди. Пастда машхур қизиқчи Буважон тўқ-тўқ ҳунар кўрсатяпти.

Бир вақт шогирд бола ўрнидан туриб лангарчў-пини ушлади. Шу пайт сал нарида қий-чув эшитилди. Сўнг баковулнинг ҳазилнамо хитоби кулоққа чалинди: «Ҳо-о, одамла-ар-р!! Чодир-хаёл-га кеп қолинглар! Чодир-хаёл-ёл!! Ақчаси бор ақчасини, ақчаси йўқ муштини кўтариб келаберсе-ен! Ҳо-о, одамла-ар!!» Оломон беихтиёр чайқалди, гувраниб йўлини ўзгартирди. Матпано чодирха-ёлни яхши кўрарди, дўстини судраб дарвозахона сари шошилди.

Чодирхаёл аллақачон бошланган чоғи, сайл-гоҳда одам тирбанд эди. Матпано билан Розик давранинг бир четидан йўл топиб, томошахонага яқинроқ сурғалишди. Қўлбола саҳнада икки қў-ғирчоқ — ошиқ йигиту маъшуқа қизнинг айтишу-ви давом этарди. Қиз узун бўйли, бошида чолғай ипак рўмол, эғнида қизил кўйлак, яшил духоба нимча. Йигит тўла, паст бўйли, чўғирма телпак кийган, овози йўғон. У селкиллаб қизга хушомад қиларди:

Ашшадарози меварам,
Вақти номози беварам,
Бошингни гўрсат менга,
Рўмоллар олай сенга.
Мен гетарам шаҳри Қўқон,
Мендин нишон қолсин сенга!

Йигит шундай деб тиз чўкди. Қиз юзини чала буриб истиғно қилди:

Бошинни гўрсатмиёманам,
Рўмоллар олмиёманам,
Маломатта қолмиёманам,
Гетсанг — бошим садоғаси!

Йигит ирғиб турди, қизга гиргиттон бўлиб, яна ялинишга ўтди:

Ашшадарози меварам,
Вақти номози беварам,
Буриингни гўрсат менга,
Олтин аравак олай сенга.
Мен гетаман шаҳри Тошкан,
Мендин нишон бўлсин сенга!

Қиз гўё аччиқланиб сал нари юрди, дарҳол «шилқим» йигитга жавоб берди:

Буриинни гўрсатмиёманам,
Олтин аравак олмиёманам,
Маломатта қолмиёманам,
Гетсанг — бошим садоғаси!

Йигит эса, саҳнани гир айланади, гоҳ қизнинг юзига энгашиб, гоҳ либосларига қўл тегизиб, ҳамон уни аврамоқчи бўлади:

Ашшадарози меварам,
Вақти номози беварам,
Бармоғингни гўрсат менга,
Олтин юзик олай сенга.
Мен гетаман Туркистонга,
Мендин нишон бўлсин сенга!

Қиз калласини чулғаб, қўлларини ёлғон енг — сочвоқ ичига тиқиб олди. Йигит чўзилиб интилди, бўйи етмади. Бир-икки ирғишлади. Сўнг томоша-бинларга қараб ўдағайлади:

— Нетиб ҳиринглайсан, олакўз? Е мени узай-тир, ё мана бу дарози қизни калта қилиб бер!

Одамлар гуриллаб кулди. Матпано чодирхаёлда-ги йигитнинг қилиқларига маҳлиё бўлиб тикилиб турибди. Шу пайт юмшоқроқ бир қўл тирсагидан маҳкам қисгандай бўлди. Кейин «Вой, йиқила-жакман!» деб бир қизнинг ширингина қиқирлаб кулгани эшитилди. Матпано ёнига ўгирилди. Бошига ҳаворанг ипак рўмол ўраган оқ юзли, навниҳол бир нозанин унинг тирсагидан тутиб турарди. Матпано тегишди:

— Мен борман, сулув, йиқилмайсан.

Қиз унга ялт этиб қаради, қовоғини солиб дарров қўлини тортиб олди.

— Вой, қочинг ори, ўлмагйисиз! — деди шошиб. Дедию ўзи бир қадамча нари сурилди. Кимнидир излаб атрофга аланглади. Матпано қизга тикилиб қолди. Пайваста қошлар, ўймоқдек кичкина юпқа лаблар, тутаб тургандай коп-қора кийик кўзлар... Қизнинг ранги негадир синик эди. У ҳар нафас олганида кўкрагидаги шода маржонлар энгилгина

силкиниб қўярди. Матпано беихтиёр қиз томонга сурилди.

— Нерда турасан, сулув?

Қиз ҳамон теваракка олазрак боқаркан, калласини чўрт буриб «Уйимда!» дедию тагин юзини ўгирди.

— Уйинг нерда, сулувим?

— Моховлар маҳалласида, билдингизми? Жон ога, энди йўлимни бўшатиб, ўлмагисиз. Отам гўрса, иккаламизни ўлдиражак!

Матпано унга икки қадамча эргашди.

— Энди отингни айтасан. Бўлмаса, изингнан қолмайман, сулув.

— Қиз бу «хира» йигитдан қутулиш учунми, ёлгонладими, ишқилиб андак кулимсираган бўлди.

— Марҳамат! Қутулдимми? — деди қарашма билан. Сўнг, «Хай, Назира! Мен бу ёндаман, тўхта!» деганча чопқиллаб кетди. Матпано аввалига уч-тўрт қадам юрди-ю, охири қизни адаштириб қўйди.

У жойига қайтиб келди. Розик, парвойи фалак, озининг таноби қочиб чодирхаёлни томоша қиларди. Матпано унинг ёнида бирпас ҳардамхаёл бўлиб турдию, «Мен дарвозахонада ўтираман, чарчадим», деб изига қайтди. Бироқ оёқлари ўзидан-ўзи ҳалиги қиз кетган томонга етаклай-верди. Энди йигитнинг қулогига улкан майдонни ларзага келтираётган қаққахаю шодон хитоблар ҳам, карнай-сурнайларнинг байрамон нағмалари ҳам кирмас, у маст одамдек гарантсиб номаълум ёққа кетиб борарди. Кўз ўнгидан ранги заҳил, ҳуркак қизнинг қимтинган лаблари, «Марҳамат! Қутулдимми?» деган ширин такаллуми ўтверади. Унинг юраги ачишди. Чап кўкрагида бир нима жизиллади. Матпано шу пайтгача бунақа ҳолатга тушмаган эди. У одамлардан дакки эшитиб, оёқлари чалишиб бозор майдонни ҳўб оралади. Лекин ҳаворанг рўмол ўраган ўша нозикниҳол қизни тополмади. Ниҳоят, бирор соатда ҳолдан тойиб бозор ташига чиқди. Яхобчидан икки коса муздек сув олиб кетма-кет симирди. Варибир, юрагининг ҳовури босилмади. Баланд девор панасига бориб сояга ўтирди. Кўнгли сайрар, етмиш икки бўғинини ҳаловатли бир оғриқ чулғаб олгандек эди. Бу илк муҳаббат лаззати, муҳаббат изтироби эканини соддадил йигит хаёлига ҳам келтирмасди.

* * *

Матпано Гандимиёнга қандай келганини билмайди. Биродари Розик бўлмаганда то қоронги шомгача Марҳамат деб аталмиш ўша толма қизни кутиб, бозор майдонда қолиб кетармиди...

У бемордек бир-бир босиб ҳовлисига кирди. Ўнгдаги тор ҳужрага бурилди. Уйчага бўйра солинган, нимқоронги эди. Матпано ўзини бўйрага таппа ташлади. Узоқ ётди. Ухлаб-ухламайди, бироқ ўрнидан тургиси ҳам келмайди. Кўз олдига чодирхаёл, тирсагидан авайлаб тутиб турган моҳчеҳра қизнинг синиқ кулимсираши, «Жон ога, ўлмагисиз, йўлимни бўшатиб!» дея илтижо аралаш жавдираб турган ҳуркак нигоҳи...

У тонг отгунча бир боғ янтоқ устида ётгандай тўлғаниб чиқди. Саҳар туриб, оёғига чорик, эгнига астардеш одми чопонини кийди, бошини бўз рўмол билан танғиди. Қўш бошланган, қиш бўйи бо-

қилган ҳўкизлар пишқириб, ер тепиниб турарди. Матпано молхонадан ҳўкизларни етаклаб чиқди, омов-бўйинтуруқни шайлади. Ер тобига келиб турибди, қаёқдаги бир қизни ўйлагунча экин-тикин гамини ейиш керак. Отаси қариди, боз устига касалманд. Айниқса, онаси ўлгандан бери уйларида табиб аримай қолди. Икки йил бурун Матпано онасидан айрилди. Туппа-тузук, ўз оёғи билан юриб турган Ойсанам биби «Вой, қорним»лаб уч кун ётдию дунёдан кўз юмди. Дўппидек ҳовлида уч эркак юм-юм йиғлаб қолаверди.

Матпано хаёл гирдобиди укасини пайқамади. Матназар оғасига мўлтираб тикилганча бетоқат ҳўкизнинг бўйнидаги арқонни тортиб турарди.

Ўғилларини кўриб ичкаридан ота чиқди. Баҳор келиб унинг касали хуруж қилган, дам-бадам балғам тупуриб, юк орқалаган ҳаммолдай энтикарди.

— Болам, бугунча қўшингни қўйиб... укангни ўйнатиб келсанг бўлармиди... Эл-юрт наврўз томошасида юрибди.

Матпано ичиди жон деб турибди-ю, аммо Хевага югурсам, отамнинг кўнглига бир гап келармикан, деб хаёлланди.

— Томоша қочмас, — деди Матпано қовогини солиб, — бир-икки кун ишлайлик, ота.

Ака-ука далага боришдию, аммо ёлчитиб ер ҳайдашолмади. Ҳўкизлар ҳали хом эмасми, отиз бошига беш-олти бориб келгандаёқ ҳансираб, қора терга ботиб қолишди. Биринчи кундаёқ уларни зўрласанг, кейин қўшга ярамай кўтарам бўлиб қолади. Матпано шуни ўйлаб, арқонни омов дастасига чирмади, шудгорга чўнқайди. Матназар йўл четида қий-чув қилиб кетаётган бир тўп ясантусан болаларга қараб тамшанди:

— Ога, қаранг! Қалъага бораётирлар...

Матпано индамади, чўп билан ер чизиб ўтираверди. Укаси чўчиброқ яна луқма ташлади:

— Ога, шу ерни... азонлаб ҳайдасак бўлмайдими?

Матпано укасининг ёш тўлиб турган кўзларига қарадию раҳми келди: «Ўзи худо урган етим бўлса, тагин кўнглини чўктирганим неси?» Ака илжайиб ўрнидан турди:

— Майли, ҳўкизларни бўшат. Улар ҳам байрам қилсин. Сенга қалъани кўрсатиб келай.

Матназар севинганидан ўмбалоқ ошиб кетди.

...Ога-ини ҳайитдагидек қайта кийиниб йўлга тушдилар. Улар шаҳарга яқинлашганларида пешин оғиб қолган, наврўз томошалари авжига чиқаётган эди.

Дарвоза олдига укаси дорбоз томонга югурди.

— Ҳов, шайтон, оқшом мана бу минор ёнига чиқиб тур! — деб бақирди Матпано. Матназар «Хўп, хўп, ога!» дедию орқа-олдига қарамай қалин оломон орасида кўздан ғойиб бўлди. Матпанонинг телба кўнгли уни чодирхаёл тикилган майдонга етаклади. Йигит кеча турган ерига бориб атрофига аланглади. Одамларнинг кўзи қўғирчоқларда, Матпанонинг кўзи олма-кесак теради. Даврани гир айланиб, одамлардан туртки еб, дашном эшитиб, Марҳаматни, «моховлар маҳалласида» турадиган чувак юзли, тол чивикдай қизгинани ахтаради...

Бир замон, яхобчидан музқаймоқ олмоқчи бўлиб

¹ Отиз — дала, пайкал.

навбатда турганида кимдир «Марҳамат!» деди. Матпанонинг эти увишиб чўрт бурилди. Қараса, юзлари шафтолиқоқидек буришиқ бир кампир қандолатфурушга кумуш танга чўзиб турарди. Матпано ичида «Ҳаҳ, шум момо-ей, юраккинамни ёрдинг-а!» деб бош чайқаб қўйди.

У нари кетди. Утган-кетганга бир-бир боқиб бозорни хўб айланди: талқинчилар, халфалар даврасини кезди, гулкўкат расталарини, қайроқ ўйин, карвиш ўйин бўлаётган жойларни, вофуршлар, саррофлар, базозлар, кулоллар, ҳалинчаксозлар дўконлари ҳам, қасидачию қисса-хонлар ҳалқаси ҳам қолмади. Афсус, у қиз ҳеч қаерда йўқ эди. Охири, йигит бир тўхтамага келди: кеча кўргани бир туш экан. Унги бўлса, шунча одамнинг орасидан рўмолининг учини кўрсатиб бир қиё боқарди. Ахир барча, етти ёшдан етмиш ёшгача тўй-тўйлаб юради-ю, шундай соҳибжамол уйига қамалиб ўтирадимиз? Бас, уни излашдан фойда йўқ, тинчгина қишлоғига қайтиб, қўшини ҳайдагани маъқул.

Шу хаёлда қишлоғига қайтди. Саҳар турди. Укасини ҳам уйғотмади. Белига иккита нон тугиб олиб молхонага кирди. Хўкизларини ҳайдаб чиқиб далага кетди. Чошгоҳгача тўхтамай ер ҳайдади. У энди Марҳаматни унутини, бемор отасини, ёлғиз укасини, муштдайлигидан қандай яшаб келган бўлса, яна шундай аҳволда тирикчилик қилишни ўйларди. Лекин бир куни...

Арпа ўроққа кирган палла эди. Матпано ўроғини йўқотиб қўйиб диққат бўлди. Матназарни уйга югуртирди. У занг босган эски ўроқ топиб келди. Матпано уни зговлаб, қайроқтошга чархлаб кўрди, бўлмади. Кейин шаҳарга тушмоқчи бўлди. Хева яқин, жадаллаб юрган киши икки соатда бориб келарди.

Пешин вақтида йўлга чиқди. Ичанқалъада, Тошхўвли ёнида таниш бир уста бўларди. Ушанинг олдига борди. Темири қалин, каттароқ ўроқлардан иккитасини танлади. Ўзича уларни салмоқлаб кўра бошлади. Шу пайт дўконга яхши кийинган, басавлат, биткўз бир киши келди. Уста унга чоғроқ ўроқ узатди:

— Мана асбобингиз, бегим. Ўзиям қиличдай бўлди.

Ўроқ ярқираб турарди, лекин биткўз унинг ўнг-терсига қарадию бошига кўтарди.

— Мана шу билан калланга бир туширайми, бетавфиқ! Ўроққа қўл урмабсан-а! Бундай қилиб кўн кўргунча моховлар маҳалласина бориб тур, нонинг ҳалол бўлади!

Уста мингиллаб узр сўради. Виткўз ўроқни пештахтага отиб юбордию чўрт бурилиб кетди.

«Моховлар маҳалласи»ни эшитгандаёқ Матпанонинг юраги тўхтаб қолай деган эди. «Демак, Марҳамат алдамабди-да, ростдан моховлар маҳалласида турар экан-да?»

Йигит қовоқ-тумшуги осилиб ўтирган устандан тортиниброқ сўради:

— Оға, ҳалиги маҳалла нерда, билмайсизми?

— Биламан! Ҳўв ёқда! — Қўл силтаб зарда қилди уста. — Тошдарвоза ортинда!

Уста нималардир деб ўзини оқлади, биткўз олифтадан шикоят қила кетди. Бироқ Матпанонинг қулоғига гап кирмас, унинг кўкси ифодасиз бир туйғудан чайқалиб, хаёлида «Марҳамат... Тошдарвоза... моховлар маҳалласи...» деган уч калима чарх урарди.

Матпано икки ўроқни кўлтиқлаганча қишлоқ сари елиб кетмоқда. Йигит шодлигидан терисига сиғмайди, кўнгли гурур ила мастона чайқалади. Гоҳо ўзига-ўзи илжайди, «Худога шукр, топдим-а, охир топдим», дея пичирлайди.

Марҳамат унга насиб қиладими, йўқми, бу билан иши йўқ, малаксиймо қизнинг топилгани учун ёзмишига шукрона айтиб, ичида бояги турқи совуқ биткўз кимсани алқаб, Матпано дала томон илдам елмоқда.

Ўша куни у бир кунлик ишни ярим кунга қолдирмади. То қора шомгача терга ботиб чорак таноб ердаги арпани ўриб ташлади. «Яна икки-уч кунда арпанинг қолганини ҳам ўриб, бойлаб олай, сўнг қалъага бораман, уни албатта излаб топаман!» — юрса, турса кўнглида шу фикр умид чирогодай порлаб туради.

Бир куни оқшом маҳали лойсупада отаси билан гаплашиб ўтирарди. Гап орасида:

— Ака, Хевада моховлар ўрамини¹ ҳам борми? — деб сўради.

— Моховлар ўрамини йўқ, — деди Ғойиб полвон ўрғлига синовчан тикилиб. — Ҳалқаликларни кўпчилик моховлар дейди. На эди?

Матпано қизариб ёлғонлади:

— Ўзим. Наврўзда... бир йигит билан танишдим. Моховлар ўрамида тураман, девди.

— Билагида ҳалқаси бормиди?

Матпано Марҳаматни эслаб, баттар қизарди.

— Қарамабман. Йўқ эди шекилли.

— Бўлуви керак. Улар ҳалқасиз кўчага чиқмайди. Раиснинг қахридан кўрқади.

Матпано ажабланди:

— Нега ҳалқа тақиб юради, ота? Улар мусурмон эмасми?

Ота ух тортиб, ёстиқни алмаштирди, бу ёнбошига ағдарилди.

— Мусурмон. Улар ҳам бизга менгзаб Муҳаммад алайҳиссаломнинг умматлари. Уларга қарғиш теккан бўлуви керак-да, болам. Мадраимхоннинг бобосими, бобосининг бобосими, ишқилиб минг-минг йил бурун бир фармони олий берибди. Шу-шу, ҳалқаликларни эл-юртдан ажратиб, Дишан қалъанинг бир кунжагига қувиб солибдилар. Аҳли мўминга қўшилишга уларнинг ҳақлари йўқ. Бозори, қудуғи, дўконини айтма, ҳатто мазоригача бўлак. Мендай, сендай кимсаларга қўл бериб кўришмайди, биз ҳам уларга қўл бермаймиз. Ҳалқалик билан гаплашиш мумкин эмас. Мабодо бирга ўтириб бир кеса чой ичганингни хон одами кўриб қоса, терингга сомон тикдиражак.

Матпано ҳайратдан лол бўлиб, сўради:

— Ота, ҳалқаликлар... шунчалик ёмон одамларми? Улар на иш қилади?

— Ёмон одамлар эмас. Хўрланган, жабрдийда бечоралар. Улар мурдашўйлар, ўлик ювғувчилар, билдингми?

Матпанонинг нафаси чиқмай, бир ҳол бўлиб қолди. Кўзига ёш қуйилиб келди. Ҳалитдан бери отасининг сўзини тинглаб, ҳалқалик деганлари нияти бузуқ, мардумозор элат экан-да, деб ўтирган эди. Энди уларга жони ачишди. Матпано ҳали ёш, ҳали кўп нарсага ақли етмайди. Аммо бир нарсани билади: хоннинг бу қилгани тўғри эмас. Ахир, ўша ювғувчилар ҳам худонинг бандаси. Ҳаммани

¹ Ўрам — маҳалла.

худо яратган. Бойни ҳам, камбағални ҳам. Отаси айтмоқчи, бир куни тўрт оёқли оғоч отга миниб у дунёга сафар қилганда ким керак? Ана шу мурдашўй керак!

Матпанонинг кўз олдига Марҳаматнинг рангпар чехраси келди. Қиз гўё «Ана, кўрдингизми, оға, биз ўлик ювадиган моховлармиз, шунинг учун хоҳолаб кулолмаймиз», дегандек синиққина илжайиб турарди.

Матпано «Ака, ўша айтган элатингиздаги бир қизни четдан бир йигит яхши кўриб қолса, на бўлади?» деб сўрагани оғиз жуфтлади. Сўнг тилини тишлади: «Гумонсирамасин. Елғоним очи-лишига сал қолди ўзи».

...Бир ҳафта деганда у Марҳаматни ахтариб Хевага жўнади. Ёз излади, куз излади, қаҳратон қиш кунлари совуқда дилдираб, йиғлаб-йиғлаб излади.

Нихоят, уни топди-ю, мана шу қудуқ ёнида қайта йўқотди, абадий кўрмас бўлиб йўқотди. ...Матпано атрофини қуршаб келаётган қоронғиликка боқиб, таассуф ила бош чайқади: «Топгандан топмаганим авло эди. Кўриб куйган ёмон экан. Кўрмай куйсам, бунчалик хўрлик йўқмиди, ё оло!..»

У бемажол оёқларини ердан аранг узиб, тунги кўналга истаб, Жоме масжиди томон кетди.

«...Бағри юз минг нора халқ»

Аваз Чокарни Гандимиёндан тополмади. У Шўр-қишлоққа ўтиб кетибди. Излаб борди. Чокар бир миробникида эшик-ром ясаб юрган эди. У рандасини таппа ташладию этагидаги қипиқни йўлайлақай қоқиб дўстига пешвоз югурди. Елка олишиб, қайта-қайта кучоқлашди. Аваз сўнгги кунларда бошидан ўтган воқеаларни қисқача айтиб берди.

— Мадрайимхонга раҳмат, — деб кулди Чокар, — бўлмаса, Матюсуф на бўлди, дея йўқламасдинг ҳам. Яхшиям қувгинга йўлиққанинг. Лекин устозни бекор инжитибсан. Базўр юрибди у саройда. Ютгани ўзиники, оғзидаги омонат.

— Агар жарчи бўлмаганда гапига инонардим. Сўнг ўзим ҳам пушаймон едим. Юзиқоралик бўлди.

Чокар ҳазилга, зарофатга ўч йигит эди. Ҳаётдаги кўп ноҳақликларни кўрса-да, куйиб-пишавермас, «Э, бу дунёнинг мазаси йўқ экан», дея қўл силтаб қўяқоларди. Аваз гоҳо дўстини енгилтак, беғам дея койийди. Аммо ўзининг ичи торлигини эслаб, хижолат чекади, Чокарга ҳавас қилади.

— Вўпти, Аваз Пушаймоний, — деди дўстининг телпагини босиб Чокар, — инжима. Бугун менга қарашасан, эртан Пишканик, қайдасан, деб йўлга чиқамиз. Қани, пешматингни бойла!

Азонлаб икки дўст Пишканик йўлига тушдилар. Пишканик Хеванинг кунботаридаги хушрўй, баҳаво маъво. Бу ерда Утар бобонинг хондан инъом тарзида олган икки танобча ери бор. Йилига бир-икки мартаба бўлмаса, далага чиққани Утар бобонинг қўли тегмайди. У мулкани қишлоқдаги

Аматжон деган бир камбағал деҳқон ихтиёрига буткул топшириб қўйган. Аматжон ердан ўз билгича фойдаланади. Бир йили пахта экади, бир йили бугдой ё жўхори Чорак таноб ерни боғ қилган. Эринмай Ҳазораспнинг машҳур олмаларидан олиб келиб ўтқазган. Кичкинагина ерда анвойи мевалар гуркираб яшнаб туради. Айниқса, тарвақайлаб ўсган бобоёнроқ таги ёзда жуда ўтиришли бўлади. Ёзининг жазирама кунлари Аматжон ёнроқ тагига кўллатиб сув сепеди, супага йиртиқ-ямоқ бўлса-да, топ-тоза олачани тўшайди. Оқшомлари олма чойни шопириб, ҳамсоя деҳқонлар билан супада ёнбошлашиб ётишади. Гоҳо боғ сайрига Аваз чиқади. Ёнида дутор-сетор кўтарган шериклари ҳам бўлади. Оқ дасторли ёшуллилар, кўк саллалли йигитлар хуфтонгача ғазал ўқийди, Аматжоннинг кенжатоёй ўғлидай келадиган Ҳасан қайғичи саройдаги хангомаларни айтиб ҳаммани кулдиради. Аматжон бундай кунларни орзиқиб кутади, даладан ўлиб-чарчаб келган бўлса-да, боши билан думалаб хизмат қилади.

Аваз ҳозир ана шундай ганимат дамларни соғиниб бораётган эди. У шаҳардан йироқлашиб, қишлоққа яқинлашган сари кўнгли ҳавойи туйғулардан сармаст чайқалар, кўзга ажиб равшанлик бахш этувчи яшил кўкатлар таровати, талх ҳиди кечадан бери ғамнок дилини эркалаб, кўксидаги ранжу аламни қувгандек бўларди.

Пишканик ерлари бошланди. Савр ўтиб, жавзо кирган. Отизларда бир қарич кўк майсадай кувги бугдойлар силкинади. Солма-ариқларда нуқра сувлар шилдирайди. Ҳўв нарида ҳўкиз қўшилган чигириқ чийиллайди. Далада одам сийрак. Кичкина бир болакай ўтлаб юрган сигир қуйруғини ушлаб ўрнидан турмоқчи бўлади, сигир думини силтайди, бола пўп этиб ерга ўтиради. Яна қуйруққа ёпишади. Улкан гужум тагига ҳалинчак осилган. Вошига касава қўндирган бир аёл алла оҳангида «У-ў, болам...» деб ҳалинчакни тебратади.

Пешинга яқин Аваз билан Чокар Аматжоннинг бобоёнроғи тагидаги супага етиб халталарини қўйдилар. Пастқам, патнисдай дарчали узунчоқ уйчадан аввал ялангоёқ, қора-қура икки бола чиқди. Улар кутилмаган меҳмонларга ётсираб қараб туришди. Болаларнинг изидан узун қизил кўйлак кийган тўлагина жувон кўринди. У Аматжоннинг хотини Бекажон. Аёл меҳмонларни кўриб дарров рўмоли билан бетини яширди. Бир-икки қадам босиб, ёнбошига қайрилганча эгилиб салом қилди.

Аматжон далада, сув бошида экан. Унинг олти яшар бир ўғли pistaпояни «от» қилиб минди-да, отасини чақиргани чопди.

Қумрон қайнагунча ҳаллослаб Аматжон етиб келди. Почалари ҳимарилган, ялангоёқ. Эғнида елак тўн, бошига катта чит рўмол ўраб олган. У энди қирқнинг устига чиққан бўлса-да, қаримсиқ кўринади. Оқ сомондай оқарган сочсоқоли, улкан панжалари, бўйнидаги қоп-қора тиришлар Аматжонни олтмиш яшар қарияга ўхшатиб қўйган. У ҳар ердан бир босиб лўкиллаб келди-да, Авазнинг қўлига ёпишди. Меҳмонлар билан кўришиб бўлиб, дуо қилди:

— Дераверсин, меҳмонга зор қилмагайсан, илоё! — У супа четига омонат ўтирди, Авазнинг очиқ чехрасига боқиб илжайди, — Ажаб, оға, ажаб! Хуш кўрдик-э! Қадамларингизга гул бит-

син-э! Биз ғарибларни йўқлайдиган марди худо ҳам бор экан бу дунёда. Ўзи оқшомдан буён ўнг қобогим учади. Севган одамим келар-ов, деб ичимдан ёнаман. Дим яхши бўлди-да, оғалар!

Аматжон супадан сидирилиб тушиб уйга югурди. Дастурхон олиб чиқди. Кейин уй томонга қараб, «Эшжон, улогингни келтир бу ёна!» деб қичқирди. Азиз меҳмонлар оёғига улоқ сўйгани уялдими, «Қўй, улоқни, тўқлини тут, тўқлини!» деди. Ун олти ёшлардаги бир бола қўра томондан тикмачокдек қўзини судраб келди. Қўзи қисмати не бўлишини биладигандай, бетиним маърайди. Усмир уни олма тагида ерга ағдариб, оёқларини боғлади. Аллақачон билақларини шимариб олган Аматжон пичоғини тишлаб қўлларини очди-да, меҳмонлардан фотиҳа сўради. Аваз бош силкиб, юзини терс бурди. Қон кўрса, унинг кўнгли беҳузур бўларди. Чокар Аматжоннинг абжирлик билан қўзини бўғизлаётганига қараб, Авазнинг биқинига туртди:

— Кўзлари мунчокдек эди. Биз келмаганда тагин қанча кун, қанча ой дикир-дикир ўйнаб юрармиди...

Аваз индамади, айбдор кишидек дастурхонга тикилди.

Аматжон тўқлини саранжомлашни ўғлига топшириб, яна даласига, сувини оёқлатгани кетди.

Тутдан кейин Чокар Аматжоннинг кулбасини айланиб, эшикларининг шикаст-рехтини тузатди. Аваз «Буён келинлар, мен ҳам сенларни бир таъмирлаб қўяй», деб Аматжоннинг, қўшнилари-нинг болаларини чақирди. Супага қатор ўтқазиб, бир чекадан сочларини қира бошлади. Болалар «Сен ўт, сен ўт!» деб бир-бирини туртар, Аваз сув сепиб бошларини ишқаласа, кўзларини юмиб, афтларини бужмайтирар, яйдоқ-яланғоч каллаларини «устара ҳақи»дан бекитиб, чувиллаб ёнғоқ атрофида гир айланишарди.

Уша кеча у ёмон туш кўрди. Тушида катта бир анҳор эмиш. Анҳор тўла қон. Аваз лопиллаб оқиб кетяпти. Қулоч уриб соҳилга интилади. Етолмайди. Шу пайт бир қучоқ салла кўтариб... Доғий пайдо бўлди. Саллаларни сувга отди. Кейин ўзи осмонга қўл чўзиб, учиб кета бошлади...

Аваз ғалати ахволда, ланж бўлиб кўзини очди. Осмон буржида Олтин қозиқ ярқираб турар, яқингинада товукларнинг патиллагани эшитиларди. Унг ёнида Чокар ғужанак бўлиб ётибди, Аматжоннинг ўрни бўш эди. Олисдан қишлоқ сўфисининг «Ло-илоҳа-иллоло»си эшитилди. Аваз туриб кийинди. Ҳовли этагидаги ариқчада ювинди. Тўнини кийиб, белини маҳкам танғиб уйдан чиқди. Елғизоёқ йўлдан шудринги ялтираб турган майсаларни оралаб ота мулкига кирди. Экинзорларда бўладиган тонги бир тароват, одамни хушёр торттирадиган муздек шабада, кенг, кимсасиз отизлар, сукунат завқи — барчаси Авазнинг кўнглидан мужмағил, оғир туш асоратини ҳайдагандек бўлди. У кўксини тўлдириб нафас олди. Гоҳ тўхтаб, нимтагир, кўкиш уфқларга разм солади, кечаги осойишта кунини, бу ерда ўтажак осуда дамларини, абётини, Аматжонни ўйлайди. Эшик тутқичини беҳолгина ушлаб, изидан ғалати телмириб қолган Розияни эслаб, юраги ғаш бўлди. Гарчанд Аваз ирим-чиримларга астойдил эътиқод қилмаса-да, тушидаги ишоралар уни хаёлга толдирган эди.

У айланиб дала бошига бориб қолди. Аматжон

ғўза чопиқ қилиб турган экан. У кичкина қорик кетмонини ерга қадаб, дастасига ўтирди.

— Экин қалай бу йил, ёмон эмасми? — деди Аваз атрофга кўз югуртириб.

— Худога шукр, Ўтар бобонинг мулки қурсоғимизни тўйдириб турибди. Ҳасрат қилсак, нонкўрлик бўлади. Етти боламнинг савобига қолди Ўтар бобом. Ма, экиб-тикиб олавер, деб ерини бермаганида, билмадим, ҳолимиз не кечарди. Зогора нонга зор бўлиб ўтирармидик? Ер яхши, қизил чакка тупроқ. Меҳнатингни аямасанг, сув бўлса, ўзинг ҳам, молинг ҳам тўқ. Бултур ёмон бўлди. Буғдойим тиззага чиққанда хонлиқ ерларга сувни ағдариб олишди. Визга сув тегадиган бўлганда ғовача¹ гулини тўкиди. Буғдой ҳам ўнгмай қолди. Қузга бориб ошлиқ ҳам, пахта ҳам ёлчитмади. Бир ёқдан ўлпончилар зугум қилади, бир ёқдан Ўтар бободан уяламан. Ветим сидирилай деди. Ошлиқни судхўрга тортиб бериб қутулдим.

Аваз рўзғорга кўп аралашмас, шунинг учун отаси билан Аматжоннинг олди-бердисини яхши билмас эди. Ўтар бобо анча замондан бери мулкини Аматжонга топшириб қўйган бўлса-да, унинг зиммасига бирон мажбурият юклаган эмас. Аматжон хирмоннинг чўғига қараб ҳар йили кузда унинг улушини олиб бориб беради. Ез бўйи мевачева, қовун-тарвуз ташийди. Пахта эккан йиллари уй ичидагиларга бир сидра сарпо ҳада қилади. Кейинги йилларда хон одамлари қишлоқма-қишлоқ юриб, кўпроқ пахта экишни талаб қилишяпти. Ўрис савдогарларига ҳозир пахта ўта зарил эмиш. Аммо, пахта экишга деҳқоннинг унча хуши йўқ. Аввало кам ҳақ тўланади. Қолаверса, қишлай бола-чақага ғалла керак, молга ем-хашак керак. Устига-устига, сурункасига пахта экилган ерлар ориқлаб, ҳосил камаяди, ҳар хил қурт-қумурска кўпаяди.

— Начора, — деди Аматжон уҳ тортиб, — Мадрайимхон оқпошшога қарам. Виз хонга қараммиз. Ўриспошшо хонга буйруқ қилади, хон бизга. Томингга пахта экиб бер деса ҳам, акамиз!

— Ҳа-а... — деди Аваз ҳаялчан, — ихтиёр ўзингга бўлмагач, чоранг йўқ. Қулнинг ихтиёри ўзига тегса, на қилишини билади. Кеча бошида қамчи ўйнатган хўжасини хизматкор этиб ишлатишга ҳам кучи етади. Эркили одам зўр одам. Аматжон. Эркили — дунё билан тиллашади, эрксиз — нари борса, хотини билан уришади.

Аматжон Авазнинг гапига тушунмади.

— Виз, оға, мана шу ерда турилганмиз, кунимиз битса, шу ерда кўмилажакмиз, — деди ўрнидан туриб, — ишқилиб, изимизда қолган болалар йиғламай юрса бўлди, деймиз-да. Манглайимизга битилгани шу қора меҳнат экан, нетамиз.

— Омон бўлсангиз, манглайингиздаги ёзув ўзгарар. Дунё шундоқ кетавермас. Олти ой ёз, олти ой қиш, дейдилар. Бир кунни ҳоқимларга инсоф кириб қолар. Ҳўкизни ҳам алдаб-сулдаб ишлатасиз-ку, ахир? Туну кун таёқ олиб уринг-чи, нетар экан? Сузиб ўлдиради. Халқ эзилиб кетди, бир кунни эгасини сузмасин деб қўрқаман, Аматжон.

Деҳқон ажабланди:

— Манглайимдаги ёзувни... ҳақ таолонинг ўзи ёзган экан, уни ким ўчиражак, оға?

— Ким айтди сизга буни?

— Ана, маҳитнинг улли мулласи айтди. Кало-

¹ Ғовача — пахта, ғўза.

муллода ёзилибди, худо бировни бой, бировни биздек камбағал қилиб яратибди. Буни тақдири азал дермишлар.

— Тезак ебди ўша мулланг! — деди Аваз қаҳрланиб ва илкис ўрнидан қўзғалди.

Тонг ёришиб, гужумларда қушлар бозори бошланган эди. Аваз кичкина солма-ариқчалардан ҳатлаб-ҳатлаб, отизма-отиз айланиб уй томон кетди.

Нонуштадан сўнг Чокар қишлоқ оқсоқолига йўлиқиб ўзига иш тоғани жўнади. Аваз асбобларини шайлаб, даладаги деҳқонларнинг соч-соқолини олгани тагин ер бошига отланди. Унга бир деҳқоннинг гувала капасини устахона қилиб бердилар. Аваз бир гўлани қапа ўртасига «Курси» қилиб қўйди, деворга қафтдек кўзгу илди. Ҳадемай шаҳардан келган «шоир уста»нинг қўлини кўргани бирин-сирин деҳқонлар кела бошлади.

Кунлар бир хил, кунлар зерикарли. Аваз Амаджон билан изма-из далага етиб боради. Талабгор бўлса, сочини олади, бўлмаса, ўтириб бирор девонни эрмак қилади. Гоҳо қишлоқ ноибининг уйида ишлаётган Чокардан хабар олиб келади. Даладагилар Авазга ўрганиб қолган. Олисдан енгил тўн кийган, сур телпақли киши кўринса, «Ана, шоир уста!» деб қўйишади. Ҳар ким уни чайласига чақириб бир пиёла чой билан меҳмон қилишни ўзича фахр деб билади.

Оқшомлари енгилгина об-хўрак қиладию Амаджоннинг чоққина ҳужрасига қамалиб олади. Олдига қорачироқни қўйиб газал ёзади. Соатлаб тўхтамай шеър битади. Баъзан шеър завқига берилиб кетиб, тонг отганини сезмайди. Ҳар замонда унга пилик янгилаб бериб турадиган Эшжонни ҳам тамом унутади. Эшжон узала тушганча энгагига суяниб «ўзи билан ўзи сўллашадиган» шоир тоғасининг қўшиқ тўқишига қараб ётадию, охири пишиллаб ухлаб қолади. Аваз эса, тинмай ёзади. Шу беш-олти кун ичида қишлоқда кўрганлари кўз ўнгида жонланади, жисми жонини оловдек ўртаб, изтиробга солади. Қайда бўлса деҳқоннинг бахти кемтик. Елкаси қамчидан яғир, қўли кетмондан қадоқ. Болаларчи, отизда тугилиб, онасининг орқа этагига ёпишиб юрадиган аянчли, увол болалар? Улар мана шу дала бошида, лойтупроққа қоришиб катта бўлади, шу ерда сочи оқаради, мунқиллаб, оталаридек, бир парча ерни тирнаб, бир парча ер илинжида дунёдан ўтади. Авазнинг хаёлидан бири-биридан машъум, юракни тилка-пора қилувчи манзаралар кетмай қолди. Бир қапада кеча иштончан, ориқ бир бола «Нанна!» дея йиглаб дастурхонга қўл чўзди. Отаси меҳмоннинг олдидаги яримтагина нонни ҳадеб ушатиб олавергани уялдими, боласига ўриқкоки берди. Бола ўрикни отиб юбориб, тагин «нанна» лаб йиғлашга тушди. Ота ўғлининг қўлига бир урди: «Нон бўлмаса, тошни бераманми, баччагар?» Авазнинг кўнгли вайрон бўлди. Томоғига бир нарса тикилди. Чидамай ташқарига чиқиб кетди.

У икки кун илгариги воқеани эслаб, баттар эзилди. Бир деҳқон сигирини ёп-зовур четига арқонлаб қўйган экан, илон чақиб, ўлибди. Деҳқон сигирининг тепасида йиғлаб ўтирибди. У дув-дув ёш тўкар, қўлларини осмонга кўтариб нола қиларди: «Э худоё худовандо! Бу на кўргилик? Энди нетаман? Тўққиз оғизни қандай боқаман? Мени

зор қақшатиб кетгунча бир боламнинг жонини олсанг бўлмасмиди?»

Юпун, ер билан яқсон, овора халқ!

Уша ярим ялангоч болакайнинг «Нанна» деб дастурхонга чўзилган қўллари, сигирининг бадалига фарзандига ўлим тилаган деҳқоннинг илтижолари Авазнинг жигарини хун қилиб турарди ҳозир. У жаҳл билан патқаламни олди. Бир лаҳза ён-верига боқиб, энса қашиб ўтиридю шитоб билан ёза кетди. Оддий халқ дарди, мунги Авазнинг қалбидан ўтли қўшиқдай отилиб чиқиб қоғозга тўкиларди:

Йўқ жаҳон мулкида биздек ожизу бечора халқ,

Зулм тиги бирла бўлгон бағри юз минг пора халқ.

Уша оқшом Аваз учун илҳом туни бўлди. У хуфтонгача «Халқ» шеърини тугатди, бир неча рубоий ёзди. Тайёр байтларни қайта-қайта ўқиди, айрим сатрларга сайқал берган бўлди. Сўнг қоғозни Эшжоннинг олдига сурди:

— Ма, тойбола, ўқи-чи, сенга ёқармикан?

Эшжон вараққа қизиқиб қаради, уялиб энгашди-ю, «Се-е...син...», дея тўхтаб қолди.

— Ҳм, Эшжонбой, савод масаласи чатоқроқми?

Бола бош қимирлатди:

— Абжадни¹ ўқиганман, дойи. Сўнг ўқимадим. Отам роса хафа бўлди. Домламиз ҳар куни ётқазиб таёқлатарди. Ўқигим келмади. Мен мол боқишни яхши кўраман. Биласизми, ҳайвонларнинг тили йўқ. Эса, улар одамдай ақлли. На десангиз қилади. Бир кучгим бор эди, далага сув таширди. Бўйнига сатилни илиб қўйсам, отамга элтади, отам сувни ичиб бўшатиб беради. Кунига тўрт-беш марта бориб келарди. Ўлиб қолди бечора. Ноибнинг ўғли отиб ташлади.

— Сени қалъага олиб кетиб ўқитсам, рағбат қиласанми? — деб сўради Аваз.

— У ёнда урмайдиларми? Домла нуқул товоинимга урдирарди.

— Урмайди. Ўзим қараб тураман.

Эшжон Хевага кетишга майл билдирди. Бир оз ўтириб сўради:

— Анов қўшигингизни... менга беринг, дойи, жўраларимга ўқитиб эшитаман.

— Қўйвер. Эртага далада ўзим ҳаммага ўқиб бераман.

Авазнинг бу газали оғизма-оғиз ўтиб, уч-тўрт кунда бутун Пишканикка ёйилди.

Қаҳқаҳа ва қувғин

Бир-биридан зерикарли кунлар кетидан кунлар ўтапти. Аваз диққат. Хева томонга қарайвериб қўзи тешилай деди. Отасидан мужда йўқ. Бу орада Амаджон бир-икки марта мева-чева олиб шаҳарга бориб келди. Уй ичингиз омонлик, бир гап бўлса, Утар бобом хабар берар экан, деди. Аваз, дўкони ёпилиб, бу ёққа қувғинди бўлиб келганини Амаджонга айтмаган эди, индамай қўяқолди.

Ана шундай дилгир кунларнинг бирида Пишканикка Мутриб оғаси сўроқлаб келди. Ёнида Мадраим гармон, Отажон қашқалдоқ, Ҳасан қайғичи. Пешин вақти. Аваз дала бошида, омонат бир чайла соясида соч олиб турарди. Олисида, сув ёқалаб келаётган қора чўғирмалик кишига қараб-қараб қўйди. «Наҳотки, Мутриб оға бўлса? Ҳув

¹. Абжад ўқиш — ҳарф таниш, кўрсаводлик.

анави, орқада ирғишлаб юрган бола ким бўлди? Иби, Ҳасан қайғичими?» Аваз даҳанига совун сурқалган деҳқонни танҳо қолдириб, дўстлари томон отилди.

Бирпасда чор атрофдан деҳқонлар кела бошлади. Айниқса, болаларга худо берди. Улар «ўзи йўқдай, товуши ўқдай», Ҳасан қайғичига ажабланиб, кўзбойлогичга қарагандай қарар, бир қарич бўлатуриб, шундай ёшуллилар билан ҳазиллашиб турган «калта киши»нинг ёнидан жилмасди.

Оқшом Амажоннинг катта супасида базм бошланди. Чокар неча кундирки, ёғоч йўнавериб созни соғиниб қолган эди, танбурни олиб тўйгунча чалди. Сўнг, «Мана, оға, қулоғи қизиди, энди на десангиз сўллайди», деб Мутрибга узатди. Мутриб танбурни ёнига қўйиб, йигитларга қаради. Мадраим Ёқуб ишорани тушуниб, «ўриссоз»ни тиззасига олди, «қулоғини бир-икки чўзди». Қора қутидан галати овозлар чиқди. Супадаги деҳқонлар орасида гармонни кўрмаган, аммо, «ўриссози» деган чиқибди, икки қулоғидан ушлаб тортсанг, нағма чалармиш, деб эшитганлар бор эди. Улар этликки на бўтакўз йигитнинг тиззасидаги қора қутига ажабсиниб қарашди. Чилдирмакаш пастга сакраб тушиб доирасини қиздириб келди. Мадраим Ёқуб бошини бир томонга эгиб гармонини «икки қулоғидан тортиб юборди». Юракни эркалайдиган нозик куй таралди. Чилдирма такилади. «Ўриссози» улкан қора зулукдай гоҳ чўзилиб, гоҳ тиришиб нағма қилади, доира унга эргашиб жўровоз бўлади, сомелар бош чайқаб, бу мўъжиза қутига, унинг икки биқинидаги оппоқ тугмачаларга илжайиб боқишади.

Созанда бир жуфт нағма чалиб, талқинга ўтди. Ҳофиз йигит ҳали ўн саккиз-ўн тўққиз ёшда бўлсада, овози ширали, юракларни сел қилиб, тингловчиларни ерга қаратиб қўярди. Ҳофиз йигитлик мавсуми, ранжу озор тўла бу фоний дунё ташвишлари, умрнинг ганимат дамларидан куйлар, қўшиғи билан бировларнинг ушалмаган армонларини ёдга солиб, бировларга таскин-тасалли бераётгандек эди.

Дуо, олқишга кўмилиб, ҳофиз қўшиғини тугатди. Аваз ортиқча мулозамат кутиб ўтирмади. Қўйнига қўл солди. Тўрт букланган қоғоз олиб. Мутрибнинг олдига қўйди. Бу кечагина тугатган шеър эди. Аваз уни жамоат олдида ўқиб, гўё улардан қарзини узмоқчи, қолаверса, зулму кулфатни фақат қарғаб енгмоқчи бўладиган авом, кўнгил кўзи басир кимсаларга шеърим зора ибрат сабоғи бўлса, дея умид қиларди. Мутриб шонилмай қоғоз қатини ёза бошлади. Унгача Аваз рўпарасида киприк қоқмай ўтирган кулча юзли бужур кишининг бетига қараб шеър айта кетди:

Йўқ жаҳон мулкида биздек ожизу бечора халқ,
Зулм тиғи бирла бўлгон бағри юз минг пора халқ.
Бир неча авбошлар мундоқ хукмрон айласа,
Қолмагай ори на янглиғ меҳнату озора халқ.

Барчанинг нафаси ўчиб, жим бўлиб қолди. Ҳатто бир сония жағи тинмас шақилдоқ Ҳасан қайғичи ҳам муштдек бўлиб қотиб ўтирибди. Аваз овозини хиёл кўтариб давом этди:

На аларда бордурур илму адолатдин асар,
Не ажабким, тоғмасе дарди дилига чора халқ.
Етган офатни бошига доимо тақдир деб,
Ҳасрату армон била кетгуси бора-бора халқ!

Кимдир «Им-м!» деб ингранди, биров оҳ тортди. Чокар «Нега бу шеърдин менинг хабарим йўқ?» дегандек, дўстига ҳайратланиб боқди. Лекин Аваз шу тоғда ҳеч кимни кўрмас, унинг қалби тилкапора, у кўксиди гўё юз йилдан бери асраб келаётган, ва ниҳоят, энди айтиш фурсати етган дардини тезроқ тўкиб олишга шошилаётган бенаво ошиқдек ҳаяжон ичида тўлғаниб шеър ўқирди:

Бўлмайин онларда ҳеч миллат, ватанин асрамоқ,
Бўлди қурбон бу сабабдин миллати агёра халқ.
Халқи оламини бари айлар тараққий кун-бақун,
Биз таназул айлабон қолдук эдук на қора халқ...

Супадагилар ҳазин мусиқадек кўнгил ўртовчи бу шеърнинг поёнига етмаслигини тилар эдилар. Чунки шоир мана шу қора кўзларнинг дарди дилини шарҳлаб бераётган, уларнинг юзига сочсоқол олаётган кезларидагидек ўзига хос кўзгу тутаётган эди. Аваз жаранг товушини андак пасайтириб мақтаёга ўтди:

Кўзларин оҳиста-оҳиста агар очса замон,
Э, Аваз, бўлмас мунигдек борхо овора халқ.

Бир лаҳза сукунат ҳукм сурди. Сўнг чор тарафдан сой шовқинидек раҳмат, олқиш ёғилди:

— Э, балли, отангизга раҳмат-о!

— Пай, менинг кўнглимдагини топиб айтибди! Мен ҳам ўзимча сўллаб юраман, тирик бўлиб тўрда йўқмиз, ўлик бўлиб гўрда, деб. Мулла оғам қўшиққа туври солибди. Ўлманг!

Мутриб Авазни елкасидан тортиб бағрига босди. — Қўҳна ғазалларингни сотиб едирадиган шеър битибсан, қуллуқ бўлсин!

Ҳасан қайғичи сакраб турди, Авазнинг чаккасини жажжи кафтчалари билан сиқиб, юзидан ўпди.

— Чокар оға бир нуسخа кўчириб берсалар, ўз қўлим билан хон ҳазратларига етказажакман, — деб ҳазиллашди, — шу кунларда хон қурбонлиққа одам тополмай гаранг.

Одамлар Ҳасан қайғичи Авазни ўпа бошлагандаёқ кулишга тушган эдилар, энди хоҳолашди. Ҳасан бундан илҳомланиб, ўтирганларга ўдағайлади.

— Ҳўв, сан нега сувдан чиққан лаққадай бақрайсан, а? — деди олакўз кишига қараб. — кўзларинг Али маҳрамнинг соққасина менгзайди. Ҳув, соққанга тупроқ тўлгур!..

Хоннинг бош айгоқчиси Али маҳрамни биладиганлар олакўз деҳқонга учирик ташлаб ҳузур қилиб кулдилар. Ҳасан қайғичи давра айланиб, бақалоқ бир йигитнинг биқинини чимчилади. Йигит ёнбошига қийшайди.

— Ҳўв, тек ўтир, — деди Ҳасан, — йўқ эса, Нуржон баҳодирга айтаман, ўзига ўғлон қилиб олиб кетажак. Ўлиб турган экансан-а, биқининг мунча юмшоқ, жоним!..

Давра қаҳ-қаҳ урди. Қизиқчи кокилли болакайнинг сочидан тортиб, «Бор, уйдан лунги обчиқ!» дедию яна супани айлана бошлади. У ўтирганларга бирма-бир лақаб қўйиб чиқиб, ўртарақда тўхтади. Рангпар, ориқ йигитнинг кўзларига тикилиб қолди. Унинг икки бетига аста шапатиллади. Одамлар, энди у нима қиларкан, дегандек нафасларини ютиб туришибди. Қизиқчи олазарак, хавфсираган бўлиб йигитнинг у ёқ-бу ёғига ўтди, кўзларини йириб қаради, оғзини катта очиб «А-а-а!..», дедию бирдан чучкирди.

— Ҳаққи рост! — деди бурнини чангаллаб. — Мусулмонлар! Мана бу кишини таниб қўйинглар, кимсан — Саид Абдулла тўранинг муриди бўлади! Отинг на, йигитим?

Йигит уялиб, ўтирган ерида ортига сурилди.

— Ўзинг яхшиликча айтасанми, ё бир бало қилайми?

Рангпар йигит бу қизиқчи ўхшамаган қилиқ қилиб шарманда этмасин, деган андишада мингиллади:

— Ғай... Ғайбулла...

— Ана, ана, тап ўзи! Ғайбулло — муриди Саид Абдулло! Ғайбулло тарёкий, муридингни бориб кўрасанми ё уни ўзим шу ёна чорлайми? Ҳўв, бацца, лунгини бер!

Ҳасан қайғичи кокилдор боланинг қўлидан қозиклунгини олиб, бошига салла қилиб ўради, мойсочиқни дарра қилиб эшди. Сўнг икки-уч тўнни думалоқлаб устига ўтирди. Олдига сопол косани қўйди. Чўмични тиззасига кўндаланг ташлади. У одамларнинг қий-чувиға кўмилиб, хоннинг эрка ўғли Саид Абдулла «бўла бошлади». Ана, банги тўра юмшоқ курсида афюннинг кайфиги суриб, кўзлари сузилиб ўтирибди. У ҳар ёнга мастона чайқалади, гоҳо боши ерга теккудай бўлиб чўнкаяди, гоҳ чалқанча йиқилай деб ўзини ўнглаб олади. «Саид Абдулла» чўмични чилим қилиб уч-тўрт бор тортиди. Яна муруқабага берилди. Ана, у мункиб бориб қўлларини ерга тираб қолди. Одамлар супани бошларига кўтариб хандон ташладилар. Ҳасан қайғичи кўзларини йириб атрофига ажабланиб боқди, сўнг чийиллаб бақирди:

— Ҳов, падарлаънатилар! Ким бор? Тўнғиздай думалаб ётавераманми? Мурид бўлсанг турғаз-да! Ғайбулла!

Одамларнинг қутқуси билан Ғайбулла секин турди, Ҳасанни аста кўтариб «курси»га ўтқазди. Банги тўра мойсочиқ билан унинг гарданига бир туширди.

— Ҳе, ҳаром ўлғир! Кайфимни буздинг-а! Энди, у дунёдаги кўкнорзорда сайр этиб юриб эдим. Йўқол кўзимдан!..

Ғайбулла қизариб, ўрнига бориб ўтирмоқчи эди, Ҳасан унинг почасига ёпишди.

— Ҳўв, итдан тувғон! Йўл бўлсин? Анави қора дорингдан мошдай бериб кет, бир ҳаз этай...

Супадагилар кулавериб думалаб қолишди...

Меҳмонлар икки кун туриб кетишди. Аваз яна ўз юмушлари билан андармон. Тагин дала, қапама-қапа юриб соч-соқол олиш, одамни зериктириб бир маромда айланаётган чигириклар тепасида соатлаб туриб хаёл суриш, узоқ тунлар байту ғазал машқи... У дўстларига тунов кунги янги шеърини маъқул қилолганига қувонарди. Рост, «Халқ» ўзининг кўнглига ҳам ёруғлик солди. Аваз илгари юзлаб ғазаллар, мухаммасу қасидалар ёзган — баъзи абётини Табибийдек забардаст шоир ҳам мактаган, «шоҳбайт» деб улуғлаган, Феруз ёрлақаб инъомлар берган. Аммо, Мутриб айтмоқчи, қўхна ғазаллари у кунги «Халқ»и ўнгида бир эрмак, шунчаки бир машқ бўлиб туюлди Авазга. Бурунлари у атрофи баланд қўрғон билан ўралган ораста, гулистон бир боғда юриб ғазал тўқиётгандек эди. У нуқул гулларни, меваси ларзон дарахтларни, гулзор аро бир-бирига интиқ термилиб турган ошиқ-мошиқларнинг хумор кўзларини кўрар экан. Энди қўрғон бузилди. Аваз қўрғондан

ташқарига чиққандай эди. Энди у меҳнат ичида тугилиб, шу меҳнат оқибатида адои тамом бўладиган, адолатга ташна халқни, дунёни, бир гуруҳ одамларни тўйдириб, ўзи оч қоладиган бечора, бенаво халқни кўрди, унинг осмондай узоқ армонларини тўйди, орзуларининг тақир ердай оёқ-ости бўлаётганини эшитди, бу халқнинг нурдай пок, сувдай тиниқ қалби билан ошно бўлди. Олис кечалар хаёл суриб, халқ дардига малҳам излаб кўрди, бир чорага ақли етмади, ҳозирча золимларга адолат, инсоф тилашдан нарига ўтолмади. Лекин кўнглида гоҳо йилт этган бир учқун чакнайди. Бу — умид, рўшнолик, нажот учқуни. Аваз ҳаёт тоабат шундоқ кетавермаслигига, қачондир нимадир ўзгариши кераклигига ишонгиси келади. Аввало, кўнглининг бир четидаги алангали бир туйғу айтиб турибди буни. Қолаверса, олис Россия, Аштархон томонлардан келган кишилардан ҳам эшитган буни. Рўзимбой оғанинг чойхонасида Рамазон нўғай ўқийдиган газеталарда нозик ишоралар бор эди. «Тонг»ми, қайсиём бир газет ёзган эди, бир замон келиб, дунёда барқи офат¹ кўпармиш. Ер юзида қиёмат қойим бўлгандек тўполон бошланармиш. Тўполон босилгач, отлиғу пиёда баб-баравар бўлиб қолармиш. Аваз бу ғалати «манзара»ларни тузукроқ тасаввур этолмас-да, ўзича бу — очлар билан тўқларнинг ҳаёт мамот жанги бўлса керак деб тушунди. Бир кун келиб, юпун, ҳадсиз қора халқ бошини тик кўтаришига, кўзларини ишқалаб асрий уйқудан уйғонишига умид боғлади. «Халқ» шеърисида буни назмга солди. Аваз бир тарафдан, қувғинга учраб, мана шу дала-тузга келиб қолганига хурсанд эди. Кунгура деворли қалъа ичида юраверганида, эҳтимол, «Халқ»дай шеърлар битиши маҳолми-ди...

Ана шундай хаёллар билан Аваз Амаатжоннинг қапасида танҳо ўтирибди. Кун чошгоҳдан ўтган. Ичкари дим. Аҳён-аҳёнда эсанг иссиқ шамол қапани бир чайқаб ўтади, қовжираган қамишлар ёқимсиз шитирлайди. Аваз қапа тирқишидан уч юз қадамча нарида гўза чопиқ қилаётган Амаатжонга қараб қўяди. Амаатжон майда қадамлаб энгашганча аста илгариларди. У гоҳо манглай терини артади, чойми, егуликми кутиб уй томонга қарайди, яна гўзага «салом бериб» оҳиста одимлайди.

Амаатжон отиз бошига етди. Силласи қуридим, қорни очдим, кичкина қорик кетмонини елкасига ташлаб қапа томон юрди. Шу пайт ён тарафда қизил от минган, оқ саллали барваста киши кўринди. У гўзаларни пайхон қилганча тикка Амаатжоннинг устига бостириб келарди. Амаатжон хаёллари билан банд шекилли, отлиқнинг шарпасини сезмади.

— Тўхта, дайюс!

Амаатжон чўчиб ўгирилди. Отлиқ бор кучи билан дехқоннинг юз-кўзи аралаш қамчи тортиб юборди. Амаатжоннинг елкасидаги кетмон ерга учиб кетди, ўзи икки қўллаб бетини чангаллаб қолди. Отлиқ эса, Амаатжоннинг боши, яғринига устма-уст қамчи ёғдирарди.

— Мена сенга уйингга боши бузуқларни йиғнаганинг учун! Бу ҳали оз! Таёқнинг улласини хон ҳазратларининг олдида ейсан! Саид Абдулла

¹ Барқи офат — офат чакмоғи.

тўрам эшитсин, нетиб масҳара этганигни! Кейин кўражаксан! Тасқаранг чиқар, падарлаънати! Шу бир бақай Ҳасаниннга қўшиб терингга сомон тикдиражакман!

Аваз қападан отилиб чиқди. Отлиқнинг қўлидан қамчисини олиб олиб, улоқтириб юборди.

— Сиз кимсиз?! — деди у отлиққа газаб билан тикилиб. — Бир бечорани нега урасиз?

Отлиқ киши ўзининг қўлидан қамчисини тортиб олишга журъат қилган мулламо йигитга ажабланиб боқди. Бир лаҳза шаштидан қайтгандек бўлди. Сўнг, бари бир, бу ерларнинг ягона хўжаси ўзи эканини эслаб, ғурури қўзидими, масҳараомуз деди:

— Мен шу элатнинг ноибман! Султонали ҳожини эшитгандирсан, ўзим бўламан. Ўзинг кимсан, бизнинг элатда не еб юрибсан?

— Мен шоир Авазман. Мана шу мулкнинг эгаси Утар бобони биларсиз, тақсир? Шу зотнинг фарзандиман.

Шу пайт беш қадамча нарида турган қора чопонли йигит ноибнинг қамчисини олиб келиб таъзим ила узатди. Ноиб қамчи ҳалқасини билагига ўтказаркан, Аваз ҳалиги йигитга қараб қўйди. Кўзига иссиқ кўринди. Ноиб ер тепиниб турган отининг бошини силтаб тортиди, Авазга юз бурди.

— Иби, ношукур Аваз сенмисан? Саройга борганда эшитиб эдим. Аваз деган бир назмгўй бор экан, онкўрлик этган экан, олий ҳазрат ҳузуридан итдай ҳайдаб солибди, деб. Ўзинг экансан-да?

— Тақсир ёшулли одамсиз, оғзингизга ит олмай сўлланг, — деди Аваз ўзини босиб, — бир оғиздан калимаи шаҳодат ила ит кўшилиб чиқса, на бўлмай, биларсиз?

Ноиб Аваз ҳақида турли-туман гаплар эшитган эди-ю, аммо бунчалик бетгачопар, оғзи ботир деб ўйламаган эди. Усал бўлди. Ен-верида уларнинг мунозарасини чўчиброқ кузатиб турган деҳқонларнинг юзида Авазга хайрихоҳлик кўриб, ичи куйди, баттар гижинди.

— У, тилинг бурро экан! Бу тил омон бўлса, бир куни сени дорга элтажак. Қалъага сиғмай бу ерга келибсан, хай, мен рози. Илло, менинг элатимда фитна қўзғамай юрсанг ўласанми? Саид Абдулла тўрамни... — ё, олло, ўзинг кечиргил — бангига чиқартирганинг неси? Йигит жонингдан тўйдингми, гумроҳ?

— Тўрангизни бангилги махфий эмасдир, уни барча беш қўлда билур. Сўнг, Ҳасан қайғичининг ўз ихтиёри ўзинда. У хонга сиздан ҳам яқин.

Ноиб «Оллак!» деб қичқирди. Боядан бери четроқда турган қора чопонли йигит югуриб келди.

— Бу на деб турибди? — ноиб қамчиси билан Авазга ишора қилди. Йигит ерга қараб мингиллади:

— Ҳасан калта... тўрамни мазах этганда бу киши ҳам кулди... Елғон айтсам, каломулло урсин!..

Аваз йигитга разм солди. Уни эслагандай бўлди. «Э, бу Чокарга эргашиб келиб... бир четда қимтиниб ўтириб эди. Ҳасаннинг гапига ҳаммадан кўп завқланиб кулган ҳам шу мараз эмасмиди? Ноибнинг одами экан аблаҳ!»

— Ана, эшитдингми? — Ноиб айғоқчисига қараб им қоқди. — Энди қилмишларингни мўйинларсан, шоирбачча? Ношаръий юмушлар ила шуғулланмоққа ким сенга ҳуқуқ берди? Нега деҳқонларнинг калласини оғритасан? Замон бун-

дай кетавермас, бир кун ўзгарар, дебсан. Сен нердан биласан, пайгамбармисан?

— Деҳқон шўрлиқнинг калласи эмас, жонни оғриб кетибди, кўрдим. Замон ўзгариши муқаррар, буни ўзингизга ҳам айтиб қўлай, тақсир. Яратган эгам бировларни ҳамиша сиздек отлиқ, бировларни мендек пиёда этиб қўймас. Мен неки деган бўлсам, кўнглимдагини дедим, неки ёзган бўлсам, кўрган-билганимни ёздим. Тақсир, имонингизни ўртага қўйиб айтинг-чи, сизнинг боғчангизда қувраган оғоч борми? Йўқ! Сизнинг бир туп оғочингиз қувраганча қанча деҳқоннинг бугдойи, пахтаси йўқ бўлажак. Иянгиз! тунов куни бир бечоранинг ҳўкисини отиб ўлдирибди. Бир боғ хашагини еган экан. Шуми сиз айтган диёнат? Изингизга бир қаранг! Гуллаб турган гўзани пайхонлаб келмасангиз йўл қуриганмиди? Сиз отингиз билан Амазжоннинг егулик нонини тепкилаб ўтдингиз. Энди у болаларига не дейди? Сизни ўша норасидаларнинг кўзёши тутмайдими? Одамларнинг кўзёшидан, қаҳридан қўрқмай эл отаси бўлиб юганингизга ёқа ушлайман, тақсир!

Ноиб мударрис олдида сўроқ бераётган мулла-ваччадай шошиб қолди. Энди ким деган одам бўлди? Эртан халойиқ дўмбира қилиб чалмайдими? Аваз деган шоир бор экан, бир сўллади, бир сўлладики, ноибнинг оғзини очолмай қолди, демайдими?

Ноиб ўзини тутиб олди.

— Мен сен билан хон ҳазратларининг олдида сўллашман! — деди қамчиси билан Хева томонни кўрсатиб. — Мени Султонали ҳожи дейдилар! Қанча гужумларни синдирганман. Сен ҳали жимитдай новдасан, билиб қўй! — У бир четда дилдираб турган Амазжонга ўшқирди: — Ҳўв, манглайи қора! Азонлаб мана бу кўрнамак қишлоқимдан чиқиб кетсин! Эса, ўзингдан кўр. Говачангни сувга бостираман, ўзингни элатимдан бадарға этажакман!

Ноиб келган йўли билан, гўзаларни пайхонлаганча от солиб кетди. Аваз билан Амазжон бири-бирига қараб мунгайиб қолишди.

Аваз анчагача ўй суриб ўтирдию бир қарорга келди. Қишлоқни тарк этмасе бўлмайди. Бу жоҳил ноиб ҳар бало қилиши мумкин. Амазжоннинг бу кунлари ҳам ҳалво бўлиб қолмасин.

— Амазжон оға, ўпкаламанг, — деди у ҳамон калласини осилтириб ўтирган деҳқонга, — сизга кўп озор етказдим. Мен кетаман.

Амазжон чўчиб бош кўтарди. У Авазнинг мард йигитлигини билса-да, уй эгасини қувган меҳмондай хижолат эди.

— Илоё, ман ўлай, мулла оға! Бу ничик замонки, одам ўз ерига сиғмай қувғинга йўлиқса? Кўрпа-тўшакни орқалаб жўнай десам, бу осмон остида борадиган бир парча ерим йўқ. Уф-ф... Нетай, оға, манглайим қора экан, манглайи-нам! — Амазжон пешонасига шапати урди.

Қишлоққа оқшом тушиб, одам-одамни танимас бўлганда Аваз сафар халтасини орқалаб Пишканиқдан чиқиб кетди. У қалбадан ҳайдалган, қишлоқдан қувилган, наинки бепоён Хева хонлиги, назарида бутун олам унга тангу тордек эди...

Охири келгуси сонда

1 Ия — ука.



Юсуф Жумаев

Фарғонанин қизлари

Хатлар келар кучоқ-кучоқ,
Шоирларга бетўхтов.
Назмбозга эса хат йўқ,
Уни йўқламас биров.

Йўқлиги ҳеч билинмайди,
На тўй, на бир азада.
Уйлар шўрлик: ҳақиқий, зўр
Шоирларга маза-да.

Йўқ, хотима берди бир кун
Алам, армон — маҳшарга.
Режа тузиб отланаркан
У ижодий сафарга.

Фарғонага етгач, ёзар
Шодлиги кўксин тутиб —
Қандайдир бир қиз номидан
Ўзин номига мактуб.

Езар эди: «Шеърятда
Сиз маликул калом деб,
Шундоқ буюк, зўр шоирга
Фарғонадан салом», деб.

«Кўзимизга суртмоқдамиз
Сиз қолдирган изларни.
Рости, сизни севиб қолдик
Биз — Фарғона қизлари».

Езиб бўлгач, бул мактубни
Жўнатар Тошкент сари.
Хат уйига келган эди
Қайтса тугаб сафари.

Кўзларида чақнар кувонч,
Юрагида ҳаяжон.
Хотинига деди: қара,
Мактуб ёзган бир жонон.

Ерим, қалбим қатларида
Сенга аталган ишқ бор.
Бу жононга уйланардим
Гар бўлмасам вафодор.

Қила бошлар қанча-қанча
Дўстларига қўнғироқ:
«Мактуб келди мухлис қиздан,
Мени севармиш мутлоқ...»

Мухаррирга дер: «Бул ҳақда
Газетда беринг хабар»
Уқир хатни минбарларда,
Мажлисларда кўрсатар.

Қувонч ёши билан тўлиқ
Назмбознинг кўзлари.
Тушларида сарвиқомат
Фарғонанин қизлари.

* * *

Қадим тоғларидан Жиззахга боқсам,
Боқсам поён билмас дала-тузига,
Нақадар гаройиб мўъжаз бу олам:
Ҳайкал тиклаётир ҳар ким ўзига.

Қўп жойлар чўл экан бунда бир замон,
Қум қирлар — сурату ўт-олов сийрат.
Бу кун чинорлар бор: Ҳамид Олимжон
Шеърлари мисоли ўлмас, бақувват!

Дарахт — чўлга қарши қилинган исён,
Дарахт — она ерга деҳқон сайқали.
Дарахт бу — бир пайтлар жасур Мамажон
Оганин ўзига қўйган ҳайкали!

Қадим тоғларидан Жиззахга боқсам,
Боқсам поён билмас дала-тузига:
Офарин! Дарахтдан боқий, муаззам
Ҳайкал тиклаётир ҳар ким ўзига!

Менин ўзбегимдан ўргансин ҳар ким,
Ҳатто шоҳ бўлса ҳам воз кечиб тахтдан.
Бошинг асло боғдан чиқмасин, халқим,
Ҳар кимнинг ҳайкали бўлсин дарахтдан!



УЙҒУНЛИК

Алишер Мирзаев 70-йилларнинг иккинчи ярмида тасвирий санъат майдонига ўз мавзуи, образлари, миллий анъанага содиқ оригинал ифода услуби билан кириб келди. Халқ ҳаётини билиш, давр воқеаларига ҳозиржавоблик, ўзбек мусаввирчилигининг тарихий илдизларини чуқур ўрганиш ёш рассом ижодида янги имкониятлар очмоқда.

У 1948 йили Тошкентда туғилган. Тўлиқсиз ўрта мактаб, республика тасвирий санъат билим юрти, сўнг В. Суриков номидаги Москва тасвирий санъат институтини тугаллаган. У республика, бутуниттифоқ ва чет эл кўرғазмаларининг қатнашчиси. Устозлари — А. Петров, А. Грицай, Д. Жилинский ва албатта, биринчи навбатда, Беҳзод!..

Дастлаб омма эътиборини қозонган асари унинг диплом иши — «Яшил бозор» (1975 й.) бўлди.

«Яшил бозор»ни болалик хотираларининг муҳассами дегуликдир. Болалиги Эски шаҳарнинг мана шу тор кўчаларида ўтган муаллиф ўзининг мазкур қаҳрамонларини кўриб, суҳбатларини тинглаган, хислатлари, туриш-турмушларини кузатган. Чойхона ва кабоппазликлар билан ўралган Шарқ бозори бу.

Декоратив санъатнинг шаклий чегараланиши, ранг-баранглигидан қочиб, шарқ миниатюраларининг равои тили билан кўп сюжетли асар яратган рассом тасвирларни матода бир-бирининг давоми каби шундай уйғун жойлаштирганки, томошабини нигоҳи уларни беихтиёр узвий равишда уқиб боради. Мусаввир кенгликни гўё маълум бир нуқтага тўплайди, эски шаҳар кўринишларини бир доирага йиғайди. Бу ерда янгилик ва эскилик белгилари бириктириб кетган. Синчков томошабини тасвирдаги одамлар шовқини, автомобиллар овози, жониворларнинг қичкириги, бир сўз билан айтганда, гўзал, ранг-баранг олам қамраб олади. Асар бадий концепцияси

безакли тасвир услубига уйқаш, томошабин томонидан тез уқилади, ҳар бир образ ва детални диққат билан кузатишга мажбур қилади, ўз нафислиги билан мафтун этади.

Айтиш керакки, рассом дастлаб рангларнинг фольклор баёнидан фойдаланади, улар фақат декоратив аҳамиятга эга бўлмай, балки фикр ифодасида ҳам муҳим хусусият касб этган. Рассом бу усулни асар мазмуни халқ ҳаётини ифодалайдиган ўриндагина қўллайди.

1974 йил ёзида Алишер Мирзаев БАМ қурилишида ижодий командировкада бўлди. Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитети томонидан уюштирилган бу сафар қисқа ва суръатли кечди. Манзаралар, қурилиш майдончалари, темир йўл станциялари, одамлар, воқеалар жуда тезлик билан рассом ҳаёлида бир-бирига ўрин берар, таассуротлар бир олам эди. Бўёқ билан ишлашнинг имкони йўқ, қалам билан суратлар туширарди. Улардан бир нечаси алоҳида мазмунга эга асарлар пойдевори бўлди. Фақат қишда, хотира ва таассуротлар маълум шакл олгач, рассом ишга киришди. Ўнлаб эскизлар ишлади. Шундай сюжет топиш керак эдики, БАМ ҳақидаги бошқалар тасвирини такрорламасдан, қурилиш ҳаётини кенг ва тўлиқ ёритиш, энг муҳими, ўзига хос кўринишни топиш зарур эди.

«БАМда концерт» сюжетини топиб, композиция ва шаклни белгилаб қўйгандан кейин ҳам мусаввир жуда кўп изланди. Сибирь ерларининг хусусияти Ўзбекистонга сира мос тушмасди. Композиция йўлида изланар экан, у Дейнек каби тасвирий санъат усталарининг тажрибасига мурожаат қилди. Ҳаёлий қарама-қаршиликнинг мураккаблигини, БАМдаги байрам кайфияти билан, кишиларнинг ишчан қиёфасини уйғунлаштириш осон иш эмасди. Қамров кенглиги билан тасвир майдони — матонинг чегараланганлиги ишда янада мураккаблик туғдирди.

...Ниҳоят асар битди! Холат марказида вагонлар билан чегараланган майдонда берилаётган концерт. Биринчи планда ярим доира шаклида тизилган томошабинлар чинакам ижодкорга хос маҳорат билан жойлаштирилган. Иккинчи план самосвал, дрезинлар, осмон фониде берилган одамлар ҳаракати билан тўла. Бу эса қизгин меҳнат жараёнидан тўлиқ таассурот беради.

А. Мирзаев маиший мавзудаги асарлар билан бирга, республика ҳаётини акс эттирувчи, даврнинг муҳим воқеалари ҳақида ўз фикрини ифодаловчи қатор асарлар ҳам яратган. «Қизил карвон», «Тўй», «Кўприклар» ана шулар жумласидан.

Рассом ижодида портрет жанри салмоқли ўрин тутайди. У асосан, характери ўз руҳига яқин кишилар портретини ишлайди. «Буви ва набира», «Жиззах меҳнатқашлари», «Санъатшунос Олимжонов портрети», яна ўнлаб шу каби асарлар фикримиз далилидир.

Бу ишларда рассом қаҳрамонлари характерини аниқ кўрсата олган. Булар оддий, қишлоқ одамлари, фақат уларгина ўзларини ана шундай эркин тута оладилар, ерга бемалол ўрнашиб ўтирадилар, кийимлари мана шундай кенг ва ранг-баранг, фақат уларгина суҳбатдошларига шундай очик, самимият билан боқадилар.

— Устозларимдан А. Грицай менда оддий одамларга, миллий маданиятга нисбатан чуқур ҳурмат уйғотган эди, — дейди Алишер Мирзаев.

Ҳа, А. Мирзаев портрет жанрида ҳам халқ санъатига катта эътиқод сақлаб ижод қилди. Бу фақат характерлар тасвиридагина эмас, балки халқ амалий санъати намуналари бўлган буюмларни портрет чорчўнига олиб киришда ҳам кўринади. Улар буюмларнинг эмоционал уйғунлигини беришдан ташқари, халқ эстетик туйғусининг мукамаллигини, гўзалликка бўлган муҳаббатини ҳам кўрсатади. Портрет жанрида кенг имкониятлар очиб бераётган рассом олдида ҳали катта вазифалар турибди. У ёрқин халқона характерлар яратиш орзусида. Ўзига талабчан рассом катта ишларга киришиш учун етарлича тайёргарлик кўрган.

А. Мирзаев ранг-барангликни образлар таъсирчанлигини таъминловчи бош омил, деб билувчи рассомлар тоифасидан. У поэтик манзараларида, ранг-баранг натюрмортларида жонажон ўлкасига муҳаббатини шоирона ифодалаш йўлларини излайди. Унинг Бахмалда яратган манзаралари, этюдлари, портретларидан халқ кўшиқларидаги каби ёқимли бир оҳанг таралиб туради. Суратлар қуёш нури — ёруғлик билан тўйинган. Табиатнинг бир бўлагидек

тасвирланган одамлар қиёфасида («Бахмаллик болакай», «Туш пайти» каби) бахтли ҳаёт барқ уриб туради.

Кейинги пайтда А. Мирзаев сафарларда чизилган суратлар асосида туркум яратмоқда. Буларда ҳам халқ амалий санъатига («Гиламдўзлар», «Каштачилар») ва меҳнат кишилари («Чўпонлар») ҳаётига қайта-қайта мурожаат қилинади.

У чизган суратлар композицион пишиқлиги, фикрий яқунланганлиги, образларнинг алоҳида ифодаланиши билан ажралиб туради. Масалан, Осиё шаҳарлари қадимий меъморчилигига бағишланган туркуми фақат ўтмишнинг этнографик манзаралари сифатида қаралмайди: зеро, улар бугунги ҳаёт билан тўлдирилган, замон нафаси уфуриб туради.

1981 йилда А. Мирзаев асарларидан айримлари Третьяков Давлат галереясига қабул қилинди. Шунингдек, кўпгина ишлари ЎзССР санъат музейи доимий экспонатига айланган.

Тиришқоқлик, жиддийлик ва доимий изланиш А. Мирзаев ижодига хос хусусият. Йил сайин унинг маҳорати ошиб, асарларида гражданлик ва поэтик рух яна ҳам тўлароқ намоён бўла бормоқда.

М. МЮНЦ

КОНКУРС ДАВОМ ЭТАДИ

Журналимиз эмблемаси учун эълон қилинган конкурсга кўплаб асарлар келмоқда. Редакциямизга келган янги расмлар билан танишиб, мулоҳазаларингизни бизга ёзиб юборсангиз, муҳтарам журнал-хон дўстлар!



МУҲАМЕДОВА
Нодира



БЕРДИЕВ
Нурмон



ҚҶЛДОШЕВ
Бердикул



НУРИДДИНОВ
Рашидхон



Маматқул
Ҳазратқулов

Қуёш мен томонда

КУЗАТИШ



лоё оқ подшонинг уйи куйсин! Келиб-келиб менинг боламга кучи етадимми? Бошқалардай беш-олтита ўғлим бўлсаям майли эди-я... Ер ютгур Юсуфбойнинг иши бу. Ўзининг бешта ўғли ҳўкиздай семириб ётипти. Ушалар борсин! Худоё худовандо ергина ютсин! Унга ҳам боққан бало бордир...

Жаннат хола сандалда ўтириб Қодирнинг кийимларини ямар экан, тинмай қарганар, гўё шу билан кўнглини бўшатиб, аламини енгиллатар эди. Хотинининг дод-фарёди хомуш ўтирган Шодиёр бобонинг ўртанган кўнглини баттар ачитарди.

«Она-да. Ўғлим энди воёга етиб, орзу-ҳавасини кўраман, деб турганида мардикорликка олиб кетса, алам қилмайдими? Бироқ дод-фарёднинг нима фойдаси бор? Бу билан бирон нарса ўзгариб қоладими? Сабр қилишдан, ўғлимнинг жонини омон сақлашни сўраб оллога ёлворилдан ўзга нима илож бор?» Шодиёр бобо шу хаёллар билан хотинига таскин берди:

— Қўй энди, хотин, кўп ўксинма. Кўпга келган тўй-да.

— Ота бўлиб сиз шундай деб турганингиздан кейин... — Жаннат хола эрига таъна қилди. — Шунча одамнинг боласи кетяпти-ю, биронтаси индамайди-я!

Расми Т. ЖАМОЛИДДИНОВ чизган

Бу гап Шодиёр бобонинг нафсониятига тегди:
— Нимага индамас экан?! Шу гап чиққандан бери жанжал-ку. Кеча оқшом гузарда бўлган тўполондан хабаринг йўқ. Ериқул: «Ўғлимни ҳеч қаерга юбормайман!», деб дод солди. Ҳатто элик-бошига таёқ ўқталди. Хўш, нима фойда берди? Катта ўғлининг ёнига кичигини ҳам ёзиб қўйди. — Шодиёр бобо оғир хўрсинди. — Ҳамма иш уларнинг қўлида. Барининг тили бир. Пешонамизга худо шунга ёзган бўлса, нима қилайлик ахир? Ҳамма индамай, қўл қовуштириб ўтирибди, деб ўйлайсан чоғи... Боши тошдан бўлсин. Омон бўлса, бир-икки йилда қайтиб келар. Кўрмагандай бўлиб кетамиз.

Жаннат хола кўзини тикишдан узмай:
— Кошкийди бир-икки йилда келса... — деди бўшашиб. Назариди бир-икки йил ҳам жуда узоқ туюлди, яна кўзига ёш олди. — Бир-икки йил... Э-ҳе, бир йилни айтинг! Болагинамни бир кун кўрмасам уйқум келмайди...

Шодиёр бобо ўзи айтган гапга ўзи ҳам унчалик ишонмаса-да, хотинига сир бермади:

— Эликбоши ҳам, юзбоши ҳам айтди-ку, бир-икки йилда келади, деб. Алдамас ахир, туппа-тузук одамлар-ку.

Шодиёр бобонинг «Туппа-тузук одамлар-ку» дегани Жаннат холанинг ловиллаб турган юрагида ўт устига ёғ сепгандай бўлди:

— Сиз ҳам ўлгудек соддасиз! «Туппа-тузук одамлар» эмиш! Алдамас эмиш... Шу гапларга ишониб ўтирибсиз-а! Ахир, бу ер югур эликбошию юзбошиларни энди кўряпсизми? Агар уларда инсоф, диёнат бўлса, нимага ўзларининг болаларини жўнатмайди?!

— Вас қил, хотин, — деди Шодиёр бобо ичидан келган ўксикни босолмай. — Ҳамма нарсани билатуриб, яна гапирасан-а! Менга осон деб ўйлайсанми? Қодир ёнимда бўлса, эрта-индин Қаландарнинг ҳам бўйи чўзилиб қолади — булар менинг икки қўлтигимдаги икки тирговичим, суянчигим-ку.

Шодиёр бобо оғир уҳ тортиб, гапиролмай қолди. Дарду аламларини сўз билан ифодалашга ожиз эди. Юзига энгилгина фотиҳа тортди-да, шол дастурхоннинг бир учини қайириб қўйди.

— Кийимларини иссиқроқ қил. У ёқларни совуқ дейишади. Ишқилиб, эгам ўз паноҳида асра-

син... — Сўнг муҳим бир гап эсига тушгандай, хотинига яқинроқ сурилиб ўтирди. — Менга қара, хотин, — деди сирли оҳангда. — Тунов куни Самарқандга борганимда чойхонада бир гап эшитувдим.

Жаннат хола «Нима гап экан?» дегандек, қўлидаги тикишини қўйиб эрига юзланди.

— Жиззахни биласанми? Хуррам бўламнинг пирлари бор-ку, Яхёхон, ўшаларнинг юрти. Ўша ерда қўзғолон бўлган эмиш.

— Қўзғолони нима?

— Халқ оқ подшога қарши бош кўтариб чиққанмиш.

— Е тавба! Подшогаям қарши чиқадиганлар бор эканми? — деди Жаннат хола хайрон бўлиб.

— Ахир, ўрисларнинг ўзиям Некалай подшодан норози эмиш-да... Подшони тахтдан ағдармоқчи бўлиб юрганмиш.

— Қаёқдаги миш-мишларга ишониб юрасиз-а! Қўйинг, бундай гапларни гапирманг. Битта-яримта ғаламис эшитиб қолса — бошингизга бало бўлади.

— Шундайку-я, лекин ўша чойхонада бу гапларни бир ўрис айтди-да. Ўзбекчани чала-чулпа билар экан. Ленин дейди, большевой, дейди. Яна бир нималар дейди, инқилобми, ишқилиб шунга ўхшаган гапларни кўп гапирди. Гапларига яхши тушунмадим, аммо «Подшо тахтдан тушади», деган гапини аниқ эшитдим... Бордию шундай бўлса, мардикорликка олиш ҳам бекор қилиниб қоладими, деб ўйлайман-да, хотин.

Шодиёр бобо гапини тугатмасидан эшик очилиб Қодир кирди. Уни кўриши билан Шодиёр бобо гапидан тўхтади.

— Келдингми? Утир, бирпас дамингни ол, кейин Қаландар билан бирга опангникига бориб келинглар. Улар билан ҳам хайрлашиб келмасанг, опангнинг ўпкаси қозондай бўлиб юради...

Эрта баҳор. Октябр ўя қирлардан қор кетиб, ер яшил тус ола бошлаган. Уқтин-ўқтин эсган шабада эса қишнинг аллақаерида яширинган сўнгги захрини олиб келади, изгирин кишининг юзларини ачиштириб ўтади.

Қош қорайиб, одам одамни танимайдиган бўлиб қолган. Қодир билан Қаландар Тегирмонбошидан — опасиникидан келмоқда. Катта кулранг

Қишлоғимизда Қаландар бобо деган табаррук отахон бор. Унинг ҳаёти узун ва гаройиб бир дostonга ўхшайди.

Қаландар бобо ҳаётда кўп оғир қуларни ҳам, машаққатли курашлар нашъасини ҳам, ёруғ замонлар қувончини ҳам бошидан кечирган. Қишлоғимизда босмачини қувган, биринчи қолхоз тузган, ҳулоқларнинг додини берган йўқсил фаолларнинг олдинги сафида туриб, у бугунги шукуҳли давронимиз тантанасига катта ҳисса қўшган эди.

Пири бадавлат бу отахон билан сўзлашсангиз, гўё тиниқ булоқдан қониб-қониб сув ичгандек кўнглингиз ёришиб кетади. Айниқса, унинг ниҳоятда беҳаловат, беором кечган ўт-олов ёшлиги хусусидаги ҳикоялари мароқли. У ёшлик чоғиданоқ зулмга, зўравонликка қарши ўзича исён кўтариб, «бойларнинг додини бериб қўйингиз» отланган.

Мен Қаландар бобонинг туганмас суҳбатларини узоқ тинглаб, кўнглимда у кишининг ибратли ҳаёти, тўпори, чапани бир ўспирининг онгли инқилобчига айланиш жараёни ҳақида, курашнинг чигал, мураккаб йўллари ҳақида хужжатли бир асар ёзиш нияти туғилди. Ушбу ҳикоялар ана шу қиссадан олинган айрим лавҳалардир.

АВТОР

эшакка иккови мингашиб олган: Қодир олдинда, Қаландар орқада. Сергап опаси ҳадеганда рухсат беравермади. «Қутлуғ уйдан қуруқ оғиз кетиш яхшимас. Ош дамлайман, еб кетасанлар», деб туриб олди. Қаландарнинг поччаси ўзига тўқ одам, бундан опаси ҳам хурсанд. У хурсандлигини яширолмас, ҳар доим гап орасида бунга ишора қилар, ҳатто билинар-билинмас мақтаниб ҳам қўяр эди. Ҳозир укаларига ош дамлаши ҳам уларга меҳрибонлик ниқобидаги манманлик эди. Буни Қодир билан Қаландар ҳам пайқади. «Ошга вақтимиз йўқ. Отам тез қайтинглар, деб тайинлаган», деса ҳам опаси унамади: «Отамга, опам бир ошам еб кет, мардикорликка кетсанг, шу билан қачон ош ейсан — худо билади, деб қўймадилар, дегин, хўпми?»

— Отам уришадилар энди, — деди Қаландар. — Жуда кеч қолиб кетдик-да.

— Опамнинг одатини отам ҳам, энам ҳам билади-ку. Йўқ деганингга қўймаса. Вир гапга тушса кечгача тинмайди. Минг оғиз гапирган одам ўлади, дейишарди — ёлғон экан. Опам бир гапиршида мингта эмас, ўн мингта ҳам гапирди, — деди Қодир эшакка хала босиб. — Ҳавоям анча совиб қопти. Совқотмаяпсанми?

— Йўқ...

Совқотаяптими-йўқми — буни ҳозир Қаландарнинг ўзи ҳам билмайди. Чунки унинг хаёлида бошқа нарса: икки кўзи хув рўпарада — баланд уватдаги катта жийдада. Шу жийда тагида ажина бор, кечаси ўтган одамга ташланади, айниқса, ёш болаларнинг йўлини тўсар эмиш, деб эшитган. Ёнида акаси борлиги кўнглига таскин берса-да, барибир юрагининг аллақасерини шубҳа, хавотир безовта қилар эди.

— Ака, сиз ажинани кўрганмисиз?

— Кўрмаганман. Йўқ нарсани қандай кўриб бўлади? Қўрқма, қўрққанга қўша кўринар, деганлар...

— Карим бова кўрган экан-ку. Езда, айна пешинда мана шу жийданинг тагида сочини тараб ўтирган экан-ку? Карим бова шартта сочидан бураб олган эмиш-ку? Кейин ажина Карим бовага «Тила тилагингни», деганмиш. Карим бова тилла сўраган экан, кўп тилла берганмиш. Шундан кейин бой бўп кетган, дейишади-ку?..

Бу гапни Қодир ҳам эшитган эди. Аслида уни эшитмаган ҳеч ким қолмаган. Карим бобо қандай қилиб бадавлат бўлиб кетганини бирон киши билмайди, бироқ шунақа гап тарқалгани рост. Бошқа пайт бўлганда Қодир «Кўрса кўргандир», деб қўя қолар эди. Аммо ҳозир бундай деса, укасининг қўрқуви баттар ошишини аниқ сезиб турибди.

— Бу гаплар ҳаммаси ёлғон. Карим бованинг ўзи тўқиб чиқарган. Ажина ҳаммага тилла бераверса, бу дунёда камбағал қолмас эди, — деди.

— Ҳаммаям қўрқмай унинг сочидан бураб ололмайди-да, — деди Қаландар сўзидан қайтмай. — Устига устак, ажина жуда сассиқ бўлар эмиш. Сассиғига одамзот чидай олмас эмиш. Кимки чидаб, сочидан бураб олса, шунга берармиш тиллани...

Қодир ичида укасининг соддалигидан кулди. Айни вақтда унинг синчковлигига, кузатувчанлигига, хотирасига ҳаваси келди. Қачон қандай гапни эшитса — ҳаммаси ёдида қолади.

— Ажина бўлса ҳам сен билан менга иши йўқ,

Отамнинг гаплари эсингдами, жин-ажинанинг иши муллалару эшонлар билан. Биз билан нима иши бор! Қолаверса, ҳозир опамникида мусаллас ичдик. (Поччаси қўймай Қодирга бир пиёла мусаллас ичирган эди.) Ажина бунақа нарсадан қўрқади. Вилдингми? Шунинг учун бунақа гапларга парво қилма. Энди сен ҳам катта йигит бўлиб қолдинг. Йигит деган ҳар нарсадан чўчиб, хавотир олиб юрмайди. Дадил, довюрак бўлиш керак. — Улар баҳайбат жийда ёнига келган эдилар. — Ана, қара, ҳеч нарса йўқ.

Қаландар акасининг белидан маҳкам ушлаб олган, кулранг эшак тумшугини ерга тираганча йўрғалаб борар эди. — Менга қара, Қаландар, — деди Қодир. — Эртага мен жўнаб кетаман. Энди сен дадил бўл, отамнинг ёнига кир, у-бу ишларда ёрдам бер. Отам қариб қолдилар. Энди сендан бошқа суянчиғи йўқ. Мен қайтиб келгунимча ўрнимни билдирмай тур. Бўлмаса, отам ҳам, энам ҳам ўзини тоза олдириб қўяди. Тушундингми?

Акасининг кетишини ўйласа, Қаландарнинг юраги шиғиллаб кетади. «Эртага жўнайди. Қаерга кетаркин? Нима иш қиларкин? Қачон қайтиб келади?» Бу саволларга Қаландар сира жавоб тополмас эди. Акасининг ўзи-чи? Унинг ўзи биладими қаерга кетишини?

— Ака, қаерга олиб боришар экан? Нима иш қилдираар экан? Виласизми?

Қодир укасига сездирмай хўрсинди. Қаердан ҳам билсин! Хўш, билганда нима? Барибир эмасми? Қодир меҳнатдан қўрқмайди, қийинчиликлардан чўчимайди. Фақат кекасайиб қолган касалманд отасини, муштипар онасини, ҳали қўлидан бирон иш келмайдиган укасини ёлғиз қолдириб кетаётгани алам қилади. Энди уларнинг ҳоли нима кечади? Ҳовлига ким қарайди? Токларнинг тагини ким чопади? Кузда ким қўмиб, баҳорда ким очади? Ёлғиз отасига оғирлик қилади бу ишлар. Ахир, бор-йўқ умид шу бир қатор токдан-ку! Ҳосил тузук бўлган йиллари бир халта майиз олар эдилар. Бу нима ҳам бўларди! Қодир йил-ўн икки ой тинмайди. Езда одамларнинг эшигида мардикорлик қилар, топган тўрт-беш тангасига бурдой олар эди. Энди ўша бир халта майиз ҳам йўқ. Сотай деса сигирдан бўлак моли бўлмаса. У келгунча булар қандай кун кечиришади? Қаландарга қийин бўлади-да. Ҳамма иш шунинг зиммасига тушади...

— Ким билади дейсан. Вировлар Сибирь деган жойга олиб боради, дейишади. У ер қалин ўрмон эмиш. Мардикорларга дарахт кестирармиш. Қишин-ёзин ердан қор аримасмиш. Йил-ўн икки ой офтоб чиқмас эмиш.

Қодирнинг гапларини эшитиб борар экан, Қаландар даҳшатга тушди, акасига ачиниб кетди.

«Офтоб бўлмаса қизиқ экан-ку. Дунёда шунақа жойлар ҳам бор эканда-а... Ўзимиз уч ой қишда қанча қийналамиз. У ёқда сираям қуёш чиқмаса! Акам бечора нима қилади?.. Дарахт кестирармиш. Қаҳратонда дарахт кесиш ҳам осонмас-да».

Қаландар қишда акаси билан Эшмат бобонинг ташландиқ боғига ўтинга борганини ёслади. Кесиб кетилган дарахтларни кундаков қилишган эди. Кетмони ерга урса, муз сачраб юз-кўзга тегади. Ушанда Қаландарнинг бармоқлари совуқдан букилмай қолган эди. Қодир унга раҳми келиб, «Бор, сен уйга кетавер. Қўлингни исит», деган. Қаландар йигидан ўзини базўр тутиб уйга келган, кўлини

иссиқ сандалга тикқан, совқотган бармоқлари иссиқда куйишиб, нина санчилганга ўхшаб роса азоб берган эди. «Тоза изгирин бўлса керак у ёқлар. Қора совуқ ёмон-да. Акам шўрлик қўлини қаерда иситиб олади? Сандал борми-йўқми? Мардикорликка олгандан кейин тиним билдирарми-ди... Акам бирон жойини совуққа олдириб қўймай, эсон-омон келсин-да ишқилиб...»

— Қани, хотин, бўл энди, тикишингни қўй, ҳаракатингни қил. Кун кеч бўлди. Овқатингга унна. Мен тўрт-бешта мўсафидни айтиб келай. Ҳадемай болаларинг ҳам келиб қолади. Оқсоқолларнинг олдира бир товоқ ош қўйиб, оқ фотиҳасини олайлик...

Шодиёр бобо чопонини елкасига ташлаб, ташқарига чиқди. Пешинга қадар ҳаво очик, қуёш чиқиб турган эди. Баҳор ҳавоси эмасми, дарров осмонни булут қоплади. Кунботардан аччиқ изгирин эсди...

Ун чоғли мўсафид келди. Улар битта пиёлада кўк чойни айлантириб, гурунг қилиб ўтиришди. Намозгар бўлди, оқсоқоллар шомни ҳам ўқишди. Аммо ҳамон Қодир билан Қаландардан дарак йўқ. Бундан Шодиёр бобонинг жаҳли чиқди. Жаннат хола эса ўзини қўярга жой тополмайди, ичини ит таталайди. Нима қиларини билмай дам-бадам дарвозага бориб келади.

— Нима бўлди-я, мунча ҳаяллади булар? — деб ўзига ўзи гапиради.

— Маҳмадона Робия гап бериб ўтиргандир-да. Энам билан отам зиқ бўлиб ўтиргандир, тезроқ борақолинглар, демайдимин!..

Шодиёр бобонинг гапи оғзида қолди — дарвоза гийқ этиб очилди.

— Келди! — деди Жаннат хола болаларига пешвоз чиқиб. — Мунча кеч қолдиларинг, болам?

— Опам, бир чуқум ош еб кетмасанг бўлмайди, деб туриб олди, — деди Қодир. Қаландар эшакни оғилхонага етаклаб бораркан, онасига қарамай:

— Қизингизнинг феълени биласиз-ку, бир гапга тушса уч кун жағи тинмайди. Ҳаммани ўзига ўхшаган бекорчи, деб ўйлайди чоғи, — деди.

Жаннат хола Қаландарнинг гапига эътибор бермади.

— Кирақол, болам, — деди Қодирга. — Мўсафидлар кутиб қолишди. Намозгар бўлмай келишувди.

Оқсоқоллар тургандан сўнг уй ичи сандал атрофига жам бўлди. Ҳамманинг нигоҳи Қодирда. Айниқса, онаси ундан сира кўз узмайди. Қодирга қараб туриб дув-дув ёш тўқади. Бунинг ҳеч кимга билдирмаслик учун оқ чорсисининг учи билан кўзларини астагина артиб қўяди. Икки кўзи ўғлида-ю, хаёли аллақандай нотаниш жойларда. «Шўрлик болам, қаёққа кетаркин энди? Ким билади у ёқлар қанақа совуқ... Жаннат хола ўзича қаҳратон кишини, қорбўронни, туф деса туфуги музлаб қоладиган қора совуқни тасаввур қилади. Одамнинг бадан-баданидан ўтиб, суягига чиркиратиб юборадиган бу аччиқ совуқда кетмон чопаетган ўглини кўради. Қодир кетмонни ерга урса, майда-майда муз парчалари кўчади-да, кетмоннинг бети чаппа қайтиб кетади. Вир пиёла чой ичгунча ўтган фурсатда Қодирнинг кўллари совуқдан кўкариб, кетмоннинг дастасини ушлаёлмай қолади. Тепасида турган шопмўйлов киши алланима деб унга дўқ уради, «Ишла, чоп», деб

имо билан буйруқ беради. Жаннат хола беихтиёр инграб юборди. Бунинг биров сезди, биров сезмади. «Илоё уйгинаси куйсин оқ подшонинг!.. Қарганимда энди бу кўргилик ҳам бормиди пешанамда? Э худо, ишқилиб, ўзинг асра паноҳингда...»

Хонада оғир жимлик ҳукмрон. Шодиёр бобо икки кўлини ҳам сандалга тикиб, кўзларини юмиқираб хаёл суриб ўтирибди. Қаландар бўлса, эртага шу пайтда акаси қаерда бўлишини, усиз уйлари ҳувиллаб қолишини ўйлайди. «Акам борадиган жойда овқатлари тузукмикан ишқилиб? Отам совуқ кунда кучли овқат ейиш керак, дейдилар доим... Бу ердан узоқмикан-а Сибири?...»

Жаннат хола йиғламоқдан бери бўлиб ўғлининг кифтларини силаб-сипайди:

— Ўзингни эҳтиёт қил, болам. Оёқ-қўлингни совуққа олдириб қўйма тагин...

Гапининг давомини гапиролмади. Пиқиллаб йиғлади. Шодиёр бобо ер остидан унга хўмрайди. Аммо Жаннат хола ўзини тийлмади.

— Бўлди-да энди, — деди Шодиёр бобо кескин. — Йиғлаганинг билан иш битадими? Обидийда қилавериб боланинг ҳам кўнглини эзиб юбординг-ку! Нима, Қодир ёш болами? Худога шукр, ақли-хуши жойида.

Жаннат хола дока рўмолининг учи билан кўз ёшларини артди.

— Вегона юртларда... Болам бечора мусофир бўлиб...

— Нима қипти? Ёлғиз ўзи кетаётгани йўқ-ку. Қишлоғимиздан, ҳамсоя қишлоқлардан ҳам йигитлар бор.

Қодир миқ этмас, отасининг ҳам, онасининг ҳам аҳволини, гапларини ўзича тасаввур қилар, тушунар, аммо на унисига, на бунисига бирон нарса дейишдан ожиз эди. Аввал онасининг юзига термилди. Шу пайтгача эътибор қилмаган экан: ҳали элликка кирмаган бўлишига қарамай юзларини, пешанасини ажин қоплабди, кўп йиғлаганидан бўлса керак. Кўзларининг ости, қовоқлари шишинқираб, салқиган. Юзлари кичкина бўлиб қолгандай, кўзларида эса чуқур бир маъюслик. Сўнгра отасига қаради. Отаси онасидан ўн ёш катта. Баъзи элликдан ошган одамларнинг юзи ялтираб, хўрознинг тожидай қип-қизил бўлиб туради. Лекин Шодиёр бобонинг юзлари сўлгин, қарашлари ғамгин. Икки йил олдин терлама билан оғриди. Шундан кейин ўзини бирдан олдириб қўйди. Илгари жуда эпчил, чайир, бақувват эди. Ҳозир ҳам қаердадир — юзидами, қарашларидами — ўша ўктамлик, ички дадиллик сақланиб қолган. Аммо дастлаб қараган ҳар қандай кимса Шодиёр бобони намида олтмишдан ошган, деб ўйлайди. Қодир ана шунга — отасининг тезда кексайиб қолганига ачинади, раҳми келади. «Меҳнат, оғир меҳнат эзиб қўйган отамни. Болалигида-ноқ кўп қийинчиликлар кўрган-да. Ўзи айтиб берган-ку».

Қодир хаёлини йиғиштириб олиб, укасига қаради. Қаландар! Унинг феъл-атвори, дангаллиги, чўрткесарлиги отасига ўхшаб кетади. Очиғи, баъзан Қодир укасига ҳавас қилади. У эндигина ўн тўртга кирган бўлса ҳам кўп нарсага фаҳми етади, нима иш буюрса «хўп» дейди, қўлидан келса-келмаса бажаришга уринади. Баъзи тенгдошлари сингари «Билмайман, қилолмайман» деб ўтирмайди.

Укасидан Қодирнинг кўнгли тўқ. «Менинг

йўқлигимни билдирмайди. Отамнинг ишини қўлидан олади...» Шу фикрини онасига айтиб, унинг кўнглига тасалли бермоқчи бўлди.

— Ҳам чекманг, эна, менинг мардикорликка боришим — юртга келган тўй. Худога шукр, мана, Қаландар катта бўлиб қолди, ўрнимни билдирмайди.

— Э, болам-а, — деди Жаннат хола хўрсиниб, — ўнта бўлса ўрни бошқа, деган гап бор. Ахир сизлар ўнта эмас, иккитагинасизлар-ку.

Шодиёр бобо секин томоқ қирди. Бу — «Ғапни тугатинглар», дегани эди.

— Етинглар энди. Вақт кеч бўлди. Ҳали эртага узоқ йўл юрасан. Дамингни ол. Энанга қолса, эрталабгача ҳеч кимни ухлатмай, сенга термилиб йиғлаб ўтираверади. Ҳадеб йиғлайверишнинг ҳам хосияти йўқ. Минг марта гапирган билан қулоғига кирмайди...

...Шодиёр бобо бомдод намозини ўқидию Қодирни уйғотди. Нонушта қилиб бўлгач, Шодиёр бобо ўғлига оқ йўл, сиҳатлик тилаб узоқ дуо ўқиди. Сўнг ризқ-насибанг шу ерда қолсин, эсон-омон қайтиб келгин деб, битта бутун нонни Қодирга тишлатди.

Қодир аввал отаси, сўнг Қаландар билан, охирида онаси билан қучоқлашиб хайрлашди. Жаннат хола унинг юз-кўзларидан, пешонасидан ўпаркан, бир оғиз ҳам гапиролмас, пиқ-пиқ йиғлар эди...

Қодир тўрвасини елкасига ташлаб катта кўчага қараб юрди. У ўн беш қадамлар юргач, ортига ўгирилди. Унинг қарашлари тийрак, ўктам бўлсада, кўзларида ёш ялтираб кетди. Қаландар акасига ҳам ачиниш, ҳам ҳавас билан термиларкан, у муюлишдан ўтиб кетгунча кўз узолмади. Ўзи билмаган ҳолда акаси кетган томонга икки-уч қадам ташлади. Унинг бу ҳаракатида «Хотиржам бўлинг, ака, йўқлигингни билдирмайман. Ота-энамга ёрдам бераман, қўлтиғига кираман», деган қатъий ваъдаси мужассам эди...

ҚУЁШ МЕН ТОМОНДА

Қаландар тонг саҳарлаб йўлга тушди. Қишлоқ этагидан ўтадиган сойнинг кечувига борганда хўроз қичқиргани эшитилди.

У миниб кетаётгани жийрон қашқага қамчи босди. «Тезроқ ҳаракатингни қил, Қаландар, бой билиб қолса, орқангдан одам қўяди...»

...Чошгоҳга бориб Қаландар жуда зерикди. Устига устак қорни оч. Салкам бир йилки, аҳволи шу. Тоғма-тоғ, қирма-қир мол орқасидан эргашиб юради. Аммо на оёғидаги чориги янги бўлди, на қорни тўйиб овқат еди... «Бой мени гўдак билиб, алдаяпти. Қачонгача бу аҳволда юраман?»

Қўй-эчкиларни ариқда сугорди-да, тевачакка ётқизди. (Тоғ этагида кичкина бир тепалик бўлиб, шоҳлари тарвақайлаб кетган катта садақайрағоч унга соя ташлаб туради. Ҳар кун пешинда Қаландар қўй-эчкиларни шу ерда соялатиб, кун қайтгунча дам беради.) Кейин ўзи нариги бетдаги тол тагида соялаб ўтирган кекса чўпон олдига кетди.

Бу чўпоннинг ёши етмишга яқинлашиб қолган, у Зиёдулла бойнинг отаси даврида бу хонадонга қарол бўлиб келган эди. Қаландар баъзан-баъзан бу чол билан суҳбатлашар, айниқса, отасини соғиниб юраги сиқилган кезлари у билан гурунглашишни хуш кўрар эди.

— Ассалому алайкум, отахон!

— Ваалайкум ассалом.

Чол совуқ сувга қотган нонни ивитиб еб ўтирар эди.

— Ке, болам, нонга қара.

Чол нон ивитилган сопол косани Қаландарга яқинроқ суриб қўйди.

— Бунинг отини ўрдак шўрва дейди, эшитган-мисан?

— Ҳа, — деди Қаландар, — бизнинг қишлоқда ҳам шундай дейишади.

— Камбағал ўзининг кўнглини ўзи обод қилиш учун ўрдак шўрва, деб атаган-да бу таомни.

Қишлоқдан чиққин беш-олти отлиқ тоғ томон ўрлаб борар эди.

— Бойнинг ўғиллари-ку, — деди кекса чўпон.

— Қаёққа кетишяпти экан?

— Қаерга борарди дейсан, тоққа чиқяпти-да. Икки қир ўтгандан сўнг бир булоқ бор. Суви яхдай. Катта тол соя солиб турибди. Тангадай офтоб тушмайди. Улар ҳозир ўша ерга боришади. Битта қўйни сўяди. Йилқибоқарлар қимиз келтириб беради. Хуфтонгача салқинда ўтириб қимизхўрлик қилишади.

Бу гап Қаландарга ғалати таъсир қилди.

— Ия, — деди у. — Сиздай кекса одам эртаю кеч тинмайсиз. Еганингиз — манави ўрдак шўрва. Улар бўлса, қиладиган ишининг тайини йўғ-у...

Чол маънодор кулимсиради.

— Ахир улар бой, бойваччалар-да. Бизнинг пешанамизга оллоҳи карим шуни ёзган.

— Нимага энди шундай бўлиши керак, отахон?

— Замон — зўрники, болам. Бошқа илож йўқ. Сен билан менинг дастимиз калта.

Қаландар ўйланиб қолди: «Ғалати замон-ку. Нимага шундай бўлиши керак?»

— Қачонгача шундай бўлади? Нимага меҳнатни биз қиламиз-у, роҳатини улар кўради?

Чол атрофига олазарак кўз ташлаб олиб, Қаландарга насихат қилди:

— Бу гапларни менга айтдинг, бошқага айта-кўрма, бўтам.

Қаландар бойнинг ўғиллари кетган томонга термиларкан, ўзининг қишлоғи, Юсуфбой, унинг болалари, қариндош-уруғлари хаёлидан кечди. «Улар ҳам шу-да. Қанча одамни ишлатади. Аммо у шўрликлардан биронтаси қорни тўйиб овқат емайди. Буям майли-я, сал нарсага сўкиш, ҳақорат эшитади, калтак ейди».

Қайси кунги воқеа эсига тушди.

Қаландар қўйларни қўрага қамади-да, отларнинг тагини тозалашга киришди. Зиёдулла бойнинг ўзи билан тенгқур ўғли келиб, тегажонлик қила бошлади.

— Биани эмяпсанми, Қаландар? — деди бойвачча ҳиринглаб.

Қаландар бир ўкрайиб қаради-ю, индамади. Бойвачча яна бир-икки масҳара қилди. Аммо Қаландар унинг қилиқларига эътибор бермади. Алам қилган бойвачча, отасига тақлидан қўлини белига қўйиб, Қаландарга дўқ ура кетди:

— Ҳой, етимча, мана бу ерни яхшилаб тозала-



Handwritten signature

мабсан. От ётса қорни ифлос бўлади! Кейин уни ким минади?!

Етимча дегани Қаландарнинг ҳамиятини келтирди.

— Нимага мени етимча дейсиз? Худога шукр, ота-энам бор.

Бойвачча кинояли кулди.

— Вой-бу, ориятлари келдими? Ота-эналари борми? — У бирдан ёшига ярашмаган ҳолда жиддий тус олди. — Учир овозингни! Айтган ишни қил! Итдан тарқаган.

Қаландар ҳам бўш келмади:

— Мунча одамни ҳақорат қиласиз? Менга иш буюрманг, хўжайин сиз эмас, отангиз.

— Менга қара, ҳей кўпак! Бу хонадоннинг ҳаммаси, ҳатто хув анави итим ҳам сенга хўжайин! Билдингми?!

Қаландар қўлидаги куракка суяниб, бойваччага нигоҳини қадади.

— Эшигингизда ишласам гуноҳқорманми? Ҳар доим сўқасиз, масхара қиласиз, кўнглингизга келган ишни буюрасиз. Андиша қилиб индамайман. Андишанинг отини қўрқоқ қўймайман-да, индамас экан, деб одамни эзаверманг-да. Ахир, қурбақани боссангиз ҳам вақ этади.

Бу гапларни эшитиб турган бойнинг катта ўғли Қаландарга яқинроқ келди:

— Ҳей, қурбақа, менга қара! Кўп вақиллайверма! Елкангдан оғиз очиб қўймайин яна. Тилинг чиқиб қоптими? Ким берди сенга бу тилни? Текин нон сени қутуртириб юборибди-ку!

Қаландар ҳам ҳақини бериб қўядиганлардан эмас.

— Нимага текин бўлар экан? Саҳардан хуфтонгача сурув кетидан тикон босиб юрган ким?!

— Учир овозингни!

Бойвачча шундай деб Қаландарнинг қулоқ чаккасига шапалоқ тортиб юборди.

Бу Қаландарга жуда алам қилди. Уша куни кечаси билан ухлаёлмай, қийналиб чиқди. Бу ҳақсизлик, адолатсизликнинг сабабларини ўйлаб-ўйлаб ўйга етолмади. «Тавба... У ёқда — оқ подшо эса, мардикорликка олса, бу ёқда — бойлар бунақа қилса... Нимага энди ҳар доим шундай бўлиши керак? Камбағалларнинг гуноҳи нима?»

У шу хаёллар билан ўрнидан турди. «Кетаман! Бунга чидаб ўтирмайман! Кечкурун бойдан ҳақимни оламан-да, кетаман! Нима бўлсаям ота-энамнинг ёнида бўлганим дуруст...»

Қаландарнинг фикри қатъий эди. Ўзи кейинги вақтларда зерикиб, юраги сиқилиб юрган эди. Бу суҳбат баттар таъсир қилди. Тошай-тошай, деб турган сабр косасини тамоман тошириб юборди. У гўё ҳозир тўппа-тўғри бойнинг олдига борадигандек, чол билан чала-чулпа хайрлашди-да, дадил-дадил қадам ташлаб илгарилаб кетди.

Оқшом қўй-эчкиларни қўрага қамади-да, Қаландар бойнинг олдига йўл олди. Бой шом номозини ўқиб бўлиб, мудраган кўйи тасбеҳ ўйриб ўтирар эди.

— Ассалому алайкум, бой ота, — деди Қаландар остонада туриб.

Бой эринибгина кўзини очди. Саломга алиқ олиш ҳам малол келгандек ижирганиб қўйди.

— Ҳа, ўғлим...

Қаландар кун бўйи ўйлаб, пишитиб қўйган режасини дадил гапирди:

— Бой ота, ҳақимни берсангиз. Бир уйга бориб, ота-энамни кўриб келсам. Балки акам ҳам келиб қолгандир...

Бой тасбеҳни ҳовучига олиб, нималарнидир пичирлади, юзига фотиҳа тортди. Сўнг тасбеҳини кимхоб камзулининг ички киссасига солди-да, ўрнидан турди. У олтишдан ошиб қолган бўлса-да, соқоли ҳали у қадар оқармаган, ҳаракатлари ҳам енгил, чаққон эди.

— Э, ўғлим, соддасан-да, — деди у жилмайиб, — аканг ҳали қаёқда келади? Оқ подшо мардикорларни дарров қўйиб юборармиди?!

— Бир йил бўлди ахир, — деди Қаландар куюниб.

— Бир йил нима деган гап... У ёқда иш кўп. Бир-икки йилда адо бўлмайди. — Бой Қаландарнинг елкасига қўлини қўйиб, уни эркалаган бўлди. — Сен хавотир олма, ўғлим. Мардикорликка кетганларнинг қачон келишини мен яхши биламан. Улар қайтди дегунча ҳақингни бериб, от арава билан уйингга кузатаман. Унгача кўнглингни бўлмай ишлайвер. Хўпми? Ҳа, боракалло! Бор энди, ўғлим.

Бойнинг адл қомати, юз ифодасидаги қандайдир улғуворлик, чертиб-чертиб гапириши ҳар қандай одамни ҳам сеҳрлаб қўяр, ўткир, дадил нигоҳи эса суҳбатдошини ошқора таъқиб қилар эди. У билан мунозарага киришган одам таслим бўлганини, унга ён бериб қўйганини ўзи ҳам сезмай қоларди. Ҳозир Қаландар ҳам шу аҳволга тушди. Бойга қарши бир нарса деёлмади. Индамай чиқиб кетди. «Ҳар доимги гапи... От арава билан кузатиб қўяр эмиш. Биламан, қанақа қилиб кузатишингни! Лоақал ҳақимни берса ҳам майли эди...»

Қаландар ҳужрасига кирди-да, ўйга толди. Бойнинг жавобидан юраги баттар сиқилди. «Оқ подшо мардикорларга ҳали-бери жавоб бермайди. Иш кўп...» Наҳотки шу гап рост бўлса? Унда акам қачон келади? «Йўқ, ёлгон! Бой мени алдаяпти, ҳеч нарсани билмайди, тушунмайди бу гўдак деб лақиллатапти!... Акам келган! Кетаман! Ҳақимни бермаса ҳам кетаман! Барибир бой менга ҳеч нарса бермайди...» Отасининг гапи эсига тушди: «Бойларнинг ҳаммаси бир гўр, ўғлим, оқ ит, қора ит — бари бир ит... Қурумсоқ бўлмаса бой бўладими?» Отам рост айтган экан. Мен бўлсам... маҳмадонгарчилик қилиб ўтирибман-а! Отамга гап қайтариб... Қари билганини пари билмас, деган гапни нега ўйламадим?»

Ушанда отасининг сўзига қулоқ солмай, ўз билгича иш тутганидан ҳозир жуда хижолат бўлди. «Отамни қаттиққўл дейишади. Йўқ, аксинча, жуда ҳам кўнглинчан. Бўлмаса, ўшанда менинг раъйимга қарармиди? Ҳеч қаерга бормайсан, деб туриб олиши мумкин эди-ку». Унинг кўз ўнгида отасининг нуруний сиймоси гавдаланди. «Кечиринг, отажон! Энди сўзингиздан чиқмайман...»

Қаландарнинг боши ғувиллаб кетди. Нима қиларини билмай қолди. Кетмай деса, бир кун ҳам қолишга тоқати йўқ. Кетай деса...

«Нима бўлса бўлди. Кетаман! Қочиб кетаман!»

У чоригини ечди-да, кирлигидан асл ранги қанақалиги билинмай кетган бўз кўрпачага чўзилди. Мириқиб керишди. Иккала қўлини боши остига қўйиб, шифтга термилиб ётди. Хаёлидан турли-туман фикрлар кечар эди. «Шошма, шошма! Нимага энди ҳақимни олмай кетаман? Бир йил ишлаб-а! Бир йил тоғма-тоғ, тошма-тош кезиб,

оёғимни яра қилиб мол боқаман-у, ҳеч нарсасиз икки қўлимни бурнимга тиқиб кетавераманми? Отам, энам нима дейди? Хўп, улар тушунишар, кечиришар. Лекин бошқалар-чи? Одамларнинг юзига қандай қарайман? «Бегона жойга бориб пул топиб келиш осонмас, ўғлим. Қўй, нима бўлса ҳам шу ерда, ёнимда бўл. Бир кунимиз ўтар. Аканг ҳам келиб қолар насиб бўлса...», деганларида отамнинг гапига кирмовдим. «Сиз кекса бўлсангиз, акам у ёқда. Мен кўча чангитиб юрсам яхшими? Қўйинг, бориб ўша бойникида озроқ ишлаб келай. Меҳнат ҳақимга бирор нима берар ахир. Ўлдими, ҳечқурса биронта эчки-печки берар-ку. Сиз мени ҳали ҳам гўдак, қўлидан ҳеч иш келмайди, орзидаги ошини олдириб қўяди, деб ўйлайсиз. Ундаймас, ота, мен бойда ҳақимни қолдирмайман. Албатта ундириб оламан. Ушанда кўрасиз», деб катта гапириб қўйган эдим. Бир йил йўқ бўлиб кетиб шумшайиб бораманми? Эшитганлар бу кунингдан баттар бўл, демайдими. Йўқ, индамай кетавериш ўғил боланинг иши эмас! Ишладингми, ҳақингни ундириб ол! Қандай қилиб? Хўш? Аллакаердан ана шундай сўроқ эшитилгандай бўлди. «Ростдан ҳам қандай қилиб ундириш керак?»

Қаландар шартта ўрнидан турдию ҳужранинг кичкинагина туйнугидан отхонага қаради. «Шу отлардан бирини миниб кетсам-чи! Бирон киши билиб қолмасмикан? Аммо билиб қолса борми, нақ теримга сомон тиқади-я... Сахар тураману хўроз кичқирмасдан йўлга тушаман. Таваккал!»

Қодирнинг мардикорликка кетганига бир ойдан ошди. Шундан бери Шодиёр бобонинг ҳам, Жаннат холанинг ҳам ҳаловати йўқ. Жаннат хола ўтирса ҳам уф тортади, турса ҳам, оқ подшони қаргашдан чарчамайди:

— Илоё уйгинаси куйсин Некалайнинг! Ҳа, бўйгинаси қора ерда чирисин! Подшо бўлмай гўрсўхта бўлсин...

Шодиёр бобо хотинига таскин беради-ю, ўзи ичидан зил кетади. Лекин буни на хотинига, на Қаландарга билдиради.

Ота-онасининг аҳволига қараб Қаландарнинг юраги эзилади, уларга раҳми келади. Қандай қилиб уларга ёрдам беришни, кўнглини олишни ўйлайди.

Бир куни Алимат акадан «Вағаштилик Зиёдулла бойга молбоқар керак эмиш. Кўп саховатли бой дейишади», деган гапни эшитиб қолди. Ўйлаб-ўйлаб, шу бойниқига бориб ишламоқчи бўлди. «Ҳарна, тўрт-беш танга топиб келарман, ота-энамга ёрдам бўлади-ку, кўча чангитиб юришдан нима фойда?»

Фикрини отасига айтди. Шодиёр бобо қалин соқолини оҳиста силар экан, ер остидан ўғлига қаради.

— Кимдан эшитдинг бу гапни?

— Алимат акадан.

— Ҳм, — деди Шодиёр бобо салмоқлаб, — эшитувдим. Менга ҳам айтувди. Лекин, ўғлим, ҳолва деган билан оғиз чучимайди. Вағаштига бориб, яна унинг устига бойнинг эшигида юриб биринг иккита бўлишига кўзим етмайди. Ҳали ёш боласан.

— Таваккал-да, ота.

— Ишлайман десанг шу ерда ҳам иш топилади. Ана, ўзимизнинг Юсуфбойга одам керак эмас дейсанми? Керак.

Юсуфбойни эшитиб, Қаландарнинг баданига чумоли ўрмалагандай бўлди. Икки ойча илгари бойнинг боғидаги толдан битта таёқлик кесиб олгани учун ундан роса сўкиш эшитган эди. Энди эшигига иш сўраб борадими?

— Қўйинг, ота, шу бойни. Ундан ёруғлик чиқармиди? Ўлгудай қурумсоқ, Тошдан сув чиқса чиқади, аммо Юсуфбойингиздан томчи ҳам чиқмайди.

Шодиёр бобо ўғлининг соддалигидан кулиб қўйди.

— Нима, Зиёдулла бой мол-мулкни навчаларига бўлиб берарканми?

— Анча инсофли дейишяпти-ку.

— Ҳе, ўғлим, айтаверади-да. Войнинг ҳаммаси ҳам бир гўр. Ема, ичма, бўл бахил, бой бўлмансанг — мен кафил, деган гап бор.

— Ҳар ҳолда бир бориб кўрай-чи, ота...

Қаландар жийрон қашқани йўрттириб борар экан, ана шуларни ўйлар, хаёлан отаси билан суҳбатлашар эди.

«Мана, ота, бой хизмат ҳақимга шу отни берди».

«Ростданми? Ундай бўлса, Зиёдулла бой чиндан ҳам инсофли, диёнатли одам эканку».

«Отам гапимга ишонармикан? — дея ўйларди Қаландар. — Ёки ростини айтсаммикан?.. Йўқ, бўлмайди. Отам бунақа нарсаларни ёмон кўради. Сира ҳам қинғир ишга қўл ургани қўймайди... Аслида бу ўғрилик ҳам эмас-ку. Бир йиллик меҳнатим бир от пулига наҳотки етмаса? Етади, ошиб ҳам қолади...»

У Сариктепа қишлоғининг ёнидан ўтаётганда сўфининг бомдод номозига чорловчи ўткир овози эшитилди: «Оллоҳу акбар, оллоҳу акбар. Лоилоҳа илоло-о-о...» «Номоз вақти бўпти. Ҳозир отам ҳам номоз ўқиётган бўлса керак... Акам келдимикан? Ўзгариб кетгандир. Оқ подшо жонини олиб қўйгангир бечора акамнинг. Озиб-тўзиб кетганми?» Назарида акаси унинг йўлини пойлаб ўтиргандай туюлди. Отнинг жиловини силтаб, қамчи босди.

Тонг ёриша бошлади. Қаландар ўнг томондаги қишлоққа разм солди. «Бешкалми? Ҳа, яқин қолди». Қишлоқ томондан қўй-қўзиларнинг маърагани, хўрозларнинг басма-басига қичқириши, безовта бўлган итларнинг асабий вовуллаши баралла эшитилди. Кимдир боласини қарғади: «Ҳа, бўйнигинанг остингда қолсин. Бола деганнинг қулоғига битта-иккита гап кирақолса-да...» Қаландар у ёғини эшитмади, эшитгиси келмади. «Нега баъзи хотинлар бунча кўп қарғанади? Не-не азобда катта қилган боласини аямай қарғайди-я? Яхшиямки, аёлларнинг қарғиши ўтмайди. Отам шундай деган».

Қаландар беихтиёр онасини эслади. «Йўқ, менинг энам ундай эмас. Ҳеч ҳам қарғамайди. Жуда тўполон қилсақ, «Ҳа, омон бўлгур, ҳа, уйинг бугдойга тўлгур», деб уришади. Лекин ҳеч маҳал анави аёлга ўхшаб қарғамайди... Энам ҳам йўлимга кўз тикиб ўтиргандир...»

Қаландар Ёмонжардан ўтганда қуёш мўралади. Тоғларнинг учидаги ҳали эриб улгурмаган қорлар қуёш шуъласида шишадай ялтирайди.

Атроф ям-яшил. Уватлардаги, қўш қирмаган ангорлардаги қалин майсалар қуёшнинг заррин нурларида яшил баҳмал каби товланади. Қаландар шундагина баҳорнинг намхуш, аммо ёқимли, киши дилини қитиқловчи ҳидини туйди. Бу ҳид, атрофдаги кўркамлик, унинг устига бир

йилдан бери соғингани қадрдон қишлоғининг таниш йўллари дилига қувонч, юрагига қувват бағишлади. Ҳозир отаси, энаси билан дийдор кўришувини эслаб, Қаландарнинг юраги ҳаприқиб кетди. Бир маромда йўргалаб бораётган жийрон қашқага ачитиб-ачитиб қамчи босди. От чопиб кетди. Узангига оёғини қаттиқ тираб олган Қаландар ўзини абжир чавандозлардай ҳис қилди. Ҳозир у шу қадар дадил, жасур, кучли эдики, назарида Зиёдулла бойнинг одамлари орқасидан қувса ҳам етолмас, изидан қайтара олмас эди.

Бу фикр хаёлига келиши билан у ортига ўгирилиб қаради. Йўқ, ҳеч ким кўринмади. Ургутга кираверишдаги баланд тепаликдаги Биби-пари қайрағочи деб аталадиган якка қайрағочдан бир қарич юқорида турган қуёшга кўзи тушди. Шунда Вағаштида эшитгани бир хангомани эслади.

Бир куни Ургут бозорида бир вағаштилик битта испанзалик билан ниманингдир устида тортишиб қолибди. Униси у дебди, буниси бу, дебди. Одамлар ўртага тушибди. Ҳеч келишолмабди. Охири гап тополмай қолган вағаштилик одамларга илтижо билан бундай дебди:

— Қаранглар, ахир қуёш ҳам бунинг ёнини олади. (Вағашти Ургутнинг кунботар томонида, Испанза эса кунчиқар тарафида.) Биз эрталаб бозорга келаётганимизда қуёш пешанамизга уриб киздиради. Бозор-ўчарни битириб қайтаётганимизда эса у томонга ўтиб олади-да, яна пешанамизни куйдиради. Бунга-чи? Ундай эмас. Бу бозорга келаётганда қуёш орқасида бўлади. Қайтиб кетаётганида яна бунинг гамини еб, орқа томонга ўтиб олади.

Тўпланганлар бу гапдан роса мириқиб кулишадди:

— Ҳа, шундай бўлса тортишиб нима қиласан? Қуёш ҳам бунинг ёнини олиб тургандан кейин бизнинг қўлимиздан нима келар эди? — деб масхара қилишадди.

Қаландар бу хангомани эслаб ўзича кулиб кўйди. «Хайрият, қуёш ҳозир мен томонда. У ҳам менинг ёнимни олмоқда».

Жийрон қашқа ҳар қарич жойи Қаландарга беш бармоғидай таниш бўлган Булоқбоши қишлоғи кўчасидан йўртиб бормоқда эди...

ҲАЛОЛИ БЎЛСИН...

Қаландар Тахтақорача довонининг тепасига чиқди-да, отдан сакради. «Юқорига кўтарилгунча от жонивор ҳам қора терга тушиб етди. Бирпас дам берай, ўзим ҳам манави кўкаламга бир оз чўзилай». У отининг айил-пўштанини бўшатди, оғзидан сувлигини чиқарди. Хуржунини кўм-кўк майсазорга қўйди-да, ўзи аста ёнбошлади.

Отда юравериб икки сони оғриб қолган экан, ҳозир оёқларини узатиб ётганда маза қилди. Майин шабада тоғ ўт-ўланларининг, ёввойи бодом гулининг ёқимли хидини олиб келди. Қаландар чуқур-чуқур нафас олар экан, кўнглида ажиб тотли бир туйғуни туйди. Руҳи тетик тортиди. Ҳалигина хаёлини ўртаган «Бой билиб қолса нима қилади? Орқамдан одам юборса-чи? Отам нима дейдилар» деган ўйлар мисоли баҳор булутлари-

дай тезда тарқаб кетди. «Келса келар... Нима, мен бировнинг ҳақиға хиёнат қилдимми? Ўзимнинг меҳнат ҳақимни олдим, холос».

У ўрнидан туриб ўтирди. Отига қаради. Жийрон қашқа эринибгина ўтлар эди. Унинг ёнидаги ёввойи бодом дарахтида бир зарғалдоқ куйиб-пишиб сайрайди: чув-чув-чув, чу-ли-ли-ли-ли... Қаландар зарғалдоқнинг сайрашини ёқтиради. Мириқиб эшитди. Жийрон тумшугини ердан кўтармай пишқирди-да, думини қаттиқ силкитди. Бундан чўчиган зарғалдоқ «Чув» дея учиб кетди. «Энди туриш керак, — деб ўйлади Қаландар. — От ҳам қавзаниб олди. Вақт кетяпти. Қоронғи тушмай Қайнарга кириб борсам тузук...»

— Сизни бир отлик сўраяпти, — деди Жаннат хола чолига.

Пешин номозини ўқиб, тасбеҳ ўгириб ўтирган Шодиёр бобо ҳайрон бўлди.

— Ким экан? Танимадингми?

— Йўқ, Бегона одам. Илгари кўрмаганман. Шодиёр бобо дарвозага чиқди. Отлик ўттиз-ўттиз беш ёшлардаги бақувват йигит эди. У Шодиёр бобони кўриши билан отдан ирғиб тушди-да, салом берди.

— Қани, ичкарига, — деди Шодиёр бобо.

Меҳмоннинг отини сайисхонага боғлаб, охурга хашак ташлади. Уйга кириб, ҳол-аҳвол сўрашдилар.

— Сўраганининг айби йўқ, меҳмон, — деди мезбон. — Сизни танимайроқ турибман.

Меҳмон кулимсиради.

— Ҳа, танимайсиз. Мен Вағаштидан келдим. Зиёдулла бойнинг навчасиман.

Зиёдулла бойнинг номини эшитиб, Шодиёр бобонинг юраги шувиллаб кетди. «Ҳа, тушунарли», деб ўйлади ўзича. Аммо меҳмонга сир бермади.

— Ҳа-а, шундайми, хуш кўрдик, келсинлар, — деди вазминлик билан.

— Мени бу ерга бой отам юбордилар... Сизнинг Қаландар деган ўғлингиз у кишининг эшигида бир йилча ишлаган экан... Уч-тўрт кундан бери дараги йўқ эмиш. Охири мени шу ёққа юбордилар. «Бориб хабар ол-чи, балки уйига боргандир», дедилар. Бойнинг бир жийрон қашқа оти ҳам йўқ. Қаландар уни миниб кетмадимикан, деган хаёлдалар. Тўғри, ўғлингиз от миниб кетадиган даражада эмас, ҳали ёш. Лекин, ҳар қалай бола-да, қизиқиб минган бўлса, от у ер-бу ерда йиқитиб-пиқитиб кетган бўлмасин тагин. От-ку гўрга-я, боланинг ўзи омон бўлса, бас, дедилар бой отам.

Шодиёр бобо ўйлашиб қолди. Ўғлининг «Бой иш ҳақимга шу отни берди», деб алдагани жаҳлини чиқарди. Айни вақтда мана бу йигитнинг Қаландарни менсимай гапиргани алам қилди.

— Олинг, меҳмон, чойдан ичинг, нонга қаранг, — деди ўйчан. — Қаландарнинг қачон чиқиб кетганини ҳеч ким билмас эканми?

— Йўқ... Бир-икки кун эътибор беришмапти. Тоғда молларни боқиб юргандир-да, деган хаёлга боришипти. Лекин орадан уч-тўрт кун ўтибди ҳамки, ўғлингиздан дарақ бўлмапти.

«Нима десам экан? Ўғлим уйга келгани йўқ, бой отангга бориб айт, ўғлимни топиб берсин, десаммикан... Йўқ, бу номардлик бўлади. Бор гапни айтаман. Менсимай гапиргани учун ҳам бўлган

воқеани айтиб бераман. Нима қиларди бой? Нари борса, отини қайтариб олади-да. Эрта-индин Қаландар келади, элтиб бер отини, дейман... Тавба, «От-ку гўрга-я, боланинг ўзи омон бўлса, бас», эмиш. Бой бировнинг боласига ачиниб қопти-да. Агар оти йўқолмаганида-ку Қаландарни бўри еб кетсаям эсига келмасди-я... Ҳа, майли, бу йигитда нима айб? У хўжайини айтган ишни қилади-да». Шодиёр бобо шуларни хаёлидан ўтказар экан, чойдан бир ҳўплаб меҳмонга деди:

— Бой отангизга бориб айтинг, Қаландар ҳам, жийрон қашқа оти ҳам омон. От Қаландарни йиқитиб кетгани йўқ, йиқитиб кетолмайди ҳам. Камбағалнинг боласи пишиқ, чайир бўлади... Эрта-индин отини олиб бориб берамиз. Уғлимнинг бир йил ишлагани учун ҳақ берадим-йўқми — бу бой отангизнинг имониға ҳавола.

Шодиёр бобо бир оз қизишганини меҳмон сезди.

— Бова, сиз хафа бўлманг, бой отам ҳеч нарса деганлари йўқ. Отни қайтариб берсин, деган гап у кишининг хаёлиға ҳам келган эмас. Фақат ўғлингизнинг эсон-омонлигини билгани келдим, холос.

— Қуллук! Бой отангизга шуни айтиб қўйинг. Отини эрта-индин етказамиз, — дея яна таъкидлаб Шодиёр бобо.

Бошқа гапга ўрин қолмаган эди. Меҳмон анча фаросатли йигит экан, буни сездию мезбондан руҳсат сўради.

Меҳмонни кузатиб қайтган Шодиёр бобонинг авзойини кўриб Жаннат хола чўчиб кетди:

— Ким экан? Нима дейди?

Шодиёр бобонингдамади. Жаннат хола саволини яна қайтарди.

— Уғлингни сўраб кепти, — деди Шодиёр бобо кескин. — Бу бола мени эл олдида бош кўтаролмайдиган қилади.

— Мундай тушунтириб гапирсангиз-чи! Нима гап ўзи?

— Нима гап бўларди?! Уғлинг бойнинг отини ўғирлаб келган экан. Шуни сўраб кепти!

— Вой, шўрим, вой, шўргинам қурсин! Қандай қилиб ўғирлапти? — Жаннат холанинг ранги бўз бўлиб кетди. — Энди нима қиламиз? Бу яншама-гур бой билан ўйнашадими-а! Бир бало қилиб қўймаса гўрга эди. Қодиримни олиб кетишгани етмасмиди? Энди буни ҳам...

— Бас қил! — деди Шодиёр бобо.

Чол-кампир жим бўлиб қолди. Жаннат хола дока рўмолининг учи билан кўз ёшларини артди. Шодиёр бобо бир кафт носни жаҳл билан тилининг тагига ташлади-да, кўзини юмганча хаёл суриб кетди.

— Қайнардан қачон қайтаман, девди? Эрталардан келиб қолар...

Қайнарда отасининг Исмоил деган жияни бор. Қаландар шуниқига боряпти. Ота-онасига: «Қайнарга бориб, Исмоил акамлардан бир хабар олиб келаман», деган. Отаси ҳам: «Бойнинг моли кетидан юравериб чарчаган, майли, борса бориб келсин. Икки-уч кун кўнглини ёзиб, айланиб келар», деган ўй билан индамади. Лекин Қаландарнинг режаси бошқа эди.

Бир кеча меҳмон бўлгач, эртаси кун отасининг жияниға мақсадини айтди:

— Отам юбордилар. Мана шу отни сотиб, пулиға қўй олиб берар экансиз.

Исмоил ака Қаландарнинг гапига ажабланмади, фақат қўйларни ёлғиз ўзи тоғдан қандай олиб ўтиб кетишини ўйлаб қолди.

— Ростми шу гапинг? — деди Исмоил ака.

— Бўлмасам-чи, — деди шоша-пиша Қаландар. — Агар ишонмасангиз, майли, сотманг. Акамнинг келишиға қўй керак бўлар эмиш-да.

Бу гап Исмоил акамнинг кўнглидаги озгина шубҳани ҳам тарқатиб юборди.

— Менга қара, Қаландар, хўп, отни Китоб бозорига элтиб сотдик, пулиға қўй олдик ҳам дейлик. Лекин битта ўзинг уч-тўртта қўйни қандай ҳайдаб кетасан? Тоғ ошиб ўтгунча чарчамайсанми, қўрқмайсанми?

Қаландар қулиб, Вағаштида Зиёдулла бойнинг қўйларини тоғма-тоғ ҳайдаб ўрганиб қолганини айтди.

— Нимадан қўрқаман? Қиш бўлмаса, йўлда йўловчи кўп. Шуларға қўшилиб олсам бўлди-да, — деди дадил.

— Бўлмаса, бундай қиламиз, — деди Исмоил ака, — отни сотиб, пулиға қўй одамиз. Кейин бизларни эшагимизни миниб, қўйларни ҳайдаб кетасан. Ўзим бир борганимда олиб келарман ёки биронта келувчи бўлса бериб юборарсизлар...

Эртаси кун номози асрда Қаландар Булоқбошиға беш қўйни ҳайдаб кириб келди. Уни йўлда кўрганлар турли фикрга бордилар:

«Шодиёр бобонинг шу улидан бир бало чиқади-да».

«Гўр бўлади, шу аҳволда кетаверса ўғридан бошқа нарса бўлмайди».

«Ким билади дейсиз, шунақалардан чиқади ҳамма нарса. Ўғирлик қилиш учун ҳам сал-пал ақл-фаросат, юрак керак».

Қаландар ҳеч кимга парво қилмади. У дарвозани очиб, қўйларни ҳайдаб кирганда онаси сайисхонада сигир соғаётган эди. Қаландарни кўриб ҳангманг бўлиб қолди. Тиззаларининг орасидаги пақирни пақ этиб тушиб кетди.

— Буларни қаердан олдинг? — Уғлингнинг саломига Жаннат хола шу савол билан жавоб берди.

— Қаердан олардим, сотиб олдим.

— Вой шўрим, яна нима балони бошлаб келдинг?!

Ҳовли тўридаги дарахтларнинг тагини чопаетган Шодиёр бобо кампирининг овозини эшитиб сайисхонаға қарадию Қаландарни кўрди. Кетмонини жойида қолдирди-да, у томонға йўл олди. Эшакнинг тўқимини ечаётган Қаландар отасига пешвоз юрди.

— Ассалому алайкум.

— Ваалайкум, — деди Шодиёр бобо эшитилар-эшитилмас. — Кимнинг қўйлари бу?! От қани? Эшак кимники?

Отасининг дарғазаб важоҳати Қаландарға ҳамма нарсани равшан қилди.

— Яна кимнинг қўйини ўғирлаб келдинг?

— Ҳеч кимнинг қўйини ўғирлаганим йўқ. Булар ўзимники, сотиб олдим. Эшак Исмоил аканики. Ўзлари миниб кет, дедилар, — деди бир оз тутулиб.

— От қани? Бойнинг оти қани, ярамас?! — деди Шодиёр бобо газаб билан.

Қаландар отасининг қаттиқ жаҳли чиққанини сезди. Ортиқча тушунтиришу изоҳларнинг ўрни эмаслигини англади.

— Отни сотиб, пулиға шу қўйларни олдим...

— Кимдан сўрадинг буни? Бировнинг отини ўғирлаб миниб келишни, яна бозорга чиқариб сотишни ким ўргатди сенга? Дастигдан бош кўтариб юра оламанми ё йўқми?

Шодиёр бобо толдан бир хивич синдириб олдию Қаландарнинг бош-кўзи демай савалай кетди. Хивич аъзойи баданини ачиштирса ҳам Қаландар миқ этмас, баъзан — чидаёлмаганида «Их» деб кўяр, аммо на узр сўрар, на отасининг юзига қарай олар эди.

— Аканг йўқлигида ёнимга кирарсан, унинг ўрнини билдирмай турарсан, деб ўйловдим! Шуми менга теккан фойданг?! Эртага саҳар тургин-да, қўйларни Зиёдулла бойга элтиб бер!..

Зиёдулла бой Қаландарнинг гапларидан негадир завқланиб кетди.

— Отам бериб юбордилар, дегин... — Қаландар «шундай» деган маънода бош ирғаб қўйди. — Менга қара, ўғлим, ростданам отни лйдоқ миниб кетдингми? — Чамаси Қаландарнинг ишлари бойни қизиқтирар, шунинг учун бўлган воқеанинг ҳаммасини батафсил эшитгиси келар эди. — Қани, менга бир бошидан сўзлаб бер-чи. Отни қандай миниб кетдинг, қайси бозорга олиб бориб сотдинг, қўйларни ким олиб берди — ҳаммасини айтиб берчи?..

Қаландар тутила-тутила бўлган гапларнинг ҳаммасини сўзлаб берди. Бой унинг ҳикоясини тинглаб ўтирар экан, гоҳ қулар, гоҳ ёш бола бўлатуриб, шундай ишларга ақли етганига ҳайрон қолар, унинг топқирлигига, довжураклигига тан берар эди. Қаландар ҳикоясини тугатди ҳамки, бой индамай ўтирарди.

— Бой ота, энди менга рухсат берсангиз, борай, — деди Қаландар.

Бой қалин мошгуруч соқолини силаб, Қаландарга термилди. Унинг бу қарашада болага ҳавас, балки ҳасад ҳисси зоҳир эди. У ўзининг ўғилларини бирма-бир тасаввур қилиб кўрди. «Хўш, улардан қайси бири манави гўдак қилган ишларни эплай олади? Егани — олдида, емагани — ортида. Аммо биронтаси бирон ишга бўйин бермайди. Ҳамма нарсага ўзим чопишим керак. Манави бола-чи? Уларнинг укаси тенги. Қилган ишларига эса катта одамнинг ҳам ҳаваси келади. Ўғлинг бўлганга яраша шунақа дадил, қўрқмас, удабурро бўлса-да». Бой ичидан зил кетди. Унинг тўрт ўғли бор. Лекин бир-биридан ношуд, бўшбаёв, сира бойнинг ўғлига ўхшамайди. «Нимага шундай? Уларни эрка қилиб ўстирдимми?.. Э худо, фарзандни беришга бердинг-у, аммо...» Бу фикридан ўзи ҳам чўчиб кетгандай хушёр тортди. Оллонинг иродасига шак келтиришдан қўрқди. Пичирлаб калима қайтарди. «Майли, эртамикечми ақли кириб қолар уларнинг ҳам... Лекин бу болага тан бермай иложим йўқ!»

— Менга қара, ўғлим, — деди Зиёдулла бой товуши алланечук товланиб. — Сенга рухсат берман. Аммо битта шартим бор: қачон вақтинг бўлганда бизникига келиб тур, хўпми? Сен менга ёқиб қолдинг. Ўғилларим қатори ўғлим бўласан... Ҳозир бориб дамингни ол. Бу оқшом меҳмон бўл. Эрталаб йўлга чиқасан. Олиб келган қўйларингни эса қайтариб олиб кет.

Бойнинг бу гапларидан Қаландар ҳайратга тушди. Қаҳратон қиш куни қуёш бирдан исиб, бутун қору музларни эритиб юборгандай туюлди.

Рўпарасида савлат тўкиб ўтирган одам ўша ўзи билган, «Ҳақимни беринг, уйга бориб келай», деганида масҳара қилган Зиёдулла бой эмас, қандайдир хушфеъл, олижаноб бир инсон эди. «Балки бу гаплари ҳам калака қилишнинг бир йўлидир», деган фикр кечди Қаландарнинг хаёлидан.

— Йўғ-э, бой ота, қўйлар — сизники. Мен қайтариб олиб кетолмайман.

— Мен айтдимми, олиб кетавер, — деди бой вазмин.

Қаландар бойнинг боқишларида, юз ифодасида сохталикни кўрмади. Унинг гаплари самимийга ўхшарди.

— Отам қўймайдилар. Бари бир яна қайтариб юборадилар, — деди Қаландар.

— Отанга тушунтир. Бой отам чин дилдан менга бердилар, дегин. Қўрқмасдан отни миниб кетибсанми, шунча ишларга ақлинг етиб бажарибсанми — ҳалолнинг бўлсин!

— Бой ота...

— Шунча ишни қилган йигит латтачайнар бўлмайди! — Бой энди кескин гапирди. — Агар отанг ишонмаса, одам қўшаман. Бирга бориб, отанга бор гапни айтиб, тушунтириб келади.

Қаландар Зиёдулла бойдай одам ўзини йигит деганидан ичиди суюниб кетди. «Демак, мен ҳам йигит бўпман-да». Шу фикр хаёлидан ўтиши билан негадир қаддини ростлади. Аммо бу хаёлини бойга билдирмасликка интилди...

— Ҳимматингизга раҳмат, бой ота, — деди у. — Аммо мен қўйни ололмайман.

— Сабаб?

— Сиз «Ҳалолнинг бўлсин», деганингиз билан, отам рози бўлмаса, ҳалол бўлмайди.

Сўфи бомдод номозига азон айтаётганда Қаландар Вағаштидан чиқиб Булоқбоши қишлоғи томон йўл олди...

ИНҚИЛОБ

— Тур, Қаландар, кеч қоласан, улим, жўранг ҳам ҳадемай кеп қолади.

Икки йилдан бери ҳар кузда Қаландар Жумабозорга сомон олиб бориб сотади, пулига қишлоқ кийим-кечак олади. Бугун ҳам қишлоқдош жўраси Равшан билан бозорга бормоқчи. Етиш олдида отасига «Саҳарда уйготинг», деб тайинлаган.

Қаландар эринибгина кўзини ишқалади. Ҳозир унинг тўйиб-тўйиб ухлагиси келар эди. Лекин начора? Туриши керак, бозорга бориши, сомон сотиб келиши зарур. Шундай қилиб ота-онасига ёрдам беради. Ҳарна-да. Арғамчига — қил қувват.

— Турдингми, болам, манави қаймоққа нон тўғраб еб олгин. Йўлда очқаб қоласан бўлмаса.

Ҳовли этагидан оқадиган ариқча бориб Қаландар қўл-бетини ювди. Сув шишадай тиник, қордай совуқ эди. Куз суви ўзи шунақа бўлади — бир ҳовучини олиб юзингга сепдингми, тамом, бутун уйқунгни қочириб юборади. Одам қушдай енгил тортади.

Қаландар бир-икки бурда нонни қаймоққа ботириб еди. Сайисхонадаги таранг қилиб сомон тиқилган қопларни линг қилаётган Шодиёр бобо қақириб қолди:

— Қани, улим, бўлдингми, келақол.

Ота-бола қопларни эшакка ортди.

— Тўн-пўнингни олдингми? — деди Шодиёр бобо.

Шу маҳал кўчадан Равшаннинг «Қаландар» деб чақирган товуши эшитилди.

— Ҳозир, — деди Қаландар.

Тўнни икки қоп ўртасига — тўқимнинг устига ташлади-да, отасининг ёрдами билан эшакка минди. Кўчагача кузатиб чиққан Шодиёр бобо фотиҳага қўл очди: «Эсон-омон бориб келинглар. Илоё бозорларингни берсин!» Қаландар билан Равшан ҳам юзига фотиҳа тортди.

Икки жўра йўлга тушди. Тун пардаси ҳали тарқалмаган. Кузнинг аччиқ шабадаси этни жун-жиктиради. «Аслида чопонни тагимга солмай, кийиб олсам бўлар экан», деб хаёлидан ўтказди Қаландар. Осмонда хокандоз-хокандоз чўғлар сочилгандай юлдузлар чарақлаб ётибди. Қаландарнинг кулранг эшаги бир маромда йўргалайди, бундан унинг завқи келади. Аммо узок йўл, устига устак, икки қоп орасида худди ариққа тушиб олгандай ўтиравериш Қаландарни зериктирди; оёқлари увишиб қолди.

— Равшан, — деди, — бирпас пиёда юрмаймизми? Менинг оёгим тоза қотиб қолди.

— Шу қоронғида ўйдим-чуқур йўлда пиёда юриб бўладими?

— Сенинг оёгинг увишмадими? — дея сўради Қаландар.

— Йўқ, жуда линг қилиб ортибсан-да, сал бўшатиш керак эди. Бир томонингга ёнбошлаб ол.

— Бўшатсанг, эшакнинг қорнига тушиб кетиб, икки томонидан қисади. Кейин қандай юради бу жонивор!

— Э, қизиқ экансан, — деди Равшан, — эшакдай жони қаттиқ ҳайвон бўлмайди. Бирпасга ўлиб қоладими? Мана, менинг эшагим, ўлгани йўқ, индамай кетяпти-ку.

— Шунинг учун тез юролмаяпти-да, — деди Қаландар. — Иккита катта қопни, ҳам сени кўтарса, яна унинг устига жониворга азоб берсанг...

— Эшак бўлгандан кейин минади-да.

Қаландар бошқа гапирмади. У эшагини жуда яхши кўрар, унга раҳми келар, авайлар эди.

Қаландар хаёл билан банд, эшаги жадал йўргалаб борар эди. Равшан анча орқада қолиб кетди. Қаландар нима қиларини билмай қолди. Кетаверай деса, шеригини ёлғиз ташлаб кетиш яхшимас, қараб турай деса — эшагининг ёмон бир одати бор: устига юк ортилганда, айниқса чарчаган бўлса, қайдаса йўргалаб кетаверади-ю, бир жойда тўхтадими — тамом, дарров ётади. Кейин турғизиш қийин, энг ёмони — салга кураги ёпишиб қолади. Ҳозир Қаландар шундан хавотирда.

— Ишш, — деб эшагини сал секинлатди. Кейин орқасига ўгирилиб бақирди: — Равшан, тезроқ ҳайда, хала бос.

— Тоза чарчаб қолди, сағана, — деди Равшан. — Бир оз дам берамизми?

— Кейин икковимиз қандай ортамиз қопларни?

— Бир бало қилармиз, жуда ортолмасак, битта-яримта ўтиб қолар. Бизлардан бошқа ҳам бозорга бораётган бордир ахир. Ўзимиз ҳам сал дам оламиз. Оёгим увишиб қолди, дединг-ку ўзинг ҳам.

— Шундай-ку-я, кечга қоламизми дейманда. Эрталабки бозордан қолмаслик керак-да.

Равшан сўзида туриб олди:

— Қолмаймиз ҳалиям. Бемалол етиб борамиз.

Ярим соатча дам оламизу яна йўлга тушамиз-да.

Улар бир чеккага ўтиб қопларни туширдилар. Эшакларнинг айилини бўшатди, ўзлари уватга чопонни ташлаб чўзилдилар. Иккови ҳам индамай осмонга термилиб ётди. Атроф жимжит. Аллақерда қора чигиртканинг чириллагани эшитилади. Қаландар юлдузларнинг жимир-жимирини томоша қилиб ётди. Қўлмакка майда тошча ташласа сув юзи майин мавжланади. Юлдузларнинг жимирлаши ҳозир Қаландарга ана шу мавжларни эслатди. У икки қафтини боши остига қўйиб, осмонга термулганча кўзини юмди. Узокдан кучукнинг забтига олиб ҳургани, қарама-қарши томондан эса эчкининг зор қақшаб маърагани эшитилди. «Яна салгина юриб, кейин дам олсак бўларди-да. Мозордан узоклашар эдик... Дам олиб ўтиришнинг ҳам кераги йўқ эди-ку аслида. Равшаннинг отасиям қизиқ, шунча олис йўлга оғир қопларни шалпиллатиб ортадимми?! Эшак жониворнинг қорнини икки томонидан сиқиб, юргани кўядими? Дам олиб ўтирмай етиб олсак бўлар эди...»

Эшаклар уватда қолиб кетган хас-хашакни терғилаб қуртиллатиб ейди.

— Анави тўп бўлиб турган юлдузни кўрдингми? — деди Равшан жимликни бузиб.

— Ҳа. Ҳулкар-да шу.

— Ҳулқари шуми? Тавба, юлдузларнинг ҳам оти бор-а. Унисичи? — деб Равшан қатор турган учта юлдузга ишора қилди.

— Тарози, — деди Қаландар.

— Тарози? Ие, юлдузниям тарозиси бўладими? Ҳозир отасининг гапи Қаландарнинг эсига тушди.

— Бўлмасам-чи, — деб отасининг гапини такрорлади, — ҳамма жойда тошу тарози бор. Бешўлчов дунё йўқ.

Равшан жўрасининг билагонлигига қойил қолар, аммо сир бой бергиси келмас эди.

— Менга қара, Қаландар, бозорда сомон неча пул экан, билмайсанми?

Қаландар катталардай салмоқлаб гапирди: — Қаёқдан билай? Борсак кўрамиз-да. Отанг — бозор, энанг — бозор, деган. Бозорнинг кўтаришига қараб сотамиз-да.

— Шунга овора бўлиб борганимизга арзирмикан ишқилиб? — деди Равшан. Унинг овозида норозилик, афсусланиш туйғуси сезилди.

Равшанларнинг оиласи ўзига анча тўқ. Шунинг учун у ёзда унчалик сомон ҳам супурмас, бозорга ҳам жуда кам борар эди. Борганда ҳам жўраларига қизиқиб, пул учун эмас, шунчаки, томоша қилиб келиш мақсадида борарди. Кеча Қаландар бозорга борамиз, деганда ҳам аввалга кўнмади. Аммо Қаландар у-бу нарсаларни гапириб қизиқтиргач, борадиган бўлди. Унинг бозорга боришидан Қаландарга манфаатдорлик — шерик топилгани. Саҳарлаб ёлғиз йўлга тушишдан қўрқади. Аслида ўзи у қадар қўрқмайди ҳам, аммо ота-онаси розилик бермайди, ёлғиз ўзини бозорга жўнатишга кўнгли бўлмайди. Узок йўл, билиб бўладими, эшак чарчаб ётиб қолиши мумкин, унинг устига нечта қабристоннинг ёнидан ўтади. Ёш бола тугул катта одам кечаси қабристон ёнидан ўтишга чўчийди.

Қаландар ҳам бозорга борадиган бўлса аввал ҳамроҳ топади. Йўқса, на отаси, на онаси бозорга боришга рухсат беради. Айниқса, онаси икки оёгини бир этикка тикиб олади: «Гўрга, тўқ

бўлмасак — оч ўтирамыз, янги бўлмаса — эски киямыз. Лекин сенинг битта ўзингни бозорга юбормайман. Агар битта-яримта ҳамроҳ топилса — майли», дейди...

— Ҳа, индамай қолдинг? — деди Равшан.

— Нимаям дердим. Арзиса арзимаса бориб келамиз-да. Орқага қайтармидик. Ҳам сомон сотамиз, ҳам томоша қиламиз. Буям бир эрмак-да, деб биров ухлаб ётган қайнонасининг бурнига чўп суққан экан.

Қаландарнинг гапидан Равшан қиқирлаб кулди.

— Шунақа, жўра, — деди Қаландар салмоқлаб. — Энди йўлга тушамизми? Вақт кетяпти. Эртароқ борсак, эртароқ қайтамиз.

...Тонг бўзарганда бозорга кириб келишди. Бозор дегани кизиқда, ҳали кун чиқмаган-у, ҳамма шу ерда. Нимага шунақа қилишар экан? Шунга қолганда Қаландарнинг ақли етмайди. Отасидан ҳам бир неча марта сўраган. «Ҳа, бозор дегани шунақа бўлади-да», деб қўя қолган отаси.

Сомон бозорга келиб, қошларни эшакдан туширишди. Тўртта қолни бир-бирига суяб тикка қилиб қўйишди.

— Сен шу ерда ўтириб тур. Мен эшакларни саройга қўйиб келай, — деди Қаландар. Кейин ўзининг эшагини миниб, Равшаннинг эшагини етаклаб кетди.

Равшан атрофга аланглади. Одамлар ҳар ер-ҳар ерда тўртта-бешта бўлиб суҳбатлашади. Биров афсуслангандек калласини чайқайди, бошқаси хахолаб кулади. Нима гап эканлигига Равшаннинг ақли етмайди...

Улар чошгоҳгача ўтиришди, аммо сомонни сотишолмади. Бир-икки киши шунчаки кўриб кетди-ю, лекин баҳосини ҳам сўрамади. Қаландар хуноб бўлди.

— Жуда бемаврид кепмиз-да, жўра, — деди.

— Нимага? — деб ҳайрон бўлди Равшан.

— Бозорни кўрмайсанми, сомонга харидор йўқ. Билмадим, нима гап — ҳамма бир-бири билан шивирлашиб гаплашади. Шунча бозорга келиб, бугунгидай узоқ қолмаган эдим. Эшакдан туширганим заҳоти харидор пайдо бўлар эди. Тавба...

Равшаннинг кайфияти бузилди. У сомонни қандай қилиб қайтариб олиб кетамиз, деган хавотирда эди. Бу гапдан Қаландар кулди.

— Қайтариб олиб кетамизми? Эсинг жойидами?

— Нима қиламиз бўлмаса? — деди Равшан. — Биров бу нима, деб сўрамаса! Устига устак ҳаво айнипти. Ишқилиб, қорми, ёмғирми қўйиб юбормаса бўлгани. Кейин кўрасан томошани...

Қаландар жўрасига далда берди:

— Кўп куюнма, жўра. Бозорга кирган нарса сотилмай қолмайди. Эчким беш тангадан кам бўлмайди, деб ўтирармидик. Кўтарганига сотиб кетаверамиз-да...

Пешинга бориб уларнинг сомонига бир чол харидор бўлди. Оппоқ соқолли, лекин кўриниши ва ҳаракатларидан бардамлиги сезилиб турган бу чол Қаландарнинг қўлини маҳкам сиқиб силкита бошлади.

— Бор барака, де, ўғлим. Кечки бозор-да. — Қаландар аввал индамай турди. Чол баттар силкалади. — Қани, бўлдими? Ҳадемай бозор тугайди — бундан ҳам қоласан. Бўлдими? — Равшан жўрасига жавдираб термилар, э, бўлди, деб

қўяқол, агар бу чол ҳам айниса, кейин ҳеч кимга сотолмаймиз, дегиси келар эди. Қаландар ҳам жўрасининг фикрини тушунди шекилли, ортиқча ўжарлик қилмади.

— Боринг, барака топинг, — деди.

Чол сомон ҳақини санади-да, пулни Қаландарнинг кафтига урди.

— Арзон кетди, — деди Қаландар, — сув текин-а!

— Э, қўйсанг-чи, шуям катта гап, Яна бир оз турсак, шу пулга ҳам сотолмасдик, — деди Равшан шошиб, гўё Қаландар фикридан қайтиб қоладигандай.

— Майли, бўлар иш бўлди. Борига барака-да, нима дединг?

...Икки жўра сомоннинг пулига у-бу нарса харид қилди. Сўнг эшакларини олгани саройга боришди.

— Сен ҳам барака топ, ўғлим. Яхши кунларингга буюрсин. — У шундай деб, арава ёллагани чиқиб кетди.

— Равшан, сен эшакларни ташқарига етаклаб чиқавер, мен саройбонга пулини бериб келай.

Қаландар анча ҳаяллади. Равшаннинг юраги сиқила бошлади: «Тезроқ келақолмайдимиз энди! Ўзи-ку кечга қолдик. Қачон етиб борамиз уйга...»

— Кетдикми, жўра, — деди қувноклик билан югуриб келган Қаландар.

— Мунча ҳаялладинг?

— Э, сўрама, жўра, зўр бўпти. Янгилик эшитдим.

— Нима гап?

— Инқилоб бўпти.

— Инқилоб? Инқилобинг нима? — деб тушунмай сўради Равшан.

— Оқ подшо тахтдан кулабди. Ленин деган одам бошлиқ бўпти.

Қаландар тинмай гапирар, инқилоб нима эканини, бу билан қандай янгилик бўлишини аниқ тушуниб етмаса ҳам, ўзича севиначи, севиначини яширолмас эди. Шунинг учун ҳозир саройбондан «Оқ подшо тахтдан кулабди», деган гапни эшитиши билан хурсанд бўлиб кетди.

— Ким айтди сенга? — деб сўради Равшан.

— Саройбон, — деди Қаландар. — У аниқ билар экан. Ўзиям жуда бамаъни одам. Елғон гапирмайди у. «Энди камбағалларга яхши бўлади», деди. Виласанми, Равшан, оқ подшо кулаган бўлса, акам ҳам келади энди. Уларни оқ подшонинг одамлари олиб кетган эди-да.

Қаландар тезроқ уйига етиб олгиси, бу хушхабарни ота-онасига етказгиси келар эди.

— Қани, жўра, эшагингга хала бос, чоптир. Тезроқ етайлик уйга... Акам келадилар энди. Инқилоб бўлганини эшитганмикан? Қандай яхши-я, акам келадилар, Қодир акам!..

Икки жўра йўлга тушди. Пешинга яқин ҳаво айниб турган эди. Қибла томондан келган шамол қора булутларни турли томонга тарқатиб юборди. Чарақлаб қуёш кўринди. Унинг нури ўтқир, тиниқ эди.

Жумабозордан чиқиб, Дарғомдан ўтгунча икковининг ҳам пешанасидан тер чиқди. Қаландар елкасига офтоб иссиғи ўтганини сезди.

— Қизиб кетяпман, жўра, — деб чопонини ечиб олди.

Равшан индамади. Зиёдулла бойнинг жийрон қашқасини ўғирлаб миниб кетаётганида қуёшга қарагани, ўшанда қуёш ўзи томонда бўлгани

Қаландарнинг ёдига тушди. Бейхтиёр яна қуёшга термилди. Унинг қип-қизил гардиши жуда чиройли кўринди, елкасини қиздираётган иссиғи эса ёқимли эди. «Инқилоб, инқилоб бўпти! Қандай яхши. Энди турмушимиз яхши бўлиб кетади. Саройбон амаки айтди-ку!..»

Қаландар тинмай эшагига хала босар уни чоптиришга ҳаракат қилар эди. Бироқ, назарида, йўртиб бораётган эшакнинг юриши унмаётгандай, йўл ҳам жуда узокдай туюларди.

РҶМОЛ

Ойдин, илиқ ёз кечаси. Қора чигирткаларнинг зор қақшаб чириллаши сукунатни бузади. Бошқа сас йўқ: жамики жонзот уйқуда.

Ариқ ёқалаб кетган ёлғизоёқ илонизи йўлдан ўн беш ёшлардаги ўспирин тарғил гунажинни етаклаб бормоқда. Ўспириннинг устида бўз кўйлак-иштон. Сириб борланган оқ белбоғ уни полвоилардай бақувват, эпчил кўрсатади. Қадам олиши чакқон, юришидан манзилни аниқ билиши, мўлжални бехато олиб бораётгани сезилади. Ариқ гоҳ найдай тўғри, гоҳ ток зангидай эгри-бурги бўлиб оқади. Йўл ҳам шунга яраша: ариқ билан йўл гўё арава гилдиракларининг изидай ёнма-ён кетган. Унинг ишонч билан жадал юриши йўлнинг қаерда қай томонга бурилишини беш бармоғидай билишидан далолат беради. «Етти қароқчиям тоққа ёнбошлабди. Ҳадемай тонг отиб қолади. Норкул бованикига етиб олсам, бўлди». Ўспирин шуларни хаёлидан ўтказаркан, қадамни яна ҳам тезлатди.

Тонг бўзарай деганда бешкапалик Норкул бобонинг дарвозаси қаттиқ тақиллади. «Номозга турсаммикан ёки ҳали барвақтми?», деган ўй билан ётган уйғоқ Норкул бобо сапчиб ўрнидан турди. Тўнини елкасига ташлаб, дарвозага яқинлашди.

— Ким у?

— Мен, Қаландарман. Булоқбошилик.

Товушидан ёш йигитлиги билиниб турган меҳмонни Норкул бобо танимади.

— Қаландар? Қайси Қаландар? — деб сўради дарвозани очар экан.

— Ассалому алайкум.

Ой ёруғида Қаландарнинг чечакдан чўтир бўлиб қолган юзи аниқ кўриниб турса-да, Норкул бобо унга яқинроқ келиб термилди.

— Кимнинг улисан?

— Шодиёр бованинг улиман. Танияпсизми? Булоқбошилик ошнангиз-чи? Хув баҳорда кўчатга борувдингиз-ку бизларникига.

— Ҳа, бўлди-бўлди, эсимга келди... Шодиёрни улиман, дегин. Танидим, танидим. Қани, кирақол.

Қаландар ичкарига кириб, гунажинини дарвоза-хонадаги устунга боғлади. Норкул бобо бир молга, бир Қаландарга қаради. Лекин турли андишага борди чоғи, индамади.

— Қани, уйга юр, улим. Чарчагандирсан, бир оз дамнинг ол.

Қаландар чиндан ҳам толиққан, оёқлари зирқираб оғрир, қорни ҳам оч эди. Аммо ўзини катталардай сипо тутди: на чарчаганини, на очкаганини билдирди.

— Сен дам олиб тургин, мен бомдодга юмалаб олай. Кейин бафуржа гаплашамиз. Ҳозир чой олиб келади. — Норкул бобо шундай деб, мис обдастани

кўтариб таҳоратга ўтиб кетди.

Бир оздан сўнг бошига икки-учта гулдор-гулсиз рўмолларни устма-уст ўраб олган, юзлари буришиқ кампир чой-нон олиб кирди. Қаландар жойидан ирғиб туриб салом берди.

— Ваалайкум ассалом, — деди кампир, — Қандай, яхшима? Энангиз, отангиз, ака-укаларингиз эсон-омонма? — Кампир ҳол-аҳвол сўраркан, нон синдирди, чой қайтарди, аввал ўзига қуйди, кейин Қаландарга узатди. — Қани, нонга қаранг, болам. Дугонамнинг сихати яхшима?

— Вардамлар, худога шукр. Сўравордилар сизди, — деди Қаландар.

— Худой сўрасин. Олинг, болам, тортинманг.

Қаландарнинг қорни ҳозир пиёзпўсти бўлиб кетган эди. Нондан катта-катта егиси келар, аммо кампирдан истиҳола қилар эди. «Мунча эзмалик қилади, — дея ўйларди у. — Қозон-товоғу эчки-бузоққача сўрайди чоғи. Номоз ўқимайдими бу кампир. Ҳозир чоли келиб қолса...»

— Сиз номоз ўқимасизми, моможон? — деб сўради тоқати тоқ бўлган Қаландар.

— Номоз қаёқда дейсиз, болам. Тиззам ўлгур чатоқ, қотиб қолган, букланмайди. Мана шу бир пиёла чойни ичгунча букиб ўтирсам — тамом, кейин оғриғига чидаб бўлмайди, зирқирайдики, дунёга келганларимга пушаймон бўлиб кетаман. Худонинг хоҳишига шак келтириб, гуноҳга ботмайин, деб яна ўзимни ўзим овутаман. Соғ қилсаям, бемор қилсаям — яратган эгамнинг ихтиёри-да, дардини ҳам суйган бандасига беради. Шу кунларга етказганига шукр қилиб ўтиравераман...

— Тўғри айтасиз, — деди Қаландар чойдан хўплаб.

Норкул бобо кирди. Унинг устида узун симоби камзул, салласининг печини қайириб олган, қўлида тасбеҳ.

— Ассалому алайкум.

Қаландар ўрнидан ирғиб турди.

— Ваалайкум ассалом, мулла бўл, болам. Ўтир, ўтир. — Норкул бобо кўрпачага ўтиб чўккалади-да, фотиҳага қўл очди. — Қани, қадам етди — бало етмасин. Юртимиз тинч, элимиз осойиш бўлсин!

У Қаландардан ҳол-аҳвол сўрагач:

— Хўш, улим, нима ҳаракатлар билан юрибсан? — деди.

Қаландар бир оз ўйлаиб қолди: «Нима десам экан? Тўғрисини айтсаммикан?.. Йўқ, бўлмайди. Яхши эмас».

— Отам юбордилар сизнинг олдингизга. Мана шу гунажинни сотиб бераркансиз.

Чол сийрак, мошгуруч соқолини силаб ўйга толди. Қаландарга синовчан назар солди. Буни йигит ҳам сездди. Аммо ўзини билмаганга солиб кўзини мезбондан олиб қочди. Шол дастурхоннинг попугини ўйнаб ўтираверди.

— Нимага керак бўп қопти пул? — дея атай суриштирди Норкул бобо.

— Акамни уйлантиряпмиз. Ундан кейин, молнинг пулидан битта яхши шол рўмол олиб бераркансиз.

— Шундай дегин... Қайси акамни уйлантиряпсизлар?

— Қодир акамни. Мардикорликка бориб келганчи.

— Э, ҳа, билдим. Эсон-омон келдими қайтиб?

Эбечора-ей. Кўп яхши бўпти-да. Ота-энанг ҳам кўп суюниб қолишгандир, а? — Қаландар индамай бошини эгиб ўтирарди. — Ҳа, яхши тузук. Бу, менга қара, биронтани қўшиб юбормабди-да отанг. Битта ўзинг қўрқмадингни йўлда?

Қаландар сирни фош қилиб қўйишдан чўчир, ўзини иложи борича хотиржам, босиқ тутишга интилар эди.

— Қўшиб юборамиз дейишди, мен кўнмадим. Битта гунажинни сотиб келишга икки бирдай одам овора бўлишининг нима кераги бор? Бозорда Норкул бовам борлар. Олиб бориб қўлларига топшираман, бўлди. У ёғини ўзлари биладилар, дедим.

Норкул бобо эсини танибдики, мол бозориди даллоллик қилади. Ҳар қандай молни бир кўришдаёқ билади. Бозорнинг баҳосини шу одам белгилайди, деса бўлади. Ен-атрофдаги қишлоқларда уни танитайдиган одам кам. Қаландарнинг отаси Шодиёр бобо ҳам у билан бозор туфайли ошна бўлиб қолган.

— Ҳа, яхши, яхши. Тузуксан. Илгари ҳам келганмидинг бозорга?

— Ҳа, икки-уч марта отам билан келувдим. Уйингизда ҳам бўлганман. Тўғри бозорга ўтиб кетмоқчиам бўлдим, кейин, аввал уйларига бир йўлиқай, дедим.

— Яхши қипсан, — деди Норкул бобо. — Ҳозир чой ичамизу йўлга тушамиз-да. Гунажиннинг баҳосини қанча деди отанг?

Қаландар бир сира ўзини йўқотиб қўйди. Шу ёғини ўйлаб қўймаган экан. Унинг устига, ҳозир молнинг нархини аниқ билмайди.

— Отам... Йўқ, отам ҳеч нима демадилар. Норкул бованг ўзи билиб сотиб бераверсин, дедилар.

Норкул бобо унинг довираб қолганига эътибор бермади.

— Ҳа, яхши. Бозорга борайлик-чи, кўрамиз. Кўтаргани-да, нима дединг?

— Шундай, шундай, — деб маъқуллади Қаландар.

Қаландар кўрпага кирди-ю, лекин уйқуси келмади. Чарақлаб ётган юлдузларга термилди. «Ана, Етти қароқчи. Ҳув анави хирасини Ҳулкардан ўғирлаб келган. Қизиқ, юлдузлар ҳам бир-бирини ўғирлар экан-да. Ана, юлдуз учди. Э, аттанг, кимнингдир жони узилди. Онаминг айтишича, ҳар бир одамнинг юлдузи бўлармиш. Агар одам ўлса, юлдузи ҳам сўнармиш. Ҳозиргина учган юлдуз кимники экан, а?.. Менинг юлдузим қайси бири экан?» Қаландар жимир-жимир юлдузлар орасидан ўзиникини қидира бошлади. Нигоҳи пирпираб турган бир юлдузда тўхтади; «Ана шу менинг юлдузим... Йўқ, у эмасдир. Еш болаларнинг юлдузи ҳам кичкина бўлса керак...»

Ўйлаб ўйинга етолмади у. Баттар уйқуси қочиб кетди. Аммо миқ этмас, ўзини ухлаганга солиб ётарди. Бир маҳал отаси билан онасининг гаплари қулоғига чалинди.

— Мунча паст кетмаса қудамиз, биттасиям бўларди рўмолнинг, — деди онаси.

— Ким билади дейсан. Қизи борнинг нози бор, деган гап бекоргамас-да... Қаердан оламиз яна битта шол рўмолни? Пул бўлсаям гўрга экан,

бозордан олақолсак. Ўгил уйлантирамиз, деб қозонни сувга ташлаймиз шекилли энди.

— Совчига айтинг, яна бир яхшироқ гаплашиб кўрсин-чи, зора хўп дея қолса.

— Кўнадиганга ўхшамайди у ярамас... Йўқ, энди, пастнинг олдида биз ҳам паст кетмайлик. Қарз-қавола қилиб бўлсаям топамиз. Бирон ой олдин бўлмаса, кейин бўлар тўй...

Қаландар бу гапни эшитиб ўйланиб қолди: «Демак, акамнинг тўйи шунга чўзилаётган экан-да. Нима қилиш керак? Қаердан топса бўлади рўмолни?»

Яқинда акасини қўшни қишлоқдаги Маҳкам дарознинг қизи Лутфияга фотиҳа қилишган, Қаландар уйларида тўй бўладиган кунни тоқатсизлик билан кутар эди. У ўзича турли режалар туза бошлади. Бунақа рўмол кимдан чиқишини ўйлаб кўрди. Аммо бирон-бир ишончли одамдан топилишига кўзи етмади. Войлар-ку ўлсаям бермайди. Сотадиган бўлса ҳам отасининг баҳосини қўяди. «Нима қилиш керак? Рўмол топиш қийин. Пул керак. Пул бўлса, рўмолни топиш мумкин. Лекин пулни қаердан олади?» Қаландар энди пул топиш йўлларини ўйлай бошлади. Қандай бўлмасин ё рўмол, ё пул топишни режа қилиб қўйди. «Ахир, битта рўмолга ёрдам беролмасам қанақа ука бўлдим? Топишим керак. Топмасам бўлмайди... Шошма, бугун кун нима ўзи? Жума. Ҳа, тонг отса — шанба, индин бозор. Демак, эрта кечаси ишга киришиш керак. Ярим тунда йўлга тушсам...» Унинг мияси жадал ишлаб кетди: «Эрта кундузи бориб бир кўз остига олиб келсаммикан?.. Йўқ, бўлмайди. Қоровул-поровулми, биронтаси кўриб қолса, шубҳаланиши мумкин. Яхшиси, кечаси бирданига бораману...»

Эртаси кечгача хаёл суриб юрди. Ишининг чуви чиқиб қолмаслиги учун ҳар томонини обдан пухта ўйлаб кўрди.

Улар ҳовлидаги чорпояда ётишарди. Қаландар ота-онасининг ухлашини пойлади. Кўзига уйқу келмай, юраги гурс-гурс уриб, хаёли қочаверди. «Шу ишни бошласам борми, бойдан ҳам ўч олган бўлардим. Ўтган баҳор қарзингни тўламадинг, деб битта танамизни текинга етаклаб кетган эди. Шундай вақтда ота-энангнинг кунига ярамасам, акамнинг қўлтиғидан олмасам нима керагим бор менинг?! Худо хоҳласа, албатта топиб келаман».

У аста бошини кўтариб ота-онаси ётган томонга қаради. Уларнинг ухлаб қолганига ишонч ҳосил қилгач, секин ўрнидан турди. Оёқ учида юриб кўчага чиқди-да, Юсуфбойнинг боғини мўлжаллаб йўлга тушди. Боғда бойнинг моллари, қўй-эчкилари бор. Шулардан биронтасини олиб чиқса, бас. Аммо бу осон гап эмас. У тиззалари қалтираб йўл четидаги кундага ўтирди. «Еки бошқа бировникига борсаммикан? Кимникига? Йўқ, йўқ, бойникини етаклаш керак! Бизга ўхшган камбағал бечораларни доим қон қора қақшатади. Қани, энди ўзи ҳам бир қақшаб кўрсин-чи! Ахир, ўша танамизни олиб кетмаганда, ота-энам шунчалик сарғайиб ўтирармиди?»

Қаландар қатъий қарорга келиб ўрнидан турди, йўлга тушди. Ҳали ой чиқмаган, атроф қопқоронги. Тўпигигача тупроқ кечиб бойнинг боғига қараб бораверди. Боғнинг кунчиқар томонида

атрофи баланд девор билан ўралган ёзлик кўрғон бор. У тўғри шу кўрғоннинг дарвозасига яқинлашди. Ичкаридан берк, девордан ошиб тушиш қийин, жуда баланд — тўрт пахса. У дарвозанинг ён-верини, тагларини пайпаслай бошлади. Тимирскиланиб бораркан, оёғи чуқурга тушди. Қоронғида қўли билан аста пайпаслаб кўрди. Ариқча дарвозанинг тагидан ўтган экан. Оқова чиқадиган тешик бўлса керак. Шу ердан сигармикан? Таваккал қилиб бошини тикди. Сигадиган кўринади. Аввал иккала қўлини, кейин бошини ўтказди. Бош ўтди, демак, гавда сигади. Урилиб-сурилиб ичкарига ўтиб олди. Пайпаслаб, занжирни топти. Хайрият, қулфланмаган экан. Занжирни товушсиз туширди, лекин дарвозани очмади. Атрофга қулоқ тутди. Жимжит. «Ити қаерда экан? Кошки кўрғондан ташқарида бўлса эди...» Уйлаб ўтиришга вақт йўқ, ҳар лаҳза ганимат.

Дарахтлар оралаб қорамоллар боғланган томон ўрмалади. Ана, моллар кавш қайтариб ётибди. Таваккал, дедию биринчи турган молнинг арқонини қозикдан ечди. «Қани, жонивор, юр энди. Ишқилиб, шарманда қилма». Хайрият, етакка индамай юрадиган мол экан. Қаландарнинг кўзи олазарак, лекин қоп-қора тунда, унинг устига, хаяжоннинг зўридан ҳеч нарсаи кўрмайди. «Э худо, ўзинг асра! Қоровул уйғониб қолмаса бўлгани! Э парвардигори олам, ўзинг шоҳидсан, иложсизликдан бу ишга қўл урдим».

Дарвоза ёнида тўхтади. Ҳеч қандай шовур йўқ. «Яхшиям ой чиқмаган ҳали». Қаландар дарвозанинг бир тавақасини аста тортди. Пастки туруми ғийқ этди. Қаландарнинг юраги шув этиб, кўксидан нимадир тапир-тупир қила бошлади. Кўйлагининг ёқасини очиб бир-икки туфлаб қўйди. «Нима қилиш керак? Иш битай деганда расво бўлмаса эди. Камбағалнинг ови юрмас, ови юрса ҳам дови юрмас, дегандай...» Атрофга яна олазарак назар солди. Ҳеч ким йўқлигига ишонч ҳосил қилгач, эшикни аста тортиб кўрди: бу сафар овоз чиқмади. Яна тортди. Яна... Бир газ катталиқда очди. Аввал ўзи ўтди-да, кейин молни етаклади. Ғунажин ҳам ўргатиб қўйилгандек, дарвозага тегмай ташқари чиқди. Қаландар яна ўша эҳтиёткорлик билан дарвозани ёпди. Енгил тортгандай чуқур бир нафас олди. «Ўзингга шукр! Бу ёғига ҳам ўзинг мадад бер, раҳм қил».

У кунчиқар томонга жадал йўл олди. Ғунажин ҳам Қаландарнинг аҳволини тушунган каби сира қаршилиқ кўрсатмай илдам эргашиб борарди. «Хайрият, жонивор ювош экан, чарсроғи учраб қолса, нима қилардим? Қонимга ташна қилиб ўлдирадди-да... Ана, Ғўрда томон ёришиб келяпти. Ҳадемай ой ҳам чиқиб қолади. Кейин бемалол, бежавотир кетаверсам бўлади. Бешқапага етиб олсам — марра меники. Норқул бовага нима дейишни ўзим биламан...»

Шодиёр бобо бомдод номозини ўқиди-да, Қаландарни уйғотмоқчи бўлди.

— Қаландар, тур улим, бозорга бориб ке.

Қаландардан садо бўлмади. Шодиёр бобо яна чақирди. Қаландар йўқ. «Қаёққа кетди экан?», деб хайрон қолди.

— Қодир!

У хотинини тўнғич ўғлининг оти билан чақирарди. Ҳовли супуриб юрган Жаннат хола қўлини белига тираб, қадини кўтарди.

— Вой-вой белим-а! Тезроқ келин олақолсайдим

бу эшикора ўлгурни супуришдан қутулармидим, — деди ўзича. Кейин чолга юзланди. — Бир нима дедингизми?

— Қаландар қаёққа кетди?

— Қаландар? — Жаннат хола беихтиёр супургини ерга ташлади. — Ухлаб ётувди-ку.

— Йўқ-ку? Бунинг тагин бир балони бошламаса, деб кўрқаман-да.

— Бу қанақа бола бўлди, а? Кимга ўхшади ўзи бу! Ахир зотимизда бунақаси йўқ эди-ку, — дея кўйиб-пишди кампир. — Қодирдан сўрадингизми?

Қодир яқинда мардикорликдан бир аҳволда қайтган, шунинг учун ота-энаси уни эркалатишар, отинг ўчгур подшо силласини қуритиб, ёгини сўриб олган, бир оз дам олсин, деб эрталаб барвақт уйғотишмасди.

Аммо Қодир уйда кам бўлар, баъзан тонг саҳарда шаҳарга тушиб кетганича ярим кечада қайтар, аллақандай ўйчан, камгап бўлиб қолган эди. Уйланиш масаласига ҳам бошда рўйхушлик бермади-ю, кейин ота-энасининг кўнглига қараб рози бўлган эди.

— Қодир, ҳо Қодир!

Қодир ёстиқдан бош кўтариб отасига қаради.

— Уканг қаёққа кетганини билмадингми?

— Йўқ, қаёққа кетипти?..

...Ана келиб қолар, мана келиб қолар деб чошгоҳгача қарашди, аммо Қаландардан дарак бўлмади. Чол-кампирнинг ичини ит таталай бошлади. Бироқ нима қилишни, қаердан қидиришни ҳеч ким билмасди.

Қуёш парпара бўлганда — номозгарда Қаландар кириб келди. Уйқусизликдан кўзлари қизарган, ҳаддан зиёд толиққани афт-ангоридан шундоққина сезилиб турарди. У салом бериб, қўлидаги тугунни энасига узатди.

— Қаерларда юрибсан? Вой, ўтакам ўттиз бўлди-ку! Кимларга ўхшадинг сен? — дея энаси унинг юзларидан, пешанасидан ўпар, койишини ҳам, эркалашини ҳам билмасди. Шодиёр бобо ўғлига бир-икки ёвқараш қилди-ю, индамади. Бундан кўра сўккани, ургани афзал. Қаландар отасининг феълини биларди. Ортиқча жаҳли чиқса шундай қилади. Аммо отасидан узр сўрашга ҳам, бўлган воқеани айтиб беришга ҳам ҳозир мадори йўқ эди. Одати шунақа ўзи: бировга ёрилмайди. Ими-жимиди қилган ишларини биров билиб, биров билмай қолади. Шунданми, акаси баъзан унга: «Ичинг қудуқ — нима гап тушса ҳам қайтиб чиқмайди», деб ҳазиллашади.

Энасининг бағридан чиққач, у шолчанинг четига омонатгина ўтирди. Кампир шоша-пиша рўмолни олиб ёзди. Иирик-йирик қизил гуллари чўғдай ёниб турган попукли рўмол ҳаммани лол қилиб қўйди. Шодиёр бобонинг ранги оқариб кетди. У важоҳатли кўзларини ҳаммага бир-бир қадаб чиқди. Аммо ҳеч ким оғиз очишга журъат қилмади. Қаландар эса бир нуқтага термилганча миқ этмай ўтирар, чарчоқнинг зўридан кўзлари юмилиб борар эди.

— Қаердан олдинг буларни?

Отасининг бу сўроғидан Қаландар сесканиб тушди, ўтирган жойида бир қимирлаб қўйди. Жаннат хола чолига илтижо билан тикилди.

— Сендан сўраяпман?!

Шодиёр бобонинг қаттиқ жаҳли чиққанини хотини ҳам, ўғиллари ҳам аниқ сезиб турар, лекин энди уни шаштидан қайтариш қийин, бунга ҳеч

ким бетламас эди. Жаннат холанинг юраги такапука бўлди. «Ҳозир бир қиёмат бошламасга гўрга эди. Бечора болам, тагин балага гирифтор бўлмасга эди...» Жаннат хола минг андиша билан юрак ютиб:

— Қўйинг энди... Ёмон ниятда қилмагандир. Ҳозир айтиб беради ўзи... — деб пичирлади.

— Учир овозингни! — деб ўшқирди чол. — Ўғирликнинг яхши нияти ҳам бўладими?! Мен ҳали ҳаром нарса билан келин тушираманми?! — Шодиёр бобо ўрнидан ирғиб туриб Қаландарнинг кулоқ-чаккасига шапалоқ туширди. — Сендан умидим шумиди? Мени шунақа қилиб боқмоқчимисан?! Зиёдулла бойнинг отини миниб келганинда айтган гапларим эсингдан чиқдими? Е отам индамайди, деб ўйладингни? Кучи етмайди, деб хаёл қилдингми?! Йўқ-қ, бола, чучварани хом санабсан!

Қаландар онасининг пинжиги биқиниб олди. Қодир отасининг қўлидан тутди:

— Қўйинг, ота, ўзингизни босинг.

Шодиёр бобо индамади. Ажин қоплаган пешанаси тиришиб, озгин бўйнидаги томирлари бўртиб чиққан, юзлари қизариб кетган эди.

— Очимдан ўлсам ҳам бу ҳаром ишга йўл қўймайман! — деди Шодиёр бобо. Кейин шол рўмолни, нону пулларни жаҳл билан чит рўмолчага тугди-да, Қаландарнинг олдига улоқтирди. — Тур! Ҳозироқ эгасига олиб бориб бер! Бўлмасга, бу уйда қорангни кўрмай!

Қаландар дағ-дағ титрар, гоҳ энасига, гоҳ акасига қараб жавдирар эди. Хаёлидан эса Юсуфбой билан бўлажак суҳбат кечарди. «Нима дейман? Танангизни ўғирладим, дейманми?.. Элюрт олдида шарманда қилади. Ўзим ҳам майли-я, отамга қийин бўлади-да...»

Шодиёр бобо бир кафт нос олиб отди. Қаландар «Нима қилай?» деган маънода энасига термилди. Энаси «Тур, олиб бор» мазмунида имо қилди. Шу маҳал Қодир ирғиб туриб, тугунни қўлига олди.

— Мен олиб бориб бераман. Кимники ўзи?

— Йўқ, ўзим, — деди Қаландар. — Буни ўғирлаганим йўқ. Кеча...

У бўлган воқеани тутила-тутила айтиб берди. У гапирган сари Шодиёр бобонинг хуноби ошар, нима қилишини, ўзини қаерга қўйишини билмас, Жаннат хола эса «Вой шўрим, э худо, ўзинг асра», деб юрагини ҳовучлар эди.

Қодир укасидан кўз узмай турар, ич-ичида унинг довжораклигига, тадбиркорлигига ҳавас қилар, толиққан кўзларида одамийлик, меҳр туйғуларини сезиб турар эди. У ҳозир Қаландарни акалик меҳри билан суйгиси келди, аммо отасининг олдига бунинг иложи йўқ эди.

Қодир тугунни кўтариб йўлга тушди. Дарвоза олдига етганда ортига ўгирилиб, аста Қаландарни имлади. Шодиёр бобо Қаландарга бир хўмрайиб қарадида, жаҳл билан носни туфлади...

Ака-ука анча вақт сўзсиз-садосиз кетдилар. Ниҳоят, Қодир бир томоқ қириб:

— Нега бундай қилдинг, ука? — деди.

— Ахир, айтдим-ку... Ахир, токайгача бу бойлар бизга зулм қилади? Бир адабини берай девдим-да.

Қодир укасининг елкасидан кучиб, завқ билан кулди:

— Оббо, сен-эй! Шундай қилиб бойларнинг

додини бермоқчиман, дегин! — Кейин бирдан жиддий тортиб, ён-верига қараб қўйди. — Лекин бундай қилиб зулмни, зўравонликни тугатиб бўлмайди-да. Бор ана, битта-иккита бойнинг додини берарсан, аммо ҳамма камбағал, эзилган бечораларга бу билан ёрдам қилиб бўлмайди.

Қаландар Қодирга ҳайрон бўлиб қараб қолди. У акасидан ҳеч қачон бунақанги сўзларни эшитмаган эди.

— Бўлмасга, қандай қилиб уларнинг адабини бериш керак? — деб сўради аста.

— Қандай қилиб, дейсанми? Дунёда биров бировга ортиқ зулм қилмаслиги учун, ҳамма тенг, озод бўлиши учун жамики бойларни, жамики зўравонларни таг-томири билан юлиб ташлаш керак. Шундагина ер юзида адолат, ҳақиқат қарор топади, ука.

Бу гапни Қаландар ақлига сиғдирилмади:

— Ҳамма бойларни йўқ қилиш керак, дейсизми? Ахир, улар жуда кўп-ку? Кейин, кучи ҳам кўп уларнинг... — деди акасига юзланиб.

— Шунинг учун ҳам сенга ўхшаб олишиб бўлмайди-да.

— Бўлмасга, нима қилиш керак? — деди Қаландар таажжуби баттар ошиб.

— Халқни уйротиш керак, ука, халқни! Ҳамма эзилганлар, ҳамма камбағаллар бир жон-бир тан бўлиб бирлашиб, муштумзўр бойларга қарши курашсагина, ғалаба қилиш мумкин бўлади. Ленин шундай деган.

— Ленин — Қаландарнинг кўзлари чарақлаб кетди. — Ким у, ака?

— Ленин — барча мазлумларнинг ҳимоячиси, сен билан менга ўхшаган қашшоқларнинг йўлбошчиси. У Россияда оқ подшоҳи тахтдан йиқитган, рус ишчи-деҳқонлари унинг этагидан маҳкам тутган.

— Сиз Ленинни кўрганмисиз, ака? — Қаландар жойида тўхтаб қолди.

— Йўқ. — Қодир афсуслангандек бош чайқадди. — Лекин мен Ленинни кўрганларни кўрганман, унинг сўзларини эшитганларнинг сўзларини эшитганман.

Қаландар бирданига жуда кўп нарсани — акасининг мардикорликдан қайтгач, нега бу қадар хаёлчан, жиддий бўлиб қолганини, кўпинча икки-уч кунлаб Жиззахда йўқолиб кетишларини, баъзан кечалари қорачироқ ёруғида аллақандай китобларни ўқиб ётишларининг сабабини бирийўла англагандек бўлди. Юраги ифтихор аралаш қандайдир ғалати бир туйғудан ҳапқириб кетди...

— Ака, Ленин бобо шундай зўр одам бўлса, қуёш ҳам у томонда эканда? — деди ҳаяжондан энтиқиб.

Қодир унга таажжубланиб қаради.

— Ахир, шундай гап бор-ку эшитмаганмисиз! — деди Қаландар ва бурро-бурро қилиб акасига ўша эски нақлни сўзлаб берди.

— Албатта, — деди Қодир укасига завқ билан тикилиб. — Албатта, қуёш биз томонда, ҳақиқат биз томонда, демак, биз албатта енгамиз! Мана, кўрасан, ука, ҳадемай барча камбағал-қашшоқларнинг куни тугади!

Бу пайтда ботиб бораётган қуёшнинг алвон нурулари катта йўл бошида турган ака-уканинг елкалари узра оҳиста жилваланади эди...



Қорақўллик солдат Еғмир Ганжиев ўз ҳаётини қурбон қилиб, Витя номли уч яшар болани олов бағридан олиб чиқди...

Газета хабаридан



Тошпўлат
Аҳмад

Мардлик қасидаси

Э, Ганжи тоғанинг эрка боласи,
Қорақўл аталган юртнинг доласи,
Кўзимнинг қароғи, қалбим толаси,
Сенгадир бу шеғрим, сенга, укажон!

Қабрингдан бир лаҳза бошингни кўтар,
Бугун тенгдошларинг орзиқиб кутар,
Аёндир, вақт деган тез ўтар-кетар,
Сенгадир дил меҳрим, сенга, укажон!

Бир боққин, сен ўзинг ўтган кўчага,
Нурларга чулганган ойдин кечага,
Дунёнинг шодлиги етар барчага,
Сенга эҳтиромим, сенга, укажон!

Биламан, шодликка эш эди кўнглинг,
Лоқайдни кўрганда тош эди кўнглинг,
Эзгулик, ҳимматга бош эди кўнглинг,
Тинглагил, гуфторим, тингла, укажон!

Бугун фурсатидир, дардим айтайин,
Баъзан тақдиринг ҳал этар бегайин,
Уларнинг нишони — юракдир тайин,
Англагил дил зорим, англа, укажон!

Оламда мардликдан юксак нима бор?
Тағин ҳамдарликдан юксак нима бор?
Шу туйғу бўлмаса яшамоқ бекор,
Ийқолса оромим, англа, укажон!

Мен-ку шундай дейман, кўз солсам ва лек,
Бир четда илжайиб турар номардлик,
Тағин томошабин экан бедардлик,
Магар тошса қаҳрим, англа, укажон!

Уша кун малласоч гўдакни пойлаб,
Олов ютмоқ бўлиб, чўзганида лаб,
Фақат сен турмадинг ўз жонинг ўйлаб,
Эй, умри пойдорим, Еғмир, укажон!

Замину осмонни кезиб сарба-сар,
Уйласам журъатинг боисин агар,
Қаршимда боз ўша Мардлик жонланар,
Менинг олов бағрим — Еғмир, укажон!

Раҳимов журъати кезмаса қонда,
Жасорат бўлмаса агар имонда,
Эзгулик бўлмагай ёруғ жаҳонда
Эй, сўлмас баҳорим, Еғмир, укажон!

Гарчи орамизда йўқсан бу айём,
Сенинг ёдинг билан каломдир калом,
Умринг мардлик бўлиб этади давом,
Қўшигим, сурурим, Еғмир, укажон!





Мухтор
Худойкулов

ВОҚЕИЙ ҲИКОЯЛАР

Шаҳардаги булбул



Уйимиз шаҳарнинг қоқ ўртасида: икки тарафида катта серкатнов йўл, машиналар гиз-гиз ўтади. Шу яқин атрофида бир завод ҳам бор, эрталабдан тарақ-туруқ бошланади. Ҳавоси ҳам ҳалигидақароқ — қизларим бош ювामиз деб қишда бир челақ қор эритишувди — тагидан бир энлича қурум чиқди. Хуллас, шаҳри

азим бўлгандан кейин уёғини ўзингиз тушунавасиз.

Эрта тонгда ҳаво ҳар қалай тозароқ бўлади, шовқин ҳам камроқ. Саҳар туриш одатим бор, ҳовли айланаман. Тоза ҳаво оламан. Аммо энг муҳими — булбул сайрашини эшитгани атай вақтли тураман.

Булбул? Шаҳарда булбул? Ҳа, уйимиз яқинида эрталаб ҳақиқий булбул сайрайди. У йўл четидаги баланд дарахтга қўнганича роса хониш қилади. Атрофдан машинаар ўтиб туради, моторлар кучанади, трамвайлар жиринглайди, завод ҳам тақ-туқини бошлаб юборади, лекин булбул сайрашдан тўхтамайди. Гўё ана шу овозларни босиб кетмоқчидек, зўр бериб сайрайди. Бутун вужудим қулоққа айланган, унинг ҳар бир «чаҳ-чаҳ»ини ютоқиб тинглайман. Ҳамма нарсани унутаман, барча ташвишлар чекинади. Чунки булбул сайраяпти! Сайра, сайрайвер, булбулжон!

Аммо кўп ўтмай булбулнинг овози аста-секин пасайиб, бора-бора

Расми Н. ҒУЛҶОМОВ чизган

бутунлай эшитилмай қолди. У ё сайрашдан тўхтади ёки атрофдаги шовқин ундан зўр келди... Булбул эртага яна сайрармикан?

Оқ ўригим

Деразамнинг олдида бир туп ўрик ўсган. У — оқ ўрик, жудаям ширин. Ҳар йили эрта баҳорда оппоқ бўлиб, биринчи бўлиб гуллайди. Шу ўрик гуллаганда жонимни ҳовучлаб тураман: «Ох, ёмғир ёғмаса эди, совуқ бўлмаса эди, тедроқ мева тугиб олса эди...» Лекин барибир ёмғирлар бошла-ниб кетади, баъзан қорга айланади.

Мана, яна қор аралаш ёмғир ёғяпти. Ўрик бечора оппоқ, нозик гулларини қаёққа паналашни бил-масдан мунггайиб турибди.

Шунақа. Биринчи бўлиш оғир...

Тоғамнинг ҳикояси

Тоғам урушдан келди. Мен — ёшгина бола — унинг кучоғида ўтирибман-у, қол-жонига қўй-масдан савол берганим-берган:

— Тоға, сиз ҳам фашистларни отдингизми?

— Ҳа, биттасини отдим. Оёғидан мўлжалга олган эканман, ўмбалоқ ошиб тушди. Югуриб бориб ҳақкалатиб олиб келдим. У бўлса нукул «Карош, карош», деб елкамга қоқади, қўлимни ўпади, яна нималардир деб ўз тилида чуғурлайди. Ҳайрон бўлиб тилмочдан сўрасам: «У мени оёғимдан отгани учун раҳмат, тирик қолдим», дегани экан. Ҳе, зангар-эй, қара-я, ҳаммага ҳам жон ширин-да...

Тоғам тақа мўйловини селкилатиб кулади. У ўша душман аскарини ўладиган қилиб отмагана хурсанд.

Лекин кўп ўтмай ўзи урушда олган жароҳатла-ри касридан оламдан ўтди...

Устунлар

Сўхта бўлганмисиз? Фарғона водийсининг жа-нубида, тоғлар орасидаги кўп баҳаво жой. Уни Бобур Мирзо ҳам «Бобурнома»да тилга олади: «Муҳаммад Шайбонийюн Тошканд ва Шоҳруҳия-ни олгон маҳалда Сўх билан Ҳушёр кўҳпояларига келиб бир йилга ёвуқ танқислик била ўтқариб, Кобул азимати қилдим», деб ёзади у. Китобнинг иккинчи бир жойида эса, Ҳиндистонда подшолик пайтида Сўх ва Ҳушёрдан келган меҳмонларни иззат-икром билан кутиб олганини, қимматбаҳо совғалар инъом қилганини қайд этади.

Ҳа, Сўх ана шундай тарихий жойлардан. Қишлоқнинг шундай юқорисида кўҳна зиёратгоҳ бор. Енбағирлаб кетган сердарахт боғ, ўртада булоқ, жуда хушҳаво жой. Ҳув пастда Сўх дарёси шовиллаб оқади.

Шу ерлик шифокор Парпивоё ака билан боғ айланиб юрибмиз. Айни баҳор пайти, лекин ҳали

бу ер қорли тоғларнинг шундоқ биқини эмасми, дарахтлар гуллаб улгурганича йўқ. Боғ қоровули бизни шийпонга таклиф қилди. Боғнинг ўтмишию келажагидан гап очилди.

— Мана бу жойда қадимги бино бўларди, — деб ҳикоя қилади қоровул. — Аммо кейинчалик бузиб ташланган.

Бу гапни эшитиб ачиниб кетдим. Бу осори атиқа қачон, кимлар томонидан барпо қилинган? Баланд тоғлар бағрида муҳташам бино бунёд этиш ўзи бўлмагандир... Ҳа, бузмоқ осон, лекин тузмоқ...

Врач билан қоровул эса бири қўйиб бири ўша бино устунларини таърифлаб кетишди:

— О, қандоқ устунлар эди-я, бўйи беш қулочдан ортиқ эди, кучоққа сиғмасди...

— Нақшлари-чи, нақшлари! Етти рангда товла-нарди, кўриб ҳайрон қолардингиз...

— Эсиз устунлар...

Ҳикоянинг давомидан маълум бўлишича, ким-нингдир буйруғи билан ўша устунлардан дарёга кўприк солмоқчи бўлишибди. Ярқироқ нақшлар ўйилган устунларни кўприк кўприкка ётқизи-шибди. Кўприк битибди ҳам. Аммо энди мажлис қилиб, уни тантана билан очамиз, деб туришганда, тўсатдан ҳаво айниб, тоғдан катта сел келибдию кўприкни кўз очиб-юмгунча оқизиб кетибди.

Кўз олдимда ўша манзара жонланди: Мана, тўлиб-тошиб айқирган дарёда нақшинкор устун-лар — гўзаллик ва санъат обидалари бирин-кетин лопиллаб оқиб бормоқда. Гўё улар: «Йўқ, биз оёқ ости бўлиб ётгандан кўра дарёда оқиб кетганимиз афзалроқ. Хайр, қадримизга етмаган одамлар!», деб бошлари оққан томонга кетиб боришарди...

Зилзила ва кулли

Тошкент зилзиласи ҳали ҳеч кимнинг эсидан чиққанича йўқ. Ер доим аксига олгандай қоқ ярим тунда, ё саҳарда қимирларди. Кундузи ҳар ким ўз иши билан банд бўлиб унча-мунча тебранишни сезмасдан қолиши ҳам мумкин. Аммо авжи саҳарда, ширин уйқуда ётсангизу ер бирдан телбаланиб, бор кучи билан ўзини уёқ-буёққа ташлаб қолса, ҳар қандай кўшюрак одам ҳам эсанкираб қолиши турган гап.

Ушанда ҳам шунақа бўлган эди. Тонготарга яқин кучли силкинишдан сакраб ўрнимиздан турдик. Хона бешикдай тебранар, уй деворлари, бурчаклари қисирлар, ер остида нимадир гувиллар эди.

Хаёлга келган биринчи нарса — чироқ бўлди. Қўрқинч — ёруғдан чекинади. Аммо чироқлар ёнмади — электр симлари узилиб кетганга ўхшай-ди. Биз — эру хотин болалар хонасига отилдик, чўчиб кетган кичкиналарни эплаганимизча юпатиб, кийинтира бошладик. Бир-биримизга, ё ўз-ўзимизга далда бериш учун, «Ҳеч нарса қилмайди, ҳозир тўхтади, ҳозир тўхтади», дердик, холос.

Эшик томонда нимадир дупур-дупур этди, юқори қаватдаги қўшниллар — ким боласини бағ-рига босган, ким етаклаган — шитоб билан ҳовли-га югуришарди. Ен қўшнимиз чоғиб кетатуриб:

— Тедроқ чиқақолинглар, ҳозир уй ағанай-ди! — деб қичқирди. Биз ҳам болаларни апил-тапил кийинтириб, ҳовлига отилдик.

Тонготарнинг совуқ шабадаси этларни жунжитирарди. Чор-атроф — ғира-ширада қўққайиб турган уйлар ҳам, нималарнидир аста пичирлашаётган одамлар ҳам аллақандай сирли, ваҳимали кўринарди.

Шу пайт аллақайдан кулги овози эшитилди. Кимдир ўзини тўхтатолмай хандон ташлаб куларди. Овозидан танидик: қўшнимизнинг жама-лак сочига тасма тақиб юрадиган қизи кимгадир — дугонасига бўлса керак, ниманидир кула-кула ҳикоя қиларди. Қулгисининг мазмунидан, қайси бир қўшнимиз шошилишда кўрпасига ўралганича қочиб чиққан экан. Катталардан бирортаси «Ҳозир кулгига бало борми?», деб уришиб берди шекилли, бироздан сўнг кулги товуши пасайди, лекин иккала қизалоқнинг пи-қир-пиқир узоқ вақтгача тинмади.

Кўп ўтмай тонг ҳам отди, ер силкиниши ҳам тўхтади. Ҳамма уй-уйига тарқалди, ҳаёт яна ўз аслига қайтди. Аммо менинг хаёлимга бир манзара ўрнашиб қолган эди: хира, қўрқинчли тун, қоронғи осмон, саросимага тушган одамлар ва бурчакдаги қиқир-қиқир кулги... Назаримда, ана шу кулги қўрқинчли туннинг бағрига найзадай санчилиб, қўрқув тўрини парча-парча қилиб ташлагандек эди...

Мўъжиза

Бир оғайним фан номзодлигини ёқладию одат бўлиб қолган анъанага мувофиқ уйда зиёфат берди. Бу ерга оппоқ сочлари улугворлик ва салобат бахш этиб турган кекса олимлар, ўзларига оро бериб силлиқина кийинишган, кўзойнақсиздан кўзойнақлиси кўпроқ ёш ёки бўлажак олимлар, оғайнимнинг турли касбдаги бошқа ёрдўстлари йиғилишган эди. Олимлар бир хонага, бошқалар яна бир хонага, маҳалла-кўй кираверишдаги ясатилган дастурхон атрофига жойлашди, уч хонали уй меҳмонларга лиқ тўлди. Кўп ўтмай катта хонадан «Қадаҳлар тўлдирилсин», деган «фармон» берилди. Оғайнимнинг устозларидан бири уни табриклар нутқ сўзлади. Қадаҳ кўтарилди. Яна табрик, яна кетма-кет қадаҳлар бўшатилади.

Зиёфатнинг расмий қисми тугагандек бўлди ҳам, ўтириш ярмидан ошиб, катта уйдаги меҳмонлар уёқ-буёққа қўзғалиб қолишди. Мезбонларнинг эшик олдида туриб «Ҳали рухсат йўқ, бироз ўтиринглар», деган тўсиқларини енгиб ўтолмаганлар яна хонага қайтиб киришар, «Йўқ, йўқ, қани, ичкарига» деган тақлифлар натижасида катта хонада ҳар хил тоифадаги меҳмонлар бир жойга йиғилиб қолишди. Хонага кейинроқ кирган Фанлар академиясининг мухбир аъзоси ўтирганларнинг «Қани, домла, ёқорига» дейишларига қарамасдан узр айтиб, эшикнинг ёнгинасига жойлаша қолди. У билан кетма-кет кириб келган яна бир меҳмон уч-тўрт кишини қўзғатиб юқориқоққа ўтди. Ўтириш аҳли кўпи бир-бири билан нотаниш, катта-кичик бўлиб, ўртада гап юрмай қолди. Тўрда ўтирганларнинг бир-икки оғиз «чўқима» аскиялари ҳам милт-милт этган шамдай бўлди-ю, лекин

хонани «ёрита олмай» аста ўчди. Ўртага ғалати сукунат тушди. Сухбат калавасининг учи қаердадир йўқолиб қолган эди.

Шу пайт эшикдан бир киши «Қалай, яхши ўтирибсизларми?» дегандай нимтаъзим билан қарадию рўпарада ўтирган меҳмонлардан бирига мурожаат қилди:

— Қани, Шўхий домла, бир эшитсак, деган тақлиф тушяпти!

Ўтирганлар ҳалиги кишига қараб, шунчаки «Қани, эштай-л-и-к» дейишди. Меҳмон ҳам кўп қистатиб ўтирмадию қўлига ликопча олиб ашула ни бошлаб юборди. У аҳли жамоатдан бироз уялди шекилли, дастлаб овози шикастроқ чиқди. У ер-бу ерда томоқ қиришлар, шивир-шивир эшитила бошлади, кирди-чиқди кўпайди. Аммо тоғдан оққан ирмоқ ўзига йўл топиб олгач, шилдирилдири кучайиб, шалолога айлангандек, ашула ҳам тобора авжига чиқиб борар, ҳофизимизнинг овози ҳам тобора жаранглаб эшитилар эди. Яккам-дуккам йўталу гап-сўзлар тинди, ҳамма худди сеҳрлангандек қўшиқчидан кўз узмасди.

Ҳофиз ашуласини тамомладию уялиб, ликопчани дастурхонга қўйди, атрофдагиларга хижолато-муз қаради:

— Маъзур тутасизлар-да, биз бир-иккида айтиб юрмасак, шунчаки ҳавас...

— Э, бор экансиз-ку, меҳмон!

— Раҳмат, раҳмат-э! Офарин!

— Мулла ака, илтимос, жуфт бўлсин энди — деб тақлиф қилди пойгакроқда ўтирган жиккакки-на йигит қўлини кўксига қўйиб.

Меҳмон ликопчага қўл узатди. Хонада янги ашула янгради:

Шифою васл қадрин ҳажр ила бемор ўландан сўр,
Зилоли завқи шанқин ташнаи дийдор ўландан сўр-ёр эй...

Кўп ўтмади, қўшиқнинг бир байти айтилувди ҳамки, хонада ажойиб воқеа юз берди. Дастлаб рўпара ўтирган новча, қизил юзли йигит секингина ашулага қўшилди. Сўнг яна бир меҳмон, яна бири... Бир зумда бутун хона ашулага жўр бўлди.

Кўзи ёшлиларини ҳолин на билсин бандан ғофил,
Кавокиб сайрини шаб то саҳар бедор ўландан сўр-эй,
ёр-эй...

Ҳа, энди бутун уй қўшиқ айтарди. Айтганда ҳам шунчаки, қатордан қолмаслик учун эмас, жондилдан берилиб, тебраниб куйларди. Фанлар академиясининг мухбир аъзоси — оқ сочли мўйсифид ҳам, унинг ёнида ўтирган ёшгина жиккак йигитча ҳам, тўрдаги серсавлат фан номзоди ҳам — ҳамма ашуланинг ажойиб сеҳри билан маст, қўшиқнинг дам кучайиб, дам пасаяётган сермавж тўлқинларида сузар эди. Оҳанглар тўрт деворни, кўнгилларни шундай зириллатар эдики, пойгакдаги жиккак йигитча ёнидагиларга сездирмай кўзларидаги намни бир-икки бор артиб олди. Ҳовлида хизматда юрганлар ҳам, ҳатто навбатдаги таом — мантини қозонга энди териб улгурган семиз ошпаз ҳам эшикдан бош суқиб ашулага сомеъ бўлиб қолишди. Деразадан бола-чақа, хотин-халажлар ҳам ҳайрон мўралашарди.

Ашула тугади, офаринлар яна айтилди, қарсақлар чалинди. Кейинги ашула шўх аскияга уланди, базм қизиди, суҳбатнинг жонона қуши даврада бемалол қанот қоқа бошлади. Орадаги расмий сўзлар, тор тортишлардан асар ҳам қолмади, барча дилларнинг қулф-калитлари очилиб кетди.

Кўриб турибсизки, бу ерда ҳеч қандай мўъжиза

рўй бергани йўқ. Оддий ашула ҳақида гап боряпти, холос. Аммо мўъжиза ҳам аслида оддий бўлади-да...

Ёшлик билан хайрлашув

Улар сафарда эдилар. Жануб тунги тушди. Океан бўйидаги мўъжазгина қишлоқ — меҳмонхонада яккам-дуккам чироқлар ёқилди. Фақат қишлоқча ўртасидаги шундоққина қумлоқча қурилган рақс майдончаси гавжум эди. Бу ерда жуда ажойиб, юракларни қитиқловчи музика янгради, ҳавонинг иссиқ ва намлигидан устки кийимлари ва пой-абзалларини ечиб ташлаган ёшлар ўртада гур-гур рақсга тушишарди.

Майдонча теварагидаги курсиларда ўтирган яккам-дуккам томошабинлар орасида элликларга яқинлашган бўлса-да, хийла ёш кўринувчи бир киши кўзга ташланарди. У ёшларнинг рақсини ҳавас билан томоша қиларди.

— Қани, сиз нега тушмаяпсиз? — деди унга, нафасини ростлаб олиш учун курсига ўтирган ёшгина, нозик-ниҳол қиз.

— Мен бунақа рақсларни билмайман, — деб маъёс жилмайди ҳалиги киши.

— Қўйсангиз-чи камтарликни! Келинг, бирга тушамиз, — деб таклиф қилди қиз. Киши иккила-ниброқ ўрнидан турди.

Яна шўх музика янгради. Олдинига ҳалиги кишининг ўйини унча қовушмади. Кейин шўх оҳанглар уни аста-секин ўзига ром эта бошлади.

Тун. Сал нарида баҳайбат океан шовиллайди. Майдончанинг чор тарафида хурмолар саф чеккан. Худди афсоналардагидек ярим яланғоч ёш-яланглар — қизлар, йигитлар чир айланишади. Музика кетидан музика уланади, гоҳ майин, гоҳ ўйноқи, гоҳ кескин садолар уни узоқ-узоқларга, аллақандай сирли, завқли, шу билан бирликда етиб бўлмас, юракларни орзиқтирадиган ажиб бир дунёга етаклаб кетади. Ана шу сирли, сержило, ўйноқи дунёга энди етдим деганда у тутқич бермасдан қочиб кетар, нарироққа бориб уни тагин ўзига имлар, яна шўх кулиб қочар эди.

У узоқ, тин олмасдан рақс тушди. Томоша-бинларнинг унга таажжуб билан қараб қўйиша-ётганини ҳам сезмас, бор дунёни унутиб қўйгандек эди. Гоҳ-гоҳ шовиллаётган уммонга қулоқ солар, гоҳ кўкдаги ўзгача чарақлаётган юлдузларга дардли тикилар, сўнг эса кўзларини юмиб ўйна-ди...

— Жуда уста экансиз-ку, домла, — деди уни рақсга таклиф қилган қиз ҳамма тарқалаётганда.

— Ҳа, энди... — деди ҳалиги киши ва юзини четга бурди. Унинг лаблари қимтилган, кўзларида ёш ялтирарди.


Унинг шу бугун, шу тунда ўз ёшлиги билан абадий хайрлашганини ҳеч ким билмасди.





Ҳожиакбар
Шайхов

Равшанлик



«Улар куч-гайратга тўлиб-тошган, юксак маънавий фазилатлар соҳиби бўлган кишилардир... Ветеранларимиз бизнинг муносиб ўринбосарларимизни тайёрлаётганликлари уларнинг партия билан халқ олдидаги жуда катта хизматиدير».

Ю. В. АНДРОПОВ



Бугун ҳам одатдагича босим иш билан ўтди. Эрталаб ўт пуфаги яллиғланган бир беморни операция қилди. Шогирдлари билан бир неча соат роса терлаб-пишишга тўғри келди. Кейин битирувчи курс талабалари билан бир жуфт дарс ўтди. Сўнгра шогирдларидан бирининг кандидатлик диссертациясини кўриб чиқди, бир соатча аспирантига илмий ишининг нуқсонларини тушунтирди. Бу — Босит Алиевичнинг энг оддий иш кунларидан бири. Лекин нима учундир ҳозир кўнгли ғаш. Негалигини ўзи ҳам билмайди.

Шу чоқ дарвоза олдида енгил машина тўхтади, лаҳза ўтмай кўнгиноқ чалинди. Босит Алиевич дарров бориб эшик очди. «Тез ёрдам» ёнида турган битта шогирдини кўрди-ю, клиникада бир нима юз берганига шубҳаси қолмади.

Устозу шогирд йўлга чиқишганда кечки соат ўндан ошган эди. Навбатчи-ординатор Зухриддин Исроилов клиникада юз берган фавқуллодда ҳодисани айтди. Тўрт кун аввал Босит Алиевичнинг шогирдлари ангрелик бемор К. ни операция қилишган, у асосан муваффақиятли ўтганди. Лекин тўртинчи куни кечга яқин беморнинг аҳволи кескин оғирлашиб, қорнида чидаб бўлмайдиган оғриқ пайдо бўлибди. Шифохонадагилар маслаҳатлашиб, Босит Алиевични чақиртиришдан ўзга чора тополмабдилар.

Босит Алиевич беморни обдан текшириб кўрди.
— Операцияга тайёрланинглар! — деди у ниҳоят ва кийингани хонасига йўл олди.

* * *

Босит Алиевичнинг биринчи операцияси худди кечагидай ёнида. Тошкент Давлат медицина институти таъминлаган ёш мутахассисни ўша пайтда машҳур жарроҳ, профессор Л. Д. Василенко ишга таклиф қилди. Босит олти ой профессорнинг ёнида юриб, таълим олди. Бир куни домласи унга энг оғир операция — ошқозон ярасини олиб ташлашни топширди. Бунгача Босит кўричак, қорин шиши сингари бундайроқ операцияларни пухта ўрганиб олган эди.

Лев Василенко иттифоқимиздаги кучли жарроҳлардан саналар, инглиз, француз, немис тилларини сувай билар, Ўзбекистонда биринчи онкологик даволаш муассасаларини ташкил қилишда бош-қош бўлганлардан бири ҳам шу киши эди.

Бир куни Л. Василенко Боситни ҳузурига чақиртирди:

— Операцияларда кўзинг пишиди, — деди у, — энди жиддийроқ иш қилиш керак. Ичак бурилиши хасталигининг ҳалокатга олиб келиш сабабларини бир ўрганмайсанми?

— Бунинг учун икки-уч ой кутубхонада ўтириб, илмий адабиётларни роса ўрганишим керак бўлади-да?

— Марҳамат, мен рухсат бераман. Даставвал бу соҳадаги камчиликларни аниқлашга уриниб кўр.

Босит ишга киришиб кетди. Бу ҳол ёш мутахассиснинг ҳамкасбларида гайирлик ҳисларини кўзгади.

Кўп ўтмай Л. Василенконинг устидан марказий газеталарга ариза тушди. Унинг икки шогирди, «Биз етти йилдан бери ишлаймиз, домла маҳаллийчилик қиляпти, кеча ишга келган гўр бир йигитни эркалатиб, бизга кандидатлик темаси бермаяпти», деб ёзишганди. Лев Доминиковичнинг ҳузурига шикоят юзасидан, «Известия» мухбири келганда, домла шундай деб жавоб қайтарди:

— Тўғри, гарчанд ўзи индамаган бўлса ҳам, Боситга тема бердим. Чунки у жуда билимдон жарроҳ, қисқа вақт ичида юқори малакага эришди. Бунинг устига рус тилини мукамал биледи. Ҳалиги шикоятбоз йигитлар бўлса, чаласавод, уларга тема берсам, диссертацияларини ҳам ўзим ёзиб беришимга тўғри келади.

Босит қатъий иш плани асосида узун кунларини кутубхонада ўткази бошлади. Ҳафталар, ойлар мутолаа, илмий адабиётда кўрганларини ўзи ўтказган операцияларидаги у ёки бу ҳолатларга чоғиштириш, ҳуллас, назарий ва амалий таҳлил билан ўтди. Оқибат, ичак буралиш хасталиги туфайли нобуд бўлиш сирларини очди. Кислород ва углерод оксиди муносабати, мия ҳужайраларида, буйрак, жигар ва ичакда юз берадиган ўзгаришлар мутлақо ўрганилмаганлигини аниқлади. Буни домлага айтган эди, Лев Доминикович кулимсиради:

— Мана шу сенга кандидатлик диссертацияси учун мавзу...

Бунақа гапни кутмаган Босит домласига ажабланиб тикилди:

— Мени тўрт ой кутубхонада саргардон қилмасдан, ўшандаёқ айтиб кўя қолмайсизми шу гапингизни?

— Биласанми мен қандай қилиб докторлик ишимни қилганман? — домланинг гаши келгани сезилиб турарди. — У пайтларда холодильник деган нарс бўлмасди. Қаҳратон қишда холодильник сифатида томдан фойдаланардим. Ҳар гал тажриба ўтказиш учун мурдани томдан олиб тушиб, тажрибаларим тугагач, уни яна томга олиб чиқиб кўярдим. Сен бўлсанг, тўрт ой тинчгина кутубхонада ишлаганингга ачиниб юрибсан. Ваҳоланки, баҳонада қанча нарсаларни ўрганиб олдинг. Ҳамма гап шундаки, талабаликда ўрганиш бошқа, маълум тажриба орттириб, жарроҳлик илмида оқ-қорани ажрата олишга эришганингда ўрганиш бошқа.

Л. Василенконинг педагогика соҳасидаги тадбиркорлигига ҳам ўшанда Босит қойил қолган, зотан ҳозир ўзида камол топган тадбиркорлик, зукколик, билимдонлик, ҳақиқат йўлида мурасасиз курашчанлик каби ҳислатларни у баъзан билиб, баъзан билмай, ўз устозидан олган эди.

* * *

Оғизларига оқ дока тангиган Босит Алиевич, ординатор Зухриддин Исроилов, икки ҳамшира бемор устидан энгашган. Хонада пашша учса эшитилди. Наркоз берилган бемор ҳушиз ҳолатда. Аҳён-аҳёнда кўзини олгудек чарақлаган медицина асбоб-анжомла-

рининг шақир-шуқури. Босит Алиевичнинг вазмин, баъзан асабий «Қайчи!.. Скальпель!.. Зажим!.. Кохер!..» дегани эшитилиб қолади.

Операция ниҳоятда муракаб эди: беморнинг ўн икки бармоқли ичагидаги сурункали яра икки асоратни юзага келтирган: яра ошқозон ости безига ўтиб, нагжада ошқозондан ўн икки бармоқли ичакка овқат борадиган канал ҳам торайиб қолганди. Босит Алиевич буларни аввал диагноз қўйганида тасаввур қилган бўлса, энди беморнинг қорнидаги ёриқ орқали равшан кўриб турарди. Жарроҳ ичакларни пича кўтариб, беморнинг жигарига қаради. Жигари соғлом эди.

Бошқа пайтда — ўзи операция устида бўлмаганида, мазкур жигар Босит Алиевичнинг кўп нарсаларни хотирасига солиши мумкин эди. Ахир, унинг деярли барча илмий ва жарроҳлик фаолияти жигар билан боғлиқ эди-да.

* * *

Лекин дастлабки йилларда ёш мутахассисга бевосита ўз севган соҳаси билан астойдил шугулланиш насиб қилмади. У Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг аппаратида ишга таклиф қилинди. Бу шарафли даргоҳда у бир неча йил давомида республикамизда аҳолига медицина хизматини яхшилаш, табобат ва шунга оид ўқув китоблари нашр қилиш, тиббий ўқув муассасаларининг сонини кўпайтириш каби катта миқёслардаги ишлар билан шугулланди. Босит Алиевич Марказий Комитетда тўққиз йил ишлаган бўлса, бу вақт ичида ўзи севган фанни, бутун юрак кўрини бағишлашга жазм этган жарроҳлик соҳасини бирор кун ҳам унутмади. Ҳамиша одамларни бевосита даволаш, бевосита уларнинг оғирини енгил қилиш умиди билан яшади.

Ниҳоят, бу умиди рўёбга чикди. Босит Алиевич ортопедия ва травматология институтининг директори лавозимига ишга тайинланди.

Янги ташкил этилган институтда ишлаш ҳам осон бўлмади, албатта. Беморлар, операциялар, лекциялар ва яна беморлар... Лекин шуларга қарамай, Босит Алиевич қисқа вақт ичида деярли тугатилган диссертациясини яна бир кўриб, маромига етказди. Ярим йил ичидаёқ автореферати ва унча катта бўлмаган монографиясини нашр қилдирди. Кўп ўтмай уларга Москвадан учта ижобий тақриз келди. Уларнинг биринчиси СССР Соғлиқни сақлаш министри, академик Борис Васильевич Петровскийдан эди. Босит Алиевич буларнинг бирортасига ҳам авторефератини юбормаган эди, ҳайрон бўлди. Бу нарс ҳимоя муваффақиятли ўтгандан кейин маълум бўлди. Авторефератларни Москвага Боситнинг ТошМИдаги устози профессор Содик Маъсумов жўнатган экан.

Орадан кўп ўтмай Босит Алиевич институт ишлари юзасидан Москвага борадиган бўлиб қолди. Министр ҳузурига кириб, тақриз учун раҳмат айтиб қўйишга қарор қилди.

Министр кўп куттирмади. «Тошкентдан, Охунжонов»ни эшитиб дарров қабул қилди.

Академик тезда Босит Алиевичнинг авторефератини топирди. Унинг биринчи варағига қора қаламда катта-катта ҳарфлар билан «Какая чепуха!...» деб ёзилган эди. Бу ёзувни кўриб, Босит Алиевичнинг азалий қайсарлиги кўзиди.

— Борис Васильевич, Тошкентга ижобий тақриз жўнатиб, бу ерга «чепуха» деб ёзганингиз нимаси! Буни қандай тушунсак бўлади?

Министрнинг чехраси ҳам жиддий тус олди. У ачинганнамо хитоб қилди:

— Ахир, бу докторлик иши-ку! Сиз кандидатлик иши деб қанча материални барбод қилибсиз! Яхшиси бизнинг клиникага ишга келинг. (Б. Петровский Москвадаги энг йирик жарроҳлик клиникаларидан бирига директорлик ҳам қиларди). Шу материалларнинг асосида уч йилдаёқ докторлик диссертацияси тайёрлайсиз. Мен бунга кафолат бераман.

Босит Алиевич аниқ бир жавоб бермади.

* * *

Операция хонасида иш ҳамон қизгин. Орадан тахминан, бир соатча вақт ўтгани учун, наркознинг таъсир кучи камайдими, бемор ҳушига кела бошлаган ва ҳозир ожизгина инграб ётар, ора-сира, оғриқ кўккис кучайганда бўлса керак, танаси безгак тутгандай титраб, қаттиқ инқиллаб қўяр эди. Босит Алиевич сўнгги йилларда асосан жигар билан боғлиқ энг мураккаб операцияларни бажаришга одатлангани учун беихтиёр нигоҳи яна беморнинг жигарига тушди. Унинг соғломлигини кўриб дилида қониқиш ҳисси уйғонди.

Эҳ-ҳе, ана шу жигар хасталигига қарши курашаман деб у озмунча азиятлар чекдими, озмунча пешана тери тўкдими!

* * *

Борис Васильевич Петровский билан қилган иккинчи суҳбати худди ана шу мавзуда бўлди. Босит Алиевич бу сафар Борис Васильевич билан ярим соатча суҳбатлашди. Игит остонада кўриниши биланоқ министр:

— Ҳа, қочок, келдингми? — деди ўша-ўша кўтаринки кайфиятда. — Қани, ўтир-чи, сен билан кўришмаганимизга неча йил бўлди, ўзи?

У кўнглига яқин одамлар билан гоҳ сенсираб гаплашарди.

— Етти-саккиз йил, — жавоб берди Босит Алиевич.

— Уялмайсанми? Ахир, учрашамиз деб келишган эдик-ку! Қаёқда эдинг шунча йил?

— Оилавий ташвишлар билан бўлиб, ҳузурингизга келишга сира вақт тополмадим.

— Эртага клиникамизга кел, тема бераман, шу ерда яшаб, докторлик иши қиласан. Келишдикми?

— Узр, Борис Васильевич, менга тема керак эмас, ўз илмий мавзуним бор: жигар церрозини даволаш устида тажрибалар ҳам бошлаб қўйганман.

Петровский Босит Алиевичга норози бўлиб тикиларкан, пича жаҳл аралаш деди:

— Ҳалиям қайсарлигинг қолмабди. Лекин сенга айтиб қўяй: ҳаддан ташқари мураккаб ишга қўл урибсан! Жигар церрозини даволашга дунёда ҳали ҳеч бир жарроҳ муваффақ бўлолмаган. Яхшилаб ўйлаб кўр. Қолган гапларни эртага гаплашамиз.

Босит Алиевич эртасига Бутуниттифоқ клиник ва экспериментал хирургия институтига барвақт етиб борди. Кўп ўтмай, Б. Петровский ҳам келди, ярим соатдан сўнг хонасига ҳамма илмий кенгаш аъзоларини тўплади. Мажлисни бошлар экан:

— Ўртоқ Охунжонов қани? — деб сўради атрофга кўз югуртириб.

— Мен шу ерданман, — деди хонанинг бир бурчига бориб ўтирган Босит Алиевич.

— Марҳамат, танишинглар, — деди Борис Васильевич йнғилганларга, — тошкентлик ҳамкасабамиз

Босит Алиевич Охунжонов. У биз билан бирга ишлаб, жигар раки бўйича иш олиб боради. Унга ҳаммамиз ёрдам беришимиз керак.

— Кечирасиз, Борис Васильевич, — дея ўрнидан турди тошкентлик жарроҳ. — Сизга кеча бу ҳақда гапиргандим: мен жигар раки эмас, циррози билан шугуллана бошлаганман. 50 та ит, 400 та каламушда сунъий йўл билан церроз касаллиги пайдо қилиб, уни даволаш бўйича қатор тажрибалар ўтказдим. Дастлабки натижаларим ижобий.

— Билганингни қил! — бақиргудай бўлиб деди министр. — Кейин хонасидаги олимларга юзланиб кўшимча қилди, — у жуда қайсар одам, мен у билан иккинчи марта учрашаман, бари бир ўз айтганини қилади. Хуллас, унинг темасини институтимизнинг иш планига киритишимиз, унга ҳамма шароитларни яратиб беришимиз керак, ўртоқлар. Энди айтгинчи, — у яна Босит Алиевичга мурожаат қилди, — операцияни одамларда қила болашинг учун сенга қанча вақт керак? Яшашинг учун квартира берамиз, ишлашинг учун барча шарт-шароитлар яратилган, деб ҳисоблаганимиз тақдирда...

— Мен бу ерда қолиб ишлолмайман, Борис Васильевич, — яна узр сўраган бўлди Босит Алиевич, — онам қариб қолган...

Министрнинг энди росмана жаҳли чиқди. Лекин сўзларида пича ҳазил-мутоиба оҳанги ҳам йўқ эмас эди:

— Сенда ўзи доим шунақа: шарқона айтганда, гоҳ паловинг бўлмайди, гоҳо иштаханг...

Хонадаги илмий кенгаш аъзолари бу гапдан беихтиёр кулиб юборишди.

— Хуллас, у нима деса, шу бўлади, ўртоқлар, — гапида давом этди министр, — бари бир кўндиролмаймиз. Майли, тажрибаларини Тошкентда давом эттираверсин. Лекин сени огоҳлантириб қўяй, Босит: бизга бир йилдан сўнг қилган ишларинг юзасидан ипидан игнасигача ҳисобот берасан. Тушунарлими! Ҳозир эса, истаганингни марказий кутубхоналардан фойдаланишинг, истаган керакли медицина асбоб-анжомини ё қурилмасини ўзинг билан ола кетишинг мумкин.

СССР Соғлиқни сақлаш министри билан бўлган бу суҳбат Босит Алиевични ҳам руҳлантириб юборган, ҳам ўзи бошлаган мураккаб ишга масъулият ҳиссини оширганди. Лекин айни пайтда Петровскийдай номи жаҳонга танилган алломанинг: «Жигар церрозини даволашга дунёда ҳали ҳеч бир жарроҳ муваффақ бўлолмаган», — деган гапи уни ўйлантириб қўйган, ҳатто ўз танлаган йўлининг тўғрилигига шубҳа ҳам уйғотганди.

Бироқ у одатича ўжарлик ва қатъият билан тажрибаларини давом эттирди.

Ўнлаб итларда сунъий жигар хасталиги юзага келтириб, уни даволаш ва иш фаолиятини тўла қайта тиклаш учун жигарнинг 10—20 фоизини кесиб олиб ташлаш мақсадга мувофиқ эканини, жигарнинг қайта тикланиш жараёнини самаралироқ ўтказиш учун коамид, витамин В₁ ва гамма-глобулин препаратларидан фойдаланиш яхши натижалар беришини аниқлади.

Жигар билан боғлиқ операцияларда унинг хаста жойи олиб ташлангач, дунёдаги ҳамма жарроҳларни жуда мушкул аҳволга соладиган нарса унинг кесилган жойини тикиш муаммоси эди. Чунки жигарни махсус ип билан тикишининг «технологияси» ҳали ишлаб чиқилмаган, умуман, бу ниҳоятда мушкул вазифа. Босит Алиевич жарроҳлик фанида биринчи

бўлиб кесилган жигарни тикишнинг оригинал усулини кашф этди, ишни ўзига хос чақиштириш йўли билан тикиш самарали натижа беришини амалда исботлади.

Бу ишларнинг бари у 1977 йили ёзиб тамомлаган докторлик диссертациясининг асосий мазмунини ташкил этди. Диссертацияни олиб тўғри Москвага учган Босит Алиевични министр одатича кўтаринки ва ҳазил-мутобибага мойил кайфиятда кутиб олди:

— Жуда яхши, — деди у илмий ишни бир-бир варақлаб кўздан кечираркан. Салдан кейин у илмий ишлар бўйича ўринбосарини ҳузурига чақирди.

— Олег Борисович, — деди у ҳамкасабаси қошига киргач, — Боситнинг диссертацион иши тайёр бўлибди. Чамамда, у жуда қизиқарли ва оригинал тажрибалар ўтказган. Гап шундаки, жигар циррози-ни резекция қилишга (кесиш) шу кунгача ҳеч бир жарроҳ журъат қилолмаган, журъат қилганлари бўлса, муваффақиятсизликка учраган эди. Босит шу мушкул ишнинг уддасидан чиқибди. Энди биз уни одам жигарини резекция қилиш соҳасининг пионери десақ ҳам бўлади. Хуллас, ҳимояга тайёргарликни бошланглар, Олег Борисович. Расмий оппонентлар тошинглар, ишни тақризга бериб, опробацидан ўтказинглар. Сен эса, Босит, тортинма, нима қийинчиликка дуч келсанг, тўғри ҳузуримга киравер. Ҳатто номини «сотиб» бўлса ҳам ишингни битказишинга руҳсат бераман. Келишдикми?

— Келишдик, — деб жавоб берганди ўшанда Босит Алиевич беихтиёр жилмайиб. — Бироқ министрнинг номини сотишга ҳожат қолмади.

* * *

— Энди тикишни бошлаймиз, — деди Босит Алиевич операция хонасидаги ёрдамчиларига. Уша заҳоти ҳамшира қиз қўй ичагидан тайёрланган нозик ип, нина ва қисқичларни бирин-кетин профессорга узатди. Босит Алиевич сўнгги марта беморнинг аъзолари, ошқозони, ўн икки бармоқли ичаги ва жигарига нигоҳ ташлади. Касал аъзолардаги яра жойлар тўла тикланган, энди бемалол тикишни бошласа бўларди.

Босит Алиевич қисқичларни энгил ҳаракатлантираркан, бу ишнинг нисбатан анча осонлигини, яхшиям ҳозир жигарни тикиш зарурати йўқ эканлигини хаёлидан ўтказди.

Ҳар нина ўтганда бемор энгил силтаниб инграб кўяр, у энди наркоз таъсиридан тамоман қутулгандай сергак ётарди.

Профессор энг нозик аъзоларни ўзи тикиб, қолган ишларни шогирдига топширди-да, резина қўлқопларини ечди. Қўшни хонага ўтиб қўлини совунлаб юваркан, вужудини ҳорғинлик чулғаганига қарамай, руҳи энгил тортганини ҳис қилди.

Орадан чорак соат ўтмай у клиниканинг навбатчи машинасида уйга қайтаркан, кўзларини ярим юмганча, хотиралар гирдобига шўнғиди.

* * *

Ушанда ўзининг докторлик диссертациясини ҳам муваффақиятли ёқлаган, Москванинг казо-казо академиклари ҳимоядан кейин сўзга чиқиб, ўзбек олими қўлга киритган натижаларга дастлаб ишонгилари келмагани, аммо у ҳаммасини илмий ва тажриба йўли билан тўла исбот қилиб, тиббиёт фанига киритган янгилекларини худди кафтдагидек кўрсатиб қўйганини мароқ билан гапиришди. Жигари циррозга чалинган ва Б. А. Охунжонов томонидан операция қилинган беморларнинг аксарияти соғайиб, яна ўз касблари бўйича ишлай бошлашган эди. Ўзбек

жарроҳининг барча илмий хулосалари тиббий практикага кенг жорий қилишга молик бўлган янгилеклар экани шубҳасиз эди. Бу шундай бўлди ҳам. Кўп ўтмай Босит Алиевич амалга оширган операциялар унинг И. Ким, и. Субхонкулов, А. Абдурахмонов, Р. Мелькумов сингари шогирдлари томонидан, шунингдек, унинг ёзма кўрсатмалари асосида Москва, Горький, Киев ва бошқа шаҳарларда истиқомат қилувчи жарроҳлар томонидан муваффақиятли қўлланила бошлади. Орадан икки йил ўтгач, олим ҳатто Япониядан мактуб олган, унда япон профессори Кацури ито, Босит Алиевич кашф этган жигар хасталигини резекция қилиш усули ўзини гоётада қизиқтириб қолганини, агар имкон топа олса, операция методикаси тавсиф этилган қўлланмасини юборишини илтимос қилганди. Босит Алиевич унга докторлик иши бўйича ёзган авторефератини жўнатди. Кўп ўтмай, ўзбек жарроҳининг номига Япониядан яна мактуб келди. Бу сафар қуёш чиқар ўлка олими авторефератини юборгани учун унга самимий ташаккур изҳор этган ва Б. А. Охунжоновнинг усулида амалга оширган илк операцияси муваффақиятли ўтганини хабар қилганди.

... Босит Алиевич уйга кириб келди-ю, даҳлиздаги тошойна қаршисида бир зум туриб қолди. Чехрасига синчиклаб тикиларкан, рангги «Букрот» юзидай оқариб, бўзранг тус олганини пайқайди. Лекин кўнгли равшан эди.



«Болалигим, — олтин чоғ...»

Н. ШАРИПОВ фотозъюди.



Ленин мавзолейи қошидаги ўйлар

У пайғамбар эмас, авлиё эмас эди,
табиат кашфи ё мўъжизаси ҳам,
на илоҳий куч маҳсули,
ва на «табаррук» бир зот...

Лекин

Унинг мавзолейи
оҳанграбо янглиғ тортади
олти қитға элини мудом,
Олти қитға аҳли
зиёға талпингандай,
энг муқаддас орзусига интилган каби,
энг оғир дардига малҳам умиди билан
орзиқади,
ошиқади

зиёратга,

тавофга.

Чунки, Ленин

Инсонлик сир-қулфларин очди,
очиб берди
яшашнинг,
ҳаётнинг туб моҳиятини.
Топиб берди
минг йиллар

тупроқ остида ётган

дунё қадар туганмас

ХАҚИҚАТ олтинини.

Урнатди у
тезлатувчи

қўшимча парракчалар

чўкиб қолган тарихнинг
залварли ғилдирагига.

Тарих қони гупуриб,
чошиб кетди,

юксалди,

унинг йўли қисқарди

бир нечалар асрга.

Ва даҳо ҲОЯЛАРи

Қуёш нурларига кетди қўшилиб,
сингиб.

ҲОЯЛАРки,

Қуёш нурларидан-да ўткир,

Қамчибек

Кенжа



Қуёш нурларидан-да сертафт...

Бу НУРЛАР етган жойда

Қуёш нурига эрмаган

музлар эрийди,

Қарашлар,

фикрлар,

ҳислар эрийди.

Таранг қовоқларга,

юраларга йиғилган

тузлар эрийди,

умр бўйи исимаган баданларга

югуради илиқлик.

Тўйиб-тўйиб симираман — у НУРЛАР

вужудимга қуюлар,

қон бўлиб айланар

томирларимда

тезлатади

юрагимнинг зарбини.

НУРЛАРни мен

қорачигим қат-қатига,

кафтларимнинг чизиқлари

орасига

яширгум.

О, НУРЛАР,

қизитару куйдирмайди ҳеч,

Зеро,

Унинг иссиғига мослашган

юрагимнинг ҳарорати,

ҳа!

Зеро,

ишончим,

эғтиқодим,

қалбим унга эш.

Зотан У ҳам

миллионларнинг кўзларидан олган

муҳаббату нафратини ҳам.

Миллионларнинг кўлларида олган

чапдастлигу қудратини ҳам.

Менинг наслим

ва аслимга суянган,

менинг руҳим

ва азмигга қувонган.
Сўнгги йўлда
бош қўяркан кафтимга,
битилган ва
битилажак тарихини,
банибашар ёзмишию
фалак чархин
мурвати,

тасарруфин
юклаганди

менинг зиммамга.
КОММУНАнинг тақдирини —
ўз тақдирини
менга инонган,
кўнгли юпанган...

Фан эътироф этади
қуёшнинг қуввати,

энергияси
Зарра-зарра камаяжак безумон,



заиф тортиб борар нури ҳам.
ДАҲО ғоялари
шундайин ҚУЕШки,
шундайин НУРки,
кундан-кун
лаҳзама-лаҳза
ортажакдир
ҳарорати, қудрати,
кўлами, таъсироти.
Менинг келажагим,
Инсоният эртаси
Ўша ҚУЕШ
ёғдуси-ла нурафшон,
Менинг учун толеъдир
Ўшал КЕЛАЖАКни деб,
Ўша ҚУЕШ
ва ўша НУРЛАРни деб
яшамоқ —
Миллионлар сафида!

Нафас
Дўсанов

Пахта — тақдирини

Оқ рангларни севдинг оппоқ қалб билан,
Ойдин тунлар, нурли тонглр жон-дилнинг.
Шу сабабдан, халқим, азал-азалдан,
Пахта билан боғлангандир тақдиринг.

Нажот излаб боқдинг қорли тоғларга,
Оташ мисол ўтли эди кўз қиринг.
Балки ўша интиқ, ташна чоғларда,
Пахта билан боғлангандир тақдиринг.

Душман солди бири қўйиб бири от,
Туёқлардан титраганди ўр, қиринг.
Бўлгани-чун сенга қора ранглар ёт,
Пахта билан боғлангандир тақдиринг.

Омон-омон кунлар осон келмагай,
Яраланди қанча полвон яғрининг.
Момиқ малҳам, шў боисдан ҳам атай,
Пахта билан боғлангандир тақдиринг.

Умринг бўйи она ер-ла тиллашиб,
Ҳар ниҳолга тўкдинг пешона теринг.
Мисли ёрдек севиб, ихлосинг ошиб,
Пахта билан боғлангандир тақдиринг.

Меҳнатингдан, шухратингдан кўксим тоғ,
Фарзандингман — юргайман кўкрак кериб.
Авлодларнинг йўли бўлсин дея оқ,
Пахта билан боғлангандир тақдиринг?!

Мухлис
Жўрабоев

Омонлик

Оппоқ тонглар жимирлайди
пахтазор қучоғида.
Янги келин чой қайнатар,
янги уй ўчоғида...

Остонада бузоқ маъраб
онасини кузатиб,
Янги уй ҳам бўш қолади
бекасини узатиб,

Тандир совир,
нон саватда кимларгадир интизор,
Оқ тонг билан гавжум бўлар
олтинга кон пахтазор.

Келин атлас кўйлагидан
кўкда яшнар камалак,
Пахтазорга кўчган одам
мисли оппоқ капалак.

Тупдан-тупга кўчиб ўтар,
ҳар чаноқни бўшатиб,
Ҳов нарида қўшиқ айтар
қайбир жувон ўхшатиб.

Мен уларга тикилганча
қўлим тупдан адашар,
Ҳар кун бўлса дейман шундай
барака топган ҳашар.

Жўр бўламан ўша кўйга:
Дард кўрмасин қўлинглар,
Доим омон бўлинглар-ей,
доим омон бўлинглар.



Усмон Азимов,
Иброҳим Ҳаққулов

ИСТЕЪДОД— ИСТИҚБОЛ ДЕМАК

И. ҲАҚҚУЛОВ. Айтишларича, француз мусаввири Монэ Лондондаги мухташам бинолардан бирининг расмини чизибди. Суратда бионинг готик куббалари туманга чулганганча аранг кўриниб тураркан. Кўр-газмада бу сурат иттифоқо лондонликларни саросимага солиб кўйибди. Чунки мусаввир туманини одатдаги сарғишроқ тусда эмас, кизғиш бўёқда тасвирлаган экан. Бу ҳолдан халойиқ аввалига роса ғазабланибди. Уни нўноқликда айблабдилар. Бироқ жаҳлга минган томошабинлар кўчага қадам босишлари биланок, илк марта туманнинг кизғиш тусда эканлигига кўзлари тушибди. Шунда бунинг сабабини ахтара бошлабдилар. Ниҳоят, улар туманнинг кизғишлигига шаҳарда тутуннинг мўллиги сабаб деган хулосага келишибди. Бундан ташқари, Лондонда кизил гиштдан қурилган уйларнинг кўплиги ҳам туманга кизғиш ранг бераркан. Хуллас, Монэ ғалаба қилибди. Шундан сўнг, ўша сурат таъсирида, Лондонда халқ туманини Монэ кўзи билан кўрадиган бўлибди. Хатто унга: «Лондон туманининг ижодкори», деган ном ҳам беришибди.

Истеъдод ким? Монэга ўхшаб, ишончсиз кўринган нарсани ишонч даражасига олиб чиққан киши, голиб шахс эмасми?! Истеъдод ижоднинг ҳамма соҳаларида ҳам ўз ҳақиқатини исбот этишга қодир.

У. АЗИМОВ. Биласизми, бизда баъзи ёш шоирларимиз шеърятига муносабатда ҳам ёқорида Сиз айтган воқеа-ходисаларни эслатувчи ҳолатлар содир бўлаётир. Уларнинг илғор ўқувчига маъқул машқлари баъзи шеърхонларда эътироз тўғдираётир. Кимдир уларнинг ёзганларидан маъно излайди, завқланади. Кимлардир «Шоир нима демоқчи?» деб, шеърни тушунтириб бериш талабида киноя билан лаб буради. Бунда ким ҳақ, ким ноҳақ? Мен бу тўғрида гапириб ўтирмайман. Аммо шуни аниқ англайманки, янги-янги гоёвий-бадий йўналишлар билан бойиб, ҳар турли изланишларни бошидан кечирмаган адабиёт бора-бора дунё шеърятининг катта оқимидан ажраб қолади. Бинобарин, адабиётдаги янгиликка даҳлдор ҳар қандай ҳодиса ва тажрибаларга бағри кенглик билан қараш, уларнинг ижобий ёки салбий жиҳатларини фақат ва фақат ҳолис баҳолаш лозим.

И. ҲАҚҚУЛОВ. «Ўз-ўзи билан ички зиддиятда бўлмаган ёзувчи ақидапарастдир. Ақидапараст ёзувчи эса реакционер, яъни тараққиёт душмани...», — дейди Г. Маркес. Шахсан мени бир неча ёш шоирларимизнинг ўз-ўзи билан жиддий зиддиятда ижод қилаётганликлари қувонтиради. Улар ўзларидан, ёзаётган нарсаларидан дилдан қониқмайдилар. Одамларга етказишлари зарур бўлган ҳақиқатни аввало ўз юракларидан ахтарадилар. Улар ўзни билмасдан туриб, дунёни, ҳаётни, одамларни билиш майлларига шубҳа билан қарайдилар. «Воқеалар тумани орасидан ўзлигини танишга» қаттиқ интилаётган бу ёшлар шеърда алоҳида шахс тақдири, алоҳида характер, алоҳида юрак тарихини тиклаш йўлидан бораётирлар.

У. АЗИМОВ. Назаримда, бугунги шеърятимизда изланишнинг икки йўналиши аниқ кўзга ташланади. Биринчиси — шеърятни реал ҳаёт билан ниҳоятда яқинлаштириш, улар ўртасидаги масофани қисқартириш йўлидаги ҳаракатлар маҳсули. Бунда шеър оғзаки нутққа мувофиқлаштирилиб, шеърхон кўнглига қофия-оҳанг билан эмас, балки самимийт орқали кириб боришга уринилмоқда. Натижада, шеърга наср унсурлари бемалол кириб келяпти. Шеър ўзини қачонлардир кўниб-кўнмаган баландпарвозлик, ялтироқликдан тозалаётир. Илгари яроқсиз топилаган сўзлар шеърятдан кун сайин кенг ўрин оляпти. Шеър — яқин одамга битилган мактуб, ёхуд ўқувчи олдида шоирнинг дил изҳоридек келсаю яна атроф-теварақдаги воқеа-ходисаларни виждон тарозусида тортса, оғриқ — дардга омухта бўлса шуқулдир. Шеърятимизда худди шундай жараён кечаётир. Шунинг учун ҳам шеър кун сайин тақдир сўзига — инсон тақдирига айланиб бормоқда.

Муҳаммад Солиҳнинг бир шеърини ушбу даъвомнинг мисоли тарзида келтирмоқчиман:

Умрида бирор марта оч қолмаган одам,
Бирор марта йиғламаган одам,
Ўттизга кирдим, деб ҳаммани алдадинг.
Хотинингни кўриб,
Болаларингни кўриб,
Сенга ишонишди даврадагилар.
Умрида бирор марта енгмаган,
Бирор марта мағлуб бўлмаган одам,
Бир йил ўтсин,
Ўттиз бирдаман, деб алдайсан ҳали.

Бу шеър ритми биз кўниккан ритмлардан фарқланади. Унинг ўлчовларини ёлғиз юрак беради. Қаранг, шеър суҳбат оҳангига қурилган. Лекин бу қалбни ларзага соладиган суҳбат. Негаки, шоир унда «умрида бирор марта енгмаган», «бирор марта мағлуб бўлмаган» одамни тип даражасига кўтариб тасвирлайди.

Иккинчи йўналиш — шеърятдаги мусикавийликни тараққий эттириш соҳасидаги изланишдир. Биз бармок вазнининг кўп оҳанглари унутиб қўйган эдик. Айниқса, халқ дostonлари, қўшиқларидаги мусикавийлик, қофиялаш системаси биздан узоқлашиб кетган эди. Эътибор беринг, кейинги пайтда бармок вазнида ёзилган шеърлар асосан тўққиз ёки ўн бир бўғиндан иборат. Илғор шоирларимиз оҳангдаги мана шу бир хилликни ёриб ўтишга уринмоқдалар. Бунда халқ шеърятининг сеҳрли садоларига қаттиқ таянишмоқда. Сўнги вақтларда шоирларимизда образни бўрттириш касали пайдо бўлган эди. Халқона оҳангларга суянилганда, образ ўз-ўзидан шеър қалбига сингиб кетаркан...

И. ҲАҚҚУЛОВ. Гапларингиз халқ шеърятини йўлида дилбар шеърлар битаётган ёш шоир — Йўлдош Эшбекни ёдга туширди. Сиз айтган халқона оҳанглар унинг айрим шеърларида аллақандай жозиба, буткул сеҳр қиёфасида намоён бўлади. Унинг сўз ва сўз садолари юракдан эшилиб чиқади. У гўё оҳанг тили билан манзара чизади, ҳолат яратади. Инсоний дард тилсимини очади. Жумладан, «Бахтиёрнинг қўшиғи» деган бир шеъри шундай бошланади:

Ўркач-ўркач тўлқинларнинг бағрида,
Ёлғиз сандик қалқиб-қалқиб келади.
Ўркач-ўркач андуҳларнинг қаърида,
Ойгулгинам менинг оқиб келади.

Нечоғли кўркам ва самимий тасаввур. Шоир тўрт сатрда ғаройиб бир манзара яратади. Ойгулнинг «ўркач-ўркач андуҳлар қаърида» оқиши афсонавий тушга ўхшаб, ўқувчини ҳайратга солади. Шеър давомида яна ўқиймиз:

Мен яшадим, сени сўраб яшадим,
Илтижолар қилиб ёлғиз оллога.
Умидларга дили ўраб яшадим,
Бу бағри йўқ, бу норасо дунёда...
Олломининг, дунёмининг билмадим,
Сен хор эдинг, мен хор эдим дунёда.
Лайломининг, Зухромининг билмадим,
Ман зор эдим, сен бор эдинг дунёда!

Менимча, ўз халқи шеърятини чин дилдан севиб эъзозлаган, дилида халқона оҳанглар жўш урган, дид ва савияси юксак шоиргина бундай ижодий натижаларга эришиши мумкин. Бу жиҳатдан шоирнинг «Қадим оҳангларда», «Қишлоқдан қайтиш» каби шеърлари яна ҳам характерлидир.

У. АЗИМОВ. Боя айтганим, шеърятимиздаги икки йўналиш изланишларининг ҳозирда ҳам муҳлислари, ҳам муҳолифлари бор. Баъзилар уларни бир-бирига қарама-қарши қўймоқчи бўладилар. Мен эса улардан ҳар иккаласининг ҳам тарафдориман, ҳар иккаласини ҳам қабул қиламан. Фақат, ўзбек шеърятини анъаналарини унутиб, ғарб ва рус адабиётидан «нусаха», кўчирма олиб, ўзларини «халқчил» қилиб кўрсатишга ҳаракат қилаётганлар кўпайиб кетаётганлиги мени ташвишлантиради. Талантли шоирларимиз эса тараққийпарвар жаҳон шеърятининг илғор жиҳатларини миллий шеърят анъаналари

билан боғлаб, халқ қалби оҳангларига қўшиб умумлаштиришга ҳаракат қилмоқдалар.

Ҳар бир шоир, ҳар бир танқидчи бугунги ўзбек шеърятининг тараққиёт йўли ва йўналишларини аниқ тасаввур этиши зарур. Жаҳон ва қардош халқлар адабиётини пухта билиш, имкон доирасида таҳлил эта бориб, улар билан бўй ўлчашиб кўришимиз лозим. Мен бунда ёлғиз шеърятни ўрганишни назарда тутаятганим йўқ. Дунё санъатининг бошқа соҳаларини гапирмай қўя қолай, шоир ҳеч бўлмаганда, насрни ўрганиши, наср сирларидан хабардор бўлиши шарт. Бизнинг кўпгина шоирларимиз эса нари борса, «шеършунос» диллар. Бу — айтайлик, Маяковский, Твардовскийга хос эдик кўламликликнинг йўқолишига, яъни ғоявий-бадий маҳдудликка, мавзу торлигига, гоҳ оддий саводсизликка олиб келади. Маъқур ҳолийнинг салбий таъсири, айниқса, дostonларимизда яққол кўзга ташланади. Айни пайтда қайд этиб ўтмоқчиманки, ҳозирги дostonларимизнинг анча-мунчаси, нари борса, укувсиз ёзилган шеърини очерк ёхуд лавҳадан бошқа нарса эмас. Ҳар қандай шеърини асар, ҳеч бўлмаганда, ердан бир учиб этиши қўниши керак. Шеър ёхуд дostonга қанот бахш қилиш ҳазилакам санъат эмас. Мен қанот деганда, аввало, шоирдаги ички завқ, оғрик, қаламга олинаётган мазмун кўламини аниқ англаш ва ҳис этишни тушунаман. Шоирнинг таланти — қалбидаги дарднинг нечоғли улканлиги билан ўлчанади. Бизнинг кўндан-кўп шоирларимизда дард ҳам, дид ҳам, дид ҳам ўртача. Ёхуд ундан ҳам настрокдир.

И. ҲАҚҚУЛОВ. «Ешлик» журналининг шу йил 3-сонида устоз Озод Шарафиддиновнинг «Шеър кўп, аммо шоир-чи?» деган танқидий мақоласи босилди. Унда ёшлар шеърятдаги баъзи жиддий қусурлар, хусусан, Сиз тилга олган ўртамеъначилик иллатлари тўғрисида объектив мулоҳазалар билдирилган. Билишимча, мунаққид умуман танқидчилик эътиборини кенг жалб этиши зарур бўлган, гоёт кенг миқёсли жавобларга муҳтож саволини ўртага ташлаган. Муаллиф ҳозирги шеърлардаги ўртамеъначилик ҳақида гапириб, унинг яққол намоён бўлаётган иккита бош хусусиятини алоҳида таъкидлайди.

Булардан бири — «ўртамеъна шеърларда акс этаётган оламнинг анча тор, реал ҳаётдан анча узоқ»лиги. Иккинчиси — «уларда бир-бирини такрорлаш, бир-бирига тақлид қилиш, бир марта яхши топилган образни қайта-қайта ишлатиб, сийқасини чиқариш» масаласи.

Хўш, ўртамеъна шеърбозлар кимларга кўпроқ тақлид қилиб, кимларни такрорлашяпти? Уч-тўртта талантли шоирни!

У. АЗИМОВ. Умуман, ижоднинг маълум бир даврларида тақлид бўлади. Бу кўпроқ йўлни топишга интилиш жараёнида кечади. Аммо бизда тақлидчи сифатида қолиб кетаётган шоирлар ҳам кўп. Бу нимадан? Талантсизликдан. Талант — ўз-ўзининг «қули». У шеърхонга тақдим этадиган нарсасини ўзидан ахтаради. Топмаса азобланади, азобланса топади. Талантсиз қаламқаш бундай захматдан маҳрум. У шўрликда бошқаларга эргашиб, тақлид қилишдан ўзга чора йўқ. Уни чорасизлик ҳар кўйга солади. Сиз Шарафиддиновнинг мақоласини эсладингиз. Дарҳақиқат, адабиётимизда ўртамеъна ва тақлидий шеърлар тўлиб-тошиб кетди. Шундай шеърлардан таркиб топган бутун-бутун китоблар чоп этилмоқда. Нега? Қандай йўллар билан? Уйлаганинг сари қийналасан одам. Озод Шарафиддинов мақоласида танқид қилинганлардан

бири — Темури Норбек. Мен бу одамнинг машқлари ҳақида шеърятимизнинг йиллик мажлисида ва иккинчи китоби қўлёзмаси муҳокамасида гапирганман. Уша фикрларимни яна такрорлайман: Темури Норбекдан шоир чиқармакми? Очиқ бир нарса дейиш қийин. Тўғри, у нашриётда ишлайди. Китобларини тез-тез чиқариб туради, чиқармоқда ҳам. Лекин қирк ёшгача йилт этмаган учқун бундан кейин ловуллаб кетишига ким қафолат бера олади? Билишимча, Темури ака фан кандидати — унволи киши. У илм билан жиддийроқ шуғуллансамикин?.. Ҳақиқат аччиқ. Аммо уни эртами-кечми айтиш керак. Бизда эса кўпинча бунинг акси бўлаётир.

И. ҲАҚҚУЛОВ. Ижод тажрибасида қайта-қайта тасдиқланган бир ҳақиқат бор: ўртамиёналик — истеъдодсизликдир. Бироқ бирор бир ўртамиёна шоир бундан тан олгиси келмайди. Оқабатда, у тақлидчи қофиябоз бўлиб қолаверади.

Чинакам истеъдодлар ижоди доимо «таланиш»га маҳкум. Акс ҳолда тақлидий шеърят ҳодисага айланмаган бўлур эди. Мана, бир мисол. Абдулла Ориповга тақлид қилувчилар кўп. Улар орасида унга тенгдош, даъвоси юксак «даҳо»лар ҳам, ўспири ижодкорлар ҳам бор. Бировлар Абдулла Ориповдан оҳанг, поэтик образни ўзлаштириш билан овора, яна бировлар унинг гоё ва фикрлари асосида шеър тўқийдилар...

У. АЗИМОВ. Битта йирик таланти ўнлаб, ҳатто ундан ҳам зиёд ўртамиёна шоирни ўз «ноғора»сига ўйнатади. Абдулла Ориповнинг чиқиши — шеърятимиз учун такрорланмас ҳодиса бўлган. Кўп ўтмай унинг шеърятини узоқ-яқин тақлидчилар қуршаб олишди... Кейин, унинг ижодига «қўл чўзиш» бошланди. Абдулла Орипов илҳом торлари тенгсиз шоир. Ундан оҳангми, образми — ниманидир ўзлаштириш мумкин. Лекин бу ўзлаштирма шеърнинг ичи — мағзи барибир пуч қолади. Сохта чечанлик ўз-ўзини фаш этади. Бир шоирнинг «Эльбрус» деган шеърини ўқиб қолдим. Ишонинг, ишонманг, оҳанг Абдулла Ориповнинг бундан анча йиллар муқаддам ёзилган «Арманистон» шеърини шундоққина олинган. Ҳатто қатор сатрлар эгизак қўзилардай бир-бирига ўхшаш. Масалан, «Арманистон»да: «Йўл усти сенга ҳам қўнганди Темури», дейилса, кейинги шеърда: «Сенинг тошларингга тирмашган Темури», қабилида гапирилади. «Эльбрус» муаллифи беш-олтита китоби чиққан киши. Наҳотки, у оҳангбозлик — шоирлик эмаслигини тушулмаган бўлса? Биров кашф этган оҳангни ўзлаштириб, гапни айлантириш шеър эзишнинг энг осон, силлиқ йўли...

И. ҲАҚҚУЛОВ. Мен айни маънода бошқа фактларга ҳам диққатни тортмоқчиман. Табиат фасллари ҳамма вақт, ҳамма ижодкорлар учун илҳом ва мавзу манбаи бўлиб келган. Бу бор гап. Лекин табиатнинг маълум бир фасли таассуротлари заминда яратилган шеърга тақлидан сўз айтишга нима дейсиз?! Абдулла Ориповнинг «Ўзбекистонда куз» шеърини яхши биласиз. У шундай бошланади:

Юргил, далаларга кетайлик дўстим,
Диққинафас уйда ётмоқ пайтимас.
Олтин Ўзбекистон тупроғи бу қун
Бир пари фаслнинг оғушида маст.

Келинг, мен қатъий хулосани айтмай. Яхшиси, ўзингиз Самандар Воҳидовнинг «Куз кезар» шеърини келтирилайдиган мазкур мисраларни бир муқояса қилиб кўринг:

Қани, ҳей, куз хомуш айлаган дўстим,
Хўрсиниб ўлтирма — ўйингда аёс.
Юр, деҳқон ёнида кутайлик кузни,
Гавжум дала узра ҳоким янгроқ соз!

Бу даъватда қандай янгилик бор? «Гавжум дала узра ҳоким янгроқ соз!». Бу — Абдулла Орипов шеърини: «Ҳар ёнда ҳоким бир ташвишли илҳом», мисрасидан кўчирма — ясама сатр. Разм солинг, биргина «ҳоким» сўзининг ўзидаёқ сир фашдир.

Самандар Воҳидов яна ёзади:

...Оддий мавжудотга Инсон номини
Бергувчи хислатлар ҳаддан зиёда.
Лекин мангуликининг бахт инъомини
Олишга муяссар — кўркмас ирода.

Абдулла Орипов «Ирода» шеърининг якунида дейди:

Неларни кўрмагай инсоннинг боши,
Неча бор қоврилиб, тирилган жаҳон.
Барига етаркан сабури бардонин,
Демак, иродадан яралган инсон.

А. Орипов инсон иродадан яралган деса, **С. Воҳидов** ирода «оддий мавжудотга» инсон номини берган дея ҳукм чиқаради. Наҳотки, шоирлик иши «Алиҳўжа»ни «Хўжаали»га айлантиришдан иборат бўлса?

Ушбу мисоллар билан **С. Воҳидов**ни тубдан тақлидчиликда айбламоқчи эмасман. Асло. Унинг машқ ва изланишларида ўзига хос томонлар ҳам бор. Аммо мавжуд далиллардан кўз юмиш ҳам инсофдан эмас.

Болта Ериевнинг «Боботог қўшиқлари» китобчасига назарингиз тушгандир. «Ҳаётга нидо, ўз элига муҳаббат, эътиқод, келажакка умид, истиқбол ишқиде ёниб яшаш ва қуйлаш — Болта Ериев шеърларига хос фазилат. Публицистик рух, кўтаринки кайфият шоир шеърлари ва дostonларига узукка ёқут қўз қўйгандай ярашиб тушади», дейди тўпламга ёзган сўзбошисига **Н. Нарзуллаев**. Қолбуки, бундай эмас. **Б. Ериев** китобида шеър деб кўрсатиладиган мисраларнинг ўзи оз. Машқлари ҳароратсиз. Авжсиз. Аксар, сўзнинг қуруқ шовқинларидан иборат:

Бир-бирин ошчлаб, бир-бирин сийпаб,
Бир-бирин бўйнига оширганча қўл.
Бир-бирин кўксига қўйиб ётар лаб,
Тохиру Зухродай, ана, дарё, чўл.

Мана, **Б. Ериев**нинг «жануб куёшидай ҳароратли ва эҳтиросли, туйғуларни тиниқ ва мушоҳадаси теран» шеърларидан бир парча. Бунда ҳарорат қани? Қани эҳтирос, тиниқ туйғу? Теран мушоҳада қани? Бу ҳам етмагандек, **Б. Ериев** жуда укувсизлик билан **А. Орипов** шеърятидан гоҳ фикр, гоҳ образ ўзлаштиради.

Бугун бош устингда яшнаган япроқ,
Шовуллаб тўқилар эрта пойнингга.

Мазкур байт А. Ориповнинг «Кўпдан кутган эдим...» шеърини. **Б. Ериев**нинг «Боғларни кезасан паршон» шеърини ана шу фикр қуйидагича қайтарилади:

Хайлга хисларинг қоринган,
Шовуллаб тўқилар япроқлар.
Шовуллаб тўқилар ҳазонлар,
Беозор ўнади пойнингга.

Таклидчилик — фикрсизликини яшириш десак, шу тўрт сатр бу интилиш маҳсулидир. Бундай сатрларни тизиб учун на дард, на илҳом, на фавқуллодда малака керак! Ҳозир бизда Болта Ериевлар озми?!

У. АЗИМОВ. Сўнги пайтларда Рауф Парфи таклидчилари ҳам кўпайиб кетди. Рауф Парфи жаҳон тараққийпарвар адабиёти тажрибаларидан кенг хабардор ижодкор. Унинг изланишлари, энг аввало, шоир қалбининг синтезланиш ҳолатини ифода этади. Унда ўз юрагидан беаёв талаб, юракни беомон тадқиқ этиш туйғулари кучли. У шеърятимизга ҳаётга фақат ўз кўзи билан қаровчи, поэтик тасвирда фақат «ўз» сўзларини ишлатиш, сўзларни бир-бирига янгича боғлашдаги демократизми билан кириб келган эди. Унинг таклидчилари эса воқеликка Р. Парфи нигоҳи билан қарамоқдалар. Сўз ишлатиш услуби, оҳанг ва образларини кўр-кўрона кўчирмоқдалар. Оқибатда, «соя шеър»лар пайдо бўлаётди.

Р. Парфи — оригинал шоир. Унинг руҳи нозик, инжиқ. Гоҳо ўзи ҳам сабабини билавермайдиган даражада мураккаб ижодкор. Унда рангларий, ранглардаги оҳангларни кўра билиш қобилияти ўзгача. Унга таклид қилган ҳар бир шоирни мағлубият кутади. Такрор айтаман: мағлубият ва фақат мағлубият кутади!

И. ҲАҚҚУЛОВ. Бизга битта Р. Парфи етади. Иккинчиси ортиқча! Р. Парфининг юрак шахсияти — оғрикли шахсият. Оғрик — унинг кўнгли нажоти. У шеърда инсоний оғрик сувратларини чизади. Сўзини одам дилида тугилган изтиробли ҳолат ва кайфиятлар таржимаи ҳолига айлантиради. Унинг ҳар бир шеърда эзгу азоб бор! Унга таклид қиладиганлар эса табиатан ўзгача характердаги кишилар. Р. Парфидан кейин «сукунат», «хотирот», «ёмғир», «шамол» каби образларни қўллаш айрим ёшлар ўртасида расмга айланиб кетди. Яқинда ўспириш шоирлардан бирининг илк тўпламини ўқиб чиқдим. Унинг шеърларига Р. Парфининг беш-олти сатри айрим сўз ўзгаришлари билан айнан кўчган экан. Ҳалиги шоир билан учрашиб қолдик. Китобидан олган таассуротлариму танқидий мулоҳазаларимни унга айтдим. «Рауф Парфининг баъзи мисралари шеърларингизга ўтиб қолибди», деганимда, негадир у оғринмади. Ўзини оқлашга ҳам интилмади: «Ўтган бўлса, бордир. Ўзим сезмаганман. Аммо айримларга ўхшаб, рўй-рост ўгирлаганим йўқ», деди. У ҳақ гапни айтди. Аммо бу ҳақда ҳозир батафсил тўхталишга имкон йўқ. Шу боисдан биргина характерли мисол билан чегаралаймоқчиман.

Р. Парфи йигирма йилча мукаддам шундай шеър яратган:

Бир қушча деразам ёнида
Ўтирар паришон ва ғариб.
Йиғлайди, кўзлари ёнида,
Кўзлари иккита марварид.
Бир ажиб навога ўхшайди,
Шоирга ўхшайди бир ҳассос.
Мискин соз чалмоққа у шайдир,
Дардига бордир-ку бир асос.
Мен унга қарайман оҳишта,
Мен қушча ҳолига йиғлайман.
Билмайман ва лекин не истар,
Билмайман, ҳеч қачон, билмайман...

Мана энди, ёш шоир Турсун Али нима деб ёзади:

Ҳар куни деразам ёнига
Паришон келади бир қушча.
Бўм-бўш уйга тикилару жим

Кўзларида порлар исирга.
Деразам ёнида ҳар куни
Паришон туради бир қушча.
Қилт этсам шайлар учишга,
Мен қўрмаман қимир этишга.

Бунда таъсирланган дейиш хато, бу тўппа-тўғри нусха кўчиришдир. Икки шеърда ҳам образ битта — паришон қушча. Бу қушча биринчи шеърда дераза ёнида «паришон ва ғариб» ўтиради. Иккинчисиде дераза ёнига ҳар кун паришон келади. Демак, образ ҳолатида ҳам кескин тафовут йўқ. Р. Парфида «мискин соз чалмоққа шай» қушчанинг кўзлари «иккита марварид»га ўхшатишган. Т. Али бу ташбеҳни ўзича «янгилаб», «Кўзларида порлар исирга», дейди! Қушча кўзларини «исирга»га қиёслаш қанчалар нотабий. Хуллас, Т. Али ёшлар шеърятини анча кенг томир отган шеърдан «шеър» яшанинг типик намунасини кўрсатган.

Ижодда ҳар қандай юксак адабий таъсирлардан кутулишга бел боғлаган қаламакашгина ютади. Шеърда ўзини топа билиш — дил таржимаи ҳолини қаттиқ ҳис қилиш керак.

У. АЗИМОВ. Бунинг учун ҳақиқий талант бўлиши керак. Адабиёт ўз тақдирини ана ўшандай мустақил руҳли талантларга ишонади. Халқ эса доимо унинг қисматини хор этмайдиган истеъдодларни дунёга келтираверади. Улар маълум бир даврларда шуҳрат топган, ўзини адабий жараёнда ҳоким сезган қофиябозлар башарасини ўз истеъдодлари кўзгусида фош этадилар. Ғафур Ғулومнинг «Турксиб йўлларида», «Вақт», «Сен етим эмассан» каби ўлмас шеърлари пайдо бўлгандаги сўзбозлар аҳволини бир тасаввур қилиб кўринг! Усмон Носир шеърлари-чи?! Мен Э. Воҳидов, А. Орипов шеърятга кириб келган даврларнинг гувоҳи бўлганман. Биз мактаб болалари бу шоирларнинг митти китобчаларини қанчалик чанқоқлик билан ўқиган эдик. Ушанда қалин-қалин айрим шеърини китоблар нечоғли яроқсиз бўлиб, санокли фурсатларда назардан қолгани, юрагимизга бегона эканлигини сезганмиз. Ҳали-ҳануз эсимда, «Шарқ юлдузи» журналининг 1966 йил 1-сониде Асқад Мухтор сўзбошиши билан Р. Парфининг илк туркум шеърлари эълон қилинди. Бу шеърлар бизга тезда ёд бўлиб кетди. То ҳануз кишлокқа борганимда, шеърпараст синфдошларим шоир сатри билан: «Ёмғир ёғар, шигалаб ёғар...» деб саломлашадилар. Талантлар тез, ҳеч ким билан ҳисоблашмай адабиёт тараққийига таъсир кўрсатади. Уни янги уфқлар сари бошлайди. Мен халқ олқишига сазовор бўлган ҳамма ижодкорлар номини санаб ўтирмайман. Адабиётимизда келажакда ҳам улкан талантлар пайдо бўлаверади. Зотан, бугунги адабиётимизнинг умумий руҳи кишини шунга ишонтиради!

И. ҲАҚҚУЛОВ. Сиз талант сўзини кўп такрорла-япсиз. В. Белинский ёзадики: «Талант ҳақида бир сўз ҳам айтмаймиз, талант бўлса бўлаверсин: аммо гап талантнинг қай даража бўлишида! Агар талант ўзи интилган мақсад ва бошлаган ташаббуси даражасида туришга ожизлик қилар экан, сиз ундан мева кутиб турган чоғингизда, у фақат самарасиз гул очиб беради, холос». Шоир учун энг муҳим ва энг қийин жиҳатлардан бири дастлабки ижодий нафасга содиқ қолишдир. Истеъдод йўналишидан чалғимасликдир. Аксинча, адабиётимизда Белинский айтганидек, ўзи интилган мақсад ва ташаббус даражасида туришга ожизлик қилаётганлар ҳам анчагина. Улар иқтидор йўналишига мос келмайдиган, ички эҳтиёждан маҳ-

рум шеър билан «бонг» уришда давом этишмоқда. Ана шундайларнинг шеър ва китобларини ўқисам, негадир, Расул Ҳамзатовнинг «мардонавор шеърлар билан машхур бўлган куёнюраклар» тўғрисидаги қайдлари эсимга тушаверади. Бу шўрликлар шеърларида Ватан, халқ, жасорат ҳақида ёзишади-ю, амалда «бола-чақа, ўтин-кўмир, уй-жой ташвиши»га ботиб қолишган. Энг ачинарлиси, улар ўз асарларига ижобий баҳони ўзлари беришади. Ўзларини гўё келажак санъаткори мавқеида кўришади. Улар билан гаплашиб қолсангиз, Сизга адабий танқидимизнинг дид ва савияси бениҳоя пастлигини писанда қилишади. Тупроқдан тиллони фарқлайдиган мунаққидлар йўқлигини айтиб, куйинишади...

У. АЗИМОВ. Талант — шижоат демак. Тахминмача, бу ўлимдан устун турадиган инсоний жасоратдир. Талант тебранимайди. Қатъий мақсад манзилида собит туриб, одам руҳи ва қалбига титрок солади. Бизда ўз хаёлларидан ўзлари кўрқиб кун кечирадиган шеъротарлар анчагина. Уларда поэтик қобилият бўлиши мумкин. Лекин бари бир улар аянч кимса, ўртамиёна шоирдан ҳам тубанроқ қофия-бозлардир. Фожиа шуки, бу қобилиятли ва қобилиятсиз қофиябозлар ўқувчи дилида жон узаётган шеърлари ўлимини ўз кўзлари билан кўриб, билиб турибдилар. Ҳақиқатни бўйинга олгудек имон йўқ уларда!.. Уша аламзадалар ҳозир ўртага бир шиор ташлашпти: «Ҳаммага бир хил назарда қаралсин! Абдулла Орипов ёки Омон Матжоннинг китоби ўн босма тобоқ ҳажмида босилади-ю, нега меники чиқмайди?! Нега фалончига 60 минг тираж берилди-ю, менга бунча?» Улар бир нарсада ҳақдирлар. Уша фалончининг китоби чиндан ҳам катта тиражда нашр этиляпти. Чунки у истеъдодли шоир. Аммо бу қобилиятсизлар бошқа бир ҳолатдан ҳам огоҳ: ёзиш касалига чалинган бировларнинг чинакам адабиётга алоқаси бўлмаган асарлари том-том қилиб босил-ляпти-да!

Менимча, адабиётимизда ҳақиқий ижодий маҳорат билан яратилган асарларинигина тан олиш, қўллаб-қувватлаш, тақдирлаш пайти етди. Бунинг учун адабиётга алоқадор катта-кичик ҳамма виждонан йўл тутishi керак.

КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Ю. В. Андроповнинг шу йил июнь Пленумида сўзлаган нутқида айтиладики: «Ғоявий жиҳатдан ёт ва профессионал жиҳатдан заиф асарларга нисбатан актив, сезгир, эътиборли ва шу билан бирга муросасиз марксча-ленинча танқид бадиий ижодиётга таъсир ўтказишнинг асосий методи бўлиши керак». Бинобарин, «профессионал жиҳатдан заиф» асар ҳам «ғоявий жиҳатдан ёт» асардек ўта зарарлидир. Нашриётлар, газета ва журналлар бундай асарларга нисбатан тўғон бўлиши лозим. Бу масъул идораларда фақат ва фақат талантга хайрихоҳ, дунёнинг пасту баландини яхши англайдиган, кўнгли кенг, бағри бут одамлар ўтирмоғи зарур. Афсуски, бу ҳозирча орзу. Қофия-бозлар кўпроқ «гуллаб-яшнашпти!» Асарлари чиройли муқоваларда босилиб, китоб дўконларида қалашиб ётибди. Бундан бошқа бир масала ҳам келиб чиқади. Бу китоблар кимга хизмат қилади? Чаламулла ўқувчиларга! Уртамиёна ижодкорлар халқ дидини бузаётганликлари учун ҳам адабиёт, қолаверса, келажак олдида айбдордирлар. Бу айбнинг жуда катта қисми ошна-оғайнигарчилик, таниш-билишчилик «фалсафа»сини ҳаётий дастур қилиб олган, ўз ишига давлат ва партия нуқтаи назаридан

қарашга ноқобил, халқ манфаатини шахсияти йўлида топтайдиган учар қорчалонлар зиммасига тушади. Мен буларни бир ўқувчи сифатида айтяпман. Шеърининг юксалиши яна кўп обектив ва субъектив сабаблар билан ҳам белгиланади. Танқидчиликнинг адабиёт тараққиётидаги ўрни ва роли қанчалар муҳимлигини изоҳлашнинг ўзи ортиқча. Аммо бизнинг танқидчилик шеърятимиз олдида ўта бурчдордир. «Литературная газета»нинг ўтган йилги сонларидан бирида, академик Д. Лихачев шундай фикрларни ўртага ташлагани эсимда: «Буюк санъат буюк ўқувчиларни, буюк тингловчиларни, буюк томошабинларни талаб қилади. Бироқ ҳаммадан ҳам бу «буюклик»ни талаб этавериш мумкинми?»

Буюк ўқувчилар, тингловчилар, томошабинлар бор. Булар танқидчилар — адабиётшунос, мусикашунос, санъатшунослардирлар.

... Ҳа, бугун танқидчиликнинг зиммасига алоҳида жавобгарлик тушиб турибди. Фақат ва фақат угина санъатдаги чинакам ижод билан ёлғонни, ҳақиқий халқчил билан сохтани, оригинал билан яқсамани фарқлаб, ўқувчига ажратиб бериши керак».

Эҳтимол, бизнинг адабиётимизда «буюк санъат» асарлари ҳаддан ташқари оздир. Эҳтимол, улар ҳали келажакда яратилар. Лекин, инсоф билан айтинг-чи, бизда ўртамиёна шеърларнинг урчиб кетиши, бутун фаолияти ғайритабиийлик ҳам саёзликдан иборат шоирларнинг эркин «ўсиш»ларида танқидчиликнинг айби йўқми?

И. ҲАҚҚУЛОВ. Танқидчиликнинг адабиёт олдида бурчдор экани, Сиз айтмоқчи, айби борлигини биламан. Бизнинг адабий танқид — кўп кучини беҳуда мақтовларга сарфлаб, бир қадар толиққан, қисман лоқайд адабий танқиддир. У руҳий қаҳатчилик жафолари нималигини бошдан кечираётир. Ундаги ҳиссий идрок ҳали кишини қувонтира олмайди. У дунёга мустақил ва фалсафий назар билан қараш учун то ҳануз теран бир малака пайдо қилгани йўқ. Қатор мунаққидлар халқ ва умум адабиёт манфатлари учун эмас, алоҳида «шахс»ларнинг яроқсиз асарлари «таҳлили» ва ташвиқи учун тер тўкиб хизмат қилганликларини айтмайсизми? Муросанинг тили силлиқ. Беозор. У кимнингдир кўнглини овлашни, ҳақ сўз билан дилини оғритиб қўймаслиқни билади. Бас, шундай экан, танқид зиммасидаги бурчини тўла ва ҳалол адо этолмаслиги табиий. Хуллас, адабий танқиднинг дардига дармон бўладиган, адабиётдан ўзга на дард, на ташвиши йўқ, юксак дидли мунаққидларнинг сафи кенгайиши, улар, озчилик бўлишига қарамасдан, ибратли ишларни амалга оширган устоз мунаққидлар анъаналарини ривожлантиришлари керак.

У. АЗИМОВ. Шеър — бу ҳақиқат. Шеър — бу виждон. Шеър — келажак авлодлар олдидаги тавба-тазарру! Шундай шоирлар ҳам борки, улар шеърда ўзларига нисбатан ўқувчидан ачинаш таъма қиладилар. Бу — маънавий қашшоқлик ботқоғига чўкишдир. Танқид бу хилдаги шоирларга қарши курашмоғи лозим. Шахсан мен дунёда кечаётган ақл бовар қилмас воқеалар, замонамиздаги алғов-далғов муаммолар, халқ ва Ватан истиқболи, дардлари турганда, ўзининг майда оғриқ, ўткинчи ҳасратлари «лаzzати»дан сархуш шоирларга хайрихоҳ бўлолмайман ва доимо бундай қаламқашлар асарларини қабул қилмайдиганлар сафида қоламан. Албатта ҳар бир шоир ижодида учрайдиган энг яхши, энг самимий шеър — шахсий шеърлардир. Гап катта ва муҳим воқеа-ходисаларни шахсий-

лаштириш ҳақида кетаётир. Шеърятнинг гоёвий тор, тириклик шамоллари суст, тушқун ва сохта кайфиятлар билан ўралашиб қолишига тубдан қаршиман. Шеърят некбин туйғулар тараққийси ва тантанаси учун хизмат қилмоғи шарт.

И. ҲАҚҚУЛОВ. Некбин туйғулар деганда нималарни назарда тутаётирсиз?

У. АЗИМОВ. Сизни тушундим. Мен асос негизи ёлғон пафос бўлиб қолган, фақат яшашни кўзлаб, ўлимни эсдан чиқарган, моҳиятини тўлиқ англамасдан туриб, «қувонч» касалига гирифтор бўлган хушомадгуй, мукофотталаб, «ура-ура»чи «оптимизм»ни айтаётганим йўқ. Мен ўйлаган, мен истаган некбинлик — ҳали номукамал, ҳали аёвсиз сохта-лаштирилган кўп улкан ҳақиқатларга қарши шорнинг, — дўзах ўтида ўртаниб, оловларда ёнган шор қалбининг орзу-умидлари. Суянч армонларидир. У — курашчан, эзгуликка сўғинадиган, бу йўлда қийналадиган, изтироблари улуг оптимизмидир. Мана, А. Ориповнинг «Баҳор» шеъри. Менга бундай шеърлар неча ўн йилларда бир марта ёзиладиганга ўхшаб кўринади. Дунёдаги оғир йўқотиш аламлари тасвирланган мазкур шеър нақадар некбин, юксак пардаларда тугалланган:

Қизгалдоқ баргидек учар дилдан ғам,
Тошқинлар киради қалбимга маним.
Баҳоринг муборақ бўлсин ушбу дам,
Менинг Ўзбекистон — дилбар Ватаним.
Фақат сен қалбимга чўктирмай малол,
Чарчаган руҳимга илҳом солурсан.
Баҳор ҳам, умр ҳам ўтар эҳтимол,
Фақат сен дунёда мангу қолурсан.

Марсия оҳангларига тўла бу шеър ҳаёт тантанаси, улуг туйғулар барҳаётлиги, энг муҳими, барчамизнинг жону танимиз — она Ўзбекистон мангулиги тўғрисидаги гимн бўлиб қалбларда акс садо беради.

И. ҲАҚҚУЛОВ Ўз шахси ва ижодига танқидий қараш — ёзувчининг доимий ўсиш омилларидандир. Фаҳму фаросати чуқур ижодкорнинг биринчи «душмани» ўзи. Бошқалар унга ҳар қанча меҳр-шафқат кўрсатиб, асарларини кўкка кўтаришмасин, у бари бир, ўзига-ўзи биринчи «душман» бўлиб қолаверади.

Шундагина санъаткор ичдан узлуксиз тозаланиб боради. Кун сайин руҳан улғаяди. Янгидан-янги гоёвий уфқларни ишғол этади. Маҳоратнинг олий чўкқиларига эриша боради. Шундагина, Отар Чиладзе айтганидек: «Бошқалар ўлмаслиги учун ёзувчи ҳар кун ўз иш столида» мардона туриб ўла олади. Масалан, Сиз шеърятингиз юзасидан билдирилган танқидий мулоҳазаларга қандай қарайсиз? Шу пайтгача ёзилган шеърларингизга ўзингизнинг танқидий муносабатингиз қандай?

У. АЗИМОВ. Қандай бўларди? Биринчидан, жуда кўп шеърларимни нашр эттирмасдим. Камтарлик қилапти деманг. Аксарият машқларимни ўқиб, энди энди қаттиқ хижолат тортаман. Езганларим тўғрисида айтилган танқидий фикрларни, қандайдир дақиқаларда оғриниш билан бўлса-да, тез қабул қиламан. Ортиқча ва носамимий мактовларга келсак, ўз кадрини сал-пал биладиган ижодкор учун бу — иқтидорни чўктирадиган машғум ва тубсиз ботқоқдир. Егочнинг бўшини қурт ейди доим — содда ва оддий бу ҳикматда гап кўп. Атрофингизга бир қаранг, мактов, юзсизларча кўтара-кўтарлар туфайли, мунаққидларимизнинг ҳақиқатни очиқ-ойдин айтишга ноқобилликлари сабабли, охири гораат бўлган истеъдодлар камми? Истагим: ўзимизга нисбатан танқидий қарашни доимий кучайтириб, бир-биримизни қуруқ макташлардан бутунлай воз кечиб, она Шеърятимиз учун фарзандларча куйиниш ва қўлдан келган ишни ҳар турли таъмалардан холи, тоза юрак билан бажаришга эришмоғимиз лозим. Ижодкор шахси қанча тез теранлашса, покликка эришса, адабиёт йўли шунчалар раво ва равшан бўлади.

Ҳамма жойда ҳам талантсизларни енгиш мушкул дейишади. Лекин улардан голиб келиш мумкин ва керак! Фақат, адабиётдаги соф кучлар бу йўлда бирлашишлари, адабиётни сабот билан ҳимоя қила олишлари зарур.

Ҳали бутун рўйи жаҳон шеър бўлажак!
Фақат бекор билиб ором қучоғини —
Бу дунёни сирга кўмиб яшаш керак,
Қалбга санчиб шеърятнинг пичоғини...





Битта кўйлак деб...

Статистларимиз кейинги пайтларда бир фактни такрор-такрор қайд қилмоқдалар: кўпдан-кўп тарбиявий ишлар амалга оширилиши, чора-тадбирлар қўлланишига қарамай, афсуски, қўйди-чикдиларнинг, айниқса, ажрим бўлиб кетаётган ёш оилаларнинг сони камайماпти.

Оилаларнинг бузилишларига сабаблар жуда кўп. Баъзан куёв-келиндарнинг ўзаро «характерлари тўғри келмай» қолади, баъзан эса бошқа сабаблар юз беради. Аммо, тажриба кўрсатишича, кўп ҳоллар учун умумий бўлган бир нарса бор: бу — ёшларнинг ҳаётни яхши билмасликлари, турмушнинг оғирию енгилига тайёр эмасликлари, оила тебратишга энгилтаклик билан қараётганликларидир.

...Район халқ суди идорасига кириб келган аёл кўзидаги ёшни рўмоли учи билан артганича суд раисига илтижоли назар ташлади.

— Ўғлимга насиҳат қилиб қўйинг, болам, хотини билан ажрашмасин. Икковини яраштириб қўйинг. Кечаю кундуз дуоингизни қилиб ўтай. Ўғил-қизларингизнинг роҳатини кўринг. Ўғил уйлантиринг, аммо менга ўхшаб жафосини тортманг.

Суд раиси онага тасалли берди.

— Кўп куйинманг, буви. Уриниб кўрамиз. Аммо бир бошдан гапириб беринг, нима бўлди?

Кампир бир дақиқа жим қолди. Сўнгра ўйчанлик билан гап бошлади. Айтишига қараганда, у ҳаётнинг аччиқ-чучугини кўп тотган экан. Эри урушда ҳалок бўлибди. Йигирма беш ёшли бева қўлида тўртта боласи билан қолибди. Умрини ўша норасидаларга бағишлабди. Киймабди — уларни кийинтирибди, ичмай-емай уларга едирибди. Катта ўғиллар уйли-жойли бўлиб, ўзларидан тинчиб кетишибди. Аммо кенжа ўғил...

Сочларидаги оқ толалар кундан-кун ортиб бораётган она ягона истагининг амалга ошишини, яъни кенжа ўғдининг ҳам бахт-иқболини кўришни истаркан. Шу ўғилнинг бошини иккита қиламан деб тирноқлаб йиғибди. Кечалари ухламай, бировларнинг тўнларини тикибди, кўрпаларини қавибди, чеварлик қилибди. Ниҳоят ўғилни ўз севган қизига уйлантирибди.

Уч-тўрт ой давомида уларнинг турмушлари яхши ўтибди. Аммо кейин уй жанжалнинг кони бўлиб қолибди. Эрта ҳам жанжал экан, кечқурун ҳам. Келин эрининг маошини камситиб, асабига тега бошлабди. «Фалончихон яхудий атласдан кўйлак кийибди. Менга сиз

Назиржон
Раҳимов

БУ — УМР САВДОСИ

Мақола муаллифи — адлия ходими. У мазкур мақолага кўп йиллик иш тажрибаси давомида кўрган-билганларини асос қилиб олган. «Оила жамиятимизнинг кичик бир ячейкаси экан, уни ҳар томонлама мустаҳкамламоқ учун қатъий кураш олиб боришимиз лозим», — деган хулосага келади автор ва оилавий турмушнинг турли қирралари, йнқир-чўнқирлари тўғрисида фикр юритади.

ўшанақасидан олиб беролмадингиз. Орқа-олдингизга қараб уйланмайсизми?» дебди бир куни. Йигит ҳам жаҳл устида «Бўлмаса бўйни йўғон биронта омбор мудиридан топиб олинг!» дебди. «Топсам топаман ҳам, — жавоб қилибди келин, — фалончи раиснинг ўғли орқамдан соядай эргашиб юрарди. Сиз ўртага тушиб, хира пашша бўлдингиз. Битта кўйлақка кучингиз етмас экан...»

Она ўғлига насиҳат қилибди:

— Қўявер, болам, оғир бўл. Битта-иккита болалик бўлса, босилиб қолар. Унгача сенинг маошинг ошиб қолса ҳам ажаб эмас.

Келинига деркан:

— Кўп куйинаверманг, қизим. Замон сизларники. Ҳали яхудий атлас ҳам киясиз, ундан қимматроғидан ҳам. Фақат сабр қилинг.

Келин қайнонани ҳам «чақиб» олибди: «Ойи, ўша сабрни май байрамига кўйлақ қилиб кийиб чиқса бўладими?»

Йигит газабланиб «Йўқол! — дебди. — Сендақадан мингтасини топиб оламан».

«Мен миллионтасини топаман!» — жавоб қайтарибди келин.

Кампирнинг кўзи яна намланди.

— Ўғлим ҳам шошқалоқлик қилди, келиним ҳам, судья болам! Келиним бир кун қуюлиб қолади. Кўнглим сезиб турибди. Ажратиб юборманг уларни. Кейин яхши бўлиб кетишади.

Кўриниб турибдики, бу келин ўз уйида ҳийла эркатой бўлиб ўсган. Оилавий турмуш бир кунлик ёки бир йиллик эмаслигини, у умр савдоси эканлигини тушунмаган. Ҳаётга энгил кўз билан қараган. Холбуки, оилавий умрнинг қўш йўли текис, асфальт йўлдангина иборат эмас. Унинг талайгина ўнқир-чўнқирлари, гирдоблари бўлади. Фақат ўшалардан муваффақият билан ўтиб олганларгагина толенинг ёрқин юлдузи кулиб боқади.

Ажралишларнинг сабабларидан яна бири кўп ҳолларда куёв бўлмиш йигитнинг ҳаётда ҳамма нарсага осонгина эришганлигидадир. Унга тўёна сифатида дангиллама уй, гиламларгача, ҳатто машиналаргача тайёрлаб қўйилади. Нима учундир баъзи ота-оналар, боламиз уйланмоқчи экан, тўй ҳаражатларига ўзи ҳам пешона тери билан меҳнат қилиб, ҳисса қўшсин, уйни ҳам ўзи қурсин, дейишмайди. Йил ўн икки ой ўзлари ишлаб, емай-ичмай, ўғилнинг бошини иккита қилиб қўйиш ҳаракатида бўладилар. Натижа шу билан тугайдикки, ҳамма нарсага осонгина эга бўлиб олган куёв бу тўй меҳнатлар, қийинчиликлар, тежаб-тергашлар эвазига бўлаётганини тушунмайди. Орада сал кўнгилсиз гап ўтган куни қаллигининг «патта»сини қўлига тутқазмоқчи бўлади.

Агар у бироз машаққат тортиб, азият чекиб, елкаси отфобда куйиб гишт тайёрлаганда, лой қориб, қурилиш материаллари излаб сарсон бўлганида, ўша гарнитур гиламларни ҳам пешона тери эвазига сотиб олганида, хотинга

жавоб беришдан аввал бироз дўнчисини ерга олиб қўйиб, мулоҳазага борарди. «Мана энди мен уй-жойлиман, бола-чақалиман. Машаққат билан қурган оилани сақлаб қолай» деган бўларди.

«Ҳеч бўлмаганда, оилада жанжал кўтарилганда «бир гапдан қолсам қолибман-да!» дея бирдан юзгача санаб келиш учун кўчага чиқиб, жаҳлдан тушиб қайтарди.

«Менинг иккита онам бор...»

«Ешлик» журнаlining 4-сонидаги «Яшил дафтар» сарлавҳали мақолани ўқидиму ўйлаиб қолдим. Қуйидаги сатрлар менга қаттиқ таъсир қилди.

«... — Ҳозир сўз куёвнинг дадалари — ҳаммамизнинг ҳурматли ўқитувчимиз Носиржонга берилади.

Эликларга бориб қолган, ўрта бўй, башанг кийинган одам ўртага чиқди. Кимдир тутқазиб қўйган микрофони авайлаб қўлига олди.

— Менинг энг катта орзум ушалаётган кун бу оқшом, — деди у тўпланганларга тикилиб, — чунки битта болам иккита бўляпти...

Эшитдингизми, шу кундан бошлаб менга дада бўлаётган одам ўз сўзини «Битта болам иккита бўляпти» деб бошлади. Йўқ, «ўғлимнинг тўйини кўряшман, шунинг учун ҳам шодман, бахтлиман», демади, «болам иккита бўляпти» деди.

Бизнинг дадамиз шу сўздан кейин иккаламизнинг ёнимизга келди-да, таъзимга эгилган бошларимизни кўтариб, пешонамиздан ўпиб қўйди...»

Қайнота, қайнона... Улар ҳам аслида бизга ота ва она. Сиз қайнота бўляпсизми, демак, бировнинг боласига ота бўляпсиз, қайнона бўлсангиз, она бўляпсиз. Мен шундай тушунаман. Ўша «Яшил дафтар»да айтилганидек, қайнота ва қайноналардан меҳр-муҳаббатларини ҳам ўз фарзандлари ва улар билан умрларини бирга боғлаган янги фарзандлар ўртасида тенг баҳам кўриш талаб қилинади. Ана шундагина келин-куёв оқибатли бўладилар.

...Бундан бир неча йил аввал республика телевидениеси орқали олиб борилган қайси бир баҳсда Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофоти лауреати актриса Гулчехра Саъдуллаевага кимдир савол берди.

— Айтингчи, сиз қайнонангиз билан қандай муносабатдасиз?

Актриса жилмайиб қўйди-да, жавоб қилди.

— Кечирасиз, менинг қайнонам йўқ, менинг иккита онам бор.

Шу гап билан актриса ҳам ўзининг иккинчи онаси — қайнонасига бўлган буюк ҳурматини ифода қилди, ҳам ҳалиги «илмоқли» савол берган кишининг «оғзини ёпиб» қўйди.

Дарҳақиқат, баъзи оилалардаги қайнона-

келин орасидаги муносабатларни кўриб, ҳавас қиласан, киши. Яқинда поездда шундай суҳбатнинг шоҳиди бўлдим. Олтмишларга бориб қолган аёл шеригига шикоят қиларди.

— Ўғлим хотини билан ажралишмоқчи... Уч кундан кейин судлари бўлади. Юрагим эзилиб кетяпти, овсинжон: Мунчоқдай-мунчоқдай учта боласи бор-а! Уларни ҳоли нима кечади? Келинимни айтмайсизми, келинимни! Мен уни келин демайман, қизим дейман. «Ойижон, ойижон» дея атрофимда гиргиттон бўлади.

— Ҳўш, нега ажралишар экан? — сўради ёнидаги шериги.

— Ҳозирги ёшларга теккан касал бу ўзи! Ишхонасидаги сочлари калта бир модний қизни яхши кўриб қолибди ўғлим. Роса насихат қилдим. «Ҳой болам, фарзандларингни-ку ўйламабсан, ҳеч бўлмаса мени, оқ сут берган онангни ўйламадингми? Келинимсиз қандай яшайман мен? Ўзимга худо қиз ато қилмаган бўлса!» Ҳеч унамаяпти боласи тушмагур. Роса бошим қотиб қолди...

Хаёлимда узоқ уруш йиллари жонланди. Мен ўшанда ёш бола эдим. Аммо қайнона-келин орасидаги бир буюк муҳаббатнинг шоҳиди бўлганман.

Қўшнимиз Нодир ака урушдан бир оёқсиз қайтдию, ичкиликка ружу қўйиб юборди. Ҳар сафар ичиб келгач, жанжал бошлар, ҳассасини кўтарганча бир оёқлаб, оиладаги барча тирик жонни қувлаб қоларди. «Конгузиянинг асорати бу» дейишарди катталар. Айниқса унинг 35 ёшлардаги хотини ва саксонга бориб қолган икки кўзи ожиза онаси кўп азият чекардилар.

Кунлардан бирида Нодир ака яна ширакайф келди-да, хотинига қўл кўтарди. Шунда онаси Тиллахон кампир юм-юм йиғлади. Пайнаслаб бориб, келинини топди. Унинг қоп-қора сочларини титроқ бармоқлари билан оҳиста силади. «Йиғламанг, қизим», дея юпатди.

Эртасига эса, ўғли ҳушига келгач, кўзларида ёш қалқиганча унга юзланди.

— Сен нега урасан Нодирахонни, ўғлим, нега урасан? Нима ёмонлик қилди бу шўрлик сенга? Шунинг ўрнига мени урмайсанми? Ўзинг ўйлаб кўр, сен йўқсан, у тўрт йил давомида бешта болангни ош-нонга, кийим-кечакка зор қилмай боқди. Мени, кўр онангни парваришлади. Менинг очиқ кўзим бўлди у. Нега уни урасан?

Кўр одамнинг йиғлаганини кўрганмисиз? Жуда даҳшатли манзара бўларкан. Мен ўшанда биринчи марта кўргандим...

— Билиб қўй, ўғлим, — деди кампир бир хўрсиниб олиб, — билиб қўй. У қулогингу-бу қулогинг билан эшит. Менинг кунларим саноқли. Агар ўтиб кетганимдан сўнг келинимга қиттак озор берсанг, нақ гўримда тик тураман!

Нодир чўлоқ ўша кундан бошлаб ичишни ташлаб юборди.

Уйингизга меҳмон келса, уни иззат-икром

билан тўрға ўтқазасиз. Чунки у — меҳмон. Келин ҳам хонадонингизнинг меҳмони. Фақат бир фарқи бор — у бир умрлик меҳмон. Унинг қайнонага нисбатан қандай муносабатда бўлиши фақат қайнонанинг ўзига боғлиқ. Ахир, ҳар бир инсон яхши сўзнинг гадоси. Унинг дилига йўл топсангиз, меҳру-муҳаббатини сиздан аямайди. Фақат ширинсўз, яхши муомала керак. Дўқ-пўписа, дағдағаларнинг замони аллақачон ўтиб кетган. Едимга қаердадир ўқиганим бир ривоят тушди.

Қуёш билан шамол ким кучли дея баҳслашиб қолишибди. «Мен кучлиман» дебди шамол ва йўлда кетаётган сайёҳнинг устидаги тўнини бор кучи билан тортқилай бошлабди. Сайёҳ тўнига маҳкамроқ ўралибди. Шу пайт қуёш булутлар орасидан жилмайиб чиқиб келибди-да, оламни нурга кўмиб ташлабди. Ер юзи илиб кетибди. Сайёҳ тўнини ўз-ўзидан ечибди.

...Суд кетяпти.

— Айтингчи, эрингиз билан ажралишни хоҳлайсизми?

Яқиндагина келин бўлган ёш аёл кўзларини ерга қадади.

— Йўқ.

— Сиз-чи? — сўрайди судья куёвдан.

— Мен ҳам ажралишни хоҳламайман, — жавоб қилади у.

— Бўлмаса нега ажралиш тўғрисида ариза бердингиз?

— Онамга жаҳл қилиб, аччиқ устида ёзганман.

— Ҳа! — аюҳаннос кўтарди аёллардан бири, — бу алвасти ўғлимнинг бошини шундай қилиб боғлаб олган. Ким ёмон — онаси ёмон. Бунинг тилини ҳам қисик қилиб қўйган.

...Яна кўнгилсиз иш, ажралиш ҳақидаги иш кўриляпти. Ешларнинг турмуш қурганларига атиги беш ой бўлган, холос. Иккаласининг ҳам кўзлари жавдирайди. «Наҳотки ажрашиб кетсак, наҳотки бахтимизнинг ниҳояси шу бўлса, ахир бизлар бир-биримизни севамиз-ку?» — деган маъно бор бу кўзларда. Улар беунгина хўрсинадилар.

Маълум бўлдики ёшлар бир-бирлари билан ажрашмоқчи эмаслар. Улар бахтли оила эгалари бўлиш, иноқ-тоғув яшашлари мумкин. Фақат ўртада қайноналар келиша олмайдилар.

Ҳар икки қуда-қайнона бир-бирларига гап бермай шовқин солишмоқда. Ким нима деяпти, тушуниб бўлмайди.

— Тўхтанглар, онахонлар!! Навбат билан гапирайлик. Ахир бу ер бозор эмас, суд зали. Суд ҳайъатини ҳурмат қилинглар. Аввал сиз гапиринг, — йигитнинг онасига юзланади судья.

— Гапим шуки, келиним боламнинг бошига чиқиб олган. Иситма-совитма қилиб бошини айлантирган, ҳа!

— Тўхтанг! Келинингизнинг айби нима?

— Айбими? Айбларини санасам адо бўлмай-

ди. Биринчидан, эрталаб чиқиб кетади-да, кеч қайтади.

— Бу гапни эри айтгани тузук эмасми?

— Ҳамма гап шунда-да! Эри гапиролмайди. Хотини унинг тилини боғлаб қўйган. «Ҳой келин, мен сизни шу умидда келин қилувдиммики, қўлимдан супургини, капқирни олмасангиз» десам, зарда қиладида, ховлини чапгитиб супура бошлайди.

— Ахир унчалик эмас, ойи, — гап ташлайди ўғил кўзларини ерга қадаганча, — сал инсоф билан гапиринг.

— Сен жим ўтир, қул бўлиб қолгансан сен унга, шунинг учун ҳам тарафини оласан! Ойлигини мендан яширади. Онасига олиб бориб берса керак-да! Мана шу ўтирган ландавур ўғлимга айтаман: «Ҳой, сен ҳам мундоқ эр бўлиб, хотинингни тергаши биласанми?» Оғзидан гапи тушиб нима дейди денг: «Онажон, ҳам ишласа, ҳам уйнинг ишини қилса, нима ҳам дейин унга?» Хуллас, бошқа уйлантирмақчиман. Ажратиб қўйинг бу хотиндан ўғлимни судья болам!

Судья, ўз-ўзидан тушунарлики, қайнонанинг эмас, ёш куёв-келинининг ихтиёрини инобатга олди.

Биз вақтли матбуотда, радио ва телевидениеда, кўпдан-кўп баҳсларда ёшларимизга қайнона ва қайногаларнинг ҳурматини жойига қўйиш тўғрисида уқдирмоқдамиз. Ёшларимизнинг аксарият кўпчилиги бу борада одоблидирлар. Бу мақолада энди баъзи қайноналар тўғрисида сўз юритдик. Чунки қарс икки қўлдан чиқади.

Ҳаммамиз ҳам қайнота, қайнона бўламиз. Аммо ҳеч қачон бир нарсани унутмаслигимиз керак: фарзандимиз билан ҳаёт йўлига бирга чиққан йигит ё қиз ҳам бировнинг азиз фарзанди. Яна бир нарсани ўйлайлик, Бизнинг қизимиз ҳам бировнинг хонадонига келин бўлиб тушсаю, уни ҳам қайнонаси шундай хўрласа, биз қандай чидардик?

«Тошдай ёстиғимнинг ярми меники...»

Яқинда районимиз халқ судига, судьялардан бирига антиқа хат келди. Унда қуйидаги сўзлар бор эди: (хатни шарҳламаган ҳолда тўла-тўқис келтираман)

«Ҳурматли судья тоға!

Сиз балки мени эсларсиз, балки эсламасиз.

Гап бунда эмас. Айтиб қўймоқчиманки, до-нишманд одам экансиз. Орадан ўн йил ўтган бўлса ҳамки, овозингиз қулоғим остида. «Қизим, бир гапдан қолинг, ҳали ёш экансиз» деган эдингиз. Лекин мен сизга ҳам «сапчигандим», Шунини ўйлаб, ҳижолат чекиб кетяпман.

Ушанда ўт эдим мен, олов эдим. Эр-хотиннинг тенг ҳуқуқлилиги тўғрисида жуда кўп нарсалар ўқигандим. Тенг ҳуқуқликни мен шундай тушунар эканман: мабодо эринг сенга «дард» деса, сен унга «бало» деб жавоб қайтар. Ҳеч ҳам бир гапдан қолма. Ҳозир ҳамма тенг ҳуқуқли. Орамизда фарзандлар борлигига аҳамият бермас, ҳаёт қонунлари аслида шундай эканлиги, дам эр, дам эса хотин бир-бирларига ён босиб туришлари лозимлигини тушунмас эканман. Эримнинг юзига неча марталаб «Иккита боламни бир амаллаб боқиб оламан» дея ўшқирганларим ҳали-ҳали ёдимда.

Одам йил ўтган сари ақлли бўлиб бораверади, дейишади. Балки бу ростдир. Балки ўша оқшом, бундан ўн йил аввал, мен бир сўздан қолганимда, ўша кеч айтган сўзимни эрталаб, у биров жаҳлдан қайтгандан сўнг ётиғи билан тушунтирганимда ҳаётимиз бутунлай бошқача бўлармиди? Ким билсин! Одам ўз тирсагини тишлашга ҳаракат қилаверар экану, уддасидан чиқолмас экан.

Ун йилдан бери ёлғиз яшаяпман. Тўғри, болаларимни боқиб олдим Аммо...

— Аяжон, нега байрам кунлари ҳамма болаларни дадалари кўчага етаклаб чиқишадию, бизнинг дадамиз келмайди?

— Дадаг узокда, келолмайди, — дейман баъзан. Баъзан эса «Дадаг ўлган!» дейман газаб ичида.

Яқинда 14 ёшли ўғлим бировнинг чўнтагига қўл суқаётганда ушланибди. Шармандалик! Ахир унга нима етишмаяпти? Бу нарса ҳам отасиз ўсганлигининг оқибати. Ахир отаси ёнида бўлганида, уни лозим топса меҳр-муҳаббат билан, лозим топса қаттиққўллик билан тарбия қилганида оқибати бундай бўлмасди-да! Мана энди, бирор ўсмир ноҳўя иш қилса, оқсоқоллар бунга ажабланмай «Ҳа, ота тарбиясини кўрмаган нодон!» деб қўйишларининг сабабларини энди тушундим...

Бу хатни ёзишдан мақсадим битта: уни ҳаётга енгил-елпи назар ташлайдиган, бир оғиз сўз учун ҳам қўлига ручкаю қоғоз олиб, ажралиш ҳақида ариза ёзадиган ёшларга ўқиб берсангиз. Ажралишдан аввал улар бу хатнинг мазмунини чақсинлар».



Мамажон
Муҳиддинов

Тафаккур мўъжизаси

САТРАНЖ ТАРИХИ ДА Н
ЛА ВҶАЛА Р

У инсон закосининг шундай маҳсуллари, таъбир жоиз бўлса, шундай мўъжизалари борки, улар абадул-абад яшайверадилар, дилларни нурафшон этиб, турли-туман тусда товланаверадилар. Мана шулардан бири, қадимий иқл-идрок ўйини — чатуранга — шатранж — сатранж — шахмат ҳақида, шахмат илми, шахмат санъати, ҳозирги тилда айтганда, шахмат спорти ҳақида мулоҳаза юритмоқчиман.

Математикларнинг ҳисобига қараганда, шахмат тахтасида дастлабки ўн юришдан кейин шунчалик кўп вариантлар пайдо бўладики, 32 донанинг турли-туман комбинациясини кўриб чиқиш учун ер куррасидаги жамики одамлар бирваракайига ишга тушса, 200 миллиард йил (!) бетиним ўйнашлари лозим экан. Бу — секундига минг-минглаб операция бажарадиган ҳозирги замон электрон ҳисоблаш машиналари учун ҳам бир неча йиллик ишдир. Аммо инсон мияси, унинг ақл-заковати, минг-минглаб имкониятлар орасидан энг мақбуллари дарҳол ажратиб олиш ва ўшалар устида мулоҳаза юрита билиш хусусиятига эгадир. Айни вақтда ана шу энг мақбул йўллар инсонга битмас-туганмас илҳом манбаи вазифасини ўтай олади.

Шахмат инсон қалбидан қайнаб чиққан туйғулар, ёлқинли ҳислар, ақл-тафаккур билан омухталашиб кетади. Шахмат тахтасининг ҳар бир катагида сирли олам яширинган. У кишини мушоҳада тарозусида тортилган фикрлар, жўшқин ҳислар гирдобига, кураш майдонига етаклайди. Ҳа, шахмат ўт-олови йўқ улкан жанг майдонига, ибтидосию охири йўқ китобга ўхшайди. Минг йиллардан бери ўша 64 катакда 32 дона — сипоҳу ниёдалар билан жанг қилинади, ўша 64 «саҳифада» 32 та «ҳарф» билан «сўз» ясалади, лекин ҳали ҳеч ким унинг адоғига етган эмас!

Мана бу сатрлар Алишер Навоийнинг «Ҳайратул аброр»идан:

«...Шатранж тахтасига доналарни тўккан одам, унинг ёғоч сипоҳларини қанча мақтамасин, у чиройли кўринади, шу вақтдаки, биров икки томонга у доналарни икки қатордан қилиб терса. Шахматнинг икки томонидаги икки қатор худди икки мисра шеърга, тўрт қатор шеърнинг икки матлағига ўхшаб кетади. Бундаги ҳар дона ажойиб муаммо бўлиб, уларнинг орасида отлар ҳам пайдо бўлади. Одам қанча тўғри фикр қилмасин, бунда озгина паришонликка йўл қўйса, отнинг юриши туфайли мот бўлиб қолиши мумкин».

Маълумотларга кўра, 819 йилда Хуросонда Жобир, Раброб, Абдул Жаъфар ўрталарида расмий баҳс — ҳозирги тил билан айтганда матч ўтказилади. Бу — халифалар иштирокида бўлиб ўтган учрашувларнинг биринчиси эди. Ўрта Осиё тарихчилари бу ўйинчиларга «Олия» — устод, яъни гроемейстер уивонини беришган. Уларнинг тортишувини кузатган халифа Маъмун (бу хоразмшоҳ Маъмун эмас — М. М.) бундай деган: «Мен Шарқда Ҳинддан тортиб, Ғарбда Андалузия (Испания)гача ҳукмронман-у, бироқ кичкинагина шатранждаги 32 донани тузукроқ идора қила олмайман».

Кимсан, Хорун ар-Рашиддек халифанинг ўғли, мусулмон дунёсининг ҳоқими Маҳмун шахматда «подшонинг амри вожиб... эмас»лигини, билъақс, унда ақл-идрок ҳукмрон эканлигини тан олган.

Тарих саҳифаларидан маълумки, кейинги минг йил давомида яшаб ижод қилган фан ва маданият арбобларининг аксарияти шахматнинг нафислиги ва мураккаблиги, маданий-тарбиявий ва ҳаттоки ижтимоий аҳамияти тўғрисида кўп илиқ сўзлар битишган. Энг муҳими шундаки, улар шахматни ҳаётга қиёслаб фикр юритганлар.

Тошкентлик шахмат тарихчилари З. Хўжаев билан Ф. Дюмель Узбекистон ФА Шарқшунослик институтини фондида сақланаётган шатранж ҳақидаги қадимги нодир қўлёзмани қунт билан ўрганиб, тадқиқот натижаларини эълон қилдилар. 159 варақдан иборат ушбу қўлёзма муаллифи ўрта осиелик Абулфатҳ Аҳмад Сижзий китоб муқаддимасида шатранжнинг кенг тарқалганлиги, «саройларда ҳам, бозорларда ҳам ўйналиши хусусида гапиради. Рисоладан 283 мансуба (шатранж масаласи, ҳозирги тилда композиция) ва шахмат мавзундаги 160 рубой ўрин олган. Тадқиқотчилар буларни синчиклаб ўрганиш ва машҳур инглиз

шахмат тарихчиси Г. Меррей коллекцияларига солиштириш натижасида ажойиб хулосалар чиқардилар. Маълумки, Меррей коллекцияларида Шарқ шахмат қўлёзмаларидан олинган 553 мансуба тўпланган. Мақола авторларининг кўрсатишича, Абулфатҳ қўлёзмасидаги 287 мансубанинг 127 таси оригинал бўлиб чиқди. Шу жиҳатдан Абулфатҳнинг фақат Тошкентда сақланаётган китоби (уч нусха) шатранж ҳақидаги барча қўлёзмаларнинг аълосидир, деб тан олинди.

Энди З. Хўжаев ва Ф. Дюммельнинг юқорида зикр этилган тадқиқотидан келтирилган қуйидаги парчага диққат қилинг.

«...Асарнинг муқаддимасида Берунийнинг номи тилга олиниб: «...Унгача ва ундан олдин ҳам Берунийга тенг кела оладиган олим бўлмаган», дейилган. Бинобарин, Абулфатҳ Берунийдан сал кейинроқ яшаган, унинг асари XI—XII асрларда ёзилган. Абулфатҳ: «Ироқда, Ғазнада, Хуросон ва Ҳиндистонда бўлганман, ўзимга тенг ҳариф топмаганман», дейди. У фақат битта шаҳарни — Ғазнада тилга олади. Чамаси Ғазна Абулфатҳнинг ҳаёти ва шахматчилик фаолиятида муҳим роль ўйнаган. Маълумки, Ғазна XI асрда Шарқнинг маданий марказларидан эди. Бухоро, Урганч каби Урта Осиёнинг йирик шаҳарларидан бош олиб чиқиб кетган улкан олимлар бу ерда макон курганлар. Улар орасида Беруний ҳам бўлган. Ғазнада бошқа илмлар қатори шахматнинг ҳам ривож топиши учун Урта Осиё маданияти асос бўлганлиги муқаррар. Бунга Абулфатҳнинг: «Қийин бир мансубанинг қандай очилишини Ғазнага келгач билдим», дегани далил бўла олади».

VIII—XI асрлар Урта Осиё шатранжи энг юксак даражага кўтарилган даврлардир. Уша пайтда яратилган мансуба — масалалардан бир неча юзтаси бизгача етиб келганлигини юқорида айтиб ўтдик. Мансубаларни тузган муаллифлар ўз даврининг устод шатранжчилари бўлган, албатта. Мансубалар кишиларни завқлантирадиган бўлиши учун муаллифлар уларни ажиб комбинациялар ва қизиқ ҳикоялар билан бойитишлари лозим эди.

Урта аср шатранж мансубаларидан намуна келтиришдан олдин, мухтарам журналхонларга ўша даврдаги ўйин қондасини тушунтириб ўтайлик: пиёдалар фақат бир хона олга юра олган; фил бир хонани ташлаб иккинчисига сакраган; фарзин

диагонал бўйлаб бир хонадангина ўта олган. Шоҳ, рух, от худди ҳозиргидек ўйнаган.

Ушбу вазиятга мана бундай ҳикояни илова қилганлар. Бир офат келибдию оқларнинг деярли барча қўшинларини қириб ташлабди. Оқ шоҳ қора шоҳдан раҳм-шафқат қилишни сўрабди. Қора шоҳ, «Айтинглар, менинг ҳузуримга келсин» деб фармон берибди. Бироқ унинг вазири (d 8 даги фарзин) ўзи бормай, икки аскар (b6 ва c6 пиёдаларини) оркали, оқ шоҳга фармонни етказишни буюрибди. Шунда қора шоҳ ғазаби қайнаб, вазирнинг бўйнига қилич тортиб юборибди (a8 даги фарзини тахтадан олиб ташланг). Буни кўрган оқ шоҳ шафқат бўлишига кўзи етмай, қолган кучи билан ҳужумга ўтишга аҳд қилибди. Ярим кечада ишончли чавандозларини қора шоҳ қароргоҳига жўнатибди. Улар соқчиларни бартараф этиб (I Kf5: d7+Kpe8 d—5 2. Ke5: f7+), қора шоҳни қувиб кетишибди. (2... KPd8—c7 3. Kd7—e8+Kpc7—b7 4. Kf7—d8—Kpb7—a6 5. Ke8—c7 Краб-а6 6. Kd8—b7—Кра5—a4). Қора шоҳни таъқиб этишда оқ шоҳнинг вазири — фарзини ҳам қатнашибди (7. Фc4—b3+). Шундан кейин оқ фил a3 га қочган қора шоҳни эзиб мажақлабди (8. Ce3—c1—мот).


Шатранж мансубаларини ана шундай таърифлаш ҳоллари Беруний ижодидаги хусусиятларга айнан ўхшаб кетади. Чунончи, Беруний ўз асарларини бадий парчалар билан беба, уларнинг жонли ва қизиқарли бўлишига катта аҳамият берган. У, олим ҳамisha китобхоннинг диққатини жалб қилиши, унинг зерикиб қолмаслигига эътибор бериши шарт эканини уқдиради. «Бизнинг мақсадимиз, — деб ёзади Беруний, — китобхонни толиқтириб қўймасликдир. Ҳадеб бир нарсани ўқий бериш кишини зериктиради ва тоқатни тоқ қилади. Агар китобхон бир масаладан бошқа масалага ўтиб турса, ўзини боғларда сайр қилгандек сезади, бир боғдан ўтар-ўтмас бошқа боғ бошланади. Киши уларнинг ҳаммасини кўргиси ва томоша қилгиси келади. Ҳар бир янги нарса роҳат бағишлайди деб беҳуда айтилмаган».

Биз, Берунийнинг «Ҳиндистон» ва «Хронология» асарларида шахмат хусусида чуқур фикр юритишга қараб, унинг анчагина уста шахматчи бўлганлигига ишонардик. Шу билан бирга буюк олим бошқа бирор асарида шатранж ҳақида батафсилроқ тўхталган бўлса ажаб эмас, деган фикрда юрардик. Дарҳақиқат, шундай экан. Игирманчи йилларда Ўзбекистонда нашр этилган вақтли матбуотни кўздан кечири туриб, ногоҳ бир маълумотга дуч келиб қолдик. «Аланга» журналининг 1928 йилда чиққан 3—4 қўшма сонларида (15—16-бетлар) «Шарқда шахмат» сарлавҳали мақола босилган. Мақолада, жумладан, шундай дейилган: «...Абулфатҳ Аҳмад шатранж билан машҳур бўлгон мана шу кишиларни кўрсатадир: 1-Абубакир Муҳаммад ибн Яҳё ас-Сулий... 2-Ҳожа Ҳақим Абу Райҳон, 3-Абу Саҳл Муҳаммад ибн Али ал-Бадойи, 4-Адлий... Абулфатҳ Аҳмаднинг сўзига кўра, бу кишилар шатранжда устод бўлиб, бу тўғрида китоблар ёзгонлар...»

Мақола сўнггида бундай изох берилган: «Муаллифнинг мақташларидан ҳижрий 430 йилда ўлгон машҳур Абурайҳоний бўлса керак...»

Берунийнинг қадимги ҳинд шахмати ҳақидаги маълумотлари тарихчиларга ҳозир ҳам ягона ва асосий дастак бўлиб турган экан, буюк қомусчи Урта Осиё шатранжини юксалтиришга, чунончи, Абулфатҳ асари сингари нодир рисоалар пайдо

(I-диаграмма)



бўлишига маълум даражада ўз ҳиссасини қўшган, деб бемалол айтиш мумкин.

Кейинроқ Абулфатҳ рисоласи билан яқинроқ танишиш, уни дурустроқ ўрганиш иштиёқи туғилди. Ўзбекистон Фанлар академияси Тарих институтининг илмий ходими сифатида Шарқшунослик институти фондидаги бу нодир рисоланинг фотонусхасини олишга муваффақ бўлдим. Унинг магзини чақишда менга биринчи разрядли шахматчи, хурматли дўстим Муҳсин Умаров кўмаклашди. Рисола муқаддимасидан айрим парчалар келтираман:

«...Шуни маълум қилмоқчиманки, — дейди муаллиф, — шатранж санъатдир ва барча одоблар орасида энг олижанобидир. Ҳокимлар йнгирилди нард, руд (музыка асбоби), шеърят қўлланилганидек шоҳлар, олимлар ва улуғлар, бозор аҳли ҳамда бошқаларнинг шатранжга қизиқишлари гоят катта, улар ўз мажлисларида ҳамиша шатранж ўйнайдилар... Шатранжчиларнинг аксарияти оқил кишилардир, бирор соат ҳам шатранждан фориғ эмаслар. Мен Абулфатҳ Сижзийдирман (баъзи манбаларда Сажзий деб юритилади — М. М.), шатранж устасинан ва бу борада шуҳрат қозонганман; умримнинг элли йилини шатранжга бағишладим. Бу санъат устодлари ва муқаддамлари (илгари ўтган улуғлари)дан кўрган-билганларимни, китоблардан ўқиб ўрганганларимни ёзиб чиқдим.

Мен замонамнинг бу санъат устодларидан 19 ёшимгача ўргандим. Ўшандан ҳозиргача ўтган 50 йил давомида кўп юртларни кездим, аммо бу санъатни мендан яхшироқ билувчи кишини кўрмадим. Агар бўлса, бу муддат орасида уни учратолмадим. Мен кўп санъатларга дуч келдим. Салафларим тузган мансубаларни рад этдим ё тузатдимки, улар камчиликларини билмаган эканлар. Мен уларнинг шатранж бобида келтирган ажойиб санъатларидан яхшироқ санъатлар яратдим ёки илгаригилар яратганларини яна ҳам яхшироқ ва мукамалроқ қилдим.

Шу муддат давомида шатранжи мухтасар (64 катакли шахмат. Қадимда «шатранж комил» ёки «шатранжи кабир» деб аталувчи 100 ва ундан ортиқ хонали шахмат ҳам бўлган — М.М.)нинг менга дуч келган барча зарофат ва ажойиботларини тўпладим...»

Энди қуйидаги парчага диққатингизни тортмоқчиман.

«Хожа ҳаким Бурайҳон исломда тенги йўқ олим ва унинг шатранж бобида тузганлари ва бошқаларникидан (шатранжга оид) келтирган мисоллари унғача мавжуд бўлган тузуқлар орасида энг яхшиси ва ажойибидир.

Абурайҳон айтибдурким, шатранж тилсимот жумласидандир ва кўп кишиларга у роҳат бахш этиб ғамлардан халос қилган... Илон чаққан, захарланган кишилар, тугулмай азобда қолган ҳомиладор аёллар шатранж туфайли нажот топганлар. Бу ҳақда Муҳаммад Закарийёи ар-Розий ҳам гапириб ўтган...

* * *

Инсон — ҳамиша янгилик шайдоси. Шахматда доимо янгидан-янги қарашлар, талқинлар, фикр-ғоялар кураши ҳукмрон. Кўҳна ва ҳамиша навқирон шахмат шу боисдан ҳам энг улуғ зотларнинг йўлдоши бўлиб, улкан сўз санъаткорларининг назаридан тўшмай келмоқда.

Бутунлай ёки бир қисми шахматга бағишланган бадий асарлар оз эмас. Шахмат ҳақида минглаб

илмий рисола ва тадқиқотлар ёзилган. «Минг бир кеча»да шатранж тахтасидаги ибратли тўқнашувларни ҳикоя қилувчи саҳифалар ҳам борки, улар, аввало, шахматнинг асл ватани Шарқ эканлигидан далолат берса, иккинчидан, унда голиб чиқувчи қаҳрамонлар — доно хотин-қизлар эканлиги ўқувчини мафтун этади.

Қуйида «Минг бир кеча» ҳикояларидан биттасини қисқача келтираман.

«...Халифа канизакдан: «Отинг нима?» деб сўрабди. У: «Таваддуд» дебди. Халифа яна сўрабди: «Эй, Таваддуд, илмлардан қайсисини яхши биласан?» Таваддуд айтибди: «Эй, халифа, мен сарфнаҳфни, шеърятни, қонушуносликни, Қуръонни шарҳлаш, шунингдек мусиқий илми, ҳисобни, ер ўлчаш илмини.., биламан. Яна, мен фалсафа, ҳикмат, мантиқни биламан...


Орадан кўп ўтмай уламо-фузалолар халифа Хорун ар-Рашид саройига йнгилибдилар. Шунда Таваддуд фасоҳат ила дебди: «Эй, мўъминлар амири, буюринг, шу мажлисда ҳозир бўлганлар мен билан мунозарага киришсинлар».

...Навбати билан табиб, мунажжим, файласуф... ҳаммаси илм бобида канизакнинг ўткирлигини тан олибди.

Сўнгра амир ал-Мўмин айтибди: «Эй, Таваддуд, сен ваъда қилган нарсалардан яна бири қолди, у — шатранждир... Шатранж устаси Таваддуднинг қаршисига ўтирибди, ўйин сафи тизилибди. Шатранжчи ҳам дона сурибди, канизак ҳам. Шатранжчи қандай юрмасин, канизак унинг режаларини бузиб ташлайверибди. Натижада шатранжчи канизак то: «Кишт, мот?» дегунча ўйнаб борибди...

Шарқда «Дилором моти» деб аталувчи машҳур бир афсона бор. Эрон шоҳи Жамшид шахматга муккасидан кетган ҳукмдорлардан экан. Кейинчалик у шахматни ҳатто қиморга айлантиришгача бориб етибди. Қулларнинг бирида Жамшид қўшни мамлакат подшоҳи билан шахмат суриб, бор мол-мулкидан ажрагач, ниҳоят, гўзал хотини Дилоромни тикибди. Бир вақт тахтада шундай вазият содир бўлибди:

(2-диаграмма)



Оқлар (Жамшид)нинг аҳволи танг: шоҳига тўрт томонлама мот хавфи туғилган. Шу пайт Жамшид

Дилоромга маънос қараган экан, ўйинни томоша қилиб турган малика фақат эри тушунадиган тилда мана бу тўрт йўл шеърни кўшиққа солиб айтибди:

Шаҳо фараси хеш баноком мадеҳ,
Сар риштаи худ бамардуми ом мадеҳ.
Хеҳи ки зи дасти ту Дилором маравад,
Ду рух бедиху аспи Дилором мадеҳ.

Унинг қисқача маъноси «Икки рухнинг бергин, лекин Дилором отини эҳтиёт қил...» экан. Хотиннинг нозик ишорасини пайқаган Жамшид ажойиб мансуба — комбинация кўмагида ҳарифини олти юришда мот қилибди.

* * *

Олтмиш минг байтли «Шоҳнома»нинг буюк ижодкори Абулқосим Фирдавсий шахматни куйлаган адиблар орасида ҳам энг улуг сиймодир. «Шоҳнома»нинг мингга яқин байти шахматни тараннум этади. Бунинг сабабини сўраганларидан Фирдавсий: «Мақсад — шахматни унинг шеърятидан илҳомланиш, лаззатланишдир» деган экан. Фирдавсий узоқ умри давомида кўплаб мансубалар, шатранжга оид турли хил масалалар тўплаган, уларни китобат қилган.

Шоир Афзалиддин Ҳоқоний (XI—XII асрлар) шахмат доналарининг ҳаракатига уйғун келувчи ажиб маъноли сўзлар яратишга уста бўлган:

Пиёданг манзилга етгани ҳамон,
Ютмоқ қийин бўлур сени бегумон.

Бу ерда Ҳоқоний шахмат ўйинидаги ажойиб қондадан моҳирлик билан ҳаётий маъно чиқарган: у илк вазиятда заиф бўлган пиёданнинг етти хонани босиб ўтиб, фарзин (вазир)га айланишига нозик шама қилади, яъни кимки машаққатларга бардош берса, мақсадига етади, кимки ҳаёт сирларини ўрганса ва дунё илмларидан баҳраманд бўлса, ундан ҳеч нарса қочиб қутила олмайди, демоқчи.

Умар Хайёмнинг бир жаҳон маъно тўла дилрабо рубойларидан баҳраманд бўлмаган одам камдан-кам. Улкан олим ва шоир шахмат мотивидан моҳирона фойдаланганлигини қуйидаги рубойдан билса бўлади:

Ул чехрайи олинган насрин тарх,
Чинининг санами олур рухнингдан чин тарх.
Момул шоҳини гамза ила забт этдинг,
Олди филу от, руху пиёда, фарзин тарх.¹

Буюк Низомий асарларида ҳам шахмат кураши билан боғлиқ мотивлар тез-тез учрайди. Унинг «Хисрав ва Ширин» достонида Баҳром эришган галаба шундай тасвирланади:

Замона Хисравга бўлмади паноҳ,
Баҳром қаршисида мағлуб бўлди шоҳ.
Ҳарифи шатранжда лол қолган чоғда,
«Кишт» деди Хисравга, қолдириб доғда.

Низомий достони сўнггида ўқувчини оғоҳлантириб дейди:

Дон каби сочилган кўкариб ердан,
Сумбулдек уфурма калтак еб елдан.
Дувё бир шатранждир, унутма буни,
Икки рух бирлашса куч кетмас беждан.

Ўрта аср Шарқ классик адабиётининг забардаст намояналаридан бири Шайх Саъдий асарлари билан халқимиз азалдан ошна. Шоирнинг «Бўстон»идаги

¹. Бу рубой самарқандлик кекса шахматчи Абдужалил Халиловнинг шахсий кутубхонасида сақланаётган «Девони Хайём»дан олинди.

ҳикоятларидан биридаги мана бу икки байт жуда оригиналдир:

Меҳнаткаш мискинга зулм этма зинҳор,
Балки бўлар бир кун ул ҳам ҳукмдор...

Бойлик, амал келиб-кетиши мумкин,
Бўлганидек ногоҳ пиёда — фарзин.

Буюк озар шоири Саид Имомиддин Насимийнинг шахматга меҳр-муҳаббати баланд бўлган. Насимий бу ўйин қондаларидан фойдаланиб, ажиб фалсафий муҳокамаларни ўртага ташлаган, муаммоларни илғари сурган моҳир санъаткордир. Шоир:

Агар сен дунёнинг шоҳи бўлсанг ҳам,
Шатранжда мот бордир, ёдда тут маҳкам, —

деб ҳаётда чинакам фаолият кўрсатишга, ожиз қолмасликка чорлайди.

Мавлоно Лутфийни «маликул калом», яъни «сўз подшоҳи» деб бежиз аташмаган. У шеърларида мураккаб сўз ўйини қилади, нафис ўхшатиш ва қочиримлар ишлатади. Бинобарин, Лутфий хазинасида ҳам шахматнинг нозик томонларидан бадий восита сифатида фойдаланилган мисралар мавжуд:

Сўзларида қачонким кўзи қоши била ўйнар,
Ҳар гўшада юз минг киши боши била ўйнар...
Шатранжи латофатни ўтар нечаким ул ой,
Рух тарх бериб, чарх кўши била ўйнар.

Мавлоно Абдурахмон Жомий ҳам ўз асарларида шахмат мотивидан моҳирона фойдаланган:

Чекма бу вайрона ичра ганж учун қайгу-алам,
Нақднинг ўлди умр ганжи, ерга кўмгил оини ҳам.
Бу жаҳоннинг боқма кишту коригаким, оқибат —
Мот бўлур бир кишт ила шатранж — умринг шоҳи ҳам.

Қадимий шатранж-шахмат маданиятининг юксалишига Алишер Навоий маълум даражада ҳисса қўшганлигини, бу соҳанинг илғор вакиллари ўз қаноти остига олиб, уларга раҳнамолик қилганлигини бошқа тарихий манбаларгина эмас, балки шоирнинг ўз асарлари ҳам тасдиқламоқда.

Биламизки, Навоий «Лисонут-тайр» достонини умрининг сўнгги йилларида яратган. Бу фалсафий асарда у мажозий образлар ва уларнинг рамзли саргузаштлари орқали объектив борлиқни эътироф этади, инсонни кўкларга кўтаради. Достонда реалистик ҳикоятлар ҳам бор. «Шатранжи кабир ҳикояти» шулар жумласидандир. Унда Навоий шатранжни усталик билан тасвирлаб, икки томоннинг бир-бирига қарши юришларини ҳарбий урушларга ўхшатади ва ҳикоятдан ажойиб хулоса чиқаради: «Бу икки «шоҳ»нинг «уруши» тахтада турган сипоҳу пиёдаларни бир силкиб юбориш билан ном-нишони ўчадиган олижаноб урушдир». Ҳикоят шундай сатрлар билан тугалланади:

Чун харита ичра боғланди бари,
Шоҳ куйидур ё пиёда юкори...

Шоир ўйин бошланишида ҳурмат билан тахтага дастлаб терилган шоҳлар ўйин тугагач, халта (харита)га солинганда пиёдалар остида қолиб кетишига, яъни подшоҳларнинг мавқелари турғун эмаслигига ишора қилади.

Навоийнинг «Мажолисун-нафонс» тазкирасида ўша замоннинг маданияти кенг акс эттирилган. Навоий шоирлар ижодига ва фаолиятига баҳо

беришда уларнинг ёлғиз бадий ижоди билангина қизиқиб қолмаган. У соҳиб илмлар орасида ҳар томонлама маълумотга эга истеъдодли кишиларни юқори баҳолаган. Хусусан, шатранж усталарига берилган таъриф-тавсифлар, баҳолар Навоий замонида шатранж юксак қадрланганлигининг яққол далилидир. Асарда Мавлоно Соҳиб, Мир Муртоз, Мавлоно Муҳаммад Толиб, Мавлоно Васлий, Мавлоно Фазлулло ва бошқа уста шахматчиларнинг номлари келтирилиб, уларга қисқа-қисқа таъриф берилган.

Навоий ўша вақтларда икки хил шахмат, шатранжи кабир ва шатранжи сағир мавжудлигини айтибгина қолмай, юқорида зикр этилганидек, «Шатранжи кабир ҳикояти»ни битган. Шатранжи кабирда (катта шахматда) сипоҳлар орасида айқ, зурофа, (жирафа) туялар ҳам бўлган. Амир Темур ана шундай 100—112 катакли шатранжда ўйнашни афзал кўрган. Шатранжи сағир эса 64 хонали тахтада ўйналадиган одатий шахматдир.

Навоий доналарни кўриб туриб ўйнаш (шатранжи хозирона) қаторида тахтага қарамай ўйнаш (шатранжи ғойибона) борасида ҳам Хуросон шахматчилари жуда моҳир эканликларини таъкидлайди.

Алишер Навоий замонида шатранж ана шундай юксак даражага кўтарилган. Бунда адабиёт ва санъат аҳлининг улкан ғамхўри, ҳомийси бўлган Навоийнинг хизматлари бениҳоя катталиги ўз-ўзидан маълум.

Навоий шахсан шахмат ўйнаганлигига асло шубҳа йўқ. Лекин қачон, қаерда ва ким билан ўйнаганлиги ҳозирча номаълум.

Энг муҳими, Навоий асарлари шатранж-шахмат тарихини, терминологиясини ўрганиш ва яратишда қимматли манбалардан экани муқаррар.

Ота-бобоси асли шахрисабзлик ўзбеклардан бўлиб, умри Ҳиндистонда ўтган Мирзо Абулқодир Бедилнинг ҳамма асарларини кўшиб ҳисоблаганда минг-минглаб лирик ва фалсафий мисраларни ташкил этади. Унинг ижодида, ижтимоий масалаларга қарашида маърифатпарварлик ва мурувват, одамийлик белгилорчи ўринни эгаллайди.

Бедилнинг ниҳоятда мураккаб ва мазмундор рубоийлари орасида шахмат ўйини қондаларидан, тахтадаги хоналару доналарнинг мавқеидан усталик билан фойдаланганлари ҳам бор:

Олма ёд шатранждан эй шоҳ, тахта минмоқ санъатин
Бўлма мағрур сен кўриб шатранж сипоҳи савлатин.

Кимки муҳтожларга одоб бирда бокса, шоҳ эрур,
Бул ўйинда «кишт» дегадда ол ҳайқмоқ ибратин.

Қўқон хони Умархоннинг жияни Ҳақимхон тўра ўз замонасининг прогрессив кишиларидан бўлган. Шунинг учун Умархоннинг ўғли Маъдалихон ҳукмдорлик даврининг (1822—1842) дастлабки йилларида уни Фарғонадан бадарга қилади. Ҳақимхон тўра Россиянинг кўпгина шаҳарларини айланиб, сўнг Кубань орқали Шарқ мамлакатларига отланади. У сафар хотираларини ўзининг «Мунтахаб — ат таворих»¹ («Тарихлар хулосаси») асарида акс эттирган.

Ҳақимхон тўра Мисрда турк йигити Моҳир афанди билан дўст тутинади. Бир куни Моҳир шаҳардан дабдаба билан ўз чорбоғига кетаётган Миср подшоҳи Муҳаммад Алининг гўзал қизи Офтоб хонимни кўриб, унга ошиқу беқарор бўлиб қолади. Қиз ҳам унга майл билдиради. Ҳақимхон тўра бу воқеадан хабар топади. Қиз Моҳир афанди ва Ҳақимхон тўрани пинҳоний йўллар билан чорбоғидаги ўз хонасига қақиртиради. Малика гўзал йигитга ёнидан жой бериб, Ҳақимхон тўрани хонанинг бурчагидаги курсига ўтказди. Офтоб хоним базм орасида ёнидагиларга сўз қотар, жавоблардан кейин хонанда ва созандаларга гал бериб турарди. Суҳбат пайтида турк йигитининг турли илмлардан беҳабарлиги, унинг билими ҳуснига монанд эмаслиги билиниб қолади. Вақтики келиб, малика Ҳақимхон тўрани ҳам суҳбатга тортади. У хонимнинг ёнига келиб Ҳофиз ва Саъдийдан байтлар ўқийди, саволларига ўта билимдонлик билан батафсил жавоб қайтаради. Баъзан Офтоб хоним ёнидаги китобларни мутулаа қилгани тушар, гоҳо шатранж тахтасига қараб-қараб кўярди. Бир вақт у Ҳақимхонга юзланиб, «Шатранжи биласанми?» деб сўрайди. Ҳақимхон тўра «Бу илмлардан яхши хабарим бор, ўйинларининг бир неча хилларини ўрганганман», дейди. Хоним хазиначиси — шатранжда тенги йўқ канизакни чақиради. Шатранж тахтасига доналар терилади. Ҳақимхон тўра устма-уст икки марта голиб чиқади ва маликанинг мукофотига муяссар бўлади.

Бу ҳикояда ҳақиқат излари борлиги муқаррар. Шундай экан, Урта Осиё, жумладан қадимги Фарғонада маданият маълум даражада юксак бўлмаганида, унинг бир бўлаги — шатранж ривож топмаганида Ҳақимхон тўра бунчалик билимдон ва моҳир шахматчи бўлиб етишмас, бу воқеани «Тарихлар хулосаси» номли китобига киритишга ҳам ҳадди сизмасди.

¹ Бу китобнинг форсча бир нусхаси ЎзССР ФА муҳбир аъзоси Р. Н. Набиевнинг шахсий кутубхонасида сақланмоқда. Виз шу нусханнинг 609—624-бетларидан фойдаландик.





Ҳабиб Сиддиқов

ҚАЙТА ИШЛАШ

ҲАЖВИЙ ҲИКОЯ



Энди тушликка чиқмоқчи бўлганимда эшик ярим очилиб, кўзойнакли киши кўринди. У менга тикилиб бир зум тўхтади-да, дадил ичкарига кирди.

— Э, шу ерда экансану, укам, — деди у йўқоғган нарсасини топиб олган одамдай илжайиб.

Мен уни аранг танидим: у бир вақтлар мактабимизда хўжалик мудирини бўлиб ишлаган эди. Исми ёдимда йўқ.

У мендан ҳол-аҳвол сўраган бўлди. Гап орасида менинг ўқувчилик йилларимни эслади.

— Энди, укам, асарларимдан олиб келувдим. Бир кўриб газитингда бостирмасанг бўлмайди. Сени не-не умидлар билан ўқитувдим. Адабиётга ихлос уйғотганман... уйғотганмиз, укам.

Шунда эсимга тушди, бу одам ўқитувчимиз йўғида бизга бир-икки марта адабиётдан дарсга кирганди.

— Майли, қолдиринг, — дедим.

— Тезроқ бостирасанми ишқилиб?

— Кўрамиз-да.

— Кўрамиз-пўрамиз қима-да унақа. Тўғриси айт, чиқарасанми, йўқми?

Мен бир илож қилиб уни кузатдим. Тушликка бориб келиб, «домлам»нинг қўллезмасини ўқишга тутиндим. Ҳажвий ҳикоя дейилган бу «асар»дан бирор мазмун тополмадим. Грамматик хатоларнинг кўплигини-ку, айтманг.

Бир куни домла яна келди.

— Бу нима қилганинг-а?

— Нима қилибман? — ҳайрон бўлдим.

— Намага чиқазмаяпсан асаримни, ё каттангга кириб гаплашайми?

— Энди, ўқиб чиқдим, — деди чайналиб, — грамматик хатолар жуда кўп-ку, домла?

Собиқ завхоз жилмайди.

— Шунақами? О, қизиталор-ей, жиянинг Ҳалим кўчиргани-да «белавой»га. Етгинчида ўқисаям хато ёзибдими? Ўқитувчилари билан бир гаплашиб қўйсам бўларкан? Хай, майли, арзимаган нарса экан, ўзинг тўғрилай қол, мен розиман.

— Шугина эмас-да, тилингиз ҳам чатоқроқ. Ҳали кўп ёзишингиз — машқ қилишингиз керакка ўхшайди...

— Э, нималар деяпсан, ота ўғил. Тилим бинойидай, ойнадек теп-текис. Ўттиз икки йилдан бери озмунча конспект ёздимми? Гилдан, меҳнатдан, жуграфиядан... хуллас, қайси фандан домла бўлмаса, ўрнини босиб турганман-а? Энди гапни чўзма, қачон чиқади?

Мен бир нарса деёлмадим. Яна хабар оларман деб чиқиб кетди. Икки кун ўтгандан кейин яна келди. Ҳар гал тушунтироқчи бўлсам оғиз очгани қўймайди. «Тезлат, укам, жа-а чўзвординг-да», — дейди. Ҳар гал қўллезмасини оламану охиригача ўқишга сабрим чидамай, тортмага солиб қўяман. Охири «шуни бир нарса қилсам, қутиламанми» дедиму, бутунлай қайтадан ишлашга тушдим. Ниҳоят «асар» чиқди. Унда домланинг қўллезмасидан фақат бир нарса ўзгаришсиз қолган, бу — авторнинг исми-фамилияси эди.

Ҳикоя чиққан кунининг эртасига бир юмуш билан колхозга кетиб, кечроқ қайтдим. Уйга келишим билан:

— Вой, қаяқларда юрибсиз, дадаси, — деб қолди хотиним, — меҳмон келувди, бирам хижолат бўлдим.

— Қанақа меҳмон?

— Сизнинг мактабда тарбиялаган, тилга қизиқтирган домлангиз экан. Уйга таклиф қилдим, «Бошқа келамиз» деб кирмади. Бир нарса ташлаб кетувди...

Юрагим шув этди.

Ичкари ўтдим. Илгичда тўрхалта осилиб турибди: иккита ҳандалак унинг устида анча уринган қоғоз папка. Истамайгина олдим, кичкина хатга кўзим тушди...

«Шокирвой, қайта ишлашга қўлинг кеп копти, сўйиндим, баракалла. Яна икта хекеяа бераб кетдим, тезироқ чиқазивор, оқаси. Ҳа, жа-а қисқартиривори-магин.

Домуланг Адрашидоф».

Андижон

Акса уришларинг

(Баъзи кўшиқларга назира)

*Ларза солар дилимга хандон кулишларинг
Тарақлатиб туфличанг шаҳдам юришларинг.*

*Юз-кўзингга чаплаган ранглар хуш олгай,
Бармоқ тираб даҳанга хаёл суришларинг.*

*Мунча нафис, табиий, ёқимли ҳатто,
Тутиб бурнинг қўёшга, акса уришларинг.*

*Ҳаприқтирар юрагим тилло тиш аро,
Тўғри келган ерда чирт тупиришларинг...*

*Фақат билмайман, санам, одобу хулқинг,
Касбинг недир, қаерда, қандай ишларинг?*



— Вой, ўртоқжон, танимай қолибман-а? Худди игна ютган итдай озиб кетибсиз, нима бўлди?

— Мен ҳам сизни танимабман, ўргилай! Хиредай семиз бу хотини қаерда кўрган эканман-а, деб ўйлаб ўтирувдим.

Яҳё Тоғаев

Оҳ, сен, хаёл!

*Қани эди, хотинингдан қутилиб —
Кетиб қолсанг, бирон овлоқ жой бўлса.
Уша, кўзи қора қизга тутулиб,
Севги изҳор қилсанг, гувоҳ ой бўлса.*

*Очиб қўйсанг, ўқи, деб дил дафтаринг,
Гапирсанг ҳеч қовушмаса гапларинг,
Муччи олсанг, ёниб кетса лабларинг,
Тун бўлсаю чинор бўлса, сой бўлса.*

*Еноғини босиб сенинг юзингга,
Толе тўлиб қолса икки кўзингга,
Ҳаяжондан келолмасанг ўзингга,
Ернинг лаби шак-кар, тили мой бўлса.*

*Шу тун ҳеч ким келолмаса қошингга,
Таёғини ўқталмаса бошингда,
У ўн саккиз, сен йигирма ёшингда,
Ғанимларнинг келар йўли лой бўлса.*

*(Хар кун шундай ширин-ширин ўй бўлса,
Зў-ўр қўчқорни ошга сўй-ҳа, сўй бўлса,
Душманларнинг кўзларини куйдириб,
Булутларнинг устида оқ тўй бўлса!)*

*Қани эди, хотинингдан қутилиб —
Кетиб қолсанг, бирон овлоқ жой бўлса.
Уша, сочи у-зу-ун қизга тутулиб,
Севги изҳор қилсанг, гувоҳ ой бўлса!..*

НАСИҲАТ

Ота ўғлига доим бир хил насиҳат қиларди:

— Болам, қўй юрган ердан юрма, эчки юрадиган ердан юр. Шунда биринг икки бўлади.

Ҳозир ўғил юрадиган ердан... шайтон ҳам юролмайди.

ҚАЛБ АМРИ БИЛАН

Шаҳримиздаги «Ором» ресторани коллективи йил сайин олий маълумотли мутахассислар ҳисобига кенгайиб бормоқда. Яқинда педагогика институтини битирган ёшлардан иккитаси бу ерга кийим илувчи бўлиб ишга кирди. Мен улар билан учрашиб, икки оғиз суҳбатлашдим.

— Нима учун бу ерга ишга келдингизлар, билсак бўладими?

— Бўлади. Биз бу ерга қалб амри билан келдик. Халққа хизмат қилишни ўзимизнинг шарафли бурчимиз деб ҳисоблаймиз.

— Келажакдаги режаларингиз?

— Биз институтда ўқиётган студент укаларимизни ҳам ёнимизга тортмоқчимиз ва келгусида юқори малакали кийим илувчилар қилиб етиштирмоқчимиз.

ОМАД КУЛИБ БОҚДИ

Роҳат районидаги ёғоч омборининг мудирини С. Қўшбоевга омад кулиб боқди. У киши учта лоторея билети сотиб олган эди. Шулардан биттасига яқинда «Волга» машинаси чиқди. Қувончли ери шундаки, мазкур райондаги «Заготскот» контораси бошлиғи О. Иликбоев ҳам янги йил арафасида уч сўмга яп-янги «Волга» ютиб олди.

Уларни муборакбод этгани ОБХСС ходимлари районга жўнаб кетдилар.

АВТОРЛАРИМИЗ

Юсуф ЖУМАЕВ. Бухоро областида туғилган. Қоракўл районида мактаб муаллими бўлиб ишлайди. Шеърлари вақтли матбуотда тез-тез чиқиб туради.

Ҳожиақбар ШАЙХОВ. 1946 йили туғилган. Абу Райҳон Беруний номидаги Тошкент Политехника институтини тугатган. «7-СЭР», «Ренэ жумбоғи», «Олмос жилоси» сингари бир неча илмий-фантастик асарлар автори. Ўзбекистон ССР Езувчилари союзида ишлайди.

Маматқул ҲАЗРАТҚУЛОВ.

1947 йили Самарқанд областида туғилган. ТошДунинг журналистика факультетини тугатган. «Еруғ кун», «Чўли ироқ» каби китоблар автори. «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетасида хизмат қилади.

Мухтор ХУДОЙҚУЛОВ. Фарғона областида туғилган. ТошДунинг филология факультетини битирган. Бир қанча шеърий, насрий ва илмий асарлар муаллифи. Тошкент Давлат университетининг журналистика факультетида ишлайди.

АВТОРЛАРИМИЗ

«Ешлик» («Молодость») — ежемесячный литературно-художественный, общественно-политический журнал

На узбекском языке

Орган Союза писателей
Узбекской ССР

Рассом: **Ҳ. СОЛИҲОВ**
Техник редактор: **В. УРУСОВА**
Корректор: **Урдабек Ҳошимов.**

Адресимиз: 700000, Тошкент-II,
Ленин кўчаси, 41.

Телефонлар:

Бош редактор ўринбосари —
32-54-73

Масъул секретарь — 32-56-27

Проза бўлими — 32-57-34

Шеърий, адабий танқид ва санъат
бўлимлари — 32-56-41

Ижтимоий-сиёсий бўлим —
32-54-73

Редакция ҳажми 12 босма листдан
ортиқ роман ва 8 босма листдан
зиёд қиссалар қўлезмасини қабул
қилмайди. Бир босма листгача
бўлган асарлар авторларига
қайтарилмайди. Редакция ўз
тавсиясига кўра амалга оширил-
ган таржима асарлар қўлезмала-
ринигина қабул қилади.

Журналдан кўчириб босилганда,
«Ешлик»дан олинди» деб изоҳла-
ниши шарт.

Босмахонага 28.09.83 й. да туши-
рилди. Босишга 3.10.83 й. да рух-
сат берилди. Р—02254. Қоғоз фор-
мати 84×108¹/₁₆. Қоғоз ҳажми 5,25
лист. Шартли босма листи 8,82.
Нашриёт ҳисоб листи 10,4. Тиражи
86933 нусха. Буюртма № 1900.
Баҳоси 50 тийин.

Ўзбекистон ЛКСМ Марказий
Комитети «Еш гвардия» нашриёти.
Ўзбекистон Компартияси Марка-
зий Комитети нашриётининг
Меҳнат Қизил Байроқ орденли
босмахонаси.

Тошкент, 700029, «Правда Восто-
ка» кўчаси, 26.



Сўзсиз сурат

Расми Б. ТОЖИЕВ чизган

© «Ешлик» № 11. 1983
«Еш гвардия» нашриёти.